

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМЛИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ**

**“Тасдиқлайман»  
Ўқув ишлари проректори  
\_\_\_\_\_доц.Б.Мамажонов  
«\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_2007 йил**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ**  
фанидан маърузалар матни

**Тузувчи:                      доц. Пардаев А.Ҳ.**

**Жиззах-2007**

## АННОТАЦИЯ

Мазкур маърузалар матни ОЎЮларининг бакалавр йўналиши бўйича I босқич талабалари учун мўлжалланган. Маърузалар матнида Ўзбекистон тарихи фанининг мақсад ва вазифалари, мазмун моҳияти, ибтидоий даврдан XVI аср Шайбонийлар давлати давригача бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тарихи ёритилган.

**Тузувчилар:** доц. Пардаев М.Ҳ.

**Такризчилар:** доц.Хидоятов Р.  
доц.Миркомиллов Б.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти Тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. 2007 йил 27 августдаги № 1 сонли мажлис баёни.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти Тарих факультети Илмий Кенгашида тасдиқланган. 2007 йил 28 августдаги № 1 сонли мажлис баёни.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти Илмий Кенгашида тасдиқланган.  
2007 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_ сонли мажлис баёни.

**“Ўзбекистон тарихи” фанидан бакалавр йўналиши учун  
маъруза мавзулари ва дарс соатлари**

| <b>№</b> | <b>“Ўзбекистон тарихи” фанидан маърузалар мавзуси</b>                                                                             | <b>Ажратилган соат</b> |
|----------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|
| 1        | Ўзбекистон тарихи фани предмети, назарий-услубий асослари ва уни ўрганишнинг аҳамияти.                                            | 2                      |
| 2        | Ўрта Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми (тош даври манзилгоҳлари ва дастлабки ибтидоий хўжалик).                                 | 2                      |
| 3        | Ўзбекистон ҳудудида бронза ва темир даври манзилгоҳлари.                                                                          | 2                      |
| 4        | Урта Осиё ҳудудида дастлабки давлат бирлашмалари. Эрон аҳамонийлари ва Александр Македонский истилосига қарши озодлик учун кураш. | 2                      |
| 5        | Ўрта Осиё ҳудудида антик давр давлатлари. (Юнон-Бақтрия, Хоразм, Қанғ, Даван давлати).                                            | 2                      |
| 6        | Кушон подшолиги.                                                                                                                  | 2                      |
| 7        | Ўрта Осиёда феодал (деҳқон) муносабатларнинг шаклланиши. Илк феодал давлатлар (хоразм, хионийлар, кидарийлар, эфталлар давлати).  | 2                      |
| 8        | Турк хоқонлигининг ташкил топиши (мустақил маҳаллий давлатлар тарихи).                                                            | 2                      |
| 9        | Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан истило қилиниши. Халқ кўзғолонлари.                                                            | 4                      |
| 10       | Мовароуннаҳрда сомонийлар давлатининг ташкил топиши.                                                                              | 2                      |
| 11       | Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши.                                                                            | 2                      |
| 12       | Салжуклар ва Хоразмшоҳлар давлати тарихи.                                                                                         | 2                      |
| 13       | Ўзбек халқининг шаклланиши тарихи ва босқичлари.                                                                                  | 4                      |
| 14       | Муғул давлатининг ташкил топиши. Мовароуннаҳр муғуллар истибдоди даврида.                                                         | 4                      |
| 15       | XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда сиёсий вазият. Темур давлатининг ташкил топиши.                                         | 2                      |
| 16       | Темур давлатининг ички ва ташқи сиёсати. Темур тузуклари.                                                                         | 2                      |
| 17       | Мовароуннаҳр темурийлар даврида.                                                                                                  | 2                      |
|          | <b>Жами</b>                                                                                                                       | <b>40 соат</b>         |

# **1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

## **Режа:**

1. Ўзбекистон тарихи фанининг назарий-услубий асослари.
2. Ўзбекистон тарихини ўрганишда асосий манбалар.
3. Ўзбекистон тарихини ёритишнинг назарий-методологик асослари.
4. Комил инсонни тарбиялашда тарихнинг роли.

## **Таянч тушунчалар.**

Фаннинг предмети ва долзарб муаммолари, холислик, илмийлик, тарихийлик, диалектик услуб, моддий ва ёзма манбалар.

## **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг аҳамияти.
2. И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари Ўзбекистон тарихидаги долзарб муаммоларни ўрганиш учун муҳим йўлланма.
3. Фуқароларимиз онгига миллий истиқлол ва миллий мафкура ғояларини сингдиришда тарихнинг ўрни.

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. 1996.
2. Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Шарқ 1998.
3. Ўзбекистон тарихи концепцияси. // Ўзбекистон тарихи. 1999, 1 сон.
4. Ғуломов Х., Татибоев А. Ўрта Осиё ва жаҳон тарихи. - Тошкент. Университет, 1994.
5. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент. Фан, 1997.
6. Жўраев Н. Агар огоҳ сен ... Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
7. Ўзбекистон янги тарихи концептуал - методологик муаммолар. Конференция материаллари. Тошкент, 1998.

**Ўзбекистон тарихининг предмети ва долзарб муаммолари. Манбалар.** Тарих фани турли дунё халқлари қандай яшаганлиги, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар содир бўлганлиги, одамлар ҳаёти қандай ва нима учун ўзгариб, ҳозиргидай бўлиб қолганлигини ўрганса, Ўзбекистон тарихи эса унинг ажралмас қисми бўлиб, шу тарихий-маданий жараёнларга мос ҳолда Она заминимизда ўтмишда яшаган халқларнинг ҳаёти ва уларнинг ривожланиши давомида содир бўлган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, уларнинг турмуш тарзи, иқтисоди, ижтимоий муносабатлари, давлатчилиги, маданияти ва шу қабиларни тўлалигича ўрганадиган фандир.

Юртбошимизнинг шу ҳақдаги фикрлари катта аҳамиятга эгадир: «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан алломалар, фозилу фуқаролар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари ана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган сув иншоотлари, шу кунгача файзини, маҳобатини йўқотмаган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради».

Ўзбекистон тарихи фақат турли билимлар тарзидаги фан эмас, балки бир неча асрлар давомида тўпланиб келган ўзаро ички қонуниятлар билан чамбарчас боғланган

билимлар тизими сифатидаги ўзининг ўрганиш объекти ва предметиға эға бўлган мустақил фандир.

Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб муаммолари, ечимини кутаётган ва аниқлик киритилиши лозим бўлган масалалар талайгина. Хусусан, Ватанимиз ҳудудида энг қадимги даврлардан бошлаб яшаётган аҳоли ва уларнинг жойлашуви; бу аҳолининг қўшни қабилалар ва элатлар билан турли муносабатлари; Амударё ва Сирдарё оралиғида яшаган қадимги маҳаллий аҳолини бизнинг аجدодларимиз эканлигини таъкидлаш ва тадқиқ этиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, дастлабки ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам муҳим масаладир. Айниқса, маҳаллий қадимги аҳоли ўтроқ яшаганлиги деҳқончилик хўжалигини ривожлантирганлиги, дастлабки аҳоли манзилгохларининг пайдо бўлганлиги дастлабки манзилгохлар ривожланиб илк шаҳарларға айланганлиги; дастлабки шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар сифатида ривожланганлиги ва ниҳоят, ушбу жараёнларға асос бўлган омилар ниҳоятда муҳимдир.

Республикамиз ҳудудларидаги дастлабки давлат уюшмаларининг ўзаро ва қўшни давлатлар билан турли алоқалари, уларнинг тарихий-географик ҳудуди ва чегаралари ҳам анча мунозарали мавзу ҳисобланади. Ҳозирги кунға қадар ўлкамиз ҳудудлари ва бу ердан четда битилган ўрта асрларға оид ёзма манбаларни ўрганиш бўйича талайгина ишлар амалға оширилган бўлишиға қарамай, бу йўналишда янада қадимгироқ даврларға оид қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбаларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, булар моддий ва ёзма манбалардир. Тарихимизнинг энг қадимги, яъни ёзувсиз замонларға оид даврини ўрганишда археологик, антропологик ва этнографик манбалар ёрдамға келади. Бу манбалар турли-туман бўлиб, уларға - қадимги манзилгохлар ва шаҳарлар харобалари, мазор-қўрғонлар қолдиқлари, турмуш ва хўжалиқда ишлатиладиган буюмлар, меҳнат ва жанговор қуроллар, турли-туман ашёлар киради. Ёзма манбалар эса, энг қадимги ёзувлар, битиклар ва китоблардан иборатдир. Моддий ва ёзма манбалар маълумотларини солиштириб, қиёслаб тарихни талқин этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон тарихини ёритишнинг назарий-методологик асослари.** Ватан тарихини ёритишда назарий-методологик асосларни билиш катға аҳамиятға эға. Илмийлик, ҳолислик, тарихийлик методлари тарихни ёритишнинг асосий калити ҳисобланади.

Биринчидан, яратилган ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги миллат тарихи концепцияси асосида тарихни даврларға бўлиш ва уларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Энг асосий вазифалардан яна бири - мустақиллик даврида яратилган янги тадқиқотлар асосида объектив тарихни ўргатишни ташкил қилишдир.

Илмийлик билан бир қаторда ҳолислик туради. Бунда таҳлил қилинаётган ҳар бир тарихий воқеа-ҳодисаларни ҳолис, ҳаққоний равишда ўрганиш ёки тарихнависнинг хоҳиш - иродасидан ташқарида, воқеа-ҳодисалар қандай содир бўлган бўлса, шундайлиғича ёритиш кўзда тутилади. Ҳар бир тарих ёзувчи киши шахс сифатида ўзининг фикри-мулоҳазалари, идроки ва бошқа ҳис-туйғулар орқали атрофни ўраб турувчи муҳит билан узвий равишда боғлиқ. Бу боғлиқлик унға ўз таъсирини ўтказади.

Ҳолислик талаб қиладиган қоидалар шундан иборатки, ушбу йўналишда тарихий-маданий тараққиётни (тарихнинг турли даврларида) ўрганиш жараёнида бўлиб ўтган ёки шу тараққиёт билан боғлиқ бўлган жамики воқеа-ҳодисаларни ҳеч бир ўзгаршларсиз, қандай бўлиб ўтган бўлса, ўша ҳолатда талқин ва таҳлил этиш, текшириш ва ҳулосалар чиқариб яхлит ҳолға келтириш ўта муҳимдир. Бу ҳолатда аниқ манбавий асосларға таяниш, тарихий жараёнларнинг ўзаро ҳамбарчас боғлиқлигини асослаш лозим бўлади. Бу жараёнда ҳудудлар ўртасидаги ривожланиш жараёнларини ўзаро солиштириш, қиёслаш ва таққослаш ижобий натижалар бериши табиий ҳолдир.

Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг услубий асосларидан яна бири - бу воқеа ва ҳодисаларни диалектик тарзда ўрганишдир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради.

Бу услуб Ўзбекистон тарихини ўзлаштиришда уни тўлалигича, воқеа-ҳодисаларни бир-бири билан боғлиқликда, айрим тарихий воқеликни ўргатувчи фанларни ҳам бир бутунликда, унинг бўлақларини ажратиб олмаслик ва воқеа-ҳодисаларни доимо ўзгаришда, ривожланишда ўрганишни талаб қилади. Бирор бир давр ҳақида фикр-мулоҳаза юритилаётган бўлса, ана шу даврнинг ўзига хос хусусиятларини англаб олиб, уни кўрсатишни талаб қилади. Диалектик услубга асосланиб, тарихий жараёни умумийлик ва алоҳидалик қоидалардан келиб чиққан ҳолда тушуниш лозим.

Диалектик услуб Ўзбекистон тарихини аввало Ўрта Осиё, қолаверса, жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Чунки мавжуд бўлган ҳар бир халқ, ёки элат тарихи фақат ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турсада, бутун инсоният тараққиёти тарихи билан умумий боғланишдадир.

Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек халқининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши жаҳон тарихи тараққиётининг ажралшас қисмидир. Энг қадимги даврлардан бошлаб яқин ўтмишга қадар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Еттисув, Эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон каби ҳудудлар ўртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд эди.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда тарихийлик услуби ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу услуб тарих жараёнида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади. Бир воқеа-ҳодиса билан бошқасини сабаб-оқибатли боғланиши ҳам кўрсатилади. Тарихийлик воқеа-ҳодисаларни қай тарзда содир бўлганлигини, жамият ривожланишида айрим шахслар ва уларнинг роли тўғрисида тўғри, ҳаққоний фикр юритишга ўргатади.

Тарихийлик услуби халқнинг ўтмишига, ҳозирги замони ва келажагига ягона тарихий жараён сифатида ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарашни талаб қилади.

Бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни, аجدодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўргансак, англаб етсак ҳамда кенг тарғиб этсак, ҳозирги замонни шунчалик мукаммал тушуниб, келажакни ёрқин тасаввур этамиз.

**Комил инсонни тарбиялашда тарихнинг роли.** «Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай инсонларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин, эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Республикамиз Президенти Ислом Каримов қаламига мансуб ушбу сўзлар комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихини ҳолисона ва ҳаққоний ўрганиш нақадар, муҳим эканлигининг далилидир.

Ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихининг ўрни каттадир. Комил инсон тушунчасига Юртбошимиз яна шундай таъриф берадилар: «Комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди, у ҳар бир нарсани ақл ва мантиқ тарозисига солиб кўради, ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида кўрган киши етук одам бўлади».

Бутунга кунда халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давлатнинг олдида турган муҳим вазифаларидан

бири бўлиб қолмоқда. Маънавият, маънавий баркамоллик шундайгина киши руҳига кириб қолмайди. Унга ҳар куни ва ҳар соатда тинмай сабр-бардош билан меҳнат қилиш орқали етишиш мумкин. Бу хайрли ишда Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг ўрни беқиёсдир.

Ўтмиш шундай бой тарихий тажриба манбаидирки, одамлар ундан ўрганадилар, тажрибага эга бўладилар ва ундан илҳом оладилар. Ҳозирги кунда тарихни билиш кундалик назарий ва амалий вазифалар ечимини топишда зарурий восита ҳисобланади.

## **2-МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ ХУДУДИДА ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ (тош даври манзилгоҳлари ва дастлабки ибтидоий хўжалик)**

### **Режа:**

1. Жаҳон тараққиёти тарихида Ўрта Осиё цивилизациясининг ўрни.
2. Ўрта Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми.
3. Антропогенез жараёнлари.
4. Ибтидоий тасвирий санъат.

### **Таянч тушунчалар:**

Цивилизация, Ибтидоий жамоа тузуми, антропогенез, Селунғур, тош даври, ибтидоий хўжалик, ибтидоий тасвирий санъат, мезолит, неолит, ишлаб чиқарувчи хўжалик, энеолит.

### **Назорат учун саволар:**

1. Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки манзилгоҳларни аниқланг?
2. Дастлабки одамзотнинг турмуш тарзи ва хўжалиги ҳақида маълумот беринг.
3. Антропогенез жараёни нима ва унинг босқичларини аниқланг.
4. Мезолит даври манзилгоҳлари ва янгиликлари аниқланг.
5. Неолит даври янгиликлари ва манзилгоҳларини аниқланг.
6. Ишлаб чиқарувчи хўжалик нима ва қачон пайдо бўлган?
7. Энеолит даври хўжалиги ва янгиликлари.

### **Адабиётлар:**

1. Археологлар ҳикоя қилади. Тўплам. Тошкент, 1974.
2. Арциховский А. Археология асослари. Тошкент, 1970.
3. Аскарлов А, Альбаум Л. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1970.
4. Борисовский А.И. Древнейшее прошлое человечества. Москва. Наука, 1980.
5. Кабиров Ж, Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент, 1990.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
7. Окладников А.П. Палеолит и мезолит Средней Азии. Вкн. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М. - Л., 1966.
8. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.
9. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Пер. с англ. Д. А. Коропчевского. М., 1989.
10. Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А. Народы, расы, культуры. М.: Наука, 1985.
11. Ўзбекистон тарихи. Сагдуллаев А., Эшов Б. таҳрири остида. Тошкент. Университет, 1997, 2-нашри, 1999.

**Жаҳон тараққиёти тарихида Ўрта Осиё цивилизациясининг ўрни.**  
Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири эканлигига илмий жиҳатдан ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадқиқот ишларининг натижалари ҳам Ватанимизнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини тасдиқлайди.

Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларнинг турли даврларда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда эришган ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичига кўтарилишини цивилизация тушунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараққиёт босқичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.



Ўрта Осиё цивилизацияси турли ҳудудларда турли даврларда пайдо бўлди ва ривожланди. Мисол учун, жанубий ҳудудларда яшаган қадимги қабилалар мил.авв. VI минг йилликдаёқ деҳқончиликка ўтиб, унумдор ҳўжаликни ривожлантирган бўлсалар, бу даврда шимолий ҳудудлардаги қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бу нотекислик жараёнини табиий географик шароитлар ва ўзаро муносабатлар билан изохлаш мумкин. Бу ўринда Урта Осиёнинг чўл ва дашт ҳудудлари ҳамда тоғолди ва дарё воҳалари ҳудудларининг ривожланиш даражасидаги маданий нотекисликни таққослаб кўриш (Копетдоғ, Ҳисор, Зарафшон тоғолди ҳудудлари ҳамда Кизилқум, Корақум, Кашқадарё ва Зарафшон воҳасининг дашт ҳудудлари) муҳимдир.

Ундан ташқари, Ўрта Осиёда турли-туман маданият яратган қадимги аҳолининг неолит давридаёқ, яъни мил.авв. VI-IV минг йилликлардаги ўзаро муносабатлари ва бу аҳолининг Шарқдаги, даставвал Олд Осиёдаги бошқа қадимги цивилизация ўчоқлари билан узвий алоқада бўлиши ҳам маҳаллий цивилизациянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар тош даврининг илк даврларидаёқ жойлаша бошланган. Илк палеолит даврига оид маконлар Фарғона водийсидаги Селунгур ва Тошкент вилоятида жойлашган Кўлбулоқ маконларидан топиб ўрганилган. Уларнинг маконлари асосан булоқ ва дарё бўйларида жойлашган, асосан овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги одамларнинг дастлабки вакилларида бири неандерталь одамлари ҳисобланган. Бу одам қолдиқлари Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан топилган бўлиб, милоддан аввалги 100 – 40 минг йилликларда Осиё ва Европада кенг тарқалган эди. Бу даврда одамлар қўлидаги қуроллар турлари кўпайди ва найзасимон, қирғичсимон, пичоқсимон ва бошқа қуроллар пайдо бўлди. Бу даврда иқлим анча совуқ бўлиб, одамлар ғорларда яшаганлар ва оловдан фойдаланганлар.

Сўнгги тош даврида (мил.авв. 40–12 минг йилликлар) замонавий киёфадаги одамларнинг вужудга келиши билан бирга йирик ҳайвонларни ов қилиш жараёни ривожланди. Ертўла ва чайласимон турар жойлар пайдо бўлди. Жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлди, уруғ жамоаси юзага келди. Аёлнинг жамиятдаги мавқеи анча юксалди. Она уруғи даври – матриархат вужудга келди. Сўнгги тош даврининг энг катта ютуқларидан бири тасвирий санъатнинг юзага келиши эди. Ҳайкалтарошлик ва рассомчилик, диний тушунчалар шакллана бошлади.

Мезолит – ўрта тош даврида (мил.авв. 12–7 минг йилликлар) музлик чекинди ва ҳайвонот ҳамда наботот дунёсида кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Инсон ҳаётидаги дастлабки йирик кашфиётлардан бири – ўқ-ёй кашф этилди. Овчилик билан бирга балиқчилик ҳам ривожланди. Ҳайвонларни хонакилаштириш натижасида чорвачиликка асос солинди. Мезолит даврининг сўнгги босқичларидан Олд Осиё ва икки дарё оралиғида деҳқончилик ҳўжалиги шаклланди ва бу жараён Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда кейинроқ юзага келди.

Неолит-янги тош даврида (мил.авв. 6–4 м.йй) Жанубий Туркманистон ҳудудларида деҳқончиликка ўтиш бошланди. Ҳўжаликнинг ишлаб чиқариш шаклига ўтилиши инсоният тарихида, кишилиқ жамиятида инқилоб юз беришига олиб келди.

Энеолит-мис-тош даврида (мил.авв. 4–3 м.йй) одамлар металлни кашф этдилар ва шу даврлардан бошлаб Ўрта Осиё кишилиқ жамияти тарихида янги маданий ва иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Кулолчилик, тўқувчилик вужудга келди, пахсадан уйлар қурила бошланди. Қурилишда хом ғиштдан ҳам фойдаланилди ҳамда кўп хонали турар жойлар барпо этилди.

Милоддан аввалги 4 минг йилликда Ўрта Осиё жанубида суғорма деҳқончилик юзага келди, кўплаб суғориш тармоқлари вужудга келтирилди, унумдорлик аста секин ошиб борди.

Бронза даври бошланиши билан (мил.авв. 3-минг йиллик ўрталари) жамиятда отанинг мавқеи ошди ва патриархат юзага келди. Бу даврда Ўзбекистон

худудларида дехқончилик кенг тарқалди. Ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланди ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тараққий этди.

**Ўрта Осиё худудида ибтидоий жамоа тузуми. Антропогенез жараёнлари.** Ибтидоий жамоа тузуми кишилиқ жамияти тараққиётидаги энг узок давом этган ва энг қадимга давридир. Бу даврни ёзма манбалар асосида ўрганиб бўлмади. Шунинг учун ҳам бу даврни чуқур ўрганшда археология, этнография, антропология каби фанларнинг аҳамияти беқиёсдир. Қадимги одамлар ўз фаолияти даврида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиб, кундалиқ ҳаётда ўзига зарур бўладиган меҳнат қуроллари ясаган, яшаш учун маконлар танлаган, кейинчалик эса бошпаналар қурганлар. Ўз навбатида бу жараёнлар инсон фаолиятига таъсир кўрсатган.

Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё худудида ибтидоий жамият ривожланишнинг алоҳида босқичлари қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Палеолит («палайос»-қадимги, «литос»-тош) даври; бундан тахминан 800 минг йил илгари бошланиб, 15-12 минг йил илгари тугайди; ўз навбатида бу давр учга бўлинади;

а) илк палеолит-Ашель даври, 800-100 минг йилни ўз ичига олади;

б) ўрта палеолит-Мустье даври, милоддан аввалги 100-40 минг йилликлар;

в) сўнгга палеолит-милоддан аввалги 40-12 минг йиллик.

2. Мезолит («мезос»-ўрта, «литос»-тош) милоддан аввалги 12-7 минг йилликлар.

3. Неолит («неос»-янги тош) милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар.

4. Энеолит (мис-тош даври) милоддан аввалги 4 минг йилликнинг охири 3 минг йилликнинг боши.

5. Бронза даври-милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар.

6. Темир даври-милоддан аввалги 1 минг йилликнинг бошларидан.

Ўзбекистон худудларидаги энг қадимги одамларнинг манзилгоҳлари Фарғона водийсидаги Селунғур, Тошкент вилоятидага Кўлбулоқ, Бухородаги Учтут маконларидан топилган. Бу давр одамлари тошлардан қўпол қуроллар (чопперлар) ясаб, термачилиқ ва жамоа бўлиб ов қилиш билан шуғулланишган. Илк палеолит даври одамлари жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирга одамлардан фарқ қилишган. Улар табиат олдида ожиз бўлиб, унда тайёр бўлган маҳсулотларни ўзлашгирганлар. Улар на диний тушунчани, на дехқончиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Ўрта палеолит даври маконлари Тошкент воҳасидаги Обираҳмат, Хўжакент, Самарқанддаги Омонқўтон, Бойсун тоғларидаги Тешиктош каби кўпгина маконлардан аниқланган бўлиб, улардан шу даврга оид кўпгина турли-туман тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Обираҳмат макони ёйсимон шаклда бўлиб, бу ерда 10 м қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланган. Топилмалар орасида нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар учрайди, шунингдек, турли хайвонлар суяклари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Яна бир машҳур ёдгорлик Тешиктош ғор макони бўлиб, бу ердан турли-туман қуроллар ва хайвон суякларидан ташқари, 9-10 яшар боланинг қабри қазиб очилган. Қабрдаги мурданинг ёнига турли тош қуроллар ва архар шоҳи қадаб қўйилган.

Ўрта палеолит даврига келиб ибтидоий жамият одамларининг меҳнат қуроллари такомиллашиб, турмушида янги унсурлар пайдо бўла бошлайди. Энг муҳими, ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтиш бошланади. Шимолдан улкан музлик силжиб келиши натижасида олов кашф этилади. Одамлар ўчоқлар атрофларида тўпланиб, ибтидоий турар-жойларга асос солдилар. Жамоа бўлиб ов қилиш пайдо бўлди.

Сўнгги палеолит қадимга тош асрининг сўнгги босқичидир. Бу даврга оид маконлар Оҳангарондаги Кўлбулоқ, Тошкентнинг ғарбидага Бўзсув 1 ҳамда Самарқанд шаҳридан топилган. Улардан топилган топилмалар орасида қирғичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, болталар каби қуроллар бор. Бу даврга келиб одамлар фақат тоғли

худудларга эмас, текисликларга ҳам тарқала бошлайдилар. Бу даврнинг энг катга ютуғи уруғчилик тузумига (матриархат) ўтилишидир.

Палеолит даврига хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, бу даврда ибтидоий одамлар хўжалик юртишнинг энг оддий йўлларида (териб-термачлаб) мураккаброқ кўринишларига (овчилик, балиқчилик) га ўтдилар. Олов кашф этилди. Ибтидоий турар-жойлар ўзлаштирилди. Инсоният ибтидоий пода давридан уруғчилик тузумига ўтди. Меҳнат қуроллари такомиллашиб, уларининг турлари кўпая борди. Шунингдек, бу давр ибтидоий одамлари орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди.

Мезолит даври ёдгорликлари Сурхандарёдаги Мачой ғор маконидан, Марказий Фарғонанинг кўпгина ёдгорликлардан топиб ўрганилган. Бу даврга келиб музлик яна шимолга қайтади. Хайвонот ва ўсимлик дунёсида катта ўзгаришлар содир бўлади. Инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама-ўқ-ёйни кашф этади.

Мезолит даври қуроллари палеолитга нисбатан ихчамлиги ва сифатлилиги билан фарқ қилади. Мезолит даври қабилалари асосан овчилик ва термачилик хўжалиги юритганлар. Бу даврнинг охирларига келиб, дастлабки уй чорвачилиги ёки хайвонларни хонакилаштириш бошланади.

Неолит даврига келиб, қадимги қабилалар ҳаётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Бу давр одамлари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўллар бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиқиб балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик ҳамди қисман хунармандчилик билан шуғулланганлар. Бу даврнинг энг катта ютуқлардан бири кулолчиликнинг пайдо бўлишидир. Шунингдек, бу даврга келиб тўқимачилик ва қайиқсозлик ҳам пайдо бўлади. Неолит даври қабилалари хўжалик шаклларига қараб қуйидаги маданиятларига бўлинади: Жойтун маданияти, Калтаминор маданияти, Ҳисор маданияти.

**Жойтун маданияти.** Жанубий Туркманистон ҳудудидаги мил.авв. VI-V минг йилликларга оид маданият. Бу ердан Ўрта Осиёдаги биринчи паҳса уйлар қолдиқлари, сопол идишлар намуналари аниқланган. Аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва қисман овчилик билан шуғулланган.

**Калтаминор маданияти.** Қадимги Хоразм ҳудудидан топилган бўлиб, мил.авв. V-IV минг йилликларга оиддир. Топилмалар Калтаминор қабилаларининг балиқчилик, овчилик ва қисман хунармандчилик билан шуғулланганлигидан далолат беради.

**Ҳисор маданияти.** Асосан, Ҳисор-Помир тоғларидан топилган. Миллоддан аввалги V-IV минг йилликларга оид. Ҳисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шуғулланганлар.

Энеолит даври маконлари Хитойдан Дунайгача бўлган катта ҳудудда тарқалган бўлиб, ҳамма жойда ижтимоий тараққиётнинг бир хил босқичи кузатилади. Ўрта Осиёда қуйидаги янги тарихий-маданий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқ

1. Хўжаликнинг бошқа ҳамма турларига қараганда ҳайдама деҳқончиликнинг устунлик қилиши;

2. Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлган ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши;

3. Катта-катта ибтидоий жамоаларнинг паҳсадан ва хом ғиштдан тикланган катта-катта уйлари;

4. Кулолчиликда муҳим техника ютуғи-хумдонларнинг ишлатилиши.

5. Турли хайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруғи (матриархат) га хос ҳайкалчалари;

6. Рангдор, турли тасвирлар билан безатилган сопол буюмлар мавжудлиги.

Энеолит-мис-тош даврида одамлар дастлабки металл билак танишдилар. Бу даврга келиб мис қуроллар анча такомиллашган бўлса-да, ундан оғир меҳнат қуроллари яшашнинг имкони йўқ эди. Мисдан асосан уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар ва ҳарбий қуроллар ясалган. Энеолит даври ёдгорликлари Бухоро вилоятининг Лавлакон,

Бешбулок, Учтут (мис кони) мавзеларидан, Панжикент атрофларидан (Саразм маданияти) топиб текширилган. Бу даврга келиб, деҳқончилик Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларига ҳам ёйилади.

Ҳозирга кунда ибтидоий жамоа тузумининг турли баҳсларга сабаб бўлаётган муаммоларидан бири антропогенез-одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир. Турли ҳудудларда қадим замонларда яшаган илғор мутафаккирлар одамнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён этганлар. Улар асосан инсоният ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан деган фикрни билдирадилар. Инсоннинг пайдо бўлиши миллионлаб йиллар давом этган ривожланган жараёнининг натижасидир. Энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Шарқий Африкадан (Олдувай, зинжантроп), Индонезиядан (Ява, питакантроп), Хитойдан (синантроп), Германиядан (Гейдельберг) топиб текширилган. Кейинги топилмалар, яъни, замонавий одамга анча яқин бўлган одам қолдиқлари дастлаб Неандерталь (Германия) водийсидан топилган (Ўзбекистондаги Тешиктош).

Ўрта тош даврида, биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандерталь қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфадаги одамларга айлана бошладилар. Улар жисмоний жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни тугади (кроманьон кўринишидаги одамлар). Бу жараённинг тугаши инсоният тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, инсон дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, интилиш ҳамда онгининг ривожланиши натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди.

Жанубий Қозоғистоннинг тоғ ва тоғолди туманларидан, Қирғизистоннинг тоғ водийларидан, Жанубий Туркменистонда, Қизилқум ва Қорақум ичкарасидаги қадимги кўллар атрофида, Ўзбекистондаги Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийларида, Зарафшон, Сурхондарё, Кашқадарё воҳалари, Фарғона водийси ва унинг тоғли ҳудудларидан ибтидоий жамоа тузумининг барча давларига оид ёдгорликлар топилган. Бу топилмалар Ўрта Осиёни антропогенез жараёни содир бўлган ҳудудлар сарасига қўшиш имконини беради.

Ҳозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзоднинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа дейдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса одам илк марта Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган ғояни илгари сурадилар. Умуман олганда, одамзоднинг дастлабки ватани ҳақида олимлар орасида ягона фикр ҳозирча йўқ.

**Ибтидоий тасвирий санъат.** Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, ғорларнинг деворларига турли тасвирлар чизиш сўнгги палеолит даврига оиддир (Испания, Алтамир ғори). Ўрта Осиёда унгулар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб эса ривожланган босқичга кўтарилади. Калтаминор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг турли намуналари топилган. Ўрта Осиёнинг тоғлиқ ҳудудларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хил. Бир хиллари бўёқ (оҳра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган (петроглифлар) расмлардир.

Ўзбекистондаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Теракисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу ердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллариининг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Энг қадимга расмлар Зараутсой (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яъни милл. авв. VIII-IV минг йилликларга оиддир. Қоятош расмлари оркали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин.

Шунингдек, қоятош расмлар кадимга авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, ибтидоий санъатнинг энг ривожланган босқичи неолит даврига оиддир. Бу давр Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятларига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг жуда кўплаб намуналари топилган. Неолит даври одамлари идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли нақшлар, одам ва ҳайвон тасвирларини ифода этганлар. Шу билан бирга лойдан ясаиб, пиширилган аёл ҳайкалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналари ҳисобланади.

### **3-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА БРОНЗА ВА ТЕМИР ДАВРИ МАНЗИЛГОҲЛАРИ**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистон ҳудудида бронза даври манзилгоҳлари.
2. Ўзбекистон ҳудудида темир даври манзилгоҳлари.
3. Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданияти

#### **Таянч тушунчалар:**

Бронза даври, темир даври, манзилгоҳлар, шаҳарсозлик маданияти, суғорма деҳқончилик, Сополлитепа.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон ҳудудида бронза даври манзилгоҳларини аниқланг.
2. Ўзбекистон ҳудудида темир даври манзилгоҳларини аниқланг.
3. Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданияти ҳақида маълумот беринг.
4. Ўзбекистон ҳудудида суғорма деҳқончилик қачон пайдо бўлган ва унинг аҳамияти нималардан иборат.
5. Сополлитепа манзилгоҳи ҳақида маълумот беринг.
6. Ўлкамиз ҳудудидаги энг қадимги шаҳарлар ҳақида маълумот беринг

#### **Адабиётлар:**

1. Археологлар ҳикоя қилади. Тўплам. Тошкент, 1974.
2. Арциховский А. Археология асослари. Тошкент, 1970.
3. Аскарлов А, Альбаум Л. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1970.
4. Борисовский А.И. Древнейшее прошлое человечества. Москва. Наука, 1980.
5. Кабиров Ж, Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент, 1990.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
7. Окладников А.П. Палеолит и мезолит Средней Азии. Вкн. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М. - Л., 1966.
8. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.
9. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Пер. с англ. Д. А. Коропчевского. М., 1989.
10. Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А. Народы, расы, культуры. М.: Наука, 1985.
11. Ўзбекистон тарихи. Сагдуллаев А., Эшов Б. таҳрири остида. Тошкент. Университет, 1997, 2-нашри, 1999.

Нафақат Ўзбекистон, балки дунё тарихида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари ҳозирги кунда тадқиқотчилар орасида энг долзарб бўлиб турган муаммолардан бири ҳисобланади. Масалани ўрганиб, унга аниқлик киритишдан олдин давлатчиликнинг илдизлари ва пайдо бўлиш шарт-шароитларига диққат-эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Янги тош асрига (неолит) келиб Ўрта Осиё ҳудудларида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларини янада тезлаштирди. Бронза даврига келиб эса деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажралиб чиқиши, ихтисослашган ҳунармандчилик хўжаликларининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, меҳнат қуролилари янада такомиллашиб борди. Жамиятда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши ва жадаллик билан ривожланиши ўз навбатида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг сабаб бўлди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжаликнинг асоси ҳисобланиб, бу жараён жанубий Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза (мил. авв. III-II йилликлар) даврида, Тошкент воҳаси ва унинг атрофларида эса илк темир (VIII-IV

асрлар) даврида шаклланиб ривожланди. Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қулай бўлган Амударё (юқори, қуйи, ўрта) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидага дастлабки давлатлар - Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳозирга кунга келиб, Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даврига оид ёдгорликларидан (Сополли, Жарқўтон, Анов, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Чуст, Далварзин, Даратепа ва бошқ.) Ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қурооллар топиб ўрганилган. Металл қуроолларининг меҳнат қурооллари сифатида жамият ҳаётига кенг ёйилиши меҳнат унумдорлигининг янада юксалиши учун улкан имкониятлар яратиб, бу жараён давлатчилик пайдо бўлишини янада тезлаштирди.

Сўнгги бронза даврига келиб қулолчилик чархининг ишлатила бошланиши натижасида Сополли, Олтинтепа, Гонур, Жарқўтон қабиларда қулолчилик маҳаллалари пайдо бўлади. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг тошга, металлга, ёғочга, суякка ишлов бериш турлари ҳам кенг тарқалади. Ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши учун муҳим бўлган қўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлди.

Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган аҳоли қадимги даврлардан бошлаб ўзаро муносабатларни ривожлантириб келганлар. Бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашди. Бу ўринда ўша даврда шаклланиб кейинчалик янада ривожланган қадимги йўларнинг аҳамияти бекиёс бўлди. Бу йўлар орқали Ўрта Осиё қадимги аҳолиси минтақадан ташқари қўшни давлатлар Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон қабилар билан турли алоқаларни ривожлантирганлар.

Хуллас, Бронза даврига келиб аҳоли ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаларига - деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ихтисослашиб борди. Бу жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва уларнинг бир ерга тўпланиши учун замин яратади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ўз навбатида маҳсулот ҳажмининг ўсиб, қўшимча маҳсулот пайдо бўлишига сабаб бўлди. Демак, қадимги хўжаликларнинг ихтисослашуви, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, металлнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, ҳунармандчиликда турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотик тараққий этиши натижасида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш кузатилади. Бу юксалиш илк давлатчиликнинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Мил. авв. IV минг йилликка келиб қадимги Миср хўжалигида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик катта ютуқларга эришади. Кўп тармоқли бўлган ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқади. Савдо-сотик кенг миқёсда ривожланиб боради. Айнан мана шу даврда жамиятнинг ижтимоий ҳаётида ҳам тубдан ўзгаришлар бўлиб ўтди. Аҳоли орасида табақаланиш рўй бериб, жамият учта - ҳукмрон қатлам (қабила оқсоқоллари, қўҳинлар, бой жамоачилар), деҳқончилик жамоаси аъзолари (қад. Миср жамиятдаги моддий чиқарувчилар) ва қуллар қатламларига бўлинади.

Мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида Қадимги Мисрда шаҳар маркази атрофидаги бир нечта қишлоқлар бирлаштирган унчалик катта бўлмаган вилоятлар (номлар) доирасида дастлабки давлатлар пайдо бўлади. Марказий шаҳарлар марказида ҳукмдор қароргоҳи ва бош ҳудо ибодатхонаси жойлашган. Бу даврда Қуйи Мисрда 22 та ном, Юқори Мисрда 20 та ном бўлгани маълум. Мил. авв. IV минг йили охирига келиб барча номлар бирлаштирилиб Қуйи Юқори подшоликлар ташкил топади. Қуйи Миср подшолиги пойтахти Энхаб (Нехен) шаҳри, Юқори Миср

подшолиги пойтахти эса Буто шаҳри эди. Қадимги Мисрнинг ривожланиши Ўрта, Янги ва Сўнгги подшоликлар даврларига бўлинади.

Мил. авв. V минг йилликка келиб, қадимги Месопотамия аҳолиси ҳаётида Халаф маданияти (Тал-Халаф қишлоғи номидан) маълум аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, бу ҳудудларда жамиятнинг табақалашуви ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши ҳамда Шумер цивилизациясининг асослари Урук (IV мингликнинг иккинчи ярми) маданияти билан боғлиқдир.

Бу даврда Месопотамия хўжалигининг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этарди. Аста-секинлик билан деҳқончиликдан ҳунармандчилик хўжаликлари ажралиб чиқиб, улар жамият ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган тармоқларга айлана бошлайди. Ички ва ташқи алмашинув ривожланади. Қўшни вилоятлардан мис, олтин, қурилиш моллари, қимматбаҳо тошлар келтирила бошланади. Манзилгоҳлар ўлчамлари кенгайиб, улар маданий, маъмурий, сиёсий ва диний марказларга айланиб боради.

Мил. авв. IV минг йилликка келиб ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш муносабатлар ҳам тараққий этади. Натижада Месопотамия жамиятда мулкӣ тенгсизлик ва ижтимоӣ табақаланиш рӯй беради. Мил. авв. III йилликнинг бошлари Месопотамиянинг (Тигр ва Евфрат дарёлари водийси) жанубида Шумер, Ўрта қисмида эса Аккад каби давлатлар Эреду, Ур, Ларса, Урук, Умма, Лагас каби бир нечта шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Ўша давр Месопотамия ривожланишининг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этарди.

**Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданияти.** Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, илк шаҳарларни пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишида энг муҳим асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Маълумки, мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб, аҳолининг алоҳида жойлашув тизими шаклланади. Аҳолининг алоҳида жойлашув манзилгоҳларидаги ижтимоӣ-иқтисодӣ ўзгаришлар-ўтроқ деҳқончиликнинг ривожланиши, аҳоли зичлигининг юқори даражаси, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши, ижтимоӣ табақаланиш ва бошқарув тизимининг мураккаблашиб бориши, ўзаро алмашинув, савдо-сотик ва маданий алоқаларининг кучайиши ҳамда ҳарбий-сиёсий вазият Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоӣ-иқтисодӣ ўзгаришлар мил. авв. III минг йилликнинг охири II минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам худди жамият тараққиётида бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, узоқ, босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Мил. авв. II минг йилликка оид Ўрта Осиёдаги Жарқўтон, Сополли, Дашли, Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улуғтепа қабиларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлди;

- аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;
- ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва айрим соҳаларга ихтисослашиши;
- қадимги савдо йўллариининг ривожланиши натижасида иқтисодӣ ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотикнинг тараққий этиши;
- табиӣ-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шарт-шароитлар.

Шаҳар маданияти даставвал Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё ҳудудида шаклланди, сўнгга эса шимолга Сўғд (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро), Хоразм, Шош ва Фарғона ҳудудларига тарқалди. Бу - айнан юртлар ва халқлар тараққиётидаги нотекислик каби тарихий қонуниятга зид эмас.



Кўп сонли археологик топилмаларнинг далолат беришича, Ўзбекистондаги айрим кўҳна шаҳарларнинг ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхондарё), Узунқир, Ерқўргон (Қашқадарё) кабилар киради. Қадимги шаҳарлар - тарихий ривожланишдаги урбанистик жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамият тараққиётининг ижтимоий асоси ҳисобланади. Фикримизча, шаҳарлар тарихини ўрганиш жараёнида даставвал, энг қадимги шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши; аниқ ҳудудлар ва вилоятлардаги тарихий-маданий шарт-шароитнинг таъсири; экологик-географик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик муҳитларнинг даражаси ва таъсир доираси; шаҳарларнинг вазифаси; қадимги марказларининг тарихий-маданий жараёнлардаги ўрни аҳамияти масалаларига кенг эътибор қаратиш лозим.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Месопотамия бўлган. Милл. авв. III минг йилликка келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида бронза қуроқлар кенг тарқалади. Ўзбекистон ҳудудларида бронза даври ёдгорликлари кўплаб учрайди. Бу даврга мансуб маданият излари дастлаб Хоразм, кейинроқ эса Зарафшон ва Қашқадарё ҳамда Фарғона водийларидан топилган.

Улардан энг йириклари Сополлитепа, Жарқўтон, Тозабогёб, Замонбобо, Чуст, Амиробод ёдгорликларидир. Бу ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, бронза даврида бронза даврида кишилиқ жамияти маданий тараққиётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Аҳоли хўжалиқ юритишининг муайян кўринишларига яъни воҳаларда, қўллар, дарёлар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка, дашт ва тоғолди ҳудудларида чорвачиликка (меҳнатнинг дастлабки йирик тақсмоти) ўтиб олди.

Бу даврга келиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгариш жараёнлари бўлиб ўтди. Уруғчилик тузуми бронза давридаям давом этган бўлсада она уруғининг мавқеи йўқолиб борди. Металл эритиш ва хўжалиқнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнат ва мавқеи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб борди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бронза даври жамият тараққиётида, деҳқончилик, чорвачилиқ, овчилик ва хунармандчиликнинг ривожланишда эркаклар етакчилик қилганлар. Аёллар эркаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилишда иштирок этсалар ҳам, унга эгалиқ қилишдан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа эркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўрнини ота уруғи (патриархат) тузуми эгаллайди.

Бронза даврига келиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида кишилиқ жамияти тарихий-маданий тараққиётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу жараёнларда бронзанинг аҳамияти катта бўлди. Аҳоли хўжалиқ юритишнинг маълум кўринишларига, яъни воҳаларда, қўллар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка дашт ва тоғолди ҳудудларида эса чорвачиликка ўтиб олди. Бу даврда жамият ҳаётидаги содир бўлган турли тараққиёт жараёнлари-кишилиқ тарихида муҳим босқич бўлган давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун улкан аҳамият касб этди.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида баланд бўйли, боши чўзинчоқ, юзи ингичка кўринишдаги одамлар тарқалган. Ўрта Осиёнинг шимолий дашти ва чўл қисмида боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаган. Жанубий қиёфали одамлар Ўрта Ер денгизи ирки вакиллари деб юритилади, улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг жануби, Хиндистон ҳудудларида тарқалган. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан Қозғистон ва Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий қисми, Урал, Волга чегараларигача тарқалган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудларида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги, яъни, деҳқончилик ва чорвачилиқ билан шуғулланувчи одамларнинг аралашуви бошланди ва бу ҳудудларда турли элатга асос солинди.

Ўзбекистонда сўғдлар, бактрийлар, хоразмийлар ва саклар кейинги халқларнинг шаклланишида ўз ўрнига эга бўлган. Бу халқлар ҳақида айрим антик давр тарихчилари ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

Милоддан аввалги 1 минг йилликдан бошлаб йирик маданий-тарихий вилоятлар: Хоразм, Бактрия, Сўғд, Фарғона, Шош (Чоч) қабилар юзага келди ва ўрта асрларда ҳам Шарқдаги энг машхур сиёсий ва маданий марказларга айланиб қолди.

Антропологик ва ёзма манбалар Ўрта Осиёда алоҳида энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник ҳудудларнинг ажрала бошлаши милоддан аввалги IX-VIII асрларда юз берганлиги ҳақида маълумот беради.

Этногенез жараёни турли халқларнинг аجدодлари тарихидан бошланади. Ўрта Осиё мураккаб этник-маданий тараққиёт чоррахасида жойлашган бўлиб, мезолит давридаёқ бу ерда дастлаб қадимги овчилар ва балиқчилар, кейинги даврларида дехқонлар, овчилар, балиқчилар, дехқонлар ва чорвадорларнинг турли кўринишдаги ўзаро алоқалари пайдо бўлди. Уларнинг бу яқинлиги фақатгина маданий жихатдан эмас, балки, этник жихатдан ҳам аралашиб кетишига олиб келган. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қанча янги қабилалар келиб қўшилмасин, ўзбек этногенези асосини туб маҳаллий аҳоли ташкил этган.

Минг йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ўтган қабилалар ва элатларнинг тарихи ва маданияти изсиз йўқолиб кетмаган. Ушбу элатларнинг айримлари аجدодларимизнинг йирик гуруҳларини ташкил этиб, энг қадимги ёзма манбаларда тилга олинган. Археологик маълумотлар Ўзбекистон ҳудудларида дехқончилик милоддан аввалги 2 минг йилликда кенг тарқалганлигини тасдиқлайди.

Бронза даврига оид маконлар Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ҳудудларидан топиб, ўрганилган. Сополлитепа, Жарқўтон манзилгоҳларида муҳофаа деворлари билан ўраб олинган кўп хонали турар-жойлар, хунармандчилик устахоналари, қуроллар топиб ўрганилган. Дехқончилик ва чорвачилик маданияти ёдгорликлари орасида Хоразмдаги Тозабөгёб маданияти анча машхур. Бундаги турар жойлар ва меҳнат қуроллари кўплаб топилган.

Бухоро воҳасидан топилган Замонбобо қўли яқинидаги манзилгоҳ дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган одамлар макони ҳисобланади. Бу даврда Замонбобо одамлари қорамол, от, туя, қўй, эчкиларни қўлга ўргатганлар.

Ўзбекистон ҳудудларидан топиб ўрганилган, турли даврларга оид Саразм, Калтаминор, Мўминобод, Гужайли, Чуст, Бургулик каби дехқончилик ва чорвачилик маданиятлари уша давр тараққиётидаги муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Шу даврдаги Ўзбекистон туб аҳолиси ҳаётида катта ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлган.

#### **4-МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ ХУДУДИДА ДАСТЛАБКИ ДАВЛАТ БИРЛАШМАЛАРИ. ЭРОН АҲАМОНИЙЛАРИ ВА АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ ИСТИЛОСИГА ҚАРШИ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШ.**

##### **Режа:**

1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари.
2. Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки давлатлар.
3. Эрон аҳамонийлар давлатига қарши озодлик курашлари.
4. Александр Македонский истилосига қарши кураш.

##### **Таянч тушунчалар:**

Илк давлатлар, илк шаҳар, деҳқончилик маданияти, шаҳарсозлик маданияти, дастлабки давлатлар, Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм, озодлик курашлари.

##### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши омилларини аниқланг.
2. Қадимги Бактрия давлати ва ҳудуди ҳақида маълумот беринг.
3. Қадимги Хоразм давлати ҳақида маълумот беринг.
4. Эрон Аҳамонийларининг босқинчилик юриши ва уларга қарши озодлик курашлари.
5. Тўмарис, Фрада ва Широқнинг жасорати ҳақида қайси ёзма манбалар маълумот беради?
6. Александр Македонскийга қарши озодлик учун кураш.
7. Спитамен қўзғолони.

##### **Адабиётлар:**

1. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан эрамининг V асригача) Т, 1994.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари, Тошкент, 1991.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т, 1994.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
5. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.
7. Ҳидоятлов Г. А. Менинг жонажон тарихим. Т, 1992.

Археологик маълумотларга асосан, мил.авв. II минг йиллик ўрталарида Ўзбекистонда (Сурхон воҳаси) деҳқончилик маданияти таъсирида илк давлатчиликка ўтиш бошланди. Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдонлари билан чегараланганлиги боис, кичик ҳудудларда, аҳоли зич жойлашган воҳаларда пайдо бўлди. Бундай воҳалар аҳолиси учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, маконлар ва манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил қилиш жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ечиш муҳим ва ҳаётий зарурият эди. Бу вазифаларни ҳал этиш зурурияти, турли вазифаларни амалга ошириш мақсадида қабила орасидан хурматга лойиқ кишилар-йўлбошчилар ажралиб чиқа бошлади. Шу тариқа, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарққиёти алоҳида ўринга эга бўлган, қабиладаги ижтимоий ва ҳўжалик ҳаёти устидан назорат қилувчи кишиларнинг ажралиб чиқишига олиб келди, бироқ булар ҳали ҳукумрон табақага айланмаган эдилар. Жамиятда дастлаб ахлоқий ва обрў нуқтаи назаридан ажралиб турган кишилар аста-секин жамиятдаги отадан ўғилга мерос қолувчи ҳокимият эгаларига айланиб бордилар.

Ўзбекистоннинг дастлабки давлат уюшмалари ҳам деҳқончилик воҳалари аҳолисини четдан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилиш ва жамоадаги муносабатларни

хукукий жихатдан бошқариб туриш учун ташкил топди. Ўзбекистоннинг бронза даврига оид илк давлатчилиги ҳақида фақатгина археологик манбалар мавжуд бўлса, милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи ёзма манбаларда ёритилган. Булар «Авесто», Ахамонийлар даври миххат ёзувлари, антик давр Рим ва Юнонистон тарихчилари асарларида Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихи ҳақида илк маълумотлар жамланган. Бироқ, фақатгина ёзма манбалар ёрдамида бу масаланинг тўла моҳияти очиб берилиши имконсиз бўлгани учун бу даврдаги давлатчилик тарихи, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий турмуш тарзи археологик манбалар ёрдамида ҳам ўрганилади.

«Авесто» тили, вилоятларнинг тарихий географияси номланиши каби хусусиятларга кўра Хоразм ҳудудларида пайдо бўлган. «Авесто» нинг энг қадимги географик номлари Ўрта Осиё ва унга чегарадош вилоятлар билан боғланади. Унда қадимги географик тушунчалар, худдий, этник қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, иқтисодий ва сиёсий тузум, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар ўрин олган. Ахамонийлар даври ёзувларида Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида маълумотлар сақланган бўлиб, бу ёзувлар мил.авв. VI-V асрларга оид ва улар Бехистун ва Нақши Рустам қояларида, Суза, Персеполь, Хамадон шаҳарларидан топиб ўрганилган. Антиқ дунё муаллифларидан Ктесий (мил.авв. V аср), Гекатей (мил.авв. VI-V асрлар), Герадот (мил.авв. V аср) ва бошқалар ҳам Ўзбекистон ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган давлатлар, халқлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий турмуш тарзи ҳақида кўпгина қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XIX аср охиридан бошлаб, олдинги йиллар жаҳон тарихшунослигида Ўрта Осиёдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши муаммолари ҳақида ва уларни ўрганишда юқорида эслатилган муаллифларнинг асарлари, «Авесто» маълумотлари ва бошқалар асос бўлди. Илмий адабиётларда Ўрта Осиёда ахамонийлар давригача мавжуд бўлган қуйидаги давлатлар ва давлат уюшмалари ҳақида сўз юритилади:

1. Арёшайёна-Ўрта Осиёдаги қадимги вилоятлар уюшмаси.
2. Арёнам Вайжо ҳам Арёшайёнадек ёки унинг маркази Ария ва Марғиёнада бўлган «Катта Хоразм» ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати.
3. Қадимги Бактрия давлати.

Олимларнинг фикрича, Арёшайёна, «Авесто» да тилга олинган Кави Виштаспнинг подшолиги бўлиб, мил.авв. IX-VIII асрларда Дрангиана, Сатагадияб Ария, Марғиёна, Амударё ўрта оқимидаги ерларни бирлаштирган. Ғарб олимлари В.Б.Хеннинг ва И.Гершевичларнинг фикрича, Кави Виштаспнинг давлати Марв ва Хирот атрофида жойлашган «Катта Хоразм» бўлган. Бу масала ҳали тўлиқ ўз ечимини топган. Бироқ, С.П.Толстов ва Я.Ғ.Ғуломовлар Хоразм давлати қадим замонлариданок айнан Амударёнинг қуйи оқимларида юзага келган деган фикрни илгари суришган. Бу давлат ҳудуди ҳозирги Хоразмдан анча катта бўлган. Мил.авв. 700-540 йилларда Қадимги Бактрия давлатининг (Бактрия, Марғиёна, Сўғдиёнанинг бир қисми) анча ривожланган даври бўлиб, унинг ҳудудлари Мурғоб воҳаси, Хиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нуротак тизмаси ва Бухоро ҳудудларигача бориб етган деб тахмин қилинади.

Бактрия бу даврда Хоразм давлати ва сак-массагетлар ҳарбий-сиёсий уюшмасига чегарадош бўлган. Марғиёна ва Сўғдиёна Бактриянинг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида ҳам айрим маълумотлар мавжуд.

Археологик манбаларга кўра, Хоразмда мил.авв. IX-VIII асрларда паҳса ва хом ғиштдан қурилган уй-жойлар, мудофаа иншоотлари ва бошқалар топилмаган. Шунингдек, бундай нарсалар Бактрия ва Сўғдиёна ҳудудларида ҳам учрамаган. Мил.авв. VII асрга оид Кўзалиқир ва Бактриядаги Қизилтепа шаҳарлари мудофаа деворларидаги ўхшашликлар шу даврда бу ерларда йирик шаҳар марказлари бўлганлигидан далолат беради.

Милоддан авалги VI асрдаги Хоразм сопол идишларининг Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёнадаги шундай буюмларга ўхшашлик жихатлари кўп бўлган. Бу умумийлик ва ўхшашлик юқоридаги давлатларнинг умумий маданиятга мансуб бўлганликларидан далолат беради. Мил.авв. VII-VI асрларда шаклланган ва анча йирик бўлган Қадимги Хоразм ва Қадимги Бақтрия давлатларининг аҳолиси тил, урф-одатлари, маданий ҳаёт тарзи жихатидан умумийликка эга бўлган. Бу даврда жамиятнинг ҳудудий бўлиниши шаклланиб, ўтроқлашув жараёни кучайди, шаҳарлар, қалъалар пайдо бўлди, хўжалик тарққий этди.

Археологик тадқиқотлар натижасида ўзбек археологлари Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бир қанча қадимги шаҳарлар харобаларини топиб ўргандилар. Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу шаҳарларнинг айримлари бундан 2700 йиллар аввал пайдо бўлган. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхон воҳаси), Узункир, Ерқўрғон (Қашқадарё воҳаси) кабилар киради. Бу қадимий шаҳарлар анъаналари Самарқанд (Афросиёб, мароқанд), Китоб-Шахрисабз (Узункир), Қарши (Ерқўрғон) ҳудудларида давом этган.

Энг қадимги шаҳарларга хос белгилардан асосийси унинг мудофаа деворлари билан ўраб олинганлигидир. Деворлар сув тўлдирилган чуқур хандақ билан ўраб олинган. Бу шаҳар-қалъаларда ички қалъа, аҳоли яшайдиган даҳалар, хунармандчилик устахоналари ва савдо расталари жойлашган қисми мавжуд бўлган. Шаҳарлар атрофида дехқон хўжаликлари ва экин майдонлари, боғлар жойлашган. Илк давлатларнинг ҳудудий асосини алоқадор дехқончилик туманлари ташкил қилган. Хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ерларда аҳоли зич жойлашиб, улар «маданий-хўжалик» воҳалари деб юритилган. Манзилгоҳларнинг сони ва ўзлаштирилган ерларнинг умумий майдонига қараб, маданий-хўжалик воҳалари бир неча гуруҳларга бўлинган ва уларнинг чегаралари суғорма дехқончилик ҳудудлари ва суғориш тармоқлари чегаралари билан боғлиқ бўлган. Мил. авв. VII-VI асрларда аҳоли нисбатан зич жойлашган ўтроқ воҳаларда дехқончилик жадал ривожланган. Аҳолининг асосий машғулоти-деҳқончиликдан ташқари хунармандчилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Айрим уй хоналаридан топилган устахоналар шундан далолат беради. Қишлоқ жамоалари ўртасида товар айирбошлашда «пул» вазифасини кулолчилик ва темирчилик буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эгалланган.

Ташқи савдо (вилоятлар, мамлакатлар ўртасидаги) пул ўлчовини хом ашё, қимматбаҳо хунармандчилик буюмлари (металл идишлари, қурол-яроғлар, зеб-зийнат буюмлари), қимматбаҳо тош, олтин ва кумуш бажарган. Ўрта Осиёда мил.авв. VII-VI асрларда қулчилик муносабатлари деярли ривожланмаган, унинг энг кўп тарқалган кўриниши «уй қулчилиги» бўлган. Бундай уй қуллари «Авесто» да «вайса» лар деб аталган.

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар «Авесто» маълумотлари (вилоятларнинг Арёшайёна бўйича бирлашиши) Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг қадимги Бақтрия подшолиги ҳақида маълумотлари ва ниҳоят археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлган бўлишига қарамадан, қадимги давлатлар ҳудудлари, шакллари, бошқарув тизими санаси билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг айрим йўналишлари ҳамон илмий баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Мил. авв. IX-VIII асрларга келиб Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) ҳудудларида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Ўша даврда Марғиёна ва Сўғдиёна қадимги Бақтриянинг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида турли маълумотлар бор. Бақтрия Шарқдаги энг муҳим ҳарбий иқтисодий марказлардан бири

бўлиб, аҳолининг, кудрати шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий хом ашёга бойлиги, муҳим марказий савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, хунармандчиликнинг равнақи шундан далолат беради.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар «Катта Хоразм», «Қадимги Хоразм» масалаларига бирмунча аниқлик киритди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Хоразм тупроғида мил. авв. VIII-VII асрларга оид пахса ёки хом турар жойлар аниқланмаган (турар жойлар ярим ертўлалардан иборат). Қадимга Хоразм давлати мил. авв. VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бўлган ерларда вужуд келган. Бактрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Хоразмнинг йирик иншоотлари мил. авв. VI-V асрларга оиддир. Ўлкада бу даврларга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар харобалари очиб ўрганилган. Улардаги топилмалар, манзилгоҳлар, хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган бўлиб, аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шаҳарларда хунармандчилик ривожланган.

Қадимги Сўғдиёна, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган бўлиб, жануби-шарқда Бактрия, шимоли-ғарбда билан чегарадош бўлган. Сўғдиёна ҳақида «Авесто», аҳмонийлар даври, миххат ёзувлари ва юнон-рим тарихчилари маълумотлар берадилар. Қашқадарёдаги бир қатор турар-жойлар ва уй-қўрғонлар қолдиқлари мил. авв. IX-VIII асрларга оиддир. Сўғдиёнада Афросиёб, Ерқўрғон, Узунқир каби йирик шаҳар марказлари ҳамда қўшни вилоятлар ва давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланади.

Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги давлатлар ҳақида зардўштийларнинг муқаддас диний китоби «Авесто», аҳмонийларнинг миххат ёзувлари (Бехистун, Нақши Рустам, Суза, Персеполис) юнон-рим тарихчиларининг (Геродот, Гекатей, Курций Руф, Арриан, Страбон ва бошқалар) маълумотлар беради. Сўнгги йилларда қадимги Бактрия, Сўғдиёна ва Хоразм ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар кўп ҳолларда ёзма манбалар маълумотларини тасдиқлайди.

Мил. авв. 559 йилда Эронда подшо Кир II аҳмонийлар давлатига асос солади. Мил. авв. 545-540 йилларга келиб аҳмоний подшолари Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна каби вилоятлар ва кўчманчи қабилалар устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Ўрта Осиё халқлари босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Хусусан, кўчманчи массагет қабилалари аҳмонийларнинг катта қўшинларини тор-мор этдилар (мил. авв. 530 йил). Бу жангда форс подшоси Кир II ҳам ҳалок бўлди. Шунингдек, мил. авв. 522 ва 519-518 йилларда Марғиёнада ҳамда саклар ўлкасида форсларга қарши қўзғолонлар кўтарилади.

Бу даврда қадимги Бактрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча, Бандихон каби мил. авв. VI-IV аср ёдгорликларидан кўплаб меҳнат қуролилари топилган. Деҳқончилик сунъий сугоришга асосланган. Бу ҳудудларда ундан ташқари чорвачилик, қуллолчилик, темирчилик ва бадий хунармандчилик (Амударё хазинаси) ҳам ривожланади.

Мил. авв. VI-IV асрларда Сўғдиёнада кўплаб шаҳар қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турганлар. Хусусан, бу даврга оид Узунқир, Ерқўрғон, Афросиёб, Лолазор, Хўжа Бўстон, Сангиртепа, Чордара, Қўрғонча, Кўктепа каби 50 дан зиёд ёдгорлик ўрганилган. Бу ҳудудлардан топилган кўпгина топилмала аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланганидан далолат беради. Шунингдек, савдо-сотиқ ўзаро алоқалар ҳам анча ривожланади.

Бу даврда Хоразм ҳудудларида ҳам йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Қишлоқларда деҳқончилик, шаҳарларда хунармандчилик ривожланган эди. Жонбосқалъа, Кўзалиқир, Тупроққалъа қабилар маданий марказлар ҳисобланган. Ўзбекистондаги энг қадимги маҳаллий ёзув намуналари Хоразм ҳудудларидан (Тупроққалъа, мил.авв. IV аср) топилди.

Мил. авв. 329 йилга келиб, македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари бошланди. Искандар қўшинлари Сўғдиёна, Уструшона ерларида жуда қаттиқ қаршиликка дуч келди. Жангларида Искандарнинг ўзи ҳам бир неча марта ярадор бўлди. Мил. авв. 329-327 йиллар давомида маҳаллий сўғдий аҳоли Спитамен бошчилигида юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бориб, уларга жуда катта талафот етказди. Искандар қўшинлари қачон Сўғдиёнадагидек қаршиликка учрамаган эди.

Мил. авв. 323 йилда македониялик Искандар вафот этганидан сўнг Ўрта Осиё ерлари Салавка ҳукмронлига остига ўтади (мил. авв. 306 йил). Салавкийлардан бўлган Антиох I даврида (мил. авв. 280-261 йй) Ўрта Осиё вилоятларида тинч ҳаёт бошланиб, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ анчагина ривожланади. Ўрта Осиё ерлари салавкийлар давлатининг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Ўрта Осиё вилоятларининг салавкийлар давлати таркибига кирган даври юнон-македон юришларида вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва бактрияликлар, сўғдийлар ҳамда пафлияликларнинг босқинчиларга қарши курашда бирлашув даври бўлди.

Мил. авв. III асрнинг ўрталарига келиб, салавкийлар давлатида тахт учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Натижада дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бактрия давлатлари салавкийлардан ажралиб чиқди. Мил. авв. 250 йилда биринчи Бактрия подшоси Диодот ўзини ҳукмдор деб эълон қилди ва тангалар зарб этди. Тангашунослик маълумотларига кўра, авв. III асрнинг охиригача Юнон-Бактрияда бир неча подшолар ўтганки, улар ёзма манбаларда эслатилмайди. Мил. авв. II аср бошларига келиб Деметрий, Евкратид каби подшолар Юнон-Бактрия ерларини жанубга томон кенгайтириб борадилар. Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўчманчи қабилаларнинг ҳужумлари ва ўзаро курашлари натижасида Юнон-Бактрия подшолиги кулатилади.

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар «Авесто» маълумотлари (вилоятларнинг Арёшайёна бўйича бирлашиши) Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг қадимги Бактрия подшолига ҳақида маълумотлари ва ниҳоят археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлган бўлишига қарамадан, қадимги давлатлар ҳудудлари, шакллари, бошқарув тизими санаси билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг айрим йўналишлари ҳамон илмий баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Мил. авв. IX-VIII асрларга келиб Бактрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) ҳудудларида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Ўша даврда Марғиёна ва Сўғдиёна қадимги Бактриянинг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида турли маълумотлар бор. Бактрия Шарқдаги энг муҳим ҳарбий иқтисодий марказлардан бири бўлиб, аҳолининг, қудрати шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий хом ашёга бойлиги, муҳим марказий савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, ҳунармандчиликнинг равнақи шундан далолат беради.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар «Катта Хоразм», «Қадимги Хоразм» масалаларига бирмунча аниқлик киритди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Хоразм тупроғида мил. авв. VIII-VII асрларга оид пахса ёки хом турар жойлар аниқланмаган (турар жойлар ярим ертўлалардан иборат). Қадимга Хоразм давлати мил. авв. VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бўлган ерларда вужудга келган. Бактрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар оркали ўтган. Хоразмнинг йирик иншоотлари мил. авв. VI-V асрларга оиддир. Ўлкада бу даврларга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар харобалари очиб ўрганилган. Улардаги топилмалар, манзилгоҳлар, хом ғишт ва

пахсадан қад кўтарган бўлиб, аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шаҳарларда хунармандчилик ривожланган.

Қадимги Сўғдиёна, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган бўлиб, жануби-шарқда Бактрия, шимоли-ғарб билан чегарадош бўлган. Сўғдиёна ҳақида «Авесто», аҳамонийлар даври, миҳхат ёзувлари ва юнон-рим тарихчилари маълумотлар берадилар. Қашқадарёдаги бир қатор турар-жойлар ва уй-қўрғонлар қолдиқлари мил. авв. IX-VIII асрларга оиддир. Сўғдиёнада Афросиёб, Ерқўрғон, Узунқир каби йирик шаҳар марказлари ҳамда қўшни вилоятлар ва давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланади.

Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги давлатлар ҳақида зардўштийларнинг муқаддас диний китоби «Авесто», аҳамонийларнинг миҳхат ёзувлари (Бехистун, Нақши Рустам, Суза, Персеполи) юнон-рим тарихчиларининг (Геродот, Гекатей, Курций Руф, Арриан, Страбон ва бошқалар) маълумотлар беради. Сўнгги йилларда қадимги Бактрия, Сўғдиёна ва Хоразм ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар кўп ҳолларда ёзма манбалар маълумотларини тасдиқлайди.

Мил. авв. 559 йилда Эронда подшо Кир II аҳмонийлар давлатига асос солади. Мил. авв. 545-540 йилларга келиб аҳмоний подшолари Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна каби вилоятлар ва кўчманчи қабилалар устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Ўрта Осиё халқлари босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Хусусан, кўчманчи массагет қабилалари аҳмонийларнинг катта қўшинларини тор-мор этдилар (мил. авв. 530 йил). Бу жангда форс подшоси Кир II ҳам ҳалок бўлди. Шунингдек, мил. авв. 522 ва 519-518 йилларда Марғиёнада ҳамда саклар ўлкасида форсларга қарши қўзғолонлар кўтарилади.

Бу даврда қадимги Бактрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча, Бандихон каби мил. авв. VI-IV аср ёдгорликларидан кўплаб меҳнат қуроллари топилган. Деҳқончилик сунъий сугоришга асосланган. Бу ҳудудларда ундан ташқари чорвачилик, қулоччилик, темирчилик ва бадий хунармандчилик (Амударё ҳазинаси) ҳам ривожланади.

Мил. авв. VI-IV асрларда Сўғдиёнада кўплаб шаҳар қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турганлар. Хусусан, бу даврга оид Узунқир, Ерқўрғон, Афросиёб, Лолазор, Хўжа Бўстон, Сангиртепа, Чордара, Қўрғонча, Кўктепа каби 50 дан зиёд ёдгорлик ўрганилган. Бу ҳудудлардан топилган кўпгина топилмала аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланганидан далолат беради. Шунингдек, савдо-сотиқ ўзаро алоқалар ҳам анча ривожланади.

Бу даврда Хоразм ҳудудларида ҳам йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Қишлоқларда деҳқончилик, шаҳарларда хунармандчилик ривожланган эди. Жонбосқалъа, Кўзалиқир, Тупроққалъа қабилар маданий марказлар ҳисоблаш Ўзбекистондаги энг қадимги маҳаллий ёзув намуналари Хоразм ҳудудларидан (Тупроққалъа, мил.авв. IV аср) топилди.

Мил. авв. 329 йилга келиб, македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари бошланди. Искандар қўшинлари Сўғдиёна, Уструшона ерларида жуда қаттиқ қаршиликка дуч келди. Жангларда Искандарнинг ўзи ҳам бир неча марта ярадор бўлди. Мил. авв. 329-327 йиллар давомида маҳаллий сўғдий аҳоли Спитаман бошчилигида юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бориб, уларга жуда катта талафот етказди. Искандар қўшинлари қачон Сўғдиёнадагидек қаршиликка учрамаган эди.

Мил. авв. 323 йилда македониялик Искандар вафот этганидан сўнг Ўрта Осиё ерлари Салавка ҳукмронлига остига ўтади (мил. авв. 306 йил). Салавкийлардан бўлган Антиох I даврида (мил. авв. 280-261 йй) Ўрта Осиё вилоятларида тинч ҳаёт бошланиб, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, савдо-сотиқ анчагина ривожланади. Ўрта Осиё ерлари салавкийлар давлатининг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Ўрта Осиё вилоятларининг салавкийлар давлати таркибига кирган



даври юнон-македон юришларида вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва бактрияликлар, сўғдийлар ҳамда пафияликларнинг босқинчиларга қарши курашда бирлашув даври бўлди.

Мил. авв. III асрнинг ўрталарига келиб, салавкийлар давлатида тахт учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Натижада дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бактрия давлатлари салавкийлардан ажралиб чиқди. Мил. авв. 250 йилда биринчи Бактрия подшоси Диодод ўзини ҳукмдор деб эълон қилди ва тангалар зарб этди. Тангашунослик маълумотларига кўра, мил.авв. III асрнинг охиригача Юнон-Бактрияда бир неча подшолар ўтганки, улар ёзма манбаларда эслатилмайди. Мил. авв. II аср бошларига келиб Деметрий, Евкратид каби подшолар Юнон-Бактрия ерларини жанубга томон кенгайтириб борадилар. Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўчманчи қабилаларнинг ҳужумлари ва ўзаро курашлари натижасида Юнон-Бактрия подшолиги кулатилади.

## **5-МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА АНТИК ДАВР ДАВЛАТЛАРИ. (Юнон-Бактрия, Хоразм, Қанғ, Даван давлати)**

### **Режа:**

1. Ўрта Осиё ҳудудида антик давр.
2. Юнон-Бактрия давлатининг ҳудуди ва тарихи.
3. Қадимги Хоразм антик давр давлатининг тарихи.
4. Қанғ давлатининг ҳудуди ва тарихи.
5. Даван давлатининг ҳудуди ва тарихи.

### **Таянч тушунчалар:**

Антик давр, Эллинизм, Салавка, Юнон-Бактрия, Қанғ, Даван, сатрап, стратег, Гуйшуан, давлат ҳудуди.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўрта Осиё ҳудудида қайси давр антик давр ҳисобланади?
2. Юнон-Бактрия давлати қайси давлат таркибидан ажралиб чиқди?
3. Юнон-Бактрия давлатининг ҳудуди ва тарихи ҳақида маълумот беринг.
4. Қадимги Хоразм антик давр давлатининг тарихи ҳақида маълумот беринг.
5. Қанғ давлатининг ҳудуди ва тарихи ҳақида маълумот беринг.
6. Қанғ давлатига кимлар асос солган?
7. Даван давлатининг ҳудуди ва тарихи ҳақида маълумот беринг.
8. Қанғ ва Даван давлатлари ҳақида қайси ёзма манбалар маълумотлар берган?

### **Адабиётлар**

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000
2. Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Ленинград, 1979.
3. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргиан. МИА, 1959, № 73.
4. Массон В.М. Страна тысячи городов. Москва, 1966.
5. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
6. Пидаев Ш.Р. Сирли кушонлар салтанати. Тошкент, 1990.
7. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Ташкент, 1990.
8. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент, 1996.
9. Пугаченкова Г.А. Шедевр Средней Азии. Ташкент, 1986.
10. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. А.Сагдуллаев, Б.Эшов таҳрири остида. Тошкент, 1997, иккинчи нashри -1999.
11. Бактрия-Тохаристон қадим ва ўрта асрларда. Тўплам, Самарқанд, 1993

Македониялик Искандар ўз харбий юришлари билан Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Хиндистонгача чўзилган улкан ҳудудда ўз салтанатини барпо қилди. Салтанат пойтахти Бобил эди. Бу улкан давлат Искандар вафот этиши биланок инқирозга юз тутди ва парчалана бошлади.

Милоддан аввалги 312 йилда Искандар давлатининг Шаркий қисми (Кичик Осиё, Сурия, Эрон ва Ўрта Осиё) саркарда Салавка ҳукумронлиги остида бирлаштирилди. Салавканинг ҳокимияти турли харбий манзилгоҳларда жойлашган юнон-македон ва македонлар қурол – яроғлари билан қуролланган маҳаллий халқларнинг харбий кучларига таянган эди.

Юнонлар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиё ҳудудларида бир қанча харбий истехкомлар ва қалъалар барпо қилган эди. Бу нарсалар Александр вақтидаёқ бошланиб, унинг ўзи Ўрта Осиёда 12 та шаҳарга асос солган эди. Бу шаҳар ва қалъа истехкомларидаги юнон-македон харбийлари қўриқчи куч сифатидаги харбий куч бўлган. Искандар салтанати қулагач, бу анъаналар Салавкийларда ҳам давом этди.

Салавкийлар давлати турли этник гуруҳларни ҳарбий куч ишлатиш йўли билан бирлаштириш орқали ташкил этилган давлат эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлиб, «подшо саройи» давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга эди. Аҳмонийлар каби, Салавкийларда ҳам давлат ишларини бошқарувчи девонхона мавжуд бўлган. Салавкийлар давлатида бирмунча мураккаб солиқ тартиби мавжуд бўлиб, Салавкийлар ҳукумдорлари ўзларига бўлган солиқ тартибларини ўзгартирмай, унга бир қанча қўшимчалар киритганлар. Дехқонлардан солиқ йиғиб олиш сатрап ҳокимининг вазифаси эди. Сатрапликнинг умумий солиқ миқдори жамоалардан тушадиган солиқ миқдorigа қараб белгиланар эди.

Милоддан аввалги 293 йил давлатнинг Шарқий вилоятларига Салавка ва Спитаман қизи Апаманинг ўғли Антиох ҳоким этиб тайинланди. Бу нарса Салавкийларда ҳокимларнинг подшо оиласи билан қариндошлик бўлиши шарти бошқарув тизимининг асосий хусусиятларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Милоддан аввалги 280 йилда Салавка ўлимидан сўнг Антиох подшо бўлди ва давлатни 20 йил давомида бошқарди.

Салавкийлар давлати доимий ички курашлар орасида қолди. Милоддан аввалги III аср ўрталарида ундан Бактрия ажралиб чиқади. Шу вақтда Салавкийлардан яна бир давлат-парфия ажралиб чиқади ва кейинчалик Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланади.

Юнон-Бактрия давлатининг гуллаб – яшнаган даври милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу давлатнинг пойтахти Бактра шаҳри бўлган. Давлат бир неча дехқончилик вилоят ва туманларини ўз ичига олган. Давлат марказлашган ҳокимиятга бўйсунувчи бошқарув тизимига эга эди. Подшо ёки давлат ҳукмдорлари юнон – македонлардан бўлиб, уни турли йилларда Диодот, Евтидем, Деметрий ва Евкрадитлар бошқарганлар. Давлат бошқарув тизими Искандар даврида жорий этилган сиёсий анъаналарга асосланган эди. Подшо ҳокимияти ҳарбий кучларга ва вилоятлар ҳокимлари мададига таянар эди. Муҳим савдо йўллари бўйлаб ҳарбий – стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жойларда таянч истеҳкомлари ва қалъалари қурилган эди.

Ички низолар ва курашлар давом этиб турганлигига қарамай, бу даврда ижтимоий – иқтисодий ҳаётда босқичма-босқич ривожланиш жараёни тараққий этганлиги кузатилади. Милоддан аввалги II асрнинг ўрталарида Юнон-Бактрия давлати тинимсиз курашлар олиб борди ва ҳарбий қудратини йўқота бошлади. Ўша вақтда давлат ҳудудларига бостириб қираётган юэчжилар милоддан аввалги 140–130 йилларда Юнон-Бактрия давлатини қулатдилар ва уни босиб олдилар.

Милоддан аввалги I асрда юэчжи қабилалари уюшмасида (Гуйшуан, Шуанми, Хиси, Хюми, Хуанми) Гуйшуан (Кушон) уруғининг ҳокимлик мавқеи анча кучайди. Гуйшуан қабиласи дастлаб Сурхон воҳасида жойлашган ва уларнинг пойтахти Далварзин шаҳри (ҳозирги Шўрчи тумани) бўлган. Подшо Куджула Кадфиз даврида Кушон подшолиги ҳудудлари анча кенгайди ва давлат тарикибига Жанубий Тожикистон, Афғонистон ва Кашмир ерлари қўшиб олинади.

Кушон подшолиги Канишка ҳукумронлиги йилларида (78-123 йиллар) улкан салтанатга айланди. Кушон подшолиги Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Шимолий Хиндистон ва Шарқий Туркистон ерларини ўз таркибига киритди. Шу вақтда пойтахт Далварзиндан Пешоварга қўчирилди. Кушон подшолиги қадимги даврдаги Рим, Парфия, Хитой давлатлари билан тенг бўлган ва ғоятда қудратли давлатга айланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида юзага келган Кушон подшолиги таркибига Ўзбекистоннинг асосий ҳудудлари (Хоразм, Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона) қирмаганлиги диққатга сазовордир. Бу ҳудудларда ўзига хос бошқа маҳаллий давлат юзага келган ва кушонлар маданий анъаналарга ҳоли тарзда тараққий этган. Бу

давлатлар билан Кушон давлатининг шимолий чегаралари Кўхитоғ, Бойсун, Хисор тоғлари орқали ўтганлиги Бойсун туманидаги Дарбанд атрофидан ўрганилган мудофаа деворларини ўрганиш натижасида исботланди. Бу мудофаа деворлари қолдиқлари шу ердан ўтган чегара қалъаси деворлари бўлган.

Кушон сулоласи ва давлати тарихи ёзма манбалар ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Тангалардаги дастлабки вақтларда юнон-Бактрия шоҳлари тасвири мавжудиги ва аста-секин унинг ўрнини кушонларнинг «шоҳ», «шоҳлар шоҳи» сўзлари эгаллаши унинг харбий сиёсий қудрати юксалиб борганлигидан далолат беради.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлат бошқаруви анъаналари сақлаб қолди ва давом эттирди. Давлатнинг олий ҳукумдори подшо вилоятлар ва шаҳарлари ўз ноиблари ёрдамида бошқарарди.

Буюк Ипак йўлининг ривожланиши билан Кушон подшолигининг ижтимоий-иқтисодий жихатдан яшнашига таъсир кўрсатди. Шаҳарлар кўпайди, янги – янги ерлар ўзлаштирилди ва суғориш тармоқлари барпо этилди.

Шаҳарлар тузилишига кўра бир неча қисмдан иборат бўлган: ҳоким саройи, хунармандчилик устахоналари, гузарлар, алоҳида ибодатхоналар жойлашган шаҳар қисми ва бошқалар.

Давлатнинг иқтисодий асосини суғорма дехқончиликка асосланган хўжалик, савдо ва хунармандчилик ташкил этган. Хунармандчилик турли-туман касб ва хунарлардан иборат бўлган.

Ташқи сиёсат анча кенгайиб, Хиндистон, Хитой, Рим салтанати билан савдо ва элчилик муносабатлари ўрнатилган. Савдо муносабатларининг кенгайишида Буюк Ипак йўлининг ахамияти катта бўлган. Тадқиқотлар натижасида Термиздан Рим тангалари, Ўрта ер денгизи атрофларидан Кушон тангаларининг топилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Канишка даврида кушонлар маданияти хиндлаштирилди ва Будда дини давлат динига айланди. Оромий ва юнон ёзувлари асосида кушон ёзуви шаклланди. Меъморчилик тасвирий санъат юксак даражада ривожланди. Жаҳон миқёсида машҳур бўлган кушон даври санъат обидалари Айритом, Эски Термиз, Далварзинтепа ва Холчаёндан топиб ўрганилган.

Кушон давлати ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат бир неча ҳудудлар ва кўплаб қадимги халқларни бирлаштирган. Улар орасида ўзбек халқи аجدодлари ҳам кушон маданияти юксалишига ўз ҳиссасини қўшган. Кушон давлати IV асрларгача оғир ички ва ташқи курашлар исканжасида қолди ва асосий ҳудудларидан ажралди. Бу вақтда унинг ҳудудлари қисман Шимолий Ҳиндистондагина сақланиб қолди.

Ўзбекистонда қадимги маҳаллий давлатчилик тарихи Қанғ, Довон, Хоразм давлатлари ривожини билан узвий боғланади. Қанғ давлати милоддан аввалги III асрнинг бошларида пайдо бўлди. Унинг дастлабки даврлардаги ҳудудлари Тошкент воҳасидан иборат бўлган.

Қанғ давлатининг ташкил топиши асосий сабабларидан бири ташқи харбий ҳужумлардан ҳимояланиш зарурияти бўлган. Милоддан аввалги 329 йилда Искандар кўшинлари Бекобод ва Хўжанд оралиғида Сирдарёдан кечиб ўтиб, боқинчилик қилганида маҳаллий аҳоли унга қарши қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. Бундан натижа чиқара олмаган Искандар ортга қайтишга ва Хўжанд яқинида Александрия Эсхата шаҳрига асос солишга мажбур бўлган эди. Бу ҳақда Квинт Курций Руф ўз асарида эслатиб ўтади («Македонский тарихи» асари).

Милоддан аввалги II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг ҳудуди кенгайиб, Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар, Талас водийси ва Чу дарёларнинг қуйи оқимидаги ерларни ўз таркибига киритади. Қанғ давлатининг иккита пойтахти бўлиб, бири Қанғдиз (Оққўрғон) ва иккинчиси Ўтрор бўлган.

Қанғ давлати аҳолиси таркибини асосан дехқонлар ва чорвадорлар ташкил этган. Ўтроқ аҳоли шаҳарларда ва водийларда яшаб, дехқончилик, хунармандчилик ва савдо билан машғул бўлган. Дашт туманларида эса чорвачилик ривожланган. Милодан аввалги II асрда Қанғ қабилалари энг қудратли давлат бирлашмасига айланади, унинг ҳукмдорлари ўз номларидан тангалар зарб қилдилар. Қанғ давлатининг иқтисодий тараққиётига Буюк Ипак йўлининг давлат ҳудудларидан ўтган шимолий тармоғи катта таъсир ўтказади. Қанғ давлати милодий III асрга келиб парчаланиб кетади. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи бўйича кам ўрганилган масалалардан бири Довон давлати тарихидир. Хитой манбаларида Давань номи билан аталган давлат бошқа манбаларда Паркана, Фрагана каби бир қанча номлар билан юритилган. Довон давлати тахминан милоддан аввалги III асрда пайдо бўлган. Манбаларга кўра, Фарғона – Довон давлатида 300 минг аҳоли яшаган ва бу ерда 70 га яқин катта – кичик шаҳарлар бўлган. Шаҳарлар орасида Эрши шаҳри алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва Давлат пойтахти ҳисобланган.

Милоддан аввалги 104 – 101 йилларда Хитой қўшинлари жанг қилиб, Эршини босиб олган вақтда Довонликларга Қанғ давлати қўшинлари ёрдамга етиб келди ва икки ўртада тузилган сулҳ шартномасига кўра, хитойликлар Довон давлат ҳудудларидан чиқиб кетадилар.

Фарғона водийси ҳудудларидан қадимги даврга оид уй-қўрғонлар, кишлоқлар, шаҳарлар харобалари топиб ўрганилган. Довон давлатининг асосий аҳолиси дехқончилик, хунармандчилик, савдо – сотиқ билан шуғулланганлар. Довон дехқонлари арпа, шоли, буғдой ва беда етиштиришда машхур бўлганлар. Боғдорчилик ва узумчилик кенг тарқалган.

Фарғона – Довон давлатининг ўзига хос бойликлари билан бири унинг «самовий» отлари бўлган. Манбаларга кўра Хитой императорларининг Довонга босқинчилик уюштиришларининг асосий сабабларидан бири ҳам айнан ана шу «самовий» отларни қўлга киритиш бўлган. Довон давлати Хитой, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан олиб бориладиган халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаганлар. Довон давлати милодий II асргача мавжуд бўлган.

Мил.авв. IV–II асрларда қадимги Хоразм мустақил давлат бўлиб, Искандар, Салавкийлар, Юнон–Бақтрия давлатлари таркибига кирмаган. Бундай сиёсий қулайлик Хоразмда ўзига хос маҳаллий давлатчилик тизимига эга бўлган давлатнинг шаклланишида муҳим омил бўлди. Искандар Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ҳукмронлик қилган вақтда Хоразмда Фарасман исмли одам подшолик қилган. Юнон тарихчиси Арриан Фарасманнинг Искандар билан битим тузганлиги ҳақида маълумот қолдиради («Александрнинг юришлари» асари).

Хоразмдан топиб ўрганилган қадимги шаҳар харобаларидаги хусусиятлар бу ерда мустаҳкам давлатчилик тизими барпо қилинганлигидан далолат беради. Шундай шаҳарлардан бири Жонбосқалъадир. Бу шаҳар тузилишига кўра тўғритўртбурчакли бўлиб, икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган ва деворларда шинаклар мавжуд бўлган.

Жонбосқалъа икки қисмдан иборат бўлиб, бир қисмида «олов уйлари» – ибодатхоналар, иккинчисида аҳоли турар жойлари бўлган. Қўйқирилганқалъа шаҳри харобалари бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ, асосий иншооти айлана шаклида бўлиб, иншоотнинг марказидаги бино икки қаватли бўлган ва шу бинонинг ўзи айни вақтда расадхона вазифасини ҳам бажарган.

Тупроққалъа шаҳри тўғри бурчакли мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, деворлар хом ғиштдан ишланган ва унда шинаклар билан бирга миноралар ҳам бўлган. Тупроққалъа Хоразм ҳукмдорлари қароргоҳи вазифасини ҳам бажарган. Бу ерда Хоразм давлати шоҳлари бошқарувига оид бир қанча моддий манбалар ҳамда ҳукмдорларнинг архивлари ҳужжатларидан намуналар ҳам топилган. Хоразм давлати хўжалик ҳаётида дехқончилик ва хунармандчилик асосий ўрин эгаллаган. Милоднинг дастлабки асрларидаёқ, бу ерда кумуш ва мис тангалар зарб қилинган.

Шунингдек, Хоразмдан Ўрта Осиёдаги энг қадимги ёзув намуналари ҳам топилган бўлиб, улар милoddан аввалги V – IV асрларга оид оромий ёзувлари асосида шаклланган.

Қанғ, Довон ва Хоразм давлатларида мавжуд давлатчилик тизими, хўжалик ҳаётининг тараққий этиб бориши кейинги даврларда Ўзбекистонда юзага келган давлатларнинг юксалишига ҳам ўз таъсирини ўтказган ва уларнинг кейинги босқичларга кўтарилишидаги муҳим омиллардан бўлган.

Мил. авв. III асрнинг ўрталарида мустақил давлат сифатида ташкил топган Парфия давлати ҳозирги Туркменистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Аршак бўлиб, у мил. авв. 247 йили тахтга ўтиради. Мил. авв. 235 йилдан бошлаб, Парфия подшолари ўз ерлари ҳудудларини кенгайтириб бордилар. Милодий III асрнинг биринчи чорагида сосонийлар аршакийлар ҳукмронлигини тугатиб, Парфияда ҳокимиятни қўлга олдилар. Антик давр Парфиянинг қишлоқ хўжалигида қўллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мил. авв. III аср ўрталаридан бошлаб Парфия давлати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган қадимги вилоятлар - Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна билан сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларни айниқса ривожлантирди.

Ундан ташқари, парфияликлар беш аср давомида Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Хитойнинг ғарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилдилар, Парфияликларнинг ёзуви оромий (Нисо ҳужжатлари) ёзуви бўлиб, зардўштийлик динига эътиқод қилишган.

Қадимги Фарғона турли давр манбаларида Довон, Бохан, Полона, Паркана каби номлар билан эслатиб ўтилади. Маълумотларга қараганда Эрши (Марҳамат) шаҳри Довоннинг пойтахти эди. Антик давр Довон аҳолиси деҳқончилик, узумчилик, йилқичилик билан шуғулланишган. Довоннинг «самовий отлари» ўлкадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Мил. авв. II асрнинг охирларида Хитой ҳукмдорлари Довон ерларини босиб олишга ҳаракат қилдилар. Аммо қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган доволликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўдилар.

Мил. авв. III асрлар бошларида пайдо бўлган Қанғ давлатининг ҳудудлари Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар эди. Мил. II-I асрларда Қанғ давлати ерлари кенгайиб, Амударё ва ораллиғидаги ерлар ва Хоразмни ўз ичига олади. Антик Қанғ давлати анча ривожланган давлат эди. Ўтроқ асосан водийларда яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келишган. Қанғ ҳукмдорларнинг марказий шаҳарлари иккита эди. Улар ёзни Ўтрорда (ҳоз. Арис Туркистон ораллиғида), қишлоқни эса Қанға (ҳоз. Тошкент вилояти Оққўрғон туманида) шаҳарларида ўтказар эдилар.

Мил. авв. I асрга келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврнинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган қушон давлати ташкил топади. Дастлабки ҳукмдорлар Кадфиз I ва Кадфиз II лар давлат ерларини кенгайтириб, пул ислохоти ўтказадилар. Милодий II асрга келиб Қушон давлати ерлари Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондан иборат эди. Қушон ҳукмдорлари, хусусан Канишка (II аср) даври савдо-сотик, ички ва ташқи савдо айниқса ривожланиш деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ҳам анча тараққий, этади. Бу жараёнда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Қушон давлатида асосий дин буддавийлик бўлиб, юнон зардўштийлик ақидаларига ҳам эътиқод қилинар эди.

Антик давр Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Мил. авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сўғд ёзувлари пайдо бўлди. Қушон даврига келиб яна бир ёзув-Қушон (Бактрия) ёзуви шаклланади. Ўрта Осиё ва Афғонистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар антик давр маданиятининг гуллаб яшнаганидан далолат беради. Айритом ва Кўҳна Термизда Будда ибодатхоналар очилган. Фаёзтепа, Қува, Холчаён, Далварзин каби

кухна шаҳарларда ҳам саройлар, ибодатхоналар очилиб, улар юксак маданиятга эга эканлиги кузатилган. 1972 йилда Далварзинтепадан (Сурхондарё) тилла буюмлар хазинаси (32 кг) топилган. Бу хазина орасида антик даврга оид билагузук, халқалар, тўғалар, бўйин тақинчоқлари каби санъат буюмлари ҳам бор. Умуман, антик давр Қанғ, Сўғд, Фарғона ерларида мавжуд бўлган маданият ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилади.

## 6-МАВЗУ: КУШОН ПОДШОЛИГИ

### Режа:

1. Кушон подшолиги ташкил топган даврдаги сиёсий вазият.
2. Кушон подшолигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
3. Кушон подшолигида пул ислоҳоти.
4. Канишка даврида мамлакат равнақи ва диний ислоҳот.

### Таянч тушунчалар:

Юечжи, гуйшуан, кушон, массагет, Юнон-Бактрия, Рим, Парфия, Хитой, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, пул ислоҳоти, мамлакат равнақи, диний ислоҳот.

### Назорат учун саволлар:

1. Кушон давлатининг асосчиси.
2. Кушон подшолиги ташкил топган даврдаги сиёсий вазият ҳақида.
3. Кушон подшолигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
4. Кушон подшолигида пул ислоҳоти.
5. Канишка даврида мамлакат равнақи ва диний ислоҳот.

### Адабиётлар:

1. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан эраизминг V асригача) Т, 1994.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари, Тошкент, 1991.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т, 1994.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
5. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.
7. Ҳидоятлов Г. А. Менинг жонажон тарихим. Т, 1992.
8. Центральная Азия в Кушанскую эпоху, Т. 2, Москва, 1974

**Кушон Подшолиги** — ўзбек давлатчилиги тизимидаги қадимги давлат (мил. 1—3-а.лар). Мил. 1-а.нинг 1-ярми ёхуд ўрталарида юечжилар тасарруфидаги Кушон мулкининг юксалиши натижасида вужудга келган, Массагетлар (Хитой йилномаларида —юечжи) мил. ав. 140 й. Сирдарё ортидан Бактрияга келиб, сакларни енгган ва Юнон-Бактрия подшолиги ўрнида бир аср давомида 5 қабилага бўлиниб яшаган. Булардан кушон (Хитой йилномаларида гуйшуан) қабиласи жабғучи Кужула Кадфиз (Кадфиз I) мил. 1-а.да қолган 4 қабилани бўйсундириб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилган.

“Кушон” атамаси ё сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, у илк бор мил.авв. 1-а. охири — мил. 1-а. бошида ҳукмронлик қилган подшоҳ “Терай” — Санаб зарб қилдирган тангаларда қўлланган. Кушонларнинг дастлабки мулклари ҳудудига Шим. Бактрия (Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг жан., Туркманистоннинг жан.-шарқидagi ерлар) кирган, Дастлаб жабғу, кейинчалик подшо унвони билан давлатни идора қилган Кадфиз I Кушон подшолигига асос солган бўлиб, унинг даврида кушонлар ҳоз. Афғонистон билан Покистоннинг кўпчилиги қисмини босиб олган, Кадфиз I нинг вориси Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг аксарият қисми Кушон подшолигига қўшиб олинган. Кушон подшолиги нинг энг раванқ топган даври Канишка ҳукмронлиги қилган вақтга тўғри келади. Ўрта Осиёда кушон мулкларининг шим. Чегараси Ҳисор тизмаси бўйлаб, у ерлардаги тоғ дараларида ғоятда мустаҳкам чегара деворлари қурилган.

Кушон подшолиги даврида урушларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида мамлакатда ҳарбий асир-қуллар миқдори ошиб борган. Хитой ва Парфия билан кураш олиб бораётган Кушон подшолиги Яқин Шарқда ҳукмрон бўлиш учун Парфия билан



урушаётган Римнинг иттифоқчиси эди. Бироқ савдо манфаатлари бу давлатларни ўзаро яқинлаштирган. Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароит яратилган. Шарқда-Шарқий Туркистоннинг қўшиб олинган шаҳарлар—воҳалари орқали Хитой билан, жан.да — кушонларга тобе Шим. Ҳиндистон билан, ғарбда — денгиз йўли билан, Миср орқали ёки курукликдаи йўл билан Эрон орқали Ўрта денгиз ҳавзасидаги Рим империяси шаҳарлари билан, шим.да Хоразм ва Урал бўйи орқали Шарқий Европа билан савдо қилинган. Жан. Ўзбекистондан кушовлар даврига оид юздан ошиқ шаҳар ва қишлоқ ҳаробалари аниқланган. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган: ҳар бир шаҳар атрофида кўплаб майда қишлоқлар жойлашган,

Кушон подшолиги сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган давлат бўлиб, унда подшо дунёвий раҳбар бўлиш билан бирга бош қохин ҳам эди. Давлат сатраплик (қ. Сатрапия) ларга бўлинган бўлиб, уларнинг сатраплари айрим эркинликларга эга эди. Кушон подшолиги қулдорлик давлати бўлсада унда қишлоқ жамоаси муҳим ўрин тутган. Кушон подшолари мамлакатда кенг қўламда динлараро мурасасозлик сиёсатини юргизган: аҳоли, асосан, буддизмнинг маҳаяна мансабига эътиқод қилган, шунингдек, мамлакатда зардуштийлак, оташпарастлик, ҳиндуизм каби кўплаб боқа динлар ҳам бўлган. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенг тараққий этган. Пул тизимида кўпроқ олтин ва мис тангалар қўлланилган. Деҳқончилик, хусусан, суғорма деҳқончилик ривожланган, к. хионийлар экинларининг кўпчилиги тури экилган. Мил. 3-а.нинг 1-ярми ёки ўрталарида Кушон подшолиги барҳам топган. Бактрия — Тохаристон махсус мулк сифатида Сосонайлар давлати таркибига кирган. Уни кушоншоҳ унвонли сосонийлар хонадони вакиллари идора қилган.

Маданияти. Кушон подшолиги Рим Парфия Хитой билан ҳар жиҳатдан беллаша олган Қад. Шарқдаги энг қудратли салтанатлардан бири бўлиб, икки аср мобайнида осиёликларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига катта таъсир ўтказган. Бир салтанат таркибида бир неча мамлакатлар, халқ ва элатларнинг бирлашуви турли маданиятларни ўзаро яқинлаштирди, антик давр маданиятлари (маҳаллий Қад. Бактрия, юнон, сак ва ҳинд маданиятлари)ни мужассамлаштирди. Аммо, Кушон подшолиги маданияти тарихининг айрим жиҳатлари ҳанузгача ноаниқ бўлиб, тарихчи, шарқшунос ва археолог олимлар уларга ойдинлик киритиш учун изчил ва чуқур и.т.лар олиб бормоқдалар. Чунончи, бу борада 1913 ва 1960 й.ларда Лондон, 1968 й. Душанбе, 1970 й. Қобулда халқаро симпозиумлар ўтказилди, ЮНЕСКО қошшидаги Марказий Осиё тарих ва маданиятини ўрганиш комиссияси эса кушонлар тарихи ва маданиятини ўрганишни ўз олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Археологлар Кушон маданиятига оид Баграм, Балх, Беган, Сурх-Кўтал (Афғонистон), Косамби (Ҳиндистон), Сирсух, Таксила (Покистон), Айритом, Бозорқалъа, Далварзинтепа, Зартепа, Кўҳна Вос, Термиз, Хайрободтепа, Холчаён (Ўзбекистон), Кайкубодшоҳ, Кухнақалъа, Шаҳринав, Мунчоктепа (Тожикистон)да қазилар ишлари олиб борди. Археологик топилма ва қухна ёзма манбалар асосида кушонлар маданиятига доир қуйидаги муҳим илмий маълумотлар аниқланди: буржли мустаҳкам мудофаа деворига эга бўлган шаҳар қурилиши тараққий этган, бир неча ўнлаб шундай шаҳарлар, кўплаб йирик суғориш иншоотлари қурилган. Шаҳарлар ичида арklar мавжуд бўлиб, уларнинг атрофини турли бинолар мажмуаси қуршаб турган. Кушон подшолиги нинг шим.-ғарбий ҳудудларидаги бинолар қурилишида кўпроқ хом ғишт ва пахсадан, жан.-шарқда эса тошдан фойдаланилган. Шаҳарлар, одатда, дарё бўйларида стратегик жиҳатдан қулай жойларда бунёд этилган. Улар подшо саройи, бойзодагонлар ва ҳунармандлар маҳалласи, кўча ва майдонлар, ховузлар, турли динларга мансуб иншоотлар, экинзор ва боғлардан иборат бўлган. Уйлар кўп хонали, ҳашаматли бўлиб, баъзилари икки қаватли қилиб қурилган. Ховли саҳни, хоналар поли, зиналар ва б.да турли ҳажмдаги пишиқ ғиштлар қўлланилган. Айвон ёғоч устунлари остига оҳактошдан йўнилган чиройли тагкурсилар ўрнатилган. Томдан тушадиган сувлар учун

махсус сопол тарновлар ишлатилган. Бино ва хоналар хайкалтарошлик, тасвирий санъат асарлари билан безатилган. Хайкал ва расмларда, асосан, подшолар, подшо хонадони аъзолари, бой—зодагонлар, созанда ва масхарабозлар тасвирланган (мас., Холчаёнда). Будда динига мансуб иншоотларда эса Будда ва унинг сафдошлари, издошлари коҳинлар ва хизматкорлар ифодаланган (мас., Айритом, далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепада). Хайкаллар, асосан, оҳактош, лой ва ганчдан тайёрланган, улар орасида сиртига тилла суви юритилганлари ҳам бор. Деворий сураатларда эса диний ва базм маросимлари, табиат манзаралари, суворийлар тасвирланган. Кулолчилик тараққий этган, топилган сопол идишлар хилма-хил ва ўзининг козик, жарангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Амалий санат кенг ривожланган, унинг энг яхши намуналари Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмидажида сақланмоқда. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг қуроллари яшаш, мато тўқиш тараққий этган. Канишка I даврида Кушон-Бақтрия тили давлат тили сифатида қабул қилинган. Аҳоли асосан, буддизм динининг маҳаяна масхабига эътиқод қилган, кўплаб будда ибодатхоналари қурилган, шунингдек, оташпарастлик, ҳиндуизм ҳам кенг тарқалган. Канишка I буддизм тарихида биринчи бўлиб вақти-вақти билан диний йиғин чақириб туришни жорий этган. Дастлабки йиғичда буддизмнинг мазкур янги мазхаби-маҳаяна расмийлаштирилган. Бу эса буддизмнинг Осиё мамлакатларида кенг тарқалишига унинг жаҳон динларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Топилган тангаларнинг орқа томонида турли маъбудлар - Михра-Митра (Қуёш маъбуд), Оташ (олов маъбуд), Фарр (омад ва маъмурчилик маъбуд) ва б. тасвирланганлиги буни исботлайди. Салтанатда савдонинг ривожланиши ёзувнинг кенг қўламда тарқалишга имкон яратган. Оромий ёзуви асосида суғд ва хоразмий ёзувлари вужудга келиб, тараққий этди. Ҳинд алифбосига асосланган қҳароштхи ёзуви намунаси илк бор Термиздан, тери ва тахтага битилган хоразмий ёзуви намунаси эса Тупроқ қалъадан топилди. Кушон подшолиги ерларидан ўтган Буюк ипак йўли ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Кушон подшолари зарб қилган олтин, кумуш ва мис тангалар Эфиопия, Скандинавия, Италия ва б. кўпгина мамлакатларда топилди. Бу эса Кушон подшолиги чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдо ва маданий алоқалар олиб борганлигидан далолат беради. Шарқдан олиб келинган ипакка ғарб бозорларидаги моллар алмаштирилган. Умуман савдода кўп товарлар қатори дориворлар, Рим тилла танга ва тақинчоқлари, фил суяклари ва ундан тайёрланган турли буюмлар ҳамда “тирик товар” — созанда, раққоса ва хунарманд қуллар ҳам б. Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Ўзбекистоннинг жан.даги Далварзинтепада бўлган, подшо Канишка даврида эса Пешовар ш.га кўчирилган. Айни шу даврда бадий, санъат мактаблари (Гандҳара, Матхура, Бақтрия) шаклланди. Канишка адабиёт ва санъат ҳомийси бўлиб Кашмир вилоятида Канишкапур ш.га асос солди. Унинг саройида машҳур буддавий олимлар Парева ва Васумитра, буюк шоир ва файласуфлар Ашвагхоша, Матричета, Нагаржуна ҳамда Чарака яшаб ижод қилган.

Кушон подшолигига доир ёзма манба ва археологик топилмалар кушонлар маданиятини ўрганиш уларнинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданияти тараққиётида тутган ўрнини илмий баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Кушон подшолиги сиёсий тарихи ва маданияти ўтмишининг ҳали тўла, ҳаққоний ёритилмаган жиҳатлари кўп бўлиб Ўзбекистон, Ҳиндистон, Франция, АҚШ, Италия, Венгрия, Тожикистон, Афғонистон, Россия, Япония олимлари уларни аниқлаш борасида чуқур, изчил и.т.ларни давом эттирмоқда.

Милоддан аввалги I асрда юэчжи қабилалари уюшмасида (Гуйшуан, Шуанми, Хиси, Хюми, Хуанми) Гуйшуан (Кушон) уруғининг ҳокимлик мавқеи анча кучайди. Гуйшуан қабилиси дастлаб Сурхон воҳасида жойлашган ва уларнинг пойтахти Далварзин шаҳри (ҳозирги Шўрчи тумани) бўлган. Подшо кужула кадфиз даврида Кушон подшолиги ҳудудлари анча кенгайди ва давлат тарикибига Жанубий тожикистон, Афғонистон ва кашмир ерлари қўшиб олинади.

Кушон подшолиги Канишка ҳукумронлиги йилларида (78-123 йиллар) улкан салтанатга айланди. Кушон подшолиги Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Шимолий хиндистон ва Шарқий Туркистон ерларини ўз таркибига киритди. Шу вақтда пойтахт Далварзиндан пешоварга кўчирилди. Кушон подшолиги қадимги даврдаги Рим, парфия, Хитой давлатлари билан тенг бўлган ва ғоятда қудратли давлатга айланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида юзага келган Кушон подшолиги таркибига Ўзбекистоннинг асосий ҳудудлари (Хоразм, Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона) қирмаганлиги диққатга сазовордир. Бу ҳудудларда ўзига хос бошқа маҳаллий давлат юзага келган ва кушонлар маданий анъаналарга ҳоли тарзда тараққий этган. Бу давлатлар билан Кушон давлатининг шимолий чегаралари Кўхитоғ, бойсун, Хисор тоғлари орқали ўтганлиги Бойсун туманидаги Дарбанд атрофидан ўрганилган мудофаа деворларини ўрганиш натижасида исботланди. Бу мудофаа деворлари қолдиқлари шу ердан ўтган чегара қалъаси деворлари бўлган.

Кушон сулоласи ва давлати тарихи ёзма манбалар ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Тангалардаги дастлабки вақтларда юнон-Бақтрия шоҳлари тасвири мавжудлиги ва аста-секин унинг ўрнини кушонларнинг «шоҳ», «шоҳлар шоҳи» сўзлари эгаллаши унинг ҳарбий сиёсий қудрати юксалиб борганлигидан далолат беради.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлат бошқаруви анъаналари сақлаб қолди ва давом эттирди. Давлатнинг олий ҳукумдори подшо вилоятлар ва шаҳарлари ўз ноиблари ёрдамида бошқарарди.

Буюк Ипак йўлининг ривожланиши билан Кушон подшолигининг ижтимоий-иқтисодий жihatдан яшнашига таъсир кўрсатди. Шаҳарлар кўпайди, янги – янги ерлар ўзлаштирилди ва суғориш тармоқлари барпо этилди.

Шаҳарлар тузилишига кўра бир неча қисмдан иборат бўлган: ҳоким саройи, хунармандчилик устахоналари, гузарлар, алоҳида ибодатхоналар жойлашган шаҳар қисми ва бошқалар.

Давлатнинг иқтисодий асосини суғорма дехқончиликка асосланган хўжалик, савдо ва хунармандчилик ташкил этган. Хунармандчилик турли-туман касб ва хунарлардан иборат бўлган.

Ташқи сиёсат анча кенгайиб, Хиндистон, Хитой, рим салтанати билан савдо ва элчилик муносабатлари ўрнатилган. Савдо муносабатларининг кенгайишида Буюк Ипак йўлининг ахамияти катта бўлган. Тадқиқотлар натижасида Термиздан Рим тангалари, Ўрта ер денгизи атрофларидан Кушон тангаларининг топилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Канишка даврида кушонлар маданияти хиндлаштирилди ва Будда дини давлат динига айланди. Оромий ва юнон ёзувлари асосида кушон ёзуви шаклланди. Меъморчилик тасвирий санъат юксак даражада ривожланди. Жаҳон миқёсида машҳур бўлган кушон даври санъат обидалари Айритом, Эски Термиз, далварзинтепа ва холчаёндан топиб ўрганилган.

Кушон давлати ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат бир неча ҳудудлар ва кўплаб қадимги халқларни бирлаштирган. Улар орасида ўзбек халқи аجدодлари ҳам кушон маданияти юксалишига ўз ҳиссасини қўшган. Кушон давлати IV асрларгача оғир ички ва ташқи курашлар исканжасида қолди ва асосий ҳудудларидан ажралди. Бу вақтда унинг ҳудудлари қисман Шимолий Хиндистондагина сақланиб қолди.

## **7-МАВЗУ: ЎРТА ОСИЁДА ФЕОДАЛ (ДЕХҚОН) МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ИЛК ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР (хоразм, хионийлар, кидарийлар, эфталлар давлати).**

### **Режа:**

1. Ўрта Осиёда феодал муносабатларнинг шаклланиши.
2. Ўрта Осиёда феодал ер эгалигининг ташкил топиши.
3. Ўрта Осиёдаги илк феодал давлатлар.

### **Таянч тушунчалар:**

Дехкон, феодал муносабатлар, феодал ер эгалиги, кадивар, кашоварз, чокар, хионийлар, кидарийлар, эфталлар.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Кушон давлатининг парчаланиш сабабларини аниқланг.
2. Ўрта Осиёда феодал муносабатларнинг шаклланиши ҳақида маълумот беринг.
3. Феодал ер эгалиги нима?
4. Ўрта Осиёдаги илк феодал давлатлар.
5. Хоразм давлатининг ташкил топиши.
6. Хионийлар давлатининг ҳудуди ва ташкил топиши.
7. Кидарийларнинг жойлашган ҳудуди.
8. Эфталлар давлатининг ташкил топиши ва ҳудуди.

### **Адабиётлар:**

1. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан эрамизнинг V асригача) Т, 1994.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари, Тошкент, 1991.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т, 1994.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
5. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.
7. Ҳидоятлов Г. А. Менинг жонажон тарихим. Т, 1992.

**Хоразмшоҳлар давлати** қадимги даврдан 13-а. ўрталарига қадар Хоразм ҳудудида ҳукмронлик қилган сулолалар (сиёвушийлар, африғийлар, маъмунийлар, олтинтошлар, ануштигинийлар). Хоразмшоҳлар давлатини хоразмшоҳлар бошқарган. Маркази, асосан, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган булса ҳам, ривожланган даврларида, айниқса, 13- а. бошларида шим.да Каспий денгизининг шим.соҳиллари, жан.да Хиндукуш тоғлари, шарқда Қашқаргача етган. Археологик маълумотлар Кўзалиқир, Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа Кат қалъаларини пойтахт шаҳар бўлган шаҳар деб тахмин қилишга имкон беради. Ёзма манбалар Кат қалъасини африғийлар сулоласи вакиллариининг сўнги қароргоҳи бўлганлигини тасдиқласа, Гурганж (Кухна Урганч) ш. маъмунийлар ва ануштегинийлар сулоласининг пойтахти бўлган.

Абу Райхон Беруний маълумотларига қараганда, хоразмшоҳ унвонини олган дастлабки сулола сиёвушийлар ҳисобланади. Мил. ав. 8-а.да шаклланган Қадимги Хоразм (қ. Хоразм) давлатида ахоманийлар ва ундан кейинги африғийлар сулоласи асосчиси Африғгача (305 й.) бўлган Хоразмшоҳлар давлати ҳақида тўла ва аниқ маълумотлар йўқ.

Беруний бу ҳақда: “Сиёвуш ибн Кайхусравнинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан тарих олди. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, Турк подшоҳлари (устидан) ҳукмронлигини юрғузган эди”, деб ёзган.

Кайхусрав билан Африғ даври оралиғида “хоразмшоҳ” унвонига сазовор бўлган шоҳлардан бизга Кайхусрав (тахм. мил. ав. 1200—1140 й.), Саксафар (тахм. мил. ав. 519—517 й.), расман (тахм. мил. ав. 329—320 й.), Хусрав (тахм. Мил. ав. 320 й.) номлари маълум. Бу даврларга оид археологик манбалар Хоразмшоҳлар давлатида суний суғоришга асосланган деҳқончилик, савдо-сотик анча ривожланганидан дарак беради. 1938—40, 1954—56 ва 1965—75 й.лардаги археологик-этнографик экспедициялар натижасида ўрганилган ёдгорликлардан топилган моддий-маданий топилмалар Хоразмда илм-фан, санъат, ҳайкалтарошлик юксак даражада ривожланганидан дарак беради. Бу ёдгорликларнинг юқори қатламлари ва ҳозиргача сақланиб қолган қисмларнинг кўпчилиги асосан, африғийлар сулоласи даврида қурилган.

3-а.да Хоразм ҳудудида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган бир нечта ҳокимликлар вужудга келган. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва кўлида бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек, Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, кўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва шу жойда эрб қилинганлиги маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Топилган тангаларда латин алифбосидаги “S” ҳарфига ўхшаш сиёвушийлар тамғасининг борлиги, бу сулола сиёвушийлар авлодидан бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Мил. 3- а. ўрталарида Кушон подшолигидагина эмас, балки бутун ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар бўй беради. Кушонлар сулоласи билан бир вақтда аршакийларнинг ҳукмронлиги емирилаи. Хоразмда кушонлар билан кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини эрб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради. Шундай қилиб, 3-а.да Хоразмда кушонлар билан курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ — африғийлар сулоласига асос солинади.

Хоразм эфталийлар (5-а.нинг 2- ярмида — 6-а.нинг ўрталари) даврида ҳам, турклар (6-а.нинг 2- ярми — 7- а.нинг 1—ярми) даврида ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолди.

Византиялик тарихчи Менандр, Хоразм 6-а.нинг 60-й.ларида Византия ва турклар билан дипломатик алоқалар олиб борилганлиги тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот беради.

**Хионийлар** — туркий қабила. Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, дастлаб Олтой тоғлари атрофида яшашган ва 4-а.нинг 1-ярмида жан.-ғарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё оралиғига кириб келишган. Бу ерда дастлаб улар Зарафшон воҳасини эгаллаб, жан.га ҳаракат қилишган ва анча заифлашиб, сосонийлар Эронига қарам бўлиб қолган Кушон подшолиги ўрнини эгаллаганлар ҳамда маркази Тохаристон бўлган Шим. Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросоннинг бир қисмини ҳам ўз ичига олган ХИОНИЙЛАР (Хионитлар) давлатини (4-5-а.лар) барпо қилишган. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса ХИОНИЙЛАРнинг дастлаб Орол денгизи шим.да яшаганлиги ва йирик массагет қабилалар иттифоқига мансуб бўлиб, хунлар билан аралашганлигини таъкидлайдилар (Л.Н. Гумилевн, С.П. Толстов, К.В. Тревер). Уларнинг фикрича, юнон ва латин тилидаги асарларда ХИОНИЙЛАР “оқ хунлар” деб аталган. 4-а.нинг 70-й.ларида ХИОНИЙЛАР сосонийлар Эронига эронига қарши хужум уюштириб, муваффақиятга эришганлар. Шунингдек, сосоний подшолар Варахран (418— 438), Яздигард II (438—457) даврларида улар Эроннинг энг йирик рақибига айланганлар. хионийлар ҳукмронлик давом этаётган бир пайтда янги бир сулола — кидарийлар ўртага чиққан. Улар Олтой тоғлари ва Шарқий Туркистон оралиғидан жан.-ғарбга силжиб 420 й.да Боло (Нахшаб) ш.ни ўзига қароргоҳ қилишган ва Хионийлар давлати билан қўшни бўлиб қолганлар.

5-асрнинг 2-ярмида хионийлар ва Кидарийлар давлати ҳудудини ўз ичига олган янги бир давлат эфталийлар сулоласи ўртага чиқади ва 6-а.нинг 60-й.лари- гача Марказий Осиёдаги энг йирик давлатга айланади.

Тарих фанда эфталийларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳозиргача ягона фикр мавжуд эмас. Бир қанча олимларнинг, тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра эфталийлар маҳаллий халқлардан, бошқалари Хоразмдан, яна бирлари эсамассагетларнинг етита уруғи орасидаги етакчи қабила бўлганлигини таъкидлайдилар.

Хитой манбалари эса, эфталийлар юзчиликларнинг бир тармоғи ёки Кангюй авлодлари сифатида талқин этилади. Охирги маълумотларга кўра Эфталийларнинг Ватани Бактрия-тоҳаристон ҳудудлари бўлган.

Юнон манбаларида ёзилишича, эфталийлар ягона подшо бошқарувига, ривожланган обод фуқаролик жамиятга эга бўлишган. Ички ва ташқи муносабатларда адолат улар учун асосий мезон саналган. Эфталларда патриархат бошқаруви тартиби жаҳатлари устун бўлган. Шунингдек, эфталларнинг ҳарбий қўшинлари энг қудратли қўшинлардан ҳисобланган.

Эфталийлар давлати ҳудудий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг асосий қисми, Шарқий Туркистон ва Шимолий Хиндистон ҳамда Гандҳара вилоятлари устидан ҳукумронлик қилган.

Эфталийлар давлатидаги асосий шаҳарлар Сўғдиёна шаҳарларидан иборат бўлиб, улар орасида Кушония (Каттақўрон яқинида), Ривдад, Пойканд, Талликон, Термиз, Гургон, Варахша каби шаҳарлар эфталийлар ҳукумронлиги йилларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар саналган ва иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган. V асрдан бошлаб Самарқанд ҳам тараққий эта бошлади. Бу вақтда давлатнинг сиёсий маркази Пойканд шаҳри, ҳукмдорлар қароргоҳи эса варахша шаҳри бўлганлиги тахмин қилинади. Эфталийлар йирик давлат тизимини вужудга келтирдилар. Давлат ҳудудлари Кушонлар давлатидан кенгрок эди. Эфталийлар даврида Эрон сосонийларнинг шарққа юришларига чек қўйилди ва сосонийлар узоқ йиллар давомида Эфталларга тобе бўлиб келдилар. Эфталлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосан V аср ўрталарига тааллуқлидир.

Эфталийларда аҳолининг асосий қисми дехқончилик билан машғул бўлган қолганлари эса чорвачилик билан шуғулланганлар. Дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли аста-секин маҳаллий аҳоли билан аралашиб бориб, ўртоқ ҳаёт тарзига ўта бошлаган. Жамиятда «сара кишилар»-зодагонларнинг мавқеи кучайиб борган ва улар кўпроқ шаҳарларга келиб яшай бошлаганлар. Оддий аҳоли ва зодагонлар ўртасидаги фарқ ҳамма томонлама яққол кўриниб турган.

Эфталийларда диний эътиқодлар ҳилма ҳил бўлган. Эфталийлар ҳукмронлик қилган ҳудудларда зардуштийлик ва буддизм, айрим шаҳарларда несторианлар ва яҳудийлар жамоалари диний эътиқодлари ҳам мавжуд бўлган. Эфталийлар қисман буддавийликка эътиқод қилсаларда оташпарастликдаги маъбудаларга, буд ва санамларга сиғиниши устунроқ бўлган. Хар куни тонгда улар қуёшга сиғинганлар. Эфталийларда кушон ёзувининг ривож топган шаклини кўриш мумкин. Эфталлар ёзуви ўзининг шакли билан қисман бошқалардан фарқ қилган ва сўзлар чапдан ўнгга қараб ўқилган. Алифбосида 25 та ҳарф бўлган. Шунингдек сўғд ёзуви ва сўғд тили ҳам айрим ҳудудларда етакчилик қилган.

VI аср ўрталарига келиб, эфталлар давлати инқирозга учрай бошлади. VI аср ўрталарида Ўрта Осиёда Турк хоқонлиги ҳукумронлиги ўрнатилди. VI асрнинг 60-70 йилларига келиб эса, Ўрта Осиёда жумладан Ўзбекистон ҳудудларида бир неча мустақил, расман хоқонликка бўйсунувчи давлатлар шаклланди. Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё хавзаларида 9 та алоҳида мулкӣ ҳудуд мавжуд бўлган. Манбаларда ёзилишича бу мулкларнинг барчаси Кан (Самарқанд Сўғдининг хитойча номи) сулоласига бўйсунган. Булар Маймурғ, Иштихон, Кушония, Бухоро, Нақшаб, Амул, Андхой ва Самарқанд (Кан). Булар орасида Самарқанд энг йириги бўлган.

VII аср биринчи чорагида Кеш вилояти кучайиб, қудратли давлатга айланиб боради. VII аср ўрталарида Кеш ҳукмдори-ихшид Шишпир бутун Сўғдда ҳукумронликни қўлга киритади. У ўз номидан тангалар зарб эттиради ва Хитой билан

дипломатик муносабатларни ўрганади. VII аср иккинчи ярмида Кешда Ахурпат ҳукумронлик қилган вақтида Кеш ва Самарқанд ўртасида курашлар кучайиб кетади ва Самарқанд ҳукумронликини қайтариб олади. Эндиликда Кеш ихшиди Самарқанд ихшидига тобе бўлиб қолди ва унга ихрид унвони берилади. Бу вақтда Самарқанд ҳокими Вархуман бўлган. Сўғдиёнинг маҳаллий ҳокимлари Чоч ва Хоразмнинг мустақил ҳокимлари билан бирлашган эдилар. Йирик сиёсий бирликлар маълум муддатларда шаҳарлардан бирида ўз қурилтойларини ўтказиб турганлар.

Хоразм бошқа шаҳар-давлатларга нисбатан мустақил эди. Мамлакатда Африғий ҳохлар сулоласи шоҳлари ҳукумронлик қилганлар. VI-VII асрларда Хоразмда иқтисодий инқироз ҳукм сурган бўлишига қарамай у Шарқий Европа давлатлари билан мунтазам савдо алоқалари олиб борган. Хоразм маданияти эса ўз қиёфасини сақлаб қолган ҳеч қандай ташқи таъсирига учрамаган. Сўғдиёна ҳудудлари ҳозирги панжикентдан Карманагача бўлган ҳудудлардан иборат бўлган. Бу вақтда Бухоро мустақил давлат сифатида ажралиб чиқди ва бухорхудоғлар бошчилигида яшай бошлади. Фарғона Кан сиёсий иттифоқидан мустақил бўлиб, афшин томонидан бошқарилган ва Тянь-Шань халқлари билан ўзаро алоқада бўлган.

VI-VII асрларда Сўғдиёна, Хоразм ва Фарғона ва уларга қарашли тарихий-географик ҳудудларда дехқончилик ва боғдорчилик, узумчилик ва пахта етиштириш, уй чорвачилиги еткази ўрин тутган. Иқтисодий ҳаётнинг муҳим соҳалари саналган хунармандчилик ва савдо-сотиқ яхши тараққий этган.

Дехқончилик сунъий суғоришга асосланган. Араблар босқинига қадар суғориш тизими яхши тараққий этган ва бу ерга келган араблар ҳам обод ва қўқаламзор боғ-роғлар, далаларни кўриб, хайратда қолганлар. Самарқанд шаҳрини сув билан таъминлайдиган суғориш тармоғидан ташқари Кушониянинг Нарпай, Бухоро воҳасининг Шопурком, Самарқанд атрофининг Работи Хожа каби учта сув тармоғи мавжуд бўлган.

Лалмикор дехқончилик ҳам хўжаликда асосий ўрин тутган. Зироатчиликда анъанавий донли экинлар ва пахта кўп етиштирилган. Сўғдда ипак толаси етиштирилган.

VI-VII асрларда савдо-сотиқ ишлари жанубдан шимолга қўчган ва бундаги воситачилик сўғдийлар қўлига ўтган. Кончилик ишлари кенгайиб, хунармандчилик турлари кенгайиб борган. Муғ тоғида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган 150 турдаги мато бу ерларда тўқимачилик ҳам ғоятда ривожланганлигидан далолат беради.

VII асрда ҳарбий тўқнашувларнинг кўпайиши иқтисодий ҳаётда катта ўзгаришларни юзага келтирди. **Биринчидан**, марказлашган ҳокимият заифлашди, **иккинчидан**, сиёсий вазиятнинг нотинчлиги иқтисодий тангликни юзага келтиради.

Сўғд вилояти аҳолиси ижтимоий қатламлари асосан савдогарлари, хунармандлар, тақводорлар, ҳарбий аскарлар, зироаткорлар ва чорвадор аҳолидан таркиб топган. Уларнинг орасида дехқонлар мавқе жихатдан юқорироқ турган. Чунки улар зодагон саналиб, катта ер эгалари ҳисобланган. Жамиятда диндорларнинг ҳам ахамияти юксак бўлган.

VI-VII асрларда маданий тараққиёт жамиятдаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий воқеалар таъсирида ривожланиб борган. Турли халқларнинг тил ва ёзувлари алоҳида ўринга ва мавқега эга бўлган. Араб ёзувига қадар Ўрта Осиё ҳудудларида турк - руний (милоддан аввал шакилланган) уйғур (тахминан VI аср), монивий, (милодий III-VIII асрлар), сўғд, барҳам ва сурийёний ёзувлари мавжуд бўлган. Булар орасида Хоразм ёзуви алоҳида ўринга эга бўлган. Диний эътиқодда зардуштийлик дини етакчи ўрин тутган.

## **8-МАВЗУ: ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ (мустақил маҳаллий давлатлар тарихи)**

### **Режа:**

1. VI асрнинг I ярмида сиёсий вазият.
2. Марказий Осиё ҳудудида Турк хоқонлигининг ташкил топиши.
3. Мустақил маҳаллий давлатлар: Суғд, Тоҳаристон, Чоч, Илоқ, Фарғона.
4. Турк хоқонлиги ва маҳаллий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар.

### **Таянч тушунчалар:**

Турк хоқонлиги, маҳаллий давлатлар, Суғд, Тоҳаристон, Чоч, Илоқ, Фарғона, иқтисодий ва сиёсий алоқа, сиёсий вазият, Сосонийлар, ябғу.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Марказий Осиёда VI асрнинг I ярмидаги сиёсий вазият.
2. Марказий Осиё ҳудудида Турк хоқонлигининг ташкил топиши.
3. Суғд маҳаллий давлатининг ташкил топиши.
4. Тоҳаристон маҳаллий давлатининг ташкил топиши.
5. Чоч маҳаллий давлатининг ташкил топиши.
6. Илоқ маҳаллий давлатининг ташкил топиши.
7. Фарғона маҳаллий давлатининг ташкил топиши.
8. Турк хоқонлиги ва маҳаллий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар.

### **Адабиётлар:**

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
2. Буряков Я. Ф. Элоқнинг ўрта аср кончилиги ва металлургияси (V-XIII аср боши) М, 1974.
3. Гумилов Л. Н. Қадимги турклар. М. 1961.
4. Раҳмон Насимхон. Турк хоқонлиги. Тошкент, 1993.
5. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.
7. Ўзбекистон ССР тарихи 1-жилд. Тошкент, 1970.
8. Самарқанд тарихи. 1-жилд, Тошкент, 1971.
9. Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чоррахасида, Тошкент, 1990.

**Турк хоқонлиги** — Марказий Осиё минтақаси ва унга туташ бир неча ўлкаларни ўз ичига олган йирик салтанат (6-8-а.лар). Турк хоқонлигига доир маълумотлар Урхун-Енисей битиктошлари, Хитой йилномалари, юнон (Византия), арман, сурёний, суғд, араб, форс, тибет, бактрий, манбаларида сақланиб қолган.

6-а.нинг 2-ярмида Турк хоқонлиги вужудга келгунга қадар минтақада 2 йирик давлат: Эфталлийлар ва Жўжанлар давлати ҳукм суларди. Турк хоқонлигининг асосчилари бўлмиш туркий ашина қабиласи эса бу пайтда Олтой тоғларининг жан. ён бағирларида истиқомат қилар ва Жўжанлар давлатига тобе эди. Жўжанлар қўл остидаги ашина турклари кучайиб 545 й. теле қабилаларини, 551 й. эса жўжанларни енгадилар. Шу тариқа оға ини Бумин Ва Истами 552 й. Турк хоқонлигига асос соладилар. Бумин ўзини хоқон деб эълон қилади (қ. Бумин хоқон, Истами хоқон 555 й.га келиб, Марказий Осиёнинг шим.-шарқидаги қабилалар, узов Шарвдаги кидан (қорахитой), татаби, шивей каби манчжур ва мўғул қабилалари, Енисей буйидаги туркий қабилалар ҳам Турк хоқонлиги қўшинлари томонидан тобе этилиб, 555 й.даёқ Шаркий Туркистоннинг катта қисми Турк хоқонлиги қўл остига ўтади. Турк хоқони Муғон (553—572) Хитойга 556—



557 й.ларда юришлар қилиб, бу ердаги Ғарбий Вэй (Тоба) сулоласи ўрнини эгаллаган Шим. Шим. Ци (550—577) ва Чжоу (577—581) сулолаларини ўз таъсир доирасига олади. Турк хоқонлиги 565 й. эфталийларга Нахшаб ш. (ҳоз. Қарши ш. яқинидаги Ерқўрғон ҳаробаси) атрофида оғир зарба беради. Турк хоқонлиги эфталийларга қаршли Чоч, Фарғона, Уструшона, Самарқанд, Хоразм. Бухоро, Кеш ва Насафни қўлга киритган бир пайтда хоқонликнинг эфталийларга қарши иттифоқчиси Сосонийлар Эрони ҳукмдори Хусрав I Ануширвон эса Эфталийлар таркибида бўлган Тоҳаристон, Қобулистон, Зобулистон (Шим. Афғонистон) вилоятларини эгаллайди. Сосонийлар билан бевосита қўшни бўлиб қолган хоқонликнинг Эронга юборилган элчиларининг ўлдирилигаи ва суғдий Маниах бошчилигида ипак тижоратини йўлга қўйиш мақсадида йўлланган элчиларга Эрон шоҳининг қўпол муносабатда бўлиши ҳатто улар келтирган ипак матоларни ёкишга буюриши Турк хоқонлиги ва Сосонийлар ўртасидаги иттифоққа раҳна солади. Турк хоқонлиги Эрон билан орани узиб, Византия империясига яқинлашиш у билан савдо сотик, асосан, ипак тижоратини ривожлантириш учун унга 567 й. мазкур Маниах бошчилигида элчилик ҳайъатини юборади. Шу пайтдан бошлаб икки давлат ўртасида иттифоқ вужудга келади. Эрон — Византия ўртасида 571 й. жанг бошлангач ғарбга юришни давом эттираётган Истами шу йили Шим. Кавказдаги Кубан дарёси ҳавзаси на Озарбайжонни қўлга киритади. Бошқа тарафдан эса 567 й. данок Сосонийларга қарши Амударё йўналиши буйлаб юриш уюштира бошлаган. Истами бу жабҳада катта муваффақиятлар қозониб, Тоҳаристонни олгач, Турк хоқонлигининг жан.-ғарбий чегараси Амударё бўлиб қолади. 6-а.нинг сўнги чорагида Қобулистон (Қобул), Зобулистон ва Хуросоннинг катта қисми хоқонлик таркибига ўтади. 576 й.да Турк хоқонлиги билан Византия орасида ихтилоф пайдо бўлади ва хоқонлик шу йили Қримдаги Боспор (Керчь)ни босиб олади ва 581 й.да Херсонесни қамал қилади. Шарқий Европада хоқонлик ҳудуди бу пайтга келиб қора денгиз соҳиллари, шарқда Корея бўғози шим.да Ўрал тоғлари, Енисей ва Байкалбуйи, жан.да Афғонистон ва Шим. Ҳиндистон ҳудудларини ўз ичига олар эди.

580-й.ларга келиб хоқонликда ички низолар, тахт талашувлар авж олади. Бу ишга Хитойнинг Суй сулоласи ҳам аралашади. Шундан сўнг хоқонлик бир муддат Олтой тоғларининг шарқидан то узоқ Шарққача бўлган ҳудудни, яъни Жан. Сибирь, Урхун ҳавзалари (Мўғулистон), Шим. Хитой ҳудудларини ўз ичига олувчи Шарқий Турк хоқонлиги ва Олтой тоғларининг ғарбидаги хоқонликка қарам Ўлкаларни ўз ичига олувчи маркази Етти сув бўлган Ғарбий Турк хоқонлиги га бўлиниб кетади.

Маркази Утукан водийси (Мўғулистон) бўлган Шарқий Турк хоқонлиги Шибихоқон (609—619) лаврида Хитой (Суй) империясига қарши жанг олиб боради. У 615 й.да Хитойга юриш қилиб Яймин (Ордос) вилоятида император Яндини қуршовга олади. Яйминдаги 41 қалъадан 39 таси Турк хоқонлиги қўлига ўтади. 618 й.да Суй сулоласини ағдариб, унинг ўрнини эгаллаган Тан сулоласининг ишларига ҳам Шиби хоқон аралашади. У бу пайтгача шарқда кидан ва шивей қабилаларини, Жан.-Ғарбда Тугухун (Тогон) давлати ҳамда Турфон ўлкасини бўйсундиргач Хуанхэ дарёсини кечиб ўтиб, Хитой ҳудудига кирган вақтда вафот этади. Тахтга Эл-хоқон (хитой манбаларида Хйелихан; 620—630) ўтиралаи ва 10 йил давомида, асосан, Хитой билан кураш олиб боради. 2 марта, 624—626 й.ларда пойтахт Чанъанни қуршаб олади. Унинг ўлимидан сўнг Шарқий Турк хоқонлиги 50 йилга яқин Хитойга қарам бўлиб қолади.

Ўз даврида “Ўн Ўк хоқонлиги” деб юритилган Ғарбий Турк хоқонлиги Истамининг ўғли Тарду хоқон (576—603) Сосо нийлар Эронига қарши жанглар олиб бориб, ғарбда ўз ҳокимиятини кучайтирди. Унинг ўғли Шегуй хоқон (610— 618) даврида хоқонлик қўшинлари жан.-ғарбий ҳудудларда фаол ҳаракат юрита бошлайди. У Эроннинг шим. шарқий вилоятларига ҳужум уюштириб, сосонийлар устидан йирик ғалабага эришади ва Исфаҳон, Рай каби шаҳарларни қўлга киритади. Унинг иниси Тун ябғу (Тун-шэху; 618—630) хоқонликнинг ғарбдаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. У

хукмронлик қилган даврда Турк хоқонлиги нинг чегараси ғарб ва жан.-ғарбда, Жан.-Шарқий Европа даштлари, Кавказ, Волгаббўйи, Гургоп, Марв, Ҳинд дарёсининг юқори ҳавзалари, Шим. Ҳиндистон ва Афғонистоннинг аксарият вилоятларини ўз ичига оларди. Унинг шад унвонли ўғли бошчилигидаги хоқонлик кўшинлари Византия императори Ираклий билан биргаликда 627—628 й.ларда Жан. Кавказга сафар уюштиради ва бу ердаги сосонийлар кўшинини енгиб, Тбилиси ш.ни қўлга киритади. Тун ябғу ғарбий ҳудудларда ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида қароргоҳини Шош воҳасининг шимдаги Мингбулоқ (х тойча Цянь-цюань) мавзесига кўчи ради ва бошқарувда ислохотлар ўтказиб қарам ўлкаларга туркий тудун ва элтабар унвонли вакиллар жўнатади.

630-й.ларга келиб Ғарбий Турк хоқонлиги ҳам бир муддат Хитойга қарам бўлиб қолади. Бироқ тез орада ўз қудратини тиклаб олади. Хитой манбаларида қайд этилишича, Эл-билга Ишбара ябғу (630—641) нинг қўл остида Шарқий Туркистондаги Куча, Шаншан, Черчен, Харашар (Қорашаҳар) ҳокимликлари ва Ши (Шош), Шиь (Кеш), Хэ (Кушония-Каттакўрғон) Му (Марв), Кан (Суғд) ва Тохаристон ўлкалари бўлган. Хоқонлик Истамининг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Улуғ Ишбара (Хэлу Шаболо; 651—657) хоқон ҳукмронлиги даврида Хитойга қарши бир неча йил кура олиб боради.

Қапаған хоқон (691—716) даврида хоқонлик минтақадаги энг йирик давлатга айланади. У жиянлари Кутлуғ Элтариш хоқоннинг ўғиллари Билга ва Култегин ҳамда Тўюқуқ билан биргаликда Хитойдаги Хуанхэ дарёси ҳавзалари ҳамда Шаньдун ўлкасига юриш қилиб, 23 та шаҳарни қўлга киритади, 699 й.да жан.-ғарбга, собиқ Ғарбий Турк хоқонлиги ҳокимиятини қўлга киритган турғашларга ва Тохаристон улкасига юриш қилади. Қапаған хоқон 700 й. Тангут ўлкасига, 701 й. Хитойнинг шим.-ғарбидаги “Олту Чуб Суғдақ ўлкасига, 703 й.да басмилларга, 705—706 й.ларда байирқуларга, 709 й.да чик ва азларга, 710 й.да қирғизлар ва турғашларга қарши кўшин тортиб уларни кайтадан ўз таркибига кўшиб олади. Турк хоқонлиги Мовароуннаҳрга бостириб кирган араб истилочиларига қарши 710 й.да кўшин юборади ва Суғд, Шош, Фарғона ҳокимларининг арабларга қарши курашида қатнашади. Билга хоқон (716—734) ҳукмронлиги даврида Турк хоқонлиги минтақанинг энг қудратли давлатларидан бирига айланади. 716 й.да Селенга дарёси ҳавзасида истиқомат қилувчи уйғурларга, 717 й.да ўғузларга, 718 й.да қарлуқларга қарши жанг қилиб, уларни хоқонликка бўйсундиради. Бу даврда хоқонлик ҳудудлари шарқда Сирдарёнинг шарқидан то ғарбда Хинган тоғлари ёнбағирлари (Манжурия), Шаньдун ўлкаси (Хитойнинг шим. шарқи Сарик денгиздаги Бохай кўрфазигача бўлган ерлар)ни, жанубда Тибетнинг шимоли, Шарқий Туркистон, Хитойнинг шим. вилоятларидан то шим.да Енисей дарёси ва Байкалбуйини ўз ичига олганлиги маълум бўлади. 740-й.ларга келиб Турк хоқонлиги ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятларга дуч келади. Билга хоқоннинг ўғиллари ҳукмронлиги даврида хоқонлик заифлашади. 742—744 й.ларда уйғур, қарлуқ ва басмил қабиалари бирлашиб, хоқонликка хужум уюштиришади. 745 й.да иттифоқчилар Турк хоқонлигининг сўнгги ҳукмдори Баймей хоқонни улдиришади ва хоқонлик тахти уйғурлар қулига ўтади.

Турк хоқонлигини дунёнинг энг йирик давлатлари қаторига кўшишда хоқонлар Бумин (551—552), Муқан (553—572), Таспар (572—581), Тунга Туров (588—600), Шиби (609—619), Эл-хоқон (620—630), Кутлуғ Элтариш (680—691), Бекчур Қапаған (691—716), Бил-га (716—734) ва бош вазир Тунюқуқ (680—726), шахзода Култегин (Қўл Тегин) (684—731) ҳамда Ўн Ўк бошқаруви ҳукмдорлари Истами ябғу (552—576), Тарду (576—603), Тун ябғу (618—630) қабиладар му роль ўйнадилар. Улар даврида Турк хоқонлиги томонидан Хитой, Сосонийлар Эрони, Византия каби дунёнинг кучли давлатларига қарши юриш уюштирилади.

Турк хоқонлигининг бошқарувида 2 хил тизим мавжуд эди: бўйсундирилган баъзи ўлка ва вилоятларда мавжуд маҳаллий сулолалар сақланиб қолган ва улар

хоқонликка ўлпон тўлаб турганлар; тобе ўлка ва вилоятларнинг айримлари бошқарувига тайинланган ҳукмдор хонадонга мансуб вакиллар ҳокимияти.

Бу пайтда Сирдарё ва Амударё оралиғи ҳамда туташ ҳудудлар Турк хоқонлиги таркибида бўлиб, бу ердаги Шошда тудунлар, Фарғонада ихшидлар, Уструшонада афшинлар, Суғдда ихшидлар, Бухорода бухорхудотлар, Хоразмла африғийлар, Тохаристонда ябғулар ҳокимияти мавжуд эди. Уларнинг баъзиларининг келиб чиқиши Турк хоқонлиги ҳукмдор сулоласига мансуб бўлишган. Жумладан, Шош тудунлари, Тохаристон ябғулари ва ҳ.к.

Эрамизнинг 551 йилида Олтойда янги давлат - Турк хоқонлиги юзага келди. Турк хоқонлиги ҳукмдори Муқанхоқон (554-576 йй.) ва унинг амакиси Истами Ябғуларнинг Ўрта Осиёга юришлари VI асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларида айниқса кучайди. 568 йили Ўрта Осиё батамом улар қўлига ўтди. Улар аввал кўпроқ ўзлаштирилмаган ерларга, аста-секин маҳаллий аҳоли яшайдиган қишлоқларга, ерли халқ маданий-хўжалик ютуқлари таъсирида ярим ўтроқ ва кўп ҳолларда ўтроқ турмуш кечиришга, улар билан иқтисодий ва маданий алоқани кучайтиришга муяссар бўлдилар. Натижада Хоразм, Фарғона, Сўғднинг катта қисми яшовчи туркий қабилалар улар билан аралашиб кетди.

VI асрнинг 60-70 йилларида хоқонлик қабилалари Бухоро воҳаси ва ҳатто Шимолий Афғонистон ҳудудларига ҳам бориб ўрнаша бошладилар. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинлашув ва қон-қариндошчилик алоқаларининг ривожланиш жараёни содир бўла бошлади. 603 йилга келиб Турк хоқонлиги узил-кесил 2 қисмга: Шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетади. Ўрта Осиёдаги бир нечта кичик ярим мустақил давлатлар ғарбий Турк хоқонлиги таркибида эди.

Янги ер эгаллиги муносабатлари ривожланаётган Ғарб хоқонлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёни туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан аралашиб кетади. Ўтроқ ҳаётнинг анъанавий-маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб хоқонлик қабилаларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб боради. Турклар этник-сиёсий ҳаётда фаоллар Ўрта Осиё жамиятининг барча жабҳаларида тенг қатнаша бошлайдилар. Хоқон Шегуй вафотидан кейин (618 й.) ҳокимиятга келган Тун Ябгу (Тун баходир) даврида ғарбий хоқонлик янада кучайди.

Бу жараёни тўхтатиш учун ҳеч бир сиёсий куч майдонга чиқмади. Аксинча, маҳаллий аслзодалар, айниқса, сўғд зодагонлари турк хоқонлари химоясида ўз савдосотиқ ишларини ривожлантириб, бу ишлардан жуда катта даромад олар эдилар. Туркий аҳоли сон жихатдан кўпайиб, уларнинг маҳаллий аҳоли ўртасида этник қатлами тобора қалинлашиб борди. Айниқса, туркий қатлам VII-VIII-асрларда Шош ва Фарғонада устун даражага эга эди. Гарчи ғарбий Турк хоқонлиги 659 йилга келиб парчаланиб кетса-да унинг этник таъсири ўлкада сақланиб қолди.

VIII аср бошида арабларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши маҳаллий аҳоли этногенезига деярли таъсир кўрсатмади. Араблар улардан сиёсий ҳукмронликни тортиб олиб, туркий халқларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш жараёнига чек қўя бошладилар. Хоқонлик қабилаларининг маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши, уларнинг тобора ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши ҳолати юз берди. Туркий тил тобора кенг тарқала бошлади. Араблар туркий таъсирини синдириш мақсадида Мовароуннаҳрни эронликларга яқинлаштириш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Ўрта Осиёга VIII-IX асрларда арабий ва эроний оилаларни кўчириб келтириб жойлаштириш сиёсатини юрғиздилар. Бу даврга келиб турклар таъсирларида Еттисувни сақлаб қолдилар ҳолос.

**VI—VIII асрларда Мовароуннаҳрнинг илк маҳаллий давлатлари.** Феодал муносабатлар ривож топиб мамлакатнинг сиёсий жихатдан заифлашуви оқибатида у бир қанча майда илк феодал малакатларга бўлиниб кетади. V-VI асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг айрим вилоят ва воҳаларида йирик шаҳарларга таянган 15 дан ортиқ

мустақил давлатлар ташкил топган эди. Бундай давлатларнинг энг йирикларидан Суғда ихшитлар, Тоҳаристонда маликшоҳлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Чоч ва Элокда будун ва дехқонлар, Фарғонада ихшитлар ҳукмронлик қилади.

V-VII асрларда бум айда илк феодал давлатлар, аввал эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлиги бўйсундирилган бўлсада, аммо эфталийлар ҳам, турклар ҳам уларнинг ички ҳаётига аралашмайдилар. Марказий ҳокимиятга бож тўлаб туриш билан улар ўз мустақилликларини маълум даражада сақдаб қоладилар. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўз атрофидаги мулкдор зодагон дехқонлар ва уларнинг ҳарбий чокарларига таянардилар. Чунки улар ўзаро бир-бирлари билан душманлик кайфиятида бўлиб, шу боисдан бири иккинчисидан чўчиган ҳолда яшар эдилар.

Улар орасида энг йириги Суғднинг илк феодал давлатлар конфедерацияси эди. Бу иттифоққа Зарафшон ва Қашақадарё водийларида жойлашган Самарқанд, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Вардона, Бухоро, Кеш ва Нахшоб мулклари бирлашган эди. Бу мулкларнинг ҳар бири ўз ҳокимлиги ва ҳарбий чокарларига эга эди. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд ихшидига тобе бўлсада аммо Бухоро, Кеш ва Нахшоблар деярли мустақил эди. Ҳатто улар ўз танга пулларини зарб қилардилар. Самарқанд ихшиди саройида аждодлар рўхига атаб қурбонлик қилиш учун махсус ибодатхона бино қилинган. Унда ўтказиладиган ҳар йилги диний маросимларда вилоят ҳукмдорларининг барчаси қатнашарди. Ёзма ва археологик манбалардан маълум бўлишича, Суғд ҳукмдорлари Ўрта Осиё ва чет эл давлатлари билан элчилик алоқалари олиб борардилар. Масалан афросиёбда очилган деворий расмларда Суғд ҳокими Вархуманинг Чоғаниён, Чоч ва Хитойдан келган элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланади.

Суғда аҳоли жуда гавжум яшарди. Суғдийлар ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, дехқончилик ва боғдорчилик, айниқса узумчиликда ниҳоятда омилкор эдилар. Дарғом, Наҳрипой, Ҳаркон каби йирик анҳорлардан суғорилган Суғд ерлари жуда ҳосилдор эди. Суғорма дехқончилик ривож топган бу диёрда ғалладан ташқари, пахта ва шоли экиларди. Унинг пахтасидан тўқилган сурп ва бўз матоларидан фақат сўғдийлар эмас балки дашт аҳолиси кийинарди. Суғднинг шарбатли узумларидан мусаллас тайёрланган. Самарқанднинг зарғалдоқ шафтолиси Хитой пойтахтида “Самарқанднинг олтин шафтолиси” номи билан донғи кетган эди. Чорвачиликда майда ва ерик шоҳли ҳайвонлар билан бир қаторда от, ҳачир, эшак ва туялар боқилар эди. Айниқса Суғднинг хисори қўйлари ва тулпорлари жуда машҳур эди. Бухоро, Кеш ва Маймурғ яйловларидан уюр-уюр йилқилар муттаси Хитойга хайдаб бориларди.

Суғд шаҳарлари бу даврда ҳунармандчиликнинг марказига айланди. Уларда тўқимачилик, кулолчилик, кўнчилик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик ривож топади. Темирдан хўжалик асбоблари ва уй-рўзгор буюмларидан ташқари қурол яроғлар: шамшир, ханжар, табар, гузи, совут, қалқон ва дубулғалар ясалар эди. Ҳатто 718 й. да Суғдийлар ҳадия тарифасида юборган дубулғадан нусха олиб Хитой қуролсозлари ўз қўшинларини дубулғалар билан таъминлайдилар. Суғд тоғларидан олтин, жез, новшадил ва ялама тузлар ковлаб олинарди. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдо алоқларининг кенгайишига имкон беради. Суғддан Марказий Осиё ва Хитойга қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган зеб-зийнатлардан тортиб турли туман матолар ва дориворларгача олиб чиқиларди. Ўша замонда Суғда бола беш ёшга тўлгач уни ўқиш ёзишга ҳисобга ўргатар, балоғатга етгач, уни савдо қарвонларига кўшиб тижорат сафарларига юборардилар.

Илк феодал давлатларидан яъни бири Тоҳаристон эди. У ҳозирги Сурхондарё вилояти, жанубий Тожикистон ва шимолий Афғонистон ҳудудларида жойлашган. Бу мустақил давлат Хутталон, Чағониён, Термиз, Бадахшон, Қабодиён, Вахш, Шуман, Шугнон, Вахон каби 27 та тоғли ва тоғ олди вилоятларининг бирлаштирган. Улар ҳар бирининг ўз ҳокими ва чокарлари бўлган Масалан, Чағаниён вилоятининг ҳокими

“чағонхудот”, Термизнинг ҳукмдори “термизшоҳ”, Хутталонники - „малик” ёки “шері хутталон” деб юритилади. Маҳаллий ҳукмдорларнинг энг кучла ва нуфузлиси Хутталон, Шуман, Қабодиён, Шуғнон ва Ваҳон вилоятларининг ҳокимлари бўлиб, улар ҳарбий кучлар зарур пайтларда 50 минггача чокар тўплай олардилар.

Тохаристон аввал эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлиги томонидан бўйсундирилади. Манбаларда таъриф этилишича, VII—VIII асрларда Тохаристон аҳолисининг ярми маҳаллий ярми эса турклар бўлган. Унинг бир қисми тохар, иккинчиси турк, учинчиси эса маҳаллий тилда сўзлашган. Подшоҳ, зодагонлар ва фуқаролар будда динига сиғинганлар, қатор ибодатхоналар ва қоҳинлар бўлган. 25 ҳарfli ёзуви кўндалангига чапдан ўнгга қараб битилган. Аҳолиси ип ва ипак матолардан кийинган. Тоғликлари пўстин ва жун чакмон кийишган. Эркаклар соч ва соқолларини қиртишлаб, аёллари эса узун соч қўйиб юришган.

Тохаристон аҳолисининг асосий қисми ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган. Асосан ғалла ва дуккакла экинлар, қисман шоли ва пахта экилган. Тоғолди ва тоғли жойларда аса баҳорикорлик ва узумчилик ривож топган. Археологик топилмалар орасида писта, бодом, ёнғоқ ҳамда ўрик, шафтоли ва олча данаклари, шунингдек қовун ва тарвуз уруғлари қайд этилган Шунга қараганда Тохаристон аҳолиси боғдорчилик ва полизчилик билан ҳам шуғулланган. Чорвачиликда майда ва йирик шоҳла ҳайвонлардан ташқари от, ҳачир, туя ва эшак боқилган. Илк ўрта асрларда Тохаристонда бўлган сайёҳлар унинг пастак отларининг масофаларга қатнашда ниҳоятда чидамли эканини мақтаб ёзишган.

Тохаристон ноёб табиий бойликларга сероб эди. У ерда қадимдан қончилик тараққий топган. Биргина Бадахшоннинг ўзидан лал, ложувар, ақиқ, қаби қимматбаҳо тошлар ва олтин, темир ва жез қовлаб алинган. Сержило тошлар ва маданлар зарғарлик, қилангарлик ва темирчилик ишлатилган. Бу ўлкада айниқса қуролсозлик юксалган эди. Чокарлар қамон, гурзи, чўқмор, ханжар ва шамшир билан қуролланган. Уларнинг қўлида ажойиб тўқима Балх совутлари бўларди. Тохаристонда шишасозлик ҳам анча ривож топган эди. Рангдор шишалардан сурмадонлар маржон ва мунчоқлардан ташқари хилма-хил буюмлар ясалган. VIII аср бошларида Тохаристондан Хитойга олиб қитқилган қизил ва зумрад рангли шишалар хитойликларни лол қолдирган. Тохаристонда айниқча тўқимачилик юксак даражада эди. Ип, жун ва ипакдан рангли, гулдор та йўл-йўл матолар тўқилган. Қимматбаҳо ипак ва жун матолардан эса асоса зодагон деҳқонлару ҳукмдорлар кийинишган.

Тохаристон жуда кўп мамлакатларга элчилар юбориб улар билан савда алоқалари олиб барилган. Четга кўплаб қимматбаҳо тошлар чиқарилган. Машҳур Бадахшон лаъли эса жаҳон бозорларид ниҳоятда юқори баҳоланган. Хутталонда уюр-уюр зотлар, йилқилар олиб чиқилган. Тохаристон дори-дармонлари эса Хитойда жуда қадрланган. Бу илк феодал давлат вилоятиларида Суғд тангаларига тақлидан сўқилган ўз пуллари ички савдо муомаласида юрган. Тохаристоннинг пойтахти қадимдан Балх бўлган.

Хуллас, Тохаристон мустақил илк феодал давлатлар қаторида турса ҳам, лекан ҳали бир оз бўлса-да, марказлашмаган эди. Чунки унинг ҳар бир вилояти ўзининг врисийо сулоласига мансуб ҳокимлари томонидан бошқарилган. Улар алоҳида-алоҳида давлатчадарни эслатарди. Ҳатто уларнинг ҳар бири ўзга юртларга элчилар юборарди. Шундай қилиб, Тохаристон илк ўрта асрларда ташкил топган майда давлатчалар конфедерациясини ташкил этарди.

Бу даврда Фарғона водийсида яна б илк феодал давлат ҳукм сурурди. Қадида бу мамлакат Даван ва Фрагона деб юритилган. Унинг подшолари “ихшид” деб аталган пойтахти Косон ва Ахсикат шаҳарларида жойлашган. Даван шимол томондан Еттисув, ғарбдан Чоч ва Элоқ, жануби-ғарбдан Суғд, жанубдан Тохаристо ва шарқдан Шарқий Туркистон вилоятлари билаи чегарадош бўлган. Хитой манбаларида тарифланишича Фарғона ерлариб жуда ҳосилдор бўлиб аҳолиси деҳқончилик билан кун кечирган, пахта

ва шали эккан. Унда боғу бўстонлар ва гулзорлар мўл бўлга. Косон, Ахсикат ва Кубо каби йирик марказий шаҳарларида хунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топиб унинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда жуда ҳаридоргир бўлган. Қўшни мамлакатларга арғумоқлар, бўёқлар, ранг-баранг шиша буюмлар ва дори-дармонлар чиқарилган.

Фарғона водийсида ўтроқ аҳоли билан бир қаторда тоғ ва тоғолди яйловларида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар яшаган. Қурама ва Қармазор тоғлари ён бағирларида қайдан йилқичилик билан шуғулланилган. Бу диёрда кўпайтирилган тулпор отларнинг донғи жаҳонга таралган. Фарғонада қўй, хачир ва туялар боқилган.

Шундай қилиб VI-VIII асрларда Фарғонада деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, хўжаликлари ва ички ҳамда ташқи савдо ривож топган. У мустақкам иқтисодий пойдеворли ўлка эди. Стратегик жиҳатдан қулай географик ўрни, мустақкам мудофаа иншоотлари билан таъминланган Косон, Ахсикат, Кубо каби йирик шаҳарлари, тоғ қалъалари, водий бўйлаб жойлашган қатор-қатор истеҳкомли қўрғонлари туфайли бу диёр кучли ҳарбий имкониятга ҳам эга эди. Илк ўрта асрларда Фарғона Ўрта Осиёни сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган қудратли давлат бўлган.

V-VII асрларда Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида иккита мустақил илк феодал давлатлари ҳукмронлик қилган. Манбаларда улардан бири Чоч давлати, иккинчиси Элоқ мулки номлари билан тилга олинади. Чочнинг пойтахти Чочкат шаҳри бўлиб, подшоҳи “тудун” деб юритилган. Хитой манбаларида Чоч вилояти Ши ва Чже-Ши номлари билан тарифланади. Элоқнинг пойтахти Тункат бўлган, ҳокимлари “деҳқон” деб аталган. V асрда Чоч вилояти Эфталлийлар давлатига, VI асрда эса ғарбий турк ҳоконлигига бўйсундирилади. VIII асрда Чоч ва Элоқ бирлашиб ягона давлатга айланади ва ўз мустақиллигини тиклаб олади. Чоч ва Элоқ шимол ва ғарб томондан Ғарбий Турк ҳоконлиги, шарқдан Фарғона ва жанубдан Уструшона билан ченарадош эди.

Чоч ва Элоқ сертармоқ хўжаликка эга мамлакат эди. Унда суғорма деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик айниқса кончилик, ички ва ташқи савдо юксак даражада ривожланган. Илк ўрта асрларда Чирчиқ дарёсидан Зоғариқ, Бўзсув, Анҳор ва Калковуз каби йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиб, Чочнинг экин майдонлари ниҳоятда кенгайган. Бу даврда Чоч воҳаси узул-кесил шаклланиб у 50 га яқин суғориш шаҳобчалари воситасида суғорилган. Деҳқончиликда кўпроқ арпа, буғдой ва тарик экилган. Айниқса Чочнинг пойтахт шаҳри атрофлари обод эди. Унда 50 дан ортиқ катта-кичик истеҳкомлар, феодалар қўрғонлари ва кўшклари, обод қишлоқлар қад кўтарган.

Чоч ва Элоқ тоғлари олтин, кумуш рангли маъданлар темир ва жилвадор Чокмоқ тошларга бой эди. Бу табиий бойликлар туфайли қадимда бу ўлкада кончилик ва унга асосланган хунармандчилик ривож топади. Олтин ва кумушлар қазиб олишда айниқса Элоқ Ўрта Шарқ мамлакатларида шуҳрат топади. Чотқол ва қурама тоғларида жойлашган Қўҳисим, Лашкарак ва Кони Мансурдан кумуш Қўшбулоқ ва Қизил олмасой конларидан олтин, Унғурликон ва Оқтурпоқ конларидан эса феруза қовлаб олинган.

Рангли ва нодир маъдан конларининг ўзаро яқинлиги айирбош савдо бозори бўлган кўчмачи чорвадорлар даштининг Чоч ва Элоққа туташиб кетгани мамлакатлараро ташқи савдо алоқаларининг боғловчи қарвон йўлининг ўлка орқали ўтиш бу вилоятларда ички ва ташқи савдо сатикнинг кенгайиб, шаҳарларнинг говжумлашувига имкон беради.

Чочнинг моҳир устлари металлларда қурол-яроқ, уй-рўзгор буюмлари олтин ва кумушлардан турли хилдаги зеб-зийнатлар ясаганлар, тери ошлаб, чарм пишириб, пахта ва жундан мато тўқиганлар, сопол ва шиша идишлар ясаб, ичка ва ташқи бозорни хунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаганлар. Чочдан олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, ғалла, қуруқ мева ва йилкилар четга чиқарилган.

Шаҳар аҳолисининг бир қисми савдо билан машғул бўлган, VI-VIII асрларда Шарқий Туркистон билан савдо-сотик қилишда чочликлар Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейин учинчи ўринда турган. Чоч пойтахти тошқи савдо муносабатларининг маркази эди.

VII-VIII асрларда Чочда кумуш ва мис тангалар ясайдиган зарбхона бўлган. VIII асрда кумуш дирҳамлар ҳатто Элоқнинг кумуш конларида ҳам сўқилган. Чоч тудунлари олд томонига мулкдорнинг расми, орқасига гажак думли шер ёки қоплон тасвири, баъзан сулолавий айри тамға туширилган чақа тангалар зарб этганлар. Шу даврда сўқилган Чочнинг айрим танга пуллари орасида подшоҳ билан ёнма-ён малика расми туширилган пуллар ҳам учрайди. Бу, шубҳасиз, илк ўрта асрларда Чочнинг ижтимоий ва иқтисодий, айниқса сиёсий ҳаётида ҳукмдор табақа аёлларининг бирмунча нуфузга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Бу даврда туркий қабилалар ўтроқлашувининг кучайиши, чочликлар билан олиб борилган доимий иқтисодий алоқалар туфайли Чоч воҳаси ўзаро маданий мулоқотларнинг марказига айланида. Чочда туркча ва сўғд тилларида сўзлашувчи аҳолининг сафи кенгайиб боради. Биоқ чоч ўлкаси бу даврда Турк хоқонлигига тобе бўлишига қарамай, ҳали ўзининг тили, ёзуви ва қадимий маданияти анъаналарини сақдаб қолган эди. Бу ерда ҳали сўғд тили расмий тил сифатида юритилиб, давлат ишларига оид ҳужжатлар, чақа ва тангалар зарб этиш ишлари, ҳукмдорлар номидан битиладиган ёзувлар мазкур хатда ифодаланарди.

Чочнинг ижтимоий таркиби ҳам илк феодал жамиятигаҳос эди. У мулкдор табақа-зодогон деҳқонлар, меҳнаткаш табақа-эркин жамоа аъзолари – озолар; мулкдор табақага муте-кадиварлар ҳамда эрксиз кул ва чўрилардан иборат эди.

## **9-10-МАВЗУ: МАВАРОУННАХРНИНГ АРАБЛАР ТОМОНИДАН ИСТИЛО ҚИЛИНИШИ. ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ.**

### **Режа:**

1. Араб халифалигининг ташкил топиши.
2. Мовароуннахрнинг араблар томонидан истило қилиниши.
3. Араб халифалигининг мустамлакачилик сиёсати.
4. Араб халифалигига қарши халқ қўзғолонлари.

### **Таянч тушунчалар:**

Араб халифалиги, Хуросон, Мовароуннахр, мустамлакачилик, ислом, Қуръон, халқ қўзғолонлари, Гурак, Абу Муслим, Шарик ибн Шайхулмахрий, сунна, шиа, Муқанна, Рофе ибн Лайс.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Араб халифалиги ташкил топишидаги сиёсий аҳвол.
2. Мовароуннахрнинг араблар томонидан истило қилиниши.
3. Араб халифалигининг мустамлакачилик сиёсати.
4. Араб халифалигига қарши халқ қўзғолонлари.
5. Гурак ва Диваштич қўзғолони ва унинг аҳамияти.
6. Абу Муслим қўзғолони ва унинг моҳияти.
7. Оқ кийимлилар қўзғолони.
8. Рофе ибн Лайс қўзғолони.

### **Адабиётлар:**

1. Айний. С. “Муқанна қўзғолони”. Душанбе. 1993
2. Аҳмедов. Б. Ўзбекистон тарихи халқлари манбалари. Тошкент, 1991.
3. Беляев В. А. Илк ўрта асрларда араблар, ислом, Араб халифалиги, М, 1965.
4. Муҳаммаджонов. А. Р. Пойканд шаҳри харобалари. Тошкент, “Фан”, 1988.
5. Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннахр ва Хуросонда деҳқонлар қўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965.
- Наршахий. М. Бухоро тарихи. Тошкент. “Фан”. 1966.
6. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
8. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.

**Араб халифалиги (632 — 1258)** — Арабистон я.о., Яқин ва Ўрта Шарқ, Шим. Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган салтанат. 7-8-а.ларда ташкил тонган. А.хионитлар асосчиси пайғамбар Муҳаммал(ас)нинг энг яқин сафдоши халифа Абу Бакр дир. Араблар юқорида зикр этилган мамлакатларни 633—715 й.лар орасида босиб олганлар. Бу мамлакатлар асосан “Хулафо ар-рошидин” (“Тўғри йўлдан боровчи халифалар”) ва уммавийлар замонида фатҳ этилди. Лекин аббосийлар бу улкан худудни бутун сақлаб қололмадилар. Ички ихтилофлар таъсири остида А.хионитлар 8-а.нинг охирларидан бошлаб майда-майда қисмларга парчаланиб кета бошлади: 788 й. Мағрибнинг ғарбий қисмида (ҳоз. Марокаш) идрисийлар (788 — 985), унинг шарқий қисмида (ҳоз. Тунис) аглабийлар (800—909) ҳукмронлиги ўрнатилди. Хуросон ва Мовароуннахраа эса 9-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб маҳаллий сулолалар: тохирийлар (821 — 873), саффорийлар (867 — 903) ва сомонийлар (875 — 999) бош кўтариб чиқдилар. Улар А.хионитларга номигагина тобе бўлиб, аслида мустақил ҳукмдор эдилар. А.хионитлар 1258 й. муғуллар тарафидан тугатилди (яна қ. Халифалик).

**Халифалик** — 7-8-асрларда араб истилолари натижасида Арабистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шим. Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган давлат (қ. Араб халифалиг) Ибн Халдуннинг ёзишича, “жоҳилия араблари” фақат диний сифатдаги (пайғамбарлик, валийлик, коҳинлик ва ҳ.к.) ҳокимиятни тан олганлар. Шунинг учун ҳам ҳижратдан сўнг (622 й.) Мадинада барпо бўлган ва 630—632 й.ларда бутун Арабистон я.о.ни ўз ичига олган тузум ислом динига асосланган, теократик давлат шаклини олган. Бу давлатнинг бошлиғи— расулуллоҳ — Аллоҳнинг



элчиси, аммо у абадий эмаслиги пайғамбарнинг ўзи томонидан қайта-қайта таъкидлаб келинган. Бу давлатни келжакда бошқарадиганлар сиёсий усуллардан фойдаланишлари муқаррар эди, зеро Муҳаммад (сав) — пайғамбарларнинг охиргиси (хотам ул-анбиё). Биринчи бўлиб бу ҳақиқат Пайғамбар (сав) томонидан англанди. “Халифалик мендан кейин умматларим ичида ўттиз йил, сўнгра амирлик (подшолик) дир” деган мазмундаги ҳадис айнан шу фикрни исботлайди. Дарҳақиқат Аллоҳнинг номидан (вахий орқали) умматини бошқарган Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнгра раҳбарликка илоҳий раҳнамолик сифатида эта бўлмаган ва бунга даъво ҳам қилмаган халифалар хелган. Саҳобалар бундан кейин дунёвий ишларни оддий инсон ҳукмдор — амир бошқаришини тушунганлар. Маккалик ва мадиналик саҳобалар — муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги баҳс фақатгина уларнинг қайси бири ана шу лавозимга сайланиши ҳақида борар эла. Абу Бакр Сиддиқнинг Халифату Расулуллоҳ — Аллоҳ элчисининг ўринбосари бўлиб сайланиши шундан далолатдир. Айнан шу даврда ҳокимият вазифаларининг (суд, молия ва х.и.) бўлиниши ва уларнинг, асосан, муҳожирлар ўртасида тақсимланиш юз берган. Бу жараён, яъни давлат бошқарув тизими динийлик қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши 4 халифа — Абу Бакр Сиддиқ (632— 634), Умар ибн Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644- 656) ва Али ибн Абу Толиб (656—661) даврида узил-кесил амалга ошган, улар “ал-Хулафо аррошидун” (тўғри й.дан боровчи халифалар) деган ном олдилар.

Али ибн Абу Толиб вафотидан сўнг давлатни бошқарган умавий халифалар (661—750) араб тарихий адабиётида “диний тарбиядан умуман йироқ” шахслар сифатида тавсифланадилар. Халифалар расман диний ва дунёвий ягоналикни мужассам этган бўлсаларда лекин амалда жамиятнинг диний ҳаётига таъсир кўрсатмасдилар. Диний арбоблар (муҳандислар, қорилар, муфассирлар, фақиҳлар) қатлами вужудга келганки, энди диний масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифалар эмас, балки айнан ўша арбоблар шакллантирадиган бўлганлар.

750 йилда Аббосайлар халифалиги бошланган. Умавийлардан фарқли ўлароқ аббосийлар ўз исмларига Аллоҳ сўзини қўшиб мартабали лақаблар олилар, шу йўл билан ўз ҳокимиятларига теократик тус беришга уринганлар. Лекин амалда уларнинг кўпчилиги қўғирчоққа айланиб қолиб, бошқа қавимлар бошлилқари (мас. Маҳмуд Ғазнавай), салжуклар султони Тўғрулбек, бувайҳийлар амири Аҳмад кабиларга мубояъа (гувоҳнома) бердилар ва уларнинг ҳокимликларини қонунийлаштирдилар. 9-адан эътиборан Аббосийлар халифалиги парчалана бошлаган. Испанияда Кордова, Шим. Африкада фотимийлар халифалагининг вужудга келиши халифалик яккаю ягона бўлиши керак деган тушунчага яна бир бор зарба берган.

12-асрда Турк сулолалари заифлашиб, Бағдод халифалиги қисча мудлатга ўз кудратини қайта тиклаган эди ҳамки, мўғулларнинг қақшатқич зарбасига учради ва 1258 й. Хулоку охирги Бағдод халифаси ал- Мустаъсимни қатл қилган.

Шундай қилиб, Аббосийлар халифалиги мўғуллар томонидан йўқ килинди. Аммо 1261 йил Миср мамлукларининг султони Зоҳир Байбарс дастлаб охирги Бағдод халифасининг амакиси ал-Мустансир, сунг яна бир вакил ал-Ҳаким I ни Қоҳирага келтириб, аббосийлар сулоласини давом эттирди. Юқорида зикр этилган иккала шахснинг ҳам ҳақиқатан аббосийларга мансуб эканини ўз вақтида акад. В.В.Бартольд қаттиқ шубҳа остига олган эди. Қандай бўлганда ҳам Қоҳирадаги Аббосийлар халифалиги 1517 й. усмонли турклар томонидан Миср босиб олингунга қадар давом этди.

**Араблар зулмига қарши халқ озодлик курашлари.** Марказий Осиё халқлари араблар истилочилик юришининг биринчи кунларидан бошлаб ўз эрки ва озодлиги учун муқаддас курашга отланганлар, она Ватан тупроғининг бирор қарич ери бўлса уни жангсиз ва курашсиз босқинчиларга бермаганлар. Арабларга қарши олиб борилган эрк ва озодлик курашининг энг эътиборли томони шундаки, бу курашда Мовароуннаҳрнинг

ўтрок қадимий ерлик аҳолиси билан турк қабилалари доимо биргалашиб ягона иттифокда жанг қилганлар

720—722 йилларда биринчилар қаторида арабларга қарши Сўғдиёнада қўзғолон кўтарилган. Бу қўзғолонга Самарқанд ҳокими Ғўрак ва Панжикент ҳукмдори Диваштич бошчилик қилганлар. Ҳар сафар бўлганидек сўғдликларнинг озодлик ва эрк учун курашларини турклар қўллаб қувватлаганлар. Еттисувдан, Туркаш ҳокон шахзода Курсул бошчилигида катта қўшинни ёрдам бериш учун Самарқандга юборган. Сўғдликларнинг бирлашган кучлари арабларга қарши муваффақиятли жанглар қилиб бир неча сезиларли зарбалар берганлар. Бу пайтда Хуросонда Саид ибн Абдулазиз ноиб эди. У юмшоқ табиатли ва айна замонда кийим-кечакка ўч бўлганлигидан “Хузайна” (уй бекаси) лақабини олган эди. Хуросонга янги тайииланган Саид ибн Амр Ал-Хароший (721) сўғдликларга қарши кескин чоралар кўрган. У Ирокда кўтарилган халқ қўзғолонини бостиришда ўзининг шафқатсизлиги билан ном қозонган эди. Хароший кўрган кескин чоралардан жабр кўриб норози бўлган Сўғд аҳолиси мамлакатни тарк этиб, Фарғонага кўчишга қарор қилган. Сўғд аҳолисидан тахминан 10 миң киши йўлга отланиб, Хўжанд шаҳрига етиб келганларида Фарғона подшаси уларни шаҳарда жойлаштира олмай Исфара ҳудудларида жойлашишини таклиф этган. Бу биринчи гуруҳ эди. Иккинчи гуруҳ Панжикент ҳокими Диваштич бошчилигида Зарафшон бўйлаб тоғлар ошиб Обгар (Обаргар) қалъаси олдидан ўтиб илгарилаб борган.

Биринчи гуруҳ ҳали Исфарага етиб бормасдан Ал— Хароший юборган араб қўшинлари Хўжандга етиб борганлар ва сўғдликларни қамал қилгаилар. Фарғона ҳокими сўғдликларга ёрдам бермаган. Қамалда қолган сўғдликларни араблар батамом кириб ташлаганлар. Баъзи маълумотларда уч миң, яна бошқаларида эса етти миң одам ана шу қирғинда ҳалок бўлганлиги таъкидланади. Араблар жуда катта ўлжаларни қўлга олганлар.

Саид Ал-Хароший Диваштич бошчилигида Обаргар яқинида турган панжикентликларни тугатишга киришади. Шу мақсадда у Сулаймон ибн Абуссари бошчилигида катта қўшин жўнатади. Бу қўшин таркибида Марказий Осиё ҳудудларидаги бир неча ҳокимлар, жумладан Хоразм воҳқаси кучлари ҳам бор эди. Умумий қўшинга раҳбарлик қилиш Мусайёб ибн Башир Ар-Риёҳийга юклатилади.

Қўзғолон кўтарган Диваштич бошчилигидаги кучлар обаргар қалъасидан чиқиб душманни қарши олади. Бу жангда арабларнинг қўли баланд келиб, қўзғолончилар Обаргар қалъасига чекинадилар. Қалъа араблар томоиндан қуршовга олинади. Кучлар нисбатининг тенг эмаслигини ҳисобга олган Диваштич Сулаймонга қалъани топширишга рози бўлади ва ўзини Мусайёб билан бирга Хароший олдида юборишни сўрайди. Хароший Диваштични иззат-икром билан кутиб олади, самимий қабул қилади, сўнгра Арбинжонга (баъзи манбаларда Рабинжон — Каттақўрғонга яқин жойда) олиб бориб қатл этади. Диваштич танаси зардуштийларнинг хилҳонаси — новус деворига қоқиб қўйилади. Хароший сўғдликлар қўзғолонини бостиргач, Зарафшон ва Қашқадарё водийларида “тартиб” ўрнатади. Унда айниқса Кеш ва Насаф катта таассурот уйғотади. У Сулаймон ибн Абуссарийни бу шаҳарларга ҳоким қилиб тайинлайди. Бундан ташқари Сулаймон айна замонда ҳарбий ишларга, ҳамда хирож тўплаш бўйича ҳам бошлиқ эди Бундай масъулиятли иккита лавозимга бир вақтнинг ўзида у даврда ҳеч ким қўйилмасди. Бу Сулаймонга бўлган ўзига ҳос катта ишонч эди, албатта.

Араб истилочиларига қарши кураш бир дақиқа бўлсада тўхтамади ва у муттасил давом этди. 723 йилда Фарғона подшоси бош кўтарди. Уни Шош, Насаф аҳолиси ва турклар қўллаб қувватлади. Иттифокчиларнинг бирлашган кучлари арабларни Хўжанддан то Самарқандгача бир неча зарбалар бериб таъқиб этиб бордилар. Бу воқеалар шундан далолат берадики, сўғдликлар араблардан бир неча бор мағлубиятга учраган бўлсаларда улар ўзларини ҳали батамом забт этилган деб ҳисобламас эдилар ва арабларга қарши курашни давом эттира бердилар.

725—729 йиллар давомида араб халифалигининг солиқ сиёсатига қарши Самарқанд, Бухоро ва Хутталиёнда қўзғолонлар бўлиб ўтди. Бу даврда Ашрос ибн Абдулла Ас Суломий ноиб бўлиб у икки томонлама сиёсат олиб бориб маҳаллий аҳолининг ғазабига дучор бўлганди. У дастлаб мусулмон динини қабул қилган фуқаролардан ҳеч қандай солиқ олинмайди, деб Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисининг ишончига сазовор бўлган эди. Ашрос араблар кучи исломда, исломни қабул қилган маҳаллий халқ арабларга ҳеч қандай қаршилик қилмайди, деб ўйлаганди. Сўғдликлар унинг ваъдасига ишониб тезда ислом динига кирган ва мусулмон бўлгандилар.

Масалани қизик томони шундаки илгари халқ томонида туриб арабларга қарши курашган Самарқанд Ҳокими Ғўрак энди Ашрос сиёсатига қарши чиқади. Таборий маълумотларига қараганда у Ашросга хат ёзади. Бу хатда мусулмонликка ўтганларга нисбатан тугтилган сиёсат хирожнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди хирож оладиган одам қолмади, деб уни огоҳлантирган эмиш. Шундан сўнг Ашрос Ғўракнинг ҳақ эканлигига ҳаётда ишонч ҳосил қилибди ва илгариги “куч исломда” деган фикр ўрнига “араблар ҳукмронлигининг кучи хирожда” деган шиорни илгари сурибди. Ана шу аснода Ашрос исломни қабул қилган ва қилмаганлардан ҳам бир ҳилда, аввалгидек солиқ йиғаверишни буюрибди. Бу тезда сўғд аҳолисининг кескин норозиликка сабаб бўлиб катта қўзғолонларнинг бошланишига олиб келган. Самарқандда бошлашган бу қўзғолонга етти минг киши қатнашган. Қўзғолон кенгайиб Бухорога тарқалган. Самарқанд ва Бухородаги қўзғолон қатнашчилари ўзларини мусулмонликдан чиқиб кофирликка қайтганликларини очиқ-ойдин эълон қилганлар. Турклар қўзғолончиларни қўллаб-қувватлаб уларга ёрдам берганлар. Қўзғолон ҳамма ерни қамраб олган.

Айниқса, 728 йил араблар учун жуда оғир бўлганлиги қайд этилади. Қўзғолончилар уларни жуда кўплаб ҳудудлардан ҳайдаб чиқарганлар. Фақат Ғўракнинг иккиюзламали ва сотқинлик сиёсати туфайди Добуссия ва Самарқанд араблар қўлида қолган. Ғўрак бу озодлик курашида катта роль ўйнаши мумкин эди. Аммо у бу йўлни танламади. Фақат 729 йилда жуда катта уринишлардан сўнг араблар яна Бухорони қайтариб олишга муваффақ бўлдилар. Туркларнинг қўзғолончиларга кўрсатган ёрдамидан таъсирланган Ғўрак кечикиб бўлсада араблар билан алоқани узди ва суғдликлаа қўзғолонига қўшилди. Бу унинг илгариги обрўсининг тикланишига сабаб бўлди. Таборий айниқса Кеш атрофида арабларга қарши Шош, Фарғона қўшинлари ва турк лашкарларининг қахрамонларча жанг қилганлигини алоҳида кўрсатади. Бу олиб борилган жанглар Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларни истисно қилганда Мовароуннаҳр халқининг яна беш йил мобайнида араблар ҳукмронлигига бўёсунмаган жасоратидан бир намунадир.

736—737 йилларда Тоҳаристон ва Сўғдда арабларга қарши яна қўзғолон кўтарилган. Натижада арабларга қарши жуда оғир аҳволга тушиб қоладилар. Оғир вазиятдан қутулиш

маҳсадида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиблари ва амирлари бир неча марта ўзгартирилади. Хусусан Наср ибн Сайёр (738—748) даврида кўрилган тадбирлар туфайли араб истизючилари ўлкада ўз мавқеларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар. У қўзғолончиларни бостириш учун Самарқанд, Шош, Фароб ва Фарғонага бир неча бор қўшинлар тортиб борди. Наср ибн Сайёрнинг ноиблик даври Марказий Осиё ерларининг араблар томонидан истило қилиниши тарихида янги ва сунги даврдир. У маълум бир-муддат давомида мамлакатда нисбий осойишталик ўрната олди. Наср бунга қандай эришди? Аввало у оқсуяк деҳқонлар ўртасидаги низолардан фойдаланди, уларнинг кўпчилигини ўз томонига оғдириб олди. Оқсуяк деҳқонлар, лашкарбошилар имтиёзларини сақлашга алоҳида эътибор берди, улар ўтасида кон-қардошлик ва қариндош-уруғчалик алоқаларини ўрнатишни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади. Узи бу соҳада намуна кўрсатиб Тоғшода Бухорхудотнинг қизига уйланди. Ва ниҳоят Наср ибн Сайёр молиявий ислохот ўтказди. Унга кўра ислом динини қабул

қилган барча кишилар жузъя солихларидан озод қилиндилар ва барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатдан тенглаштирилди. Ер эгаси эса қайси эътиқодда бўлишидан қатъи назар, хирож солиғи тўлаши шарт қилиб қўйилди.

Албатта Наср ибн Сайёр давридаги ўлка осойишталиги вақтинчалик ва нисбий характерда эди. Халифаликнинг шарқий мустамлакалари ҳисобланган Марказий Осиё ҳудудлари эрк ва озодлик учун курашга бел боғлаган авлод-аждодларимизнинг улуғвор янги чиқишлари арафасида турар эди.

**Абу муслум қўзғолони.** Араблар босиб олган ҳамма ҳудудларда, хусусан Хуросон ва Мовароуннаҳрда кучайиб кетган мустамлакачилик зулми оммасининг уммавийлар ҳалифалигига нисбатан нафрат ва норозилигини кун сайин ошириб борди. Мамлакатдаги умумий сиёсий вазият бу сулола умрининг тугаб бораётганлигидан далолат берар эди. Оқибатда уммавийларни сиёсий ҳокимиятдан ағдариб ташлашни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйган рақиб гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Ана шундай гуруҳлардан бири аббосийлар эди.

Бу сулолага Муҳаммаднинг амакиси Аббоснинг эвараси Муҳаммад ибн Али асос солган. Аббосийлар уммавийларни расулуллоҳ авлодини қириб ташлашда айблайдилар. Шу муносабат билан Муҳаммад авлодидан бўлган аббосийларнинг ҳокимият тепасига келиши эътиқоди мустаҳкам ислом йўлининг тикланишидир, деб талқин қилинади.

Аббосийлик ғояси ҳаракатини ташвиқот ва тарғибот қилиш мақсадида бу гуруҳнинг энг ишончли ва содиқ вакиллари халифаликнинг барча ҳудудларига юборилди. Айниқса уммавийларнинг босқинчилик ва мустамлакачилик зулми сиёсатига қарши оммавий халқ чиқишлари ва қўзғолонлари кун сайин кучайиб бораётган шарқий вилоятларга алоҳида эътибор берилди. Диноварийнинг берган маълумотларига қараганда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг Марв, Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, Чағониён Марвируд, Ҳирот, Таликон, Бушанж ва Сейстон каби ҳудудларида VIII асрнинг 30- йилларидаёқ аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилиш авж олиб кетган эди. Тарғиботчилар барча зулм ва ситамларнинг сабабчиси қилиб уммавийлар ҳукмронлигини кўрсатдилар ва ҳокимиятга аббосийлар келгач, вазиятнинг ўзгаришига даъват қиладилар. Уммавийларга қарши қўпоровчилик ҳаракати айниқса халифа Марвон II (744—750) даврида ғоятда кучайди. Аббосийлар бу даврда халифаликнинг аҳолига соладиган солиқ миқдорларининг оширилиши ва меҳнаткашларни кўплаб ҳашарларга мажбуран жалб қилиниши оқибатида кучайиб кетган халқ норозилигидан усталик билаи фойдаландилар. Бу даврда уммавийларга қарши уюштирилган ҳаракатга аббосийларнинг эътиборли ва обрўли вакиллари билан бўлган имом Иброҳим ибн Муҳаммад бошчилик қилди.

Худди мана шу даврда яъни 746 йилда Хуросондаги аббосийлар ҳаракатига бошчилик қилиш мақсадида Абу Муслум (асли исми Абдурахмон ибн Асад, тахминан 727—755 йиллар) бу ёрга юборилади. Абу Муслимнинг таржимаи ҳоли тўғрисида бири-бирига қарама-қарши маълумотлар бор. Жумладан, Таборийнинг ёзишича Куфанинг Савад яқинидаги Хуторнийн деган жойда таваллуд топган. У ёшлигида бир бойнинг уйида гумашта бўлиб ишлаган, саррожлик қилган.

Диноварий эса, Абу Муслим йигитлик чоғида Исфaxon атрофидаги бир қишлоқда қул бўлган, деган маълумотни беради. Бироқ Абу Муслим тўғрисида батафсилроқ ва тўлароқ маълумотни Таборий ёзганлигидан унинг маълумотлари ҳақиқатга яқин бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасдир.

Имом Иброҳим ибн Муҳаммад Абу Муслимни Хуросонга жўнатиш олладан унга бир қатор аниқ кўргазмалар ва маслаҳатлар берди. Абу Муслим Хуросонга етиб келгач ўзининг қароргоҳи келиб, Марв шаҳридан уч фарсах ғарбда Харкон канали бўйидаги мустаҳкамланган Сафизанж қишлоғини танлайди. Аббосийларнинг тамғаси тим қора ранг бўёғи бўлганлигидан Абу Муслим ҳам корлари билан биргаликда ўз кийимларини ана шу Сафизанж қишлоғида қора рангга бўяб олади. У ўз фаолиятини Хуросон аҳолисининг юкори табақа вакилларига мурожаатдан бошлади. У ўз

мурожаатида ислом динининг ғоявий асоси бўлган Қуръони Каримга ва Муҳаммад алайҳиссалом суннатида амал қилишга дават этади. Шу муносабат билан Абу Муслим Муҳаммад авлодларини қўллаб қувватлаш ва уларга бўйсунушга чақирада. Аббосийлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган бу мурожаат тез орада катта ижобий натажилар берда ва ҳар тарафдан Абу Муслим қароргоҳига мададкор кучлар оқиб кела бошлади. Таборийнинг ёзишича улар отда, эшакда ва кўпроқ пиёда қуролли ва қуролсиз кимсалар булган эди. Кунлардан бир куни Абу Муслим хузурида 60 қишлоқнинг аҳоли тўпланган ва улар Абу Муслим билан ҳамкор эканлигини баён қилганлар. Таборий берган маълумотларга қараганда Марв шаҳри атрофидаги қишлоқларда жуда кўплаб Абу Муслимга тарафқашлар тўпланган. Жумладан, Сақодим қишлоғидан аҳолисидан 900 пиёда ва 5 отлик, Хурмузфар қишлоғидан эса 130 пиёда ва 16 нафар отлик аскар келган. Абу Мусл кўшинлари сафи тобора купан борган. Шу боисдан Сафизанж қишлоғи ҳар томонлама мустаҳкам бўлсада у бу ерда узоқ қола олмас эди. Чунки бу қишлоқ онди Абу Муслим учун торлик қилиб қолди. У тез орада Мохувон (Туркменистон ҳозирги Марв шаҳри) қалъасига кўчиб ўтади. Бу қалъа Абу Муслимнинг мустаҳкам марказ истехкомига айлантирилади. Бу ерда бошқарув девони, кўшин қозилар, миршаблар ва соқчилар жойлаштирилади. Қалъа атрофи деворлар билан ўраб олинади ва мудофаа хандалари қазилади. Қалъага кириладиган жойда иккита дарвоза ўрнатилади. Абу Муслим уммавийларга қарши очиқдан-очиқ кураш йўлиша ўтиб ўзи жойлашган қалъада бир қанча мустаҳкам истехкомлар барпо этади. Хуросон ҳокими Наср ибн Сайёр Балх, Марварид ва Тоҳаристондан келадиган озик-овқат йўлларини тўсиб қўяди.

Абу Муслм ўзи тузган қўшинда қаттиқ тартиб—интизом ўрнатди. Қўшинига келиб қўшилган фуқаролар рўйхатга олинди уларга дастлаб уч дирҳамдан, сўнгра беш дирҳам миқдорида ойлик маош белгиланди. Рўйхатдан ўтган фуқароларнинг каттагина қисмини ҳар томондан келган қуллар ташкил этар эди. Қулларга қўшиннинг асосий таркибига киришга рухсат берилжаган. Чунки қуллар аҳоли ўртасида энг паст табақа ҳисобланар эда. Шу боис бошқа табақа вакиллари улар билан бир сафда туришни ўзлари учун ор деб билардилар. Абу Муслим Мохувонга яқин Шаввал қишлоғида қуллар учун девонлар билан ўралган алоҳида жой ташкил қилади ва уларга Доуд ибн Коррозни бошлиқ қилиб тайинлайди. Бу ерда қуллар жуда кўпайиб кетгач, уларни кейинчалик Абу Муслим Обиваргга кўчиради. Хуллас Абу Муслим атрофида тўпланган кўзғолончи кучлар таркиби ҳар хил табақжаларнинг взакилларида иборат бўлган ва уларнинг бу кўзғолонда қатнашишдан кўзда тутган мақсадлари ҳам бир бўлмаган. Бир тоифалари Хуросондаги феодаллашган ва уммавийларга рақиблашган кучлао бўлиб, бу кучларнинг асосий мақсадлари ҳокимиятини Уммавийлар қўлидан тортиб олиш ва уни аббосийларга топшириш орқали янги ҳокимиятда ўз мавқелари мустаҳкамлашдан иборат эди. Иккинчи тоифалари Хуросон ва Мовароуннахрнинг маҳаллий зодагон деҳқонлари эди. Бу гуруҳ аббосийларни қўллаб-қувватлаб сиёсий жиҳатдан араблар билан тенг ҳуқуқда бўлишнинг тарафдори эди. Бундан ташқари улар агар қулай вазият бўлиб қолса, ўз Ватанларини араб халифалигидан ажратяб олиб, уни мустақил идора қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эди. Абу Муслимнинг ўзи ҳам аббосийлар ҳаракатига худди ана шу мақсадни кўзлаб қатнашган эди. Учинчи, тоифадагилар мазлум меҳнаткаш халқ вакиллари, шаҳар ҳунармандлари ва кашоворзларидирлар. Бу аҳоли табақалари уммавийлар зулмидан, ҳаддан ташқари оғир солиқлардан ва узлуксиз давом этадиган ҳашарлардан озод бўлишни истар эдилар. Ва ниҳоят тўртинчи тоифа кучлар — бу қуллардир. Албатта қулларнинг энг асосий истак орзуси бу қулик кишанларидан халос бўлиш эди.

Абу Муслим Мохувон қалъасида ҳам узоқ қолмади. У бу ерда тўрт ойча чамаси тургач вақтинча нисбатан қулайроқ Алин қалъасига кўчиб ўтди. Бунинг сабаби шу эдики, Наср ибн Сайёр Мохувонга келадиган дарёяни қирқиб қалъани сувсиз

қолдириши эҳтимоли бор эди. Абу Муслим ҳали дарёнинг юқори қиясмини эгаллашга улгурмаган эди.

Диноварий берган маълумотларга қараганда Абу Мулум кучлари сафи ва географик доираси тобора кенгайиб борди. Унинг қалъаси атрофида Хирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нисо, Обивард, Тус, Нишопур, Серахс, Балх, Чоғаниён, Тоҳаристон, Хутталиён, Кеш, Насаф ва бошқа вилоятлардан 100 мингдан ортиқ лашкар тўпланган эди. Етарли миқдорда куч тўпланганлигига ишонч ҳосил қилган Абу Муслим 747 йилда ўзининг кора рангли либос кийган қўшинларини уммавийларга қарши очик курашга даъват этди.

Уммавийларга қарши Абу Муслим бошчилигидаги кучлар хавфа тобора кучайиб бораётган бир пайтда Хуросонда ҳокимият тепасида турганлар ўртасида қабилавий курашлар гоҳ пасайиб, гоҳ алангаланиб турди. Ғоятда айёр сиёсатдон бўлган Наср ибн Сайёр Абу Муслимга қарши муваффақиятли кураш олиб бормоқ учун араб қабилалари иттифоқи бирлигини ҳаммадан кўпроқ тушунар эди. Лекин у араб қабилалари билан ўзи ўртасидаги низоларни бартараф этишга ожизлик қилди.

Бундай низо Наср ибн Сайёр билан Марвнинг хўжайини Ал-Кирмокий ўртасида ғоятда кучли эди. Охир оқибатда икки ўртада уруш келиб чиқди. Абу Муслим бу икки ўртадаги низодан фойдаланди ва Кирмонийга ёрдам беришга ваъда қилди. Абу Муслим кўрсатган ёрдамга қарамасдан Наср урушда ғалаба қозонди ва Кирмонийни асир олиб, оёқ-қўлини михлаб ўлдирди. Бу билан Хуросо ҳокими Наср ибн Сайёр жуда катта хатога йўл қўйган эди. Чунки арабларнинг Асд қабиласининг бошлиғи Кирмонийни ўлдирилиши бу қабил аъзолари ўртасида Насрга нисбатан душманлик ва ўч олиш туйғусини алангалатаб юборди. Дарвоқе, Кирмоний қатл этилгач, унинг ўғли Али ибн Жудай Кирмоний Абу Муслим олдига келиб Насрга қарши курашда унга ёрдам беражagini исҳор этди. Таҳликага тушган Наср ибн Сайёр 748-йилда Марвни жангсиз ташлаб чиқди ва Нишопурга чекинди. Аммо Абу Мулум бошчилигидаги қўзғолончи кучлар Насрга ҳал қилувчи эарбани бердалар. Бу мағлубият уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесал ҳал қилд. Халифа Марвон II ўз ихтиёридаги барча кучларни ишга солиб аббосийлар ҳаракатининг ғоявий раҳбари ва раҳнамоси Имом Иброҳим ибн Муҳаммад қатл эттирган бўлса-да, Уммавийлар сулоласини ҳалокатдан сақлаб қола олмади.

Абу Муслим эришган муваффақият унинг обру этиборининг араб халифалигидаги кенг ёйилишига сабаб бўли. Унинг қўшини тобора янги кучлар ҳисобидан кўпайиб борди. Тез орада қўзғолончилар Хуросонни эгаллаб олди ва 749 йилда Ироқ ва Жазоирда уммавийлар қўшинларига бир неча бор қақшаткич зарбалар бердалар. Шундан сўнг Абу Муслим лашкарлари пойтахт Дамашққа томон юриш қилди ва халифа Марвон II ни тахтдан ағдарди. Бу жангларда лашкарбоши сифатида араб Кахтаба ва хуросонлик Холид ибн Бармо ўзларини кўрсатдилар. Халифалик тахти аббосийлар қўлига ўтди. Улар 750—1258 й. давомида халифаликни ўз қўлларида сақладилар. Тахтга биринчи бўлиб Муҳаммаднинг амакиси авлодларидан булган Абул-Аббос ас-Саффоҳ (749—754) ўтирди. Халифаликнинг ҳамма ҳудудларида уммавийлар хонадонининг вакиллари ва яқиилари батамом қириб ташландилар.

Шундай қилиб араб халифалигида давлат ҳокимияти уммавийлар сулоласидан аббосийлар сулоласи қўлига ўтди. Аббосийлар фаолятининг бошланғич даврида халқ оммаси берилган катта-ктта ваъдаларнинг биронтаси ҳам бажарилмади. Улар ҳокимиятни эгаллаб олгач, маҳаллий оқсуяк бой ва зодагонлар билан уммавий ҳукмдорлар сингари ҳамтовоқ бўлиб олдилар. Улар бу йўлни тутишга мажбур эдилар. Чунки биринчидан, босиб олинган улкалардага халқларни тутиб турмоқ учун уларнинг ёрдами керак ади. Иккинчидан эса, маҳаллий ҳукмдорлар ва оқсуяк зодагонлар саҳройи арабларга қараганда кўп асрлар давом этган маданий анъаналар ва тажрибаларга ага эдилар. Аббосий ҳукмдорларга ана шу анъана ва тажрибалар асқотар эди. Шу боис улар маҳаллий оқсуяк ва зодагонлар вакилларини юқори лавозимлар ва мансабларга

кўтардилар. Ана шундай шахслардан бири балхлик катта ер эгаси Холид абн Бармоқ эди.

Аббосийларнинг ҳокимият тепасига келишида Абу Муслим сўзсиз суратда жуда катта хизматлар қилди. У ўз даврини йирик давлат арбоби ва машҳур саркарда эди. Абу Муслим Хуросон ва Мовароуннаҳр халқини уммавийлар зулмидан норозилигидан фойдаланиб ўз орқасидан эргаштира олди ва уларни бир мақсад йўлида бирлаштирди. Биз Абу Муслим сиймосида икки ёқлама нш тутган шахс тимсолини кўрамиз. Абу Муслимни халқ манфаатлари учун кураш олиб борган қаҳрамон шахс деб бўлмайди. Сабаби, у ўзининг эришган ғалабасидан кейин кўтарилган халқ оммасининг адолатли чиқишлари ва кўзғолонларини шафқатсизлик билан бостирди. Айни замонда аббосийларнинг халифаликда юрғизган сиёсатлари учун Абу Муслимни жавобгар шахс деб кўрсатиш ҳам мумкин эмас. Чунки у халифа юрғизган сиёсатга мутлақо қарши бўлган. Бунинг устига Абу Муслимнинг халифа билан шахсий муносабатлари ҳам жуда ёмон эди. Халифа Абу Муслимнинг шахсий жасорати, саркардалик қобиляти, униинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги катта обру-эътиборидан кўрқар эди. Абу Муслим шухратпараст одам, у давлат тўнтариши ясамокчи деган баҳона билан дастлаб Ироқдан чиқариб юборилди, сўнгра Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб қилиб жўнатилди. Бу даврда у ўз Ватанида катта ижобий давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар билан шуғулланди, катта-катта қурилишларни амалга оширди, сув иншоотлари барпо қилади ва қарвон йуллари солдиради. Бироқ, шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, Абу Муслим Хуросон ва Мовароуннаҳрда ноиб бўлиб турган даврда меҳнаткаш халқ оммасининг аҳволида бирор-бир ижобий ўзгариш бўлгани йўқ. Аксинча халқ оммасини икки томонлама феодал зулм остида азоб чекди, солиҳлар сиёсати яна ҳам кучайтирилди, меҳнаткаш омманинг жонига теккан ҳашар ишлари тагин ҳам авжга миндирилди. Хуллас, демокчимизки Абу Муслим икки ўртада аросатда қолган йўлни тутди. Аслида у ўз Ватаниниинг араблардан мустақиллигини юраги ва қалбида пинҳона сақлаганича уни ошкор қила олмасдан бу дунёни тарк этди.

Аббосийлар ҳаракати ва Абу Муслим кўзғолонидан ҳафсаласи пир бўлган Мовароуннаҳр аҳолиси аббосийлар ўтказган зулм ва эксплуатацияга қарши курашни уммавийлар билан кураш тугамасданок бошлаб юборган эди. Буни биз Бухоро шаҳрида 750 йилда Шарик ибн Шайх Алмахрий бошчилигида кўтарилган кўзғолон тимсолида кўрамиз. Асли араблардан бўлган Шарик Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида ёзишича шиа мазҳабида бўлиб, аббосийлик ҳаракатига қарши бўлган. У “пайғамбарнинг куёви” тўртинчи халифа Алининг авлодларигина халифа бўлишга ҳақлидир, деган ғояни илгари сурган. Кўзғолончилар биз “аббосийларга бўйсунуш учун уммавийларга қарши курашмадик” деган шиорни илгари сурдилар. Кўзғолон Марказий Осиё ҳудудларининг каттагина қисмига ёйилган ва унда 30 минг киши қатнашган. Ҳатто Бухоро амири Абдужаббор ибн Шуайб ва Хоразм хони Абдумалик ибн Хузайл каби нуфузли кишилар ҳам бу кўзғолонга тарафдорлик қилганлар. Кўзғолоннинг асосий кучи сўғд ва араб меҳнаткашлар оммаси бўлди. Бухорхудот ибн Тоғшода эса бошдан бошлаб бу кўзғолонга ашаддий душманлик қилган ва ўзининг 10 минг кишилиқ кўшини билан уни бостиришда қатнашиб аббосийларга ҳомийлик кўрсатган. Чунки дастлаб Абу Муслим бу кўзғолонни бостириш учун Зиёд ибн Солиҳ бошчилигида 10 минг кўшин юбориб уни бостира олмаган эди. Фақат Тоғшода бу ишга бош кўшгач, кўзғолон бостирилади. Шаҳар уч кун мобайнида ёндирилади. Зиёд ибн Солиҳ кўзғолончилардан қаттиқ ўч олади ва уларни шафқатсизларча қиргин қилади. Бухородаги Шарик кўзғолони бостирилгач араб лашкарлари Самарқанд шаҳрига ўтадилар ва бухороликлар кўшилган халқдан ўч оладилар.

Мовароуннаҳрда арабларга қарши кўтарилган кўзғолон туфайли мамлакатда вужудга келган ички зиддият ва тўполонлардан фойдаланган Хитой давлатининг кўшинлари саркарда Гао-Сян-Чжи бошчилигида Марказий Осиё ҳудудига бостириб кирадилар. 751 йилда Талос водийсида Хитой кўшинлари билан Абу Муслим

томонидан юборилган лашкарлар ўртасида даҳшатли жанг бўлади. Бу жанг арабларнинг ғалабаси билан якунланади.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда аббосийлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, бутун қалби-вужуди билан кураш олиб бораётган бир пайтда аббосий халифалар Абу Муслимни тахтга биринчи даъвогар ҳисоблаб уни йўқотш учун тузоқ тайёрламокда эдилар. Ниҳоят 755 йилда Халифа Абу Жаъфар Давонақий — Мансур (754—775) Маккага йўлга отланган Абу Муслимни ўз саройига кириб ўтишини сўрайди. Қуролсиз ва ёлғиз саройга кирган Абу Муслимни Мансур пойлоқчилари қўлга оладилар ва уни ўлдирадилар. Бу даҳшатли фожеа Хуросон ва Мовароуннаҳрда аббосийларга қарши халқ ҳаракатларининг янада кучли тус олишига туртки бўлади. Ана шундай ҳаракатлардан бири Абу Муслимнинг ўчини олиш мақсадида 755 йилда Рейда Сунбод бошчилигида бўлиб ўтди. Бу қўзғолон Таборий маълумотларига кўра 70 кун давом этган. Қўзғолончилар Рей, Нишопур ва Кумис шаҳарларини эгаллаганлар. Қўзғолон қаттиққўллик билан бостирилган, қўзғолончилардан олти мингга яқин киши ўлдирилган. Қўзғолон раҳбари Сунбод қўлга олиниб, қатл этилган.

Сунбод қўзғолони билан бир вақтнинг ўзида Мовароуннаҳрда ҳам аббосийларга қарши ҳаракат бўлган. Бу қўзғолоннинг раҳбари Исҳоқ деган киши эди. У Абу Муслим ҳаракатининг оташин тарафдори бўлган, 772 йилда Устоз Сис бошчилигида Хуросонда 300 минг кишини ўз ҳаракатига эргаштирган қўзғолон бўлган, 782 йилда Журжонда исён кўтарилади. Лекин арабларга даҳшат солган ва деярли бутун Мовароуннаҳрни қамраб олган ҳаракат — бу Муқанна қўзғолонидир.

**Муқанна қўзғолони.** Араб истилочилари истибдодига қарши Мовароуннаҳрдаги энг катта қўзғолон 769 йилда бошланди. Бу тарихда “Оқ кийимлилар” (чунки қўзғолончиларнинг асосий жанговар гуруҳи оқ рангдаги кийим кийган эдилар) ёки қўзғолон раҳбарининг иоми билан Муқанна қўзғолони деб юритилади. Бу қўзғолон деярли бутун Марказий Осиё ҳудудларига тарқалди. Муқанна исм эмас, балки лақабдир. Бу сўз “ниқобдор”, “пардали” маъноларини англатади. Муқаннанинг асли исми Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, унинг исми ва шахси тўғрисида ёзма манбаларда турлича маълумотлар мавжуд. Жумладан, Яъқубий уни Ҳаким ал-Аъвар (бир кўзли) Ҳошим деб атаган. Иби Халликан эса Муқаннанинг исми Ота бўлган дейди. Муқаннани ёмон кўрган феодал замони тарихчиси Наршахий ёзади: “Ҳошим ибн Ҳакимни Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрарди» Муқаннани фаолияти тўғрисида ҳам ҳар хил ривоятлар бор. Баъзи бировлар уни кул бўлганлар десалар, бошва бировлар у кир ювиш билан шуғулланган, яни баъзи қисмлар эса кигизчилик билан машғул бўлган деб ривоят қиладилар. Манбаларда Муқаннанинг ёшлик чоғларида кундугарлик (яъни матоларга оҳор берувчи) билан шуғулланганлиги ҳам қайд қилинади. Наршахий Муқаннани ёмон кўрганлигини сир сақламагани ҳолда уни ақлли ва ўқимишли бўлганини тан олади. Дарҳақиқат, у саводли ва ниҳоятда билимдон бўлган. Муқанна Абу Муслим (750—755) кўшинида кичик лашкарбоши эди ва Абдулжаббор Аздий даврида (757—759) эса вазирлик даражасигача кўтарилган. У Маздак ғояларининг илҳомчиси сифатида фаолият кўрсатган ижтимоий тенглик ва эркин ҳаёт даъватини тарғиб этган. Муқанна ўзини пайғамбар деб эълон қилган. У илгари худо Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад ва Абу Муслимларда қандай гавдаланган бўлса менда ҳам худди шундай гавдаланади, деб одамларни ўз орқасидан эргашишга даъват этади. Шу боис уни халифа Мансур қамокқа олиб янги қурилган Бағдод зиндонига ташлайди. Наршахийнинг маълумотига қараганда Муқанна анча вақт зиндонда ётиб сўнг қочиб Марвга келади ва 776 йилда Халифага қарши кўтарилган қўзғолонга раҳбарлик қилади. Бу ҳақда Беруний аниқ маълумот беради. “Ундан кейин Марвда, Кава қимардон деган кишлоқда Ал Муқанна лақаби билан танилган Ҳошим ибн Ҳаким пайдо бўлди. Унинг бир кўзи кўр бўлганлигидан юзини яшил ипак мато билан боғлаб оларди. У Жайхун (Амударё) дарёсидан ўтади. Кеш ва Насафгача етиб



боради, унга “оқ кийимлилар” ва турклар қўшилади. Муқанна уларга (бегона) мол-мулк ва аёлларни олишга ҳамда ўзларига қарши турган кишиларни ўлдиришга йўл қўйиб беради.

Муқанна Марвдан туриб Марказий Осиёнинг турли вилоят ва шаҳарларига ўзининг ишонч одамларини жўнатади. Улар жойларда Муқанна ғояларини тарғиб қиладилар. Муқаннага ихлосманд ва тарафдор кучлар айниқса Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида кўпчиликини ташкил этарди. Наршахийнинг берган маълумотларига қараганда Нахшаб ва Кеш атрофидаги аҳолини Муқанна ғоялари орқасидан эргаштиришда асли араб Абдулла ибн Амирнинг хизматлари катта бўлган. Муқанна Абдулланинг қизига уйланган эди. Шу боис у ўз қайнотасига ишонганлигидан Абдуллани Қашқадарё воҳасига ишончли вакил сифатида жўнатганди.

Муқанна сўғда “оқ кийимлилар” ҳаракатининг кенг кулоч ёйиб ривожланганлигига ишонгач қўзғолонга бевосита раҳбарлик қилиш мақсадини қўзлаб ўзининг 36 минг мухлиси билан Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғига ўтиб, Нахшаб ва у ердан Кеш шаҳрига етиб боради. Кеш шаҳри яқинидаги тоғ тепасида бино қилинган Сом қалъасини ўзининг мустаҳкам қароргоҳига айлантиради. Тез орада бутун Қашқадарё воҳаси қўзғолончилар томонига ўтади. “Оқ кийимлилар” ҳаракати Зарафшон воҳасига ҳам ёйилади. Самарқанд билан Бухоро ҳам аслида қўзғолоннинг марказларидан бирига айланади. Хатто бухорхудот Буниёт ибн Тоғшода ислом динидан қайтиб, Муқанна бошчилигидаги қўзғолончи ватанпарварлар томонига ўтади. Тез орада Илоқ (Оҳангарон) водийси, Шош, Фарғона ҳам қўзғолончиларни ёқлаб чиқади. Турк ҳокони ҳам ўз оғаси Кил бошчилигида Муқанна қўзғолонига хайрихоҳ бўлиб қўшин юборади. Хуллас “оқ кийимлилар” қўзғолонининг довуғи Хуросонгача бориб етади ва аббос ҳукмдорларини ваҳимага солади. Муқанна қўзғолонининг ҳаракатлантирувчи кучлари Мовароуннахрнинг турли феодал табакаларидан иборат бўлган. Шу боисдан ҳам улар бу қўзғолонда қатнашиб ўз олдиларига турлича мақсад-муддаони қўйганлар. Аммо бу кучларнинг ҳаммасига хос бўлган ғой, мақсад бирлиги бўлган, у ҳам бўлса, босқинчи арабларни она Ватан тупроғидан ҳайдаб чиқариш, эрк ва озодлик учун кураш ғоясидир. Бироқ шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ана шу улугвор ватанпарварлик ғоясини Мовароуннахрдаги барча аҳоли табакалари ўз вақтида тушуниб етдилар ва уни қуллаб-қувватладилар, деб айта олмаимиз. Муқанна ҳаракатига душманлик қўзи билан қараган ва босқинчи арабларга ёрдам берган кучлар ҳам бор эди. Масалан, Нақшоб атрофларида араблар томонидан туриб қўзғолончиларга қарши жанг қилган маҳаллий бой феодал Аҳмад Муди ана шундайлардан биридир. Бундай кучлар хусусан мулкдор табакалар ва оксуяк зодагонлар сафида кўпроқ эдилар ва улар халқ эрки ва озодлиги манфаатларига нисбатан ўз шахсий манфаатларини устун қўярдилар.

“Оқ кийимлилар” қўзғолонидан даҳшатга тушган халифа Абу Жаъфар 775 йилда Муқанна қўзғолонини бостириш учун Жаброил ва Уқаба бошчилигида ўн минг қўшин юборади. Лекин Самарқанд остоналарида араблар енгилиб, катта талофат қўрадилар. Қўзғолончилар ҳужумини жанубга томон давом эттирадалар ва Термиз яқинида қўшимча ёрдамга келаётган араб қўшинларига қутилмаганда ҳужум қилиб, уни тор-мор келтирадилар. Натижада Нақшоб ва Чағониён водийлари батамом қўзғолончилар томонига ўтади.

“Оқ кийимлилар” қўзғолонининг марказларидан бири Бухоро ва унинг атроф ҳудудлари бўлганлигини юқорида таъкидлаган эдик. Муқанна тарафдорлари бу ерда ҳам жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бироқ қўзғолончилар Бухорони қўлга кирита олмадилар. “Оқ кийимлилар” Бухорога яқин булган Норшоҳ қишлоғини ўзларининг мустаҳкам қўрғонларига айлантирган эдилар. Бу қишлоқ ҳокими (аёл киши эди) ҳам қўзғолончилар томонига ўтга эди. Албатта, бу Бухоро учун катта хавф эканлигини араблар яхши билар эдилар. Шунинг учун 776 йил апрелида Самарқанд ноибни араб қўмондони (у 775 йилда Самарқандга ноибликка тайинланган эди) Жаброил

ва Бухоро амири Ҳусайн ибн Маознинг бирлагашган кучлари “оқ кийимлилар” кўрғони Норшоҳга ҳужум бошлайдилар. Қўзғолончи кучларга бухоролик Ҳаким ибн Аҳмад, Қўшкифазл деган жойдан Хишрий ва Боғий, Ғиждувондан Гирдак исмли паҳлавонлар бошчилик қилдилар. Кучлар тенг эмас эди. Қўзғолончилар мағлубиятга учраб, улардан 700 киши ўлдирилади. Қўзғолончилар учун бу мағлубият энг катта йўқотиш эди. Икки ўртада сулҳ шартномаси тузилиб, шартномага биноан қўзғолон қатнашчилари хато йўлдан воз кечиб, ислом йўлига қайтишалир ўз қишлоқларига тарқаб кетишлари, қонуний амирларга бўйсунушлари, мусулмоаларни таламасликлари ва уларга ҳар хил зўравонликлар қилмасликлари керак эди. Ғолиблар аса қўзғолончилардан ўч олмасликлари лозим эди. Аммо мусулмон аскарлари ҳали Бухорога етиб келишга улгурмасданок Муқанна тарафдорлари яна қўзғолон кўтардилар. Жаброил ибн Яҳё бошчилигидаги араблар яна орқага катта куч билан қайтадилар ва тўрт ой давомида - Норшоҳ қалъасини қамал қиладилар. Сон жиҳатдан устун бўлган араб қўшинлари Норшоҳ кўрғонининг девори тагидан узунасига 50 газли чуқур қазиб, уни қулатгач қишлоққа бостириб кирадилар. Каттиқ қирғин бўлиб қўзғолончилар енгилдилар. Норшоҳ қишлоғи эгалланади. Қўзғолон раҳбарлари Ҳаким ибн Аҳмад, Боғий ва Хишрийлар ўлдирилади. Фақат Гирдак қутулиб қолади ва қайғули хабарни етказиш учун Муқанна ҳузурига жўнаб кетади. Араблар Норшоҳ қишлоғида исёнчиларни қонга ботиргач, ўзларининг бутун диққат-эътиборларини қўзғолоннинг маркази бўлган Самарқанд ва Кешга қаратадилар. Чунки ҳали бутун Мовароуннаҳр Муқанна қўли остида эди. Бунинг устига 777 йилда турк саркардаси Қиёки Гўзи ҳам ўзининг катта лашкари билан Муқанна кучларига келиб қўшилганди. Қашқадарё воҳасидаги “оқ кийимлилар” кучларига Муқаннанинг ўзи бош бўлди. Самарқанд ва Зарафшон атрофидаги кучларига эса Муқанна томонидан тайинланган сўғдлик Сўғдийн исмли киши раҳбарлик қилди.

Ўлкадаги вазият араблар учун ғоятда оғир ва ташвишли эди. Бўни тўғри ҳисобга олган Халифа Маҳдий қўшимча ҳарбий куч тўплаш мақсадида Нишопурга келади. Курашнинг бу босқичида Вухородаги оқсуяк феодал зодагонлар ҳам батамом араблар томонига ўтадилар ва араб лашкарбошиси Маоз ибн Муслим бошчилигида катта қўшин тўпланади. Наршахйининг муболаға билан берган маълумотларига қараганда, Муқаннага қарши тўпланган арабларнинг бирлашган кучлари 570 миң кишидан иборат бўлган. Лекин шундай катта куч билан ҳам Жаброил ибн Яҳё ва Маоз ибн Муслим бошчилигидаги истилочилар, қўзғолончилар устидан сезиларли ютуққа эриша олмаганлар. Фақат 777-778 йиллар давомидаги уруш ҳаракатлари чоғида бухоролик бир киши томонидан истеъдодли саркарда Сўғдиёнинг ўлдирилиши “оқ кийимлилар” учун жуда катта йўқотиш бўлган. Шундан сўнгина араблар Самарқандни ишғол қилганлар.

Муқанна қўзғолонига қарши курашнинг ҳаддан ташқари чўзилиб кетганлиги халифа Маҳдийни жуда ташвишга солаётган эди. У қандай қилиб бўлмасин қўзғолонни тезроқ бостириш учун зарур чоралар кўради. Шу мақсадда у араб лашкарларининг қўмондонлик таркибини кескин янгилайди. Маоз ибн Муслим ҳам ўзининг чақириб олишини илтимос қилади.. Араб қўшинларига ўзининг жоҳиллиги ва шафқатсизлиги билан ном чиқарган Саид Хороший бош қўмондон этиб тайинланади.

“Оқ кийимлилар” га қарши арабларнинг кураши янги даврга киради. 780—783 йилларни ўз ичига олган бу кураш даврининг бош мақсади “оқ кийимлилар” қўзғолонининг бош раҳбари Муқаннани тор-мор келтиришдан иборат эди. Бу даврга келиб маҳаллий оқсуяклар ва зодагон деҳқонлар озодлик ва эрк учун олиб борилган кураш манфаатларига хиёнат қилиб, сотқинларча араблар томонига ўтадилар. Улар Саид Хороший лашкарлар билан биргалашиб Муқанна бошчилигидаги ватанпарвар кучларга қарши жанг қиладилар. Кеш шаҳри ва Муқанна қароргоҳи бўлган ниҳоятда мустаҳкам Сом қалъаси атрофида кескин ва шиддатли жанглар бўлади. Мана шундай қалтис ва нозик бир пайтда Қулартегин бошчилигидаги турк суворийлари Муқаннага

ёрдамга келадилар. Халифа Махдий эса араб қўмондонлигига янги мадад кучлар юборади. Мадад кучлар етиб келгач, араблар ва маҳаллий соткин кучлар бирлашиб, Муқаннанинг сўнги таянчи бўлган Сом қалъасини чор атрофдан қуршовга оладилар. Қўзғолончилар бу сиқувга бардош бера олмайдилар ва енгиладилар. Муқаннанинг оғаси Қабзам 3000 ва Сом қалъаси атрофида мудофаа жангларида қўмондонлик қилган Сарҳам 3300 кишилиқ қўшин билан соткинларча Саид Хорошийга таслим бўлади. Ўзоқ давом этган кураш оқибатида Муқанна қўшинининг тинкаси қуриган эди. Шу боис қўзғолон енгиледи ва Муқанна ҳалокатга учрайди. Ёзма тарихий манбаларда Муқаннанинг тақдири тўғрисида турлича талқинларга дуч келамиз. Тарихчи Таборийнинг ёзишича, Муқанна ўз ҳалокатининг муқаррарлигига қўзига етгач заҳр ичган. Сом қалъасига кирган араблар унинг жасадини тонганлар ва бошини кесиб ўша даврда Ҳалабда турган халифа Махдийга олиб борганлар. Наршахий бўлса афсонага ўхшашроққ ривоятни ҳикоя қилади. Унинг ёзишича Муқанна ўзини ёниб турган ўтга ташлаган. Бу фикрни Бар Яҳудий (Абул Фароҳ) ҳам такрорлайди. Беруний ўзининг “Хронология” асарида Муқаннанинг ўлими хусусида икки хил ривоят келтирган. Бу ривоятларга қараганда Муқанна ўлдирилган, иккинчи ривоятда эса Муқанна ўзини ўзи ўтга ташлаб ўлдирган, дейилади. Муқаннанинг қачон вафот этганлиги ҳақидаги фикр ҳам бир хил эмас. Наршахийнинг зми Муқаннанинг вафоти тўғрисида бир-бирини инкор этувчи иккита йилни тилга олади бу 782 ва 783 йиллардир. Беруний маълумотида ишонсак, Муқанна 785 йилда оламдан ўтган.

Шундай қилиб, қарийб ўн йил давом этган ва ўз даврида жаҳоннинг энг йирик давлатларидан бири ҳисобланган Араб халифалигини ларзага солган Муқанна қўзғолони енгилди. “Оқ кийимлилар” қўзғолонининг енгилганлигининг асосий сабаблари нималардан иборат? Биринчидан, “оқ кийимлилар” қўзғолонига қарши курашган араб истилочиларининг лашкарлари давлат ҳокимияти қўшини бўлиб у тартибли, уюшган катта куч эди ва у доимий суратда Араб халифалиги томонидан ҳарбий ва моддий томондан таъминланиб турди. Муқанна кучлари эса нима бўлганда ҳам турли тоифа ва табақаларнинг вақтинчалик қурама уюшмасидан ташкил топган эди ва доимий мунтазам таъминланиб турадиган ҳарбий ва моддий захирага эга эмас эди. Иккинчидан, Муқанна томонида туриб жанг қилган кучлар турли тоифа, табақа ва гуруҳларга мансуб бўлганликларидан уларда мустаҳкам бирлик бўлмади. Уларнинг каттагина қисми, хусусан мулкдорлар, оқсуяк маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагон деҳқонлар душман устидан тез, енгил ва осонгина ғалаба қозонишга қўз тутган эдилар. Уруш чўзилиб кетгач, ва борган сари даҳшатли тус ола боргач ватанфуруш кучлар ҳоинлик, хиёнат ва соткинлик йўлига ўтдилар, ҳатто араб босқинчилари томонида туриб ўз ватандошлари, биродарлари, оға ва иниларига қарши жанг қилдилар. Араб босқинчилари эса бундан усталик билан фойдаландилар. Учинчидан, “оқ кийимлилар” қўзғолони онглилик ва дастурий кураш даражасидан анча йироқдаги оломон курашининг нисбатан ривожланган бир кўриниши эди. Албатта, биз қўзғолонга XX аср охириларидаги халқ қўзи билан қараб унинг олдида буюк ва юксак талаблар қўя олмаймиз. Қўзғолон раҳбари Муқаннанинг ўзи ҳам замонасининг даврига ҳос вакили эди, кўп ҳолларда қўзғолонга бевосита ўзи раҳбарлик қила олмади. Кўп вақтини у маликалар даврасида шароб ичиб ўтказди.

Муқанна раҳбарлигида “оқ кийимлилар» қўзғолони енгилган бўлсада жуда катта тарихий из қолдирди ва Мовароуннаҳрда Араб халифалигининг мустамлакачилик, босқинчилик илдизларига болта урди. Бу қўзғолон халқ оммасининг куч-қудрати бирликда, ҳамкорликда эканлигини кўрсатди. IX асрдан бошлаб ўлкада ташкил топа бошлаган маҳаллий марказлашган феодал давлатларнинг шаклланини ибтидоси ҳам “оқ кийимлилар” қўзғолони давларидан бошланган десак муболаға бўлмайди. Муқанна қўзғолони айниқса ҳозирги шароитда Ўзбекистон фуқаролари Ватан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун кураш олиб бораётган бир пайтда ғоят катта ижтимоий сиёсий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Муқанна ва у билан бирга Ватан

озодлиги ва эрки учун келгинди араб босқинчиларига қарши курашган фидоий қаҳрамонлар тимсоли айниқса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида асрлар оша хизмат қилаверади.

Муқанна кўзғолони енгилган ва ҳалокатга учраган бўлса-да, “оқ кийимлилар” ҳаракати дарҳол тўхтаб қолгани йўқ, балки у яна бир неча ўн йиллар мобайнида давом этди ва истилочи арабларнинг тинкасини қуришиб борди. Бу албатта ўлкамиз халқларининг эрксевар, ҳурриятпарвар, ҳақ ва адолат учун курашда жуда катта тарихий анъана га эга бўлган жасур ва мард халқ бўлганликларидан далолатдир.

## **11-МАВЗУ: МОВАРОУННАХРДА СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ**

### **Режа:**

1. Мовароуннахрда Сомонийлар давлатининг ташкил топиши учун шарт-шароитлар.
2. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва давлат бошқарувидаги ислохотлар.
3. Сомонийлар даврида ер эгаллиги ва иқтисодий ҳаёт.
4. Сомонийлар даврида ислом дини ва маданий ҳаёт.

### **Таянч тушунчалар:**

Мовароуннахр, Сомонхудо, девон, ер эгаллиги, ислом дини, иқто ер эгаллиги, маданий ҳаёт, турк ғуломлари, вазир девони, мушриф, авқоф.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Мовароуннахрда Сомонийлар давлатининг ташкил топиши учун қандай шарт-шароитлар пайдо бўлди.
2. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва давлат бошқарувидаги ислохотлар.
3. Сомонийлар даврида ер эгаллиги ва иқтисодий ҳаёт.
4. Сомонийлар даврида ислом дини ва маданий ҳаёт.
5. Сомонийлар давлатинининг парчаланиб кетиши сабабларини аниқланг.

### **Адабиётлар:**

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. Ўқитувчи. 1993.
2. Негматов Н. Сомонийлар давлати. Душанбе 1977.
3. Наршахий. М. Бухоро тарихи. Тошкент. 1966.
4. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.

VIII аср охири-IX аср бошида халифаликни ларзага келтиш ган огир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуннахр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. IX-XII асрларда Ўзбекистон ҳудудида турли бошқарув усуллари ва маъмурий тизимига эга бўлган турли сулолалар бошқарган бир қанча давлатлар ҳукм сурди. Халифаликка қарши кучайиб бораётган кўзғолонлар халифаларнинг маҳаллий зодагонларга боғлиқлигини кучайтириб юборди ва вилоятларни бошқаришда маҳаллий зодагонларнинг роли ортди. Шу жараён оқибатид Хуросонда тохирийлар хонадони ҳукмрон мавқени эгаллай бошлади. Сижистон (Сеистон) ҳокими Абулмуҳаммад Талха ибн Абуллох қўлида хизмат қилган Розик шу хонадон бошлиғи бўлиб, унинг Мусхаб, Хусайн ва тохир исмли ўғиллари бўлган. Улар биргаликда Хирот вилоятидаги Бўшанж шаҳрини бошқарганлар.

Хорун ар Рашид (786-809) вафотидан сўнг унинг ўғли Амин халифа бўлди. Бу вақтда Хуросонда ноиблик қилаётган Абдуллох (кейинчалик Махмун лақабини олган) тохир қўшинлари ёрдамида тахтни акасида тортди олади. Махмун халифа бўлгач, 813 й тохирни сипоҳсалор, 821 йил эса Хуросон ноибни этиб тайинлайди. Тохир вафотидан сўнг Хуросонни Талха (828-844) бошқардилар. Абдуллох ўзини халифаликдан мустақил деб эълон қилди ва Марв (кейинчалик Нишодур) давлат пойтахти бўлди. Тохирийлар давлатига кўра табаристон, Журжон, Рай, Кимрон, Хуросон, Сейистон, Мовароуннахрнинг Жанубий қисми кирган. Гарчи, халифа Махмунга ўз хизматлари эвазига Сомонхудо набиралари Мовароуннахр вилоятларини (Нух-Самарқанд, Ахмад фарғона:, Яхё-Чоч, Истаравшан, Илёс-Хирот) бошқариш ҳуқуқини келга киритган бўлсаларда, Тохирийлар давлатига қарам эдилар.

IX аср ўрталарида қуйи табақадан бўлган Саффорийлар мавқеи кучайди. Яхқуб ибн Лайс ва унинг Амр, Тохир, Али исмли укалари билан биргаликда 861 йил

Сижистонни, 867 йил Хирот ва Бушанжни, 869 йил Кирмон ва Форсни қўлга киритдилар. Хуросонда энг юқори мавқега эришган саффорийларга халифа Мухтаид (870-892) Яқубни Балх ва тохаристон ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида ерлик жўнатди. 873 бил Яхқуб тохирийлар ҳуқумдори Мухаммад ибн тохир қўшинларини мағлубиятга учратиб, тохирийлар давлатига барҳам берди. Тохирийлар сулоласи вакиллари қуйдагилардан иборат: тохир ибн Хусайн 821-822. Талха ибн тохир 822-828. Абдуллох ибн тохир 830-844. Тохир II ибн Абдуллох 844-862. Мухаммад ибн тохир 862-873.

Тохир ибн Хусайн Хуросон ноиби бўлган вақтда Нишопур давлат маркази эди. Шу вақтда Хуросон ноиблигига қуйдаги вилоятлар кирган: Мовароуннахр, Хоразм, Сейистон, Кухистон, Кирмон, Кумис, табаристон, Журжон. Хар бир вилоят ўз навбатида бир қанча маъмурий бирликларга бўлинган. Жумладан, мовароуннахрда 300000 кишлоқ мавжуд бўлиб, улар 30 дан ортиқ маъмурий бирликка бўлинган. Хар бир маъмурий бирликда қози, почта ишлари бошлиғи, хирож йиғувчи ва бошқа амалдорлар бўлиб, улар вилоятлар ноибларига бўйсунган. Нишопурда давлатнинг асосий харбий таянчи бўлган харбий кучларнинг шадияк деб номланган давлатнинг энг асосий сиёсатларидан бири исломлаштириш сиёсати бўлган.

Тохирийлар давлатида жамият бир қанча ижтимоий тоифа ва қатламларга ажралган эди. Улар мулк, мартабаси ва мансабларига қўрабир-бирларидан фарқланганлар. Раият орасида кашоварз, киштукоркунанда. Чоракор, барзикор сингари ижтимоий қатламлар бўлган. Йирик ва майда ер эгалари дехқон деб юритилган. Ижарага берилган ерлар музораха деб аталган. Давлат томонидан макка сафарига-хажга бораётганларга алоҳида ғамхўрлик қилганлар. Бундай кишилар рабоҳ ёки ибни сабил деб аталган. Илгари йирик задогонлар ҳисобланган ва бу вақтда келиб камбағаллашиб қолган кишилар «ахли буютот» деб юритилган. Халифанинг буйруқ ва фармонларини бажарувчилар, унга тобе ҳукмдорлар сохиби харос деб аталган.

Тохирийлар давлати бошқарувида ҳуқуқий муносабатлар асосан ислом дини қонун-қоидалари ва кўрсатмаларига таянган ҳолда олиб борилган. Давлатни ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамлашга кўп ҳаракат қилган ҳукмдор Абдуллох эди. У барча соҳа ва жараёнларни ўзининг маҳсус одамлари орқали назорат қилар ва хар қандай қонун бузилишлари учун жавобгар амалдор ва мансабдорларни шафқатсиз жазоларди. Унинг буйруғига қўра қонуншунослар сувдан фойдаланиш, сунъий суғоришдаги турли бахсларни ҳал этиш, суғориш тизими ҳақида «китоб ал куний» қонунлар тўплами ҳам яратилган ва бу нарса тохирийларда ҳуқуқий муносабатлар ва қонунларнинг амал қилинишига катта эътибор брилганлигини кўрсатади. Сомонийлар давлатининг асосчиси Сомон кишлоғи оқсоқоли (Балх ёки Термиз яқинида) Сомонхудо авлодлари асос солган. Халифа Маъмун уларнинг хизматлари эвазига мовароуннахрнинг вилоятлари ҳокимлигини топширган эди. 839-840 йй Нух ибн Асад Исфижобни босиб олди. Сўғднинг бир қисми ва Фарғона ҳокимлигини қўлга киритди. Сомонийлар давлатининг юзага келишида Ахмад ҳам катта хизмат қилди, унинг Наср, Яхқуб, Асад, Исмоил, Исоҳ ва Хомид каби ўғиллари бор эди. 842 йил Нух ибн Асад вафот этгач, Самарқанд унинг укалари Ахмад ва Яхё ҳукми остига ўтди, кейинчалик ҳокимликни Наср (865-892) давом эттирди. 856 йил Яхё ибн Асад вафотидан сўнг, Чоч ва Истаравшан ҳокимлиги Ахмаднинг иккинчи ўғли Яхқуб қўлига ўтди. Кейинчалик бундай ташаббус Исмоил ибн Ахмад қўлига ўтди ва 874 й Бухоро ҳокими бўлди. Мовароуннахрни бирлаштириш тарафдори бўлган Наср ибн Ахмад бир қанча ҳудудларни ўз ҳокимлигига қўшиб олди ва натижада 875 йил халифа Мухтаиддан Мовароуннахрни бошқариш учун ерлик олишга эришди. Исмоил эса акасига буйсунишни истамади ва 888 й у билан тўқнашди ва фақатгина Наср вафотидан сўнг (892) Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди. Унинг кучайишидан хавфсираган халифа 898 йил Мовароуннахр ҳокимлигидан Исмоилни тушириб, ўрнига саффорийлардан Амр ибн Лайс тайинлангани ҳақида ерлик юборди ва бу икки ўртада

уруш келиб чиқишига олиб келди. 899 ва 900 йй тўқнашувларда Исмоил ғалабага эришиб, Хуросонни ҳам ўзига қўшиб олди ва шу тариқа йирик давлатга айланган Сомонийлар давлати X аср охиригача ҳукм сурди.

Сомонийлар халифаликдагига ўхшаш бошқарув тизисини ўрнатдилар. Давлат бошлиғи амир бўлган. Амирликнинг маъмурий тизими қуйдагича бўлган: - даргоҳ (амир саройи ва девон) (давлат идораси).

Саройдаги энг юқори мансаб хожиб ул бузург ва сохиби харос эди. Давлат бошқаруви Бухоро Регистони атрофида жойлашган ўнта девон ихтиёрида бўлган. Булар қуйдагилар эди:

- Девони вазир ёки хожайи калон.
- Девони муставфий (молиявий ишлар)
- Девони амид. (девони расойил, девони иншо) (Элчилик ишлари)
- Девони сохибшурот (Сипохийлар ва шоҳ саройини моддий таъминоти)
- Девони сохиббарид (Давлат элчилари ва ҳокимлар устидан махфий наз)
- Девони мухтасиб (Тош-тарозу, шариат ишлари назоратчиси)
- Девони мушриф (Ҳазина қирим-чиқими ва бошқа давлат ишлари)
- Девони кози
- Девони зиё
- Девони мамлакаи хос (давлат мулклари бошқарувчиси)

Барча девонларнинг вилоят. Шаҳар ва туманларда бўлимлари бўлиб, ҳокимларга бўйсунган фақатгина Девони барид марказий давлатга бўйсунган. Шаҳарлар махсус томонидан бошқарилган. Амалдорлар ўртасида рухонийлар, айниқса, шайхулислом мавқеи билан бўлган. Давлат қўшинлари мунтазам ва ёлланма қўшинлардан иборат бўлиб, ёлланма қўшинлар маҳаллий ҳокимлар ихтиёрида бўлган.

Сомонийлар давлати суд ишлари ва ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш шариатга асосланган эди. Суд ишлари қозилик девони томонидан бошқарилган ва уни қозикалон, муфти, раислар амалга оширганлар. Оғир жазога лойиқ жиноятчиларни амир ва қозикалон суд қилганлар, ўлим жазоси аксарият ҳолларда Регистон майдонида амалга оширилган. Сомонийлар даврида йирик ер эгалар-деҳқонларнинг мавқеи ортди ва улар ҳатто вилоятлар ҳокимлари даражасигача ҳам қўтарила бошлади. Зироатчи қадеварлар, ижарачи барзикорлар, қуллар қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлса, ҳунармандлар ва савдогарлар ҳам ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этарди.

Сомонийларда ер эгаллиги қуйдагича шаклда эди: Мулки султоний, хусусий мулк, вақф мулклари, жамоа мулки. Сомонийлар даврида ерлар қайтадан тақсимланди ва оқибатда янги ер эгаллиги шакли пайдо бўлди. Ер эгаларининг бу янги гуруҳ асосан сипохийлардан чиққанлар эди. Воҳадаги ерларнинг асосий қисми Зарафшондан бош олган каналлар орқали суғорилган. (Шохруд, Кармина, Шопурком, Харканруд, Гав, Хитраф, Самжон) Қоракулдарё), Пайканд, Даймун, Арвон, Навканд, Ромитон, Варахша, Хама, Харамком ва бошқалар).

Бирин-кетин Ўрта Осиёда тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар давлатлари ташкил топди. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлардаи сўнг, Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлди. Мовароуннаҳрни бирлаштириб мустақкам давлат тузган давлат арбоби Исмоил Сомоний, 900 йилда Хуросонни ҳам саффорийлардаи тортиб олиб улкан давлат барпо этди. Халифа сомонийлар давлатини тан олишга ва унга ҳукмролик ёрлиғини юборишга мажбур бўлди. Шу тариқа IX аср охирларига келиб Мовароуннаҳр халқлари Араб халифалигидан абадий ҳалос бўлади ва араб халифалигидан мустақил бўлган йирик феодал давлат - Сомонийлар давлати ташкил топади.

Сомонийлар мамлакатини бошқаришда давлат маъмуриятини ташкил этадилар. Мамлакат ўнга девон (девони вазир, девони, мустафи, девони амир ал-мул, девони

соҳиб аш-шурат, девони соҳиби муайид ёки борид, девони мушриф, девони мумалликайи хос, девони мухтасиб, девони авқоф, девони қазо аз-зия) бошқарувида идора этилган. Сомонийлар ҳокимияти йирик заминдорларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи мустақил феодал давлат эди («мулки султоний», «мулк ерлари», «вақф ерлари») X аср охирига келиб мамлакатда авж олиб кеган ўзаро урушлар унинг иқтисодий ва сиёсий қудратига катта путур етказди ва сомонийларнинг қорахонийлар давлатадан мағлубиятга учрашига олиб келди. XI аср бошларида сомонийлар давлати ҳудудлари ва икки давлат қорахонийлар ва ғазлавийлар давлатлари найдо бўлди.

Қорахонийлар давлатни эл-юрт ва вилоятларга бўлиб идора қилдилар. XI-XII асрларда Ўрта Осиёда мулкчиликнинг янги тури-иқтаъ тартиботи ўрнатилди («мулки султоний», «иқтаъ», «вақф ерлари» мулк ерлари). XII асрнинг 30-йиллари охирида мовароуннаҳр Шарқда келган кўчманчи Қорахитойлар ҳужумига дучор бўлди.

IX-XII асрларда мамлакат маънавий ҳаётининг асоси ислом мафкураси эди. Сомонийлар ислом мафкурасининг ривожига катта аҳамият бердилар. Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказига айланди. Масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш учун махсус жойлар ажратилди. Араб тили ва унинг имлоси жорий этилди.

Мовароуннаҳрда кўп ўтмай ҳатто она тилидан кўра араб тили ва ёзувини яхшироқ билган билимдонлар пайдо бўлди. Маҳаллий билимдонлар ўз ватанида қувғин остига олиниб, қупгина толиби илмлар халифаликнинг марказий шаҳарлари Дамашқ, Қоҳира, Боғдод, Куфа ва Басрага бориб билим олишга ва араб тилида ижод қилишга мажбур бўладилар. Давлатни бошқаришда аббосийлар маъмурияти кўплаб билимдон сиймоларга муҳтож эди, чунки араблар орасида шу даврда давлат ишига яроқли бўлган билимдонлар ҳали оз, борлари ҳам заиф эди.

Энг машҳур маданият маркази шу даврда Бағдод шаҳри эди. Бағдодда «Байт ул хикма» (донишмайдлар уйи) ташкил этилган эди. «Байтул хикма»да Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазийлар таълим олганлар. IX-X асрларда Ўрта Осиёда фан илмий асосларга эга эди. Унинг илдизлари Ўрта Осиё, айниқ, Хоразм, шунингдек Бобил, Эрон, Ҳиндостоннинг антик дунёсига ва қадимги маданиятига бориб тақалар эди. IX-XII асрларда араб тилида асарлар ёзган энг машҳур олимлар Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абусалх Масихий, Абулхайр Хаммар, Абуносир Аррон ва бошқалар эди.

1998 йил Аҳмад Фарғонийнинг 1220 йиллиги нишонланди. Аҳмад Фарғоний астроном, математик, географ эди. Бағдод яқинда Рақоқ номли мавзёда расадхона қурилишига бошчилик қилиб, астрономия мактабини ташкил этади. Унинг «Астрономия асоси», «Самовий ҳаракатлар», «Йулдузлар ҳақидаги фан» номли асарлари машҳурдир.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий машҳур математик, астроном, географ, тарихчи эди. Ватандошимиз алгебра фанига асос солди. Унинг «Ал-жабр», «Зиҷ», «Қуёш соати ҳақида рисола», «Суръат ул-арз», «Устурлоб ҳолати ҳақида рисола» каби асарлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида илмий фикрларнинг ривожига самарали таъсир кўрсатди.

Абу Наср Фаробий Шарқ фалсафасининг улуг мутафаккири бўлиб, қадимга дунё фалсафий меросини сақлашда ва ривожлаширишда катта ҳисса қўшди. У 160 дан ортиқ асар ёзган, улардан «Аристотилнинг «Метофизика» асари мақсадлари ҳақида», «Муסיқи китоби», «Бахт-саодатга», «Сиёсат ал-мадония» шулар жумласидандир.

Абу Али ибн Сино икки соҳага- медицина ва фалсафага қизиқди ва бу соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритди. («Ал-қонун фит-таб», «Китоб уш-шифо», «Донишнома», «Рисолат ат-тайр»). XVII асрга қадар Европада тиббиёт тажрибаси ва фани Ибн Сино ғоялари таъсири остида бўлган.

Хоразм маданияти хоразмлик улуг олим Абу Райҳон Берунийнинг номи буган боғланган. Абу Райҳон Беруний 150 дан ортиқ илмий асар ёзган бўлиб, «Ўтмиш



авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Метеорология» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. Беруний илм-фаннинг ҳамма соҳаларини яхши билган қомусия олим эди. У астрономия, геология, гидростатика, география, тарих фанларга катга ҳисса қўшди.

XI-XII асрларда ижтимоий фанлар ҳам анчагина тараққий этди. Масалан, шоир Абу Абдулло Рудакийнинг дроник асарлари, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Гардизийнинг «Зайн-ул-баҳор» («Ўзгал хабарлар») асари, Мажидидин Алмонинг «Тарихи мулки Туркистон» («Туркистон тарихи»), низо-мулмулкнинг «Сиёсатнома»си, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарлари шу даврга оид бўлиб, ундан ташқари шу даврларда Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Амак Бухория, Сўзани Самарқандий қабилар ҳам ижод этдилар.

Бу давр Ўрта Осиёда меъморчилик санъати ҳам қўқираб ривожланди. Бухорода Деҳгарон, Масжиди қалон, Намозгоҳ, Мағоки Атторий масжидлари, Сурхондарёдаги Жарқутон минораси, Қўҳна Урганчда Фаҳриддин Розий) мақбараси, Марвдаги Султон Санжар мақбараси, Талхожанбобо масжиди ва бошқа ёдгорликлар меъморчилик санъатининг ёрқин намуналари ҳисобланади.

IX-XII асрда дунёвий фанлар билан бирга диний билимлар ҳам кенг ривожланди. Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурҳонуддик Марғилоний, Абу Ҳафс қабир Бухорий қабил уламолар ислом таълимотининг ривожига улкан ҳисса қўшилилар. Ислон дини таълимотининг раванқ ва тарғиботини кенгайтишида Бухоро шаҳри марказий ўрин эгаллади. Тасаввуф таълимоти ривожланиб Ўрға Осиёда унинг турли хил йўналишлари (XII асрда Туркисгоида Яссавий, XIV аср охирида Ҳоразмда Қубровия, XIV асрда Бухорода Нақшбандий) пайдо бўлди ва тарқалди.

## **12-МАВЗУ. ҚОРАХОНИЙЛАР ВА ҒАЗНАВИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.**

### **Режа:**

1. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши.
2. Қорахонийлар давлатида давлат бошқаруви ва хўжалик ҳаёти.
3. Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий ҳаёт ва ислом дини.
4. Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши.

### **Таянч тушунчалар:**

Қорахоний, ҳожиб, яғмо, жикил, қарлук, давлат бошқаруви, ислом дини, ижтимоий ҳаёт, ғазнавийлар, Сабуктакин, Ғазна, Шимолий Ҳиндистон.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Сомонийлар давлати ўрнида қандай давлатлар ташкил топди.
2. Қорахонийлар давлатининг асосини ташкил қилган қабилаларни аниқланг.
3. Қорахонийларнинг давлат бошқаруви ҳақида маълумот беринг.
4. Қорахонийлар даврида ер эгалиги қандай бўлган.
5. Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий ҳаёт ва ислом дини.
6. Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши.
7. Ғазнавийлар давлатининг асосчилари ва давлатнинг ҳудудини аниқланг.

### **Адабиётлар:**

1. Караев О. Қорахоний ҳоконлиги тарихи. Фрунзе. 1983.
2. История Узбекский ССР. Т. 1. Книга первая. 1955, с. 255.
3. Тарихий Яминий. Тошкент 1988. 292-230 бетлар.
4. Ясуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент 1990.
5. Узбекский ССР тарихи 1-жилд. Тошкент “Фан” 1970.
6. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
8. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.

Қорахонийлар давлатига Х аср ўрталарида Сотук Бугрохон (915-955) томонидан асос солинди. Қорахонийлар давлати Етгисув ҳудудларида Қорлук давлати (756-940) ўринда ташкил топди ва 942 йил Сотук Бугрохон Боласогунни босиб олгач, ёзини ҳокон деб эълон қилди. Қорахонийлар давлатига яғмо ва чигил қабилалар ҳам бирлашдилар. Сотук вақтидаёқ давлат икки қисмга бўлиниб кетган бўлиб, бирининг пойтахти Боласогун, иккинчисининг маркази дастлаб Тароз, кейинчалик Кошғар бўлган ва уларни ҳоконлар ёшларига асосан бошқарганлар. Қорахонийлар давлати кучайиб борди ва айни вақтда инқирозга учрай бошлаган сомонийларга қарши харбий юришлар уюштириб, 996 йилда уни мағлубиятга учратди. 1001 йилда Султон Махмуд Ғазнавий қорахонийлар хони Наср билан шартнома тузиб, Амударёни Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги чегара этиб белгилади. Шу тариқа Қорахонийлар давлати ҳудудлари Қошғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Етгисув, Шош, Фарғона каби вилоятлар билан чегараланди.

XI аср ўрталарида тамғачхон унвонини олган қорахоний Иброҳим ибн Наср ғарбий Қорахонийлар давлати пойтахтини Ўзгандан Самарқандга кўчирди. 1068 йилдан бошлаб Иброҳим ибн Наср ўғиллари ўртасида тахт учун курашлар бошланиб кетди ва унда Шамсулмулк Абулҳасан Наср ибн Иброҳим (1068-1080) ғалабага эришди.

1080 йилда Шамсулмулк вафот этгач, ҳокимият учун кураш авж олди ва бундан фойдаланган салжуқий Маликшоҳ 1089 йилда Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бухоро ва Самарқанд босиб олингач, хон Ахмад асир олинди. Маликшоҳ Ахмад

билан сулх тузиб, уни тахтида қолдирди, бироқ Ахмаднинг салжукийларга итоаткорлиги учун 1095 йилда ўлдиришди.

1102 йилда Қорахонийлар тахтига Арслонхон ўтирди (1102-1130) ва салжукийлардан ярим мустақил сиёсат юрита бошлайди. Арслонхон нисбатан норозилик ошгач, у ҳокимиятни ўғли Насрга топширди, бироқ Наср фитначилар томонидан ўлдирилди. Арслонхон Марвдан Султон Санжарни ёрдамга чақирди ва бу имкониятдан фойдаланган Санжар 1130 йилда Самарқандни босиб олди.

XII аср бошларида Боласогунни эгаллаган қорахитойлар Мовароуннахр ички ҳудудларига ҳужум қилиб келиб, 1138 йилда Хўжандни, 1141 йилда Катвон чўлида Султон Санжар ва Самарқанд ҳукмдори Махмуднинг қўшинларини мағлубиятга учратиб, Самарқанд ва Бухорони эгалладилар. Сўнгги қорахонийлар қорахитойлардан озод бўлган бўлсада, 1212 йилда уларнинг охириги ҳукмдори Усмон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилди ва давлат Хоразмга қўшиб олинди.

Қорахонийлар Мовароуннахрни эгаллагач, бу ерда марказлашган бошқарув ҳокимияти ўрнини алоҳида мулк бошқаруви тизими эгаллади. Хар бир вилоят маҳлум сиёсий мавқега эга ҳолда эликхонлар томонидан бошқариладиган бўлди, давлатнинг олий ҳукмдори ҳоқон, хонлар хони ёки тамгачхон деб юритилган.

Етгисувдан туриб Мовароуннахрни бошқаришнинг мураккаблиги бу ердаги Самарқанд эликхони мавқеини кучайтириб юборган. Қорахонийлар саройида Сомонийларда бўлганидек бир қанча амалдорлар бўлсада, имом, сайид, шайх, садрларнинг мавқеи кучли бўлган.

Қорахонийлар давлат бошлиғи лавозими меросий ҳисобланиб, маъмурий идоралар иккига-даргоҳ ва девонга бўлинган. Улуғ хожиб лавозимидаги амалдор ҳоқон ва фуқаро ўртасидаги қуши (харбий лагери) хонтўй деб аталгач, бу ерда хар доим тўққизта байроқ хилпираб турган. Элчилар ялавоч ёки ялафар деб аталган, давлат эл ва вилоят ҳудудларига бўлинган.

Қорахонийларнинг давлат тепасига келиши Мовароуннахр жамияти ҳаётида ҳам ўзгаришлар ясалди. Алоҳида мулклар бошқаруви, маъмурий идоралар сомонийлар давридаги тартибларга мувофиқ келар, ижтимоий мансаб ва бошқаларда фарқ катта эмасди. Бу даврда дехқонлар ўзларининг ижтимоий тузумдаги ҳуқуқронлик мавқеини йўқотди. Қорахонийлар даврига келиб, жамиятнинг ижтимоий бўғинлари қуйдагича шакилга эга бўлди:

- элоқхон-хоқондан кейинги поғонада турувчи амалдор. У хоқон хонадонига мансуб бўлиб, вилоятнинг мулк соҳиби ҳисобланган;
- иқтидорлар-қорахонийлар давлатининг таянч қатлами, мартабаларига кўра бир-бирларидан фарқ қилганлар
- ислом динининг пешволари-имомлари, саййидалар, шайхлар, садрлар.
- Ҳокимлар, раислар, мухтасиблар ва хоказо.
- Тарикчилар-зироатчиларнинг туркча номи.
- Хунармандлар
- Савдогарлар
- Кўчманчилар-чорвадорлар.

Қорахонийлар даврида оддий халқ бутун деб аталган. Солиқ тўловчи фуқаро раият, қабила бошлиқлар бек, савдогарлар сарт деб аталган. Хоқон, вақф, жамоа мулклари қорахонийлар тасарруфидаги асосий ер-мулклар ҳисобланган. Қорахонийларда ҳуқуқий муносабатлар ислом дини анъаналарига асосланган ҳолда юритилган ва ислом дини пешволарининг мавқеи давлатда бирмунча юқори бўлган. Шунингдек, қорахонийлар кўчманчи туркийқабилаларга хос тартиб-қоидаларга ҳам риоя этганлар манбаларда келтирилган (Низомулмулк, Ибн ал Асир ва бошқ).

Шунга қарамай, қорахонийлар раҳбарлари ислом дини ва шариатга амал қилиш билан ўз давлатларининг ҳуқуқий асосларини сақлай олганлар, ва унга қаттиқ риоя этганлар.

Хоразм давлати ўз мустақиллигига ғазнавийлар ва салжукийлар ҳукмронлигига қарши кураш жараёнида эришди. Хоразмшоҳлар марказий давлат бошқаруви «ал-мажлис ул олий ал фаҳри ат-тожи» деб номланган бўлиб, унга вазир бошчилик қилган.

Вазир бевосита шоҳга бўйсинган ва унинг вазифалари Қуйидагилардан иборат бўлган:

-асхоб ад-давовин, яъни, девон

амалдорларининг бошлиғи бўлиб, юқори мансаб сохибларини ишга тайинлаш ва бўшатиш билан шуғулланган.

-давлат амалдорларига нафақа (арзак) белгилаш.

-давлат амалдорларини ҳаёт учун зарурий маҳсулотлар билан таъминлашни белгилаш.

-солиқ ва хазинани назорат қилиш.

-хукмдорни халқаро алоқалар, расмий

маросимларда расмий таништириш, раият билан муносабатларда воситачилик қилиш.

-хукмдорни халқаро алоқалар, расмий маросимларда расмий таништириш, раият билан муносабатларда воситачилик қилиш:

-хукмдорга мунтазам хамроҳлик қилиш, қўшинга бошчилик қилиш.

Вазирликларда садр, дастур, хожайи бузург каби унвонлар бўлган. Хоразм вазирлари асосан Хоразм, Бухоро, Нишопур, Исфохон, Балх, Хиротдан чиққан шахслардан тайинланган. Хоразмшоҳлар саройида шунингдек, қуйдаги қатор лавозимлар ҳам мавжуд эди:

-Хожиб ул-кабир ёки хожиб ул-хос хукмдор шахси билан боғлиқ масалалар ва уларга доимий хамроҳлик, энг зарур вазифаларни бажариш билан шуғулланганлар.

-Устоздор-барча хўжалик ишлари билан шуғулланувчи амалдор.

-Амир охур-отхона бошлиғи лавозими.

-Амир шикор-султоннинг ов ишлари бошлиғи.

-Таштдор, Шаробдор, киссадор, чошнигир, даводдор, фаррош, амир ал-алам ва бошқа унвонлар хоразмшоҳлар саройи бошқарув тизимини ташкил этган.

Манбаларда келтирилишича (мухаммад Бағдодий), Хоразмда аҳолининг турли қатламлари ва улар ўртасидаги тафовутлар ўзига хос шакилланган: Саййидлар–пайғамбар авлоди саналиб, катта ҳурматга сазовор бўлган. Имомлар ва олимлар–ижтимоий ҳаётда анча устунликка эга бўлган ва давлат ишларига ўзларининг маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари билан таъсир этган.

-Қозилар ва ҳокимлар–ҳуқуқ ва тартибот ишларини назорат қилган ва амалга оширганлар.

-Тасаввуф вакиллари–фақирона ҳаёт кечирганлар, халқ томонидан ниҳоятда эъзозланган, хукмдорлар ҳам уларни ҳурмат қилганлар ва улардан кўпинча дуо тилаганлар.

-Оқсоқоллар - қишлоқ, қасаба, уруғ қабиалари бошлиқлари.

-Амалдорлар ва сипоҳийлар.

-Ғозийлар – ислом дини учун курашувчилар.

Меҳнаткашлар қатлами ва мартабалар ўртасидаги фарқлар сомонийлардаги сингари эди. Бу даврда ҳам иқтоъ ерлари бериш давом этган.

**Ғазнавийлар давлати.** Ғазнавийларнинг сиёсий ва куч сифатида юзага келиши ва юксалиши масаласида ҳам биз совет тарихшунослигидаги мавжуд баъзи бир қарашларни қабул қила олмаймиз. Чунки илгари ғазнавийларни (демак, уларанинг замонини ҳам), асосан, салбий томондан кўрсатишга интилиб келинган, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, бу сулола асос топган Ғазна вилояти “исёнкор турк лашкарбошилари”га бойлик орттириш учун қулай жой сифатида шарҳланиб, ўз-ўзидан шу ерда кучга кирган ва мазкур шаҳар (вилоят) номила танилган ғазнавийлар сулоласи

тарихи ҳам гўё худди шундай мақсад йўлида юзага келган ва фаолият кўрсатгандай баён этилган. Аслида эса тарихий воқелик сабаблари бир нечта.

Биринчидан, Исмоил Сомонийдан кейин сомонийлар орасидан ҳар жиҳатдан етук, юқори даражада сиёсат юрғиза оладиган арбоб етишиб чиққани йўқ. Бунинг оқибатида сомонийлар ўз ички, яъни сулолавий имкониятларидан кўра кўпроқ мавжуд сиёсий муҳит конун-қоидаларига боғлиқ бўлиб қолганлар. Сиёсий муҳитни эса бу вақтда нуфузли лашкарбошиларсиз Тасаввур қилиб бўлмасди. Ғазна вилоятидаги, кучлар сиёсий фаоллигининг ошиши ва борриб-бориб алоҳида бир сулола даражасига кўтарилиши ҳам худди шундай йирик лашкарбошила номи билан боғлиқ бўлганини биз куйида яққол кўрамыз.

Иккинчи, Туркистон минтақасида сиёсий тараққиётнинг ўзига хос томонларидан бири-бу даврда худди маданий ҳаётдаги каби бир қатор ўзига яраша кучли давлат арбобларининг, сиёсий сулолаларнинг юзага чиқишидир. Гап бу ерда шундай ҳолнинг яхши-ёмонлигида эмас, оқибатларидан қатъи назар, шундай вазият содир бўлган ва бу билиб қўйилса ҳар жхатдат фойдалидир.

Ғазнавийлар сулоласи қандайдир “ўлжапарастлик” кетидан эмас, балки минтақада кечган ижтимоий-сиёсий муносабатлар муҳитида юзага келганлигига доир гувоҳликлар манбаларда етарули даражада топилади. Юқорида биз сомовийлар саройида йирик лашкарбошилар тугтав мавқе ҳақида айтиб ўтган. 961 йили сомоний ҳукмдор Абдумалик ўлимидан сўнг вазирлар тахтга марҳумнинг ўғлини ўтказадилар. Бунга, манба тили билан айтганда “Сомонийлар хонадони учун мақтовга лойиқ хизматлар қилиб келган ҳамда ноиблик ва лашкарбошчилик йўлини тугтаган” Алптегин қаршилиқ қилади. Шу тариқа давлат арконлари ва Алптегин ўртасидаги муҳолифлик кучайиб авжига чиқади. Лашкарбоши Бухорони тарк этади. Хатто шундан кейин ҳам зиддиятлар тугамай, охирида Алптегин ва Бухоро қўшинлари ўртасида тўқнашув содир бўлиб, бухоролик лашкар мағлубиятга учрайди. Сомонийлар хонадони ва Мовароуннаҳр билан алоқани узган Алптегин Ғазна вилоятини ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Унинг вафтидан (963) сўнг Ғазнада навбати билан Амир Исҳоқ ибн Алптегин, Амир Билгатегин, Амир Пирий, Амир Сабуктегинлар ҳукмронлик қиладилар. Ғазнавийлар сулоласига асос солган ҳам аслида ана шу Сабуктегин бўлади. Шу билан бирга Ғазнанинг минтақа сиёсий марказларидан бирига айланишда биринчи салмоқли қадамни Алптегин қўганини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Зикр қилинганидек Алптегин сомонийлар билан алоқани узган бўлишига қарамай сомонийлар Ғазнада мужассамлашган ва қулоч ёйиб бораётган сиёсий-ҳарбий кучга доимо эҳтиёж сезиб келганлар. Бунинг яққол исботини Сабуктегин ва сомоний Нух III (976—997) ўртасида Кеш атрофида бўлиб ўтган учрашув (бунда Собуктегин Нухни қўллаб-қувватлаши ҳақида вада берган) ё бўлмаса 994 йили сомонийларнинг энг ашаддий душманларидан Абу Али Симжурийнинг тор-мор этилишида Сабуктегин тугтаган асосий ўрин орқали кўриш мумкин. Сабуктегиннинг обрў-эътибори сўнги йилларда шу даражада юқори бўлганки у “дину давлат ҳимоячиси (Носир ад-дин ва ад-давла)” фахрий унвотни билан машҳур эди.

Ғазнавийларнинг ҳам расман, ҳам амалан сиёсий куч сифатида тан олинishi 996 йилига тўғри келади. Юқорида кўриб чиқилганидек, қорахонийлар бир неча марта Бухорога таҳдид соладилар. Тилга олинган йили эса Сабуктегини сомонийларни қорахонийлар “чанғали” дан сақлаб қолади. Сомоний Нух III рақиб олдидаги заифлигини сезган ҳодда унга мурожаат қилади. Сабуктегин эса Бухорони қўлга олиб, қорахонийлар билан келишувга имзо чекади. Бунга кўра Амударёдан жанубда жойлашган барча вилоятлар Сабуктегиннинг номига мухирланади. Унинг вафотидан (997) кейин авқалига тахтга бир оз муддат уни йўли Исмоил ва 998 йилдан эса бошқа фарзанди Маҳмуд чиқади. Ғазнавийлар қудрати ва шуҳратини оширган ҳукмдор ҳам аслида ана шу Маҳмуд ҳисобланади. Чунончи, унинг ҳукмронлиги даврида (998—

1030) Хоразм, Хуросон, Сейистон, Қобул, Ғазна, Шимолий Ҳиндистон қаби вилоятлар ва маконлар ғазнавийлар измида бўлган. Маҳмуднинг ўлиmidан сўнг тахтга уни ўғли Муҳаммад ўтиради, ваҳоланки, ундан катта ўғли (Масъуд) ҳам бор эди. Ўша замонда ёзилган манбалар шарҳига кўра, Маҳуд тахтни кичик ўғли Муҳаммадга васият қилиш билан бирга, унга “Аканг Масуд билан қарама-қаршиликка борма, агар у сенга қарши чикса, урушиб юрма, (бекор) нобуд бўласан” деган. Ҳақиқатдан ҳам тез орада Масъуд ва Муҳаммад ўртасида муҳолифат юзага келади. Масъуднинг Муҳаммаддан устун бўлганлиги замондаш тарихчилар ҳам тан оладилар. Хуллас, шу йилнинг ўзидаёқ Масъуд тахтни эгаллайди.

Илгарилари ҳам кўп марта кўганимиздек одатда, бурон-бир сулала тарихида муайян бекаму кўст, доими “ошиғи олчи” сиёсатчи тарих саҳнасида бир марта чиқади. Ғазнавийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Шушнинг учун ҳам Масъуд даври (1030—1041) асосан Маҳмуд саъй-ҳарқатлари билан қўлга киритилган натижаларини сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари йиллари бўлди, десак тўғри бўлади. Биринчидан 1034 йили Хоразм ғазнавийлар таъсир доирасидан чиқади Иккичидан эса Хуросонда бошқа бир сиёсий сулола салжуқийларнинг кучайиб бориши ҳам худди мана шу Масъуд даврига тўғри келган. 1035 йилги келишувга биноан Масъуд салжуқийларга (Йабғу, Тўғрил, Довуд бошқа қабилаларга) Нисо, Фарова Деҳистон вилоятларини маскан ва яйлов сифатида беришга мажбур бўлади. Вақт ўтиши бўлиб куч-қудрат орттирган салжуқийлар 1038 йили Нишопурни эгалладилар. Шу йилги Сарахс атрофидаги Масъуд билан жангда мағлуб бўлишларига, қарамай, кўп ўтмай – 1040 - йили Марв ва Сарахс оралиғидаги Дандонақонда салжуқийлар ғазнавийларга чунон зарба берадиларки, шундан сўнг Субуктегин авлодлари ўзларини ўнглай ололмайдилар. Хуросон қўлдан кетади. Гарчи Масъуд ўғли Мавдуд (1041—1049) ўз хонадонининг илгариги мвқеини тиклашга урган бўлсада, бунинг уаддсидан чиқа олмаган. Чунки фурсат қўлдан кетганди. Ғазнавийлар бундан буён фақат Ғазна вилояти ва Шимолий Ҳиндистондагина ҳукм юргизишга қодир бир худудий сулолага айланиб қолганлар. Бироқ нима бўлганда ҳам 1187 йилга қадар улар ўз фаолиятларини тўхтатмаганалари йўқ. Мавдуддан сўнг сулолага навбати билан Али, Абдурашид, Иброҳим, Масъуд II, Арслоншоҳ, Баҳромшоҳ, Хисравшоҳ, Хисрав Маликлар етакчилик қилганлар.

Ғазнавийлар даври бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги билан диққатини жалб этади. У кўп жиҳатдан сомонийлар, қорахонийлар замонидagi давлат бошқаруви тизимларига яқин ва ўхшаш. Бу табиий ҳол. Чунки илгари ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар қандай бошқарув тизими (шакли) мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий шароитга боғлиқ бўлади. Бошқа томондан эса ғазнавийлар ҳукмронлиги остида

бўлган Хуросон, Сейистон, Қобул, Ғазна қаби вилоятлар минтақанинг ажралмас таркибий қисмлари бўлиб келганликлари назарда тутсак, бошқарувчилик тараққиётидаги ўхшашликлар, янгиликлар сабаби маълум бўлади.

Демак, бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) турган. Авваллари ҳам кўрилганидек, даргоҳга олий ҳукмдор (ғазнавий ҳукмдорлар “Амир” унвонига эга булганлар) ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор хизматлар, амаллар кирган. Улар орасида “ҳожиблик” хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Ғазнавийлар даври бўйича манбаларда биз ҳожибликнинг қуйидаги шаклларида дуч кеддик: улуғ ҳожиб, сарой ҳожиб, навбатчи ҳожиб, ҳожиб-жомадор. Улуғ ҳожиб нафақат бошқа ҳожиблар орасида, балки умуман мамлакат ва давлат ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлган. Бунга ишора берувчи бир неча мисоллар келтирамиз. Маҳмуднинг ўлиmidан кейин Муҳаммаднинг тахтга ўтиришига бош-қош бўлган ва қисқа муддатга бўлсада бошқарув ишларини ўз ихтиёрида мужассамлаштирган ҳам улуғ ҳожиб Али Қариб бўлади. Расмий маросимларда улуғ ҳожиб олий ҳукмдорга энг яқин жойни эгаллаган. Унга ғоят муҳим вазифалар юклатилган. Катта аҳамият уасб этувчи жангларда улуғ ҳожибга қўшиннинг энг салмоғли ва масъулиятли қисмига бошчилик қилиш вазифаси

юклатилган. Масалан, олий ҳукмдор марказни бошқарса, сипоҳсолар ўнг қанотга, улуғ ҳожиб эса чап қанотга қумондонлик қилган. Улуғ ҳожиб ўта жиддий ҳарбий юришлар, махсус сараланган қисмларни текшириш, таъминотини жойига қўйиш тадбирларида ҳам фаол бўлгани маълум. Олий ҳукмдор ва улуғ ҳожиблараро муносабатлар нечоғлик бўлган шундан ҳам қўриш мумкинки, Масъуд улуғ ҳожиб Али Қарибга йўллаган бир мактубида унга “фозил (улуғ) ҳожиб, биродар” деб мурожаат қилади. Сарой ҳожибининг вазифаси тушунарли — у сарой эшикоғаси бўлган.

Ҳожибга келсак, фикримизча, ҳожиблик, умуман олганда, қандайдир бир ижтимоий-сиёсий табақа сифатида кўпроқ намоён бўлади. Фараз қилиш мумкинки, ўз даври учун ҳожиблик рицарлик тушунчасига яқин бўлса ажаб эмас. Масалан, манбаларда шундай маълумотларга ҳам дуч келамиски улар кенгроқ мулоҳаза қилинса, мазкур фараз беасос эмаслиги равшан бўлади. “Тарихи Масъудий” да ўқиймиз: “Амир Абдураззоқ... вилоят амирлиги халъатини кийди... Унинг икки ғуломига эса қора (чакмон) бердилар, ҳожиблик учун”. “Ҳожиб Бадр ва ҳожиб Эртегинларга иккита қимматбаҳо халъат бердилар. Бадрга улуғ ҳожиблик (халъати), Эртегинга эса ғуломлар бошлиғи (халъати) берилди. Ҳожиблар бир вақтнинг ўзида шихна ё сипоҳсалор мансабига эга бўлганларини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. (Ҳожиблар одатда қора чакмон ва икки учли кулоҳ кийиб юрганлар.)

Даргоҳ фаолиятида сипоҳдор (сарой хизматчиси), даводдор (олий ҳукмдор шахсий хужжатлари, ёзув-чизуви билан боғлиқ ишларга бош-қош хизматчи), пардадор (махрам, сир сақловчи, пинҳона вазифаларни бажарувчи), мартабадор (саройдаги ўрта даражадаги амалдор), фаррош (саройдаги кичик хизматчилардан) хазиначи, жомаҳона (кийим-кечак сақланувчи хона) бошлиғи каби мансаб ва хизматларнинг ҳам ўз ўрни бўлган.

Девонлар (вазирликлар) ижроия идоралари бўлганлиги ўз-ўзидан тушлунарли. Манбаларда бундай девонлардан бештасининг номи тилга олинади; вазир девони, яъни бош вазир девони; ҳарбий ишлар девони, депломатик ва бошқа расмий тадбирлар, хужжатларни расмийлаштириш, тузиш девони; ҳисоб-китоб, яъни молия девони; почта-хабар девони. Мазкур девонларнинг вазифалари ҳақида илгари ҳам сўз юритганимиз учун бу борада яна тўхталиб ўтирмаймиз. Гарчи манбаларда мушрифлик (давлат назорати), мухтасиблик девонлари тилга олинмасада, аммо шундай хизматлар мавжудлигидан уларнинг марказий девонлари ҳам бўлган деган хулоса чиқади (масалан, шаҳар мушрифи, вилоят мушрифи мансаблари бўлганлиги аниқ).

Вилоят бошлиғини волий деганлар ва уни олий ҳукмдор тайинлаган. Вилоят ижроия бошқарув ишларини амид олиб борган. Шаҳар бошлиғини раис деб атаганлар. Шаҳар миқёсида шихна, қутвол (қалъа комендант), соҳиби девон (маъмурий бошқарувчи каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатганлар).

Биламизки, ғазнавийлар, айниқса, Маҳмуд даврида қудратли кўшинга эга бўлганлар. Олий ҳукмдорлик ҳукмдорнинг ўз ихтиёрида бўлганлиги табиий. Бош қўмондонликка (силоҳсалор) эса сулоланинг энг ишончли, асосан, шу хонадон намоёндаси тайинланган. Масалан, Маҳмуд бундай мансабга укаси Муҳаммад Юсуфни лойиқ топган. Юқори даражадаги ҳарбий лашкарбошилар салор, ўрта даражадагилари сарҳанг дейилиб, охиргилари хайлларга (бир неча ўн отлиқларга) бошчилик қилганлар. Ҳарбийлар ўз почта, қозилик хизматларига эга эдилар. Ғазнавийларнинг ҳам сараланган жанговор қисмлари (гвардия) бор эди, аммо улар тўғридан-тўғри дағоҳ ихтиёрида бўлган.

Ғазнавийларнинг ташқи алоқалари масаласида икки нарсага эътибор берш лозим: уларнинг минтақа ҳудудидаги муносабатлари ва минтақадан ташқаридаги алоқалари. Ғазнавиларни минтақанинг Мовароуннақр, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон исмларида ҳукмрон бўлган қорахонийлар билан муносабатлари ҳақида бир қадар тўхталиб ўтгандик. 1001 йилги Маҳмуд Ғазнавий ва Наср Қорахоний ўргасидаги

келишувга биноан Амударё икки томон манфаатларини ажратиб турувчи чегара ҳисобланган.

Гарчи бу аҳнома кейинчалик бир неча марта (асосан қорахонийлар томонидан) бузилиб турган бўлсада, умуман олганда, дарё икки томон учун чегара бўлиб қолаверган. Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин. Ғазкавийлар учун худди ўзлари каби кучга тўлиб турган қорахонийлар билан муносабатларини кескинлаштиришдан кўра Хоразм ва Шимолий Ҳиндистонни бўйсундириш ҳам реал, ҳам моддий жиҳатдан анча нафли эди. Буни шундан ҳам билиб олса бўладики, Маҳмуднинг ўзи Шимолий Ҳиндистонга бир неча марта ҳарбий юриш уюштирган, Хоразмни бўйсундирган (1017 йили). Шу маънода Маҳмуд кўпроқ узоқни ўйлайдиган, минтақадаги умумий сиёсий вазиятни яхши биладиган сиёсатчи сифатида гавдаланади. Ҳам худуди, ҳам сиёсий-ҳарбий, иқтисодий жиҳатлардан ўзига яраша қудратга эга бўлган қорахонийлар билан бирданига кескин сиёсат юргизиш калтабинлик бўларди. Шимолий Ҳиндистонда, кейинчалик Хоразиди эришилган сиёсий-ҳарбий ютуқлардан сўнг эса ғазнавийлар қорахонийлар билан нафақат тенгма-тенг рақобатлаша оладиган, балки улардан устунроқ мавқега ҳам етишадилар.

Салжукийлар билан муносабатда ҳам Маҳмуд узоқни кўзлаб иш тутади. Гарчи бу вақтда салжукийлар етуклик даражасидан йироқ бўлсаларда, лекин умуман жиддий ҳарбий куч сифатида Хуросонга хавф туғдиришлари мумкин эди. Айниқсп, Маҳмуднинг Шимолий Ҳиндистонга уюштирган юришлари чоғида бундай хавф воқеликка айланиши эҳтимолга яқин бўлган. Шунинг учун ҳам 1025 йили турк-ўғуз уруғларидан бир қисмига (тўрт миғ чодир) Хуросондан манзил беради. Кейинчалик Масъуд даврида улар кучайиб, ғазнавийларга қарши зарба берадилар.

Шимолий Ҳиндистон билан алоқаларга келсак, совет тарихшунослигида бу ўлкага нисбатан ғазнавийлар тутган сиёсат босқинчилик, ўлжапарастлик, талон-торожлик хатти-ҳаракатлари орқали тушунтириб келинган. Фикримизча, бундай ёндашув кўп ҳам тўғри эмас. Чунк шимолий Ҳиндистон, биринчидан, ўз даврида минтақанинг тарихий таркибий қисми бўлган. Иккинчидан, марказлари Ғазна бўлган ғазнавийлар учун Шимолий Ҳиндистон қўшни ўлка бўлгани табиий. Хуросон ё Сейстонга нисбатан уларнинг интилишлари ва умуман сиёсатлари қанчалик табиий бўлса, Шимолий Ҳиндистон нисбатан ҳам шундай эди. Учинчидан, ғазнавийлар таъсир доирасида бўлган Шимолий Ҳиндистондаги маҳаллий сулолалар, сиёсий кучларнинг мустақилликка интилишлари, уларга қарши курашиш, қаршилиқ кўрсатишлари ҳам оддий ҳол бўлган. Шуларни назарда тутган ҳолда ғазнавийларнинг Хоразм ё Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юрушларни ўша давр сиёсий, иқтисодий, халқаро муносабатлари орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, биз ҳар доимдагидек тўкилган қон ва қўрилган талафотларни оқлай олмаймиз.

Ғазнавийларнинг минтақадан ташқаридаги алоқалари ҳақида сўз кетса, Араб халифалиги билан муносабатлар тўғрисида тўхталишга тўғри келади. Ғазнавийлар шу замонга келиб илгариги қудратини йўқотган халифалик хурматини ўрнига қўйишга ҳаракат қилганлар. Зеро, бу уларнинг манфаатларига мос келар эди. Яъни, биринчидан, Араб халифалиги шунчалар заиф эдики, минтақадаги бирон-бир сиёсий сулола (масалан, қорахонийлар, хоразмшоҳлар ва ғазнавийларнинг ўзлари ҳам) уни реал қудрат сифатида тан олмасди. Демак, халифалик томонидан ғазнавийларга қарши ҳарбий хавф-хатар йўқ эди.

Ташқи алоқар ҳақида сўзни хорижий меҳмонларни қабул қилиш маросимида оид қуйидагм лавҳа билан тугалласак. Баён 1032 йилда Масъуднинг Араб халифалигининг олиймақом элчисини қабул қилиш ҳақида “Тонг ёриша бошлаган замон тўрт миғ сарой ғуломи (яъни гвардия А.З.) амирлик саройининг икки тарафидан бир неча қатор бўлиб саф тортдилар. (Шундан) икки минг нафари икки учли кулоҳ (кийиб) ва ўнта попути (осилиб турган) камар (тақиб) олгандилар. Ҳар бир ғулом кумуш гурзи (тутиб турарди). Қолган икки минг (ғулом) тўрта пар қадалган кулоҳда



эдилар. Белларидаги камарга ўқдон, қилич, камонни тутиб турувчи қайиш маҳкамланган, ҳар бир ғуломнинг қўлида камон ва учтадан ўқ. Барча (тўрт минг ғулом) қимматбаҳо нафис ипакликдан (тикилган) чакмонда эди. Хос ғуломлардан учюзтаси амир (яъни олий ҳукмдор — А. 3.) ўтирган супа яқинида ҳар томондан саф тортиб турардилар. Уларнинг кийимлари янада кўркам бўлиб (бошларида) икки учли кулоҳ, камарлари зардан, гурзилари ҳам заррин. (Ораларидан) бир неча кишиларнинг камарлари жавоҳирлар билан безатилганди. Яна эллик-олмиш нафар (ғулом) нарироқда Дилмон саройи ўртасида қалқон бўлиб турардилар. Даргоҳ улуғлари, вилоятлар волийдари, ҳожиблар — барчаси икки учли кулоҳда, зар камарлар тақиб олганлар. Сарой ташқарисида мартабадорлар турардилар. Фелларнинг сони ҳам кўп эди. Лашкар эса шай бўлиб қимматбаҳо нафис ипаклик кийимда, соябонлар (остиди), (ҳар бир қисм) ўз қурол-яроғи белгилари билан бир-бирларига қарама-қарши томонларга сафлангондилар, (худди) шулар орас элчи ўтиши керак эди. Элчини бошловчи безатилган отларни олиб кўпчилик ҳамроҳлигида (ташқарига қараб) юради. (У ерда) элчини отга миндирадилар. (Сўнг уни бошлаб келдилар.) Шунда бурғу, катта кичик ноғоралар овози янграб кетдики, гўё қиёмат куни келгандай (дейсан киши). Элчини ана шундай улуғвор такаллуф билан кузатиб бордилар. Бундай (қабул маросимини) у умрида кўрмаганди. Ғоятда ҳайратга тушган ҳодда у кўшқа қадам қўйди. Амир (яъни олий ҳукмдор — А. 3), Оллоҳ ундан рози бўлсин супа олдида тахтда ўлтираради. Халифа элчиси салом берди. У қора (кийимда) эди. Жавобни улуғ хожи Аҳмад Хасан берди. Амир ёнида ундан бўлак ҳеч кимса ўлтирмаганди. Қолган барча тик турарди. Хожиб Абу Наср элчисининг тирсагидан тутиб ўлтиришга ундади. (Тарихи Байҳақий)

Ғазнавийлар даврида қурилиш маърифий ишларга ҳам катта этибор берилгани маълум. Ғазна, Балх, Нишопур, Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар саройлар кўпроқ қурилгани манбаларда ўз аксини топган. Мадрасаларда турли соҳадаги фанлардан дарс берилган, илми толиблар учун ўз замонасида бой ҳисобланган кутубхоналар эшиги доимо очик бўлган. (Мажма ал-Ансоб китоби).

### **13-МАВЗУ. САЛЖУҚЛАР ВА ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ ТАРИХИ.**

#### **Режа:**

1. Салжуқлар давлатининг ташкил топиши.
2. Салжуқлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги.
3. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши.
4. Хоразмшоҳлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги сиёсати.

#### **Таянч тушунчалар:**

Салжуқлар давлати, Султон Санжар, қорахитойлар, Қатвон дашти, Хоразмшоҳлар, Отсиз, қанғли, қипчоқ, Туркон хотун, Бухоро садрлари.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Салжуқлар давлатининг ташкил топиши ҳақида маълумот беринг.
2. Данданакон жанги қачон ва кимлар ўртасида бўлган.
3. Қатвон даштидаги жанг қачон ва кимлар ўртасида бўлган.
4. Салжуқлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги қачон тугатилган.
5. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши қайси Хоразмшоҳнинг номи билан боғлиқ.
6. Қайси Хоразмшоҳ Мовароуннаҳрни босиб олган.

#### **Адабиётлар:**

1. Аҳмедов Б. А. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. – 1993.
2. Агажонов С. XI-XII асрда Салжуқийлар давлати ва Ўрта Осиё. М, 1991.
3. Буниятов З. М. Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати (1087-1231). М, 1986.
4. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
6. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.

**Салжуқийлар давлати.** Яқин ва Ўрта Шарқ, қисман Мовароуннаҳрда салжуқийлар сулоласи бошқарган давлат (1038—1308). С.д.га Салжуқнинг невараси Султон Туғрулбек асос солган. Салжуқ турклари II-а.нинг 20-й.ларида ҳарбий хизматлари эвазига Хуросонда Маҳмуд Ғазнавийдан кўплаб мулклар олганлар. Бироқ кейинчалик ғазнавийлар уларга қарши лашкар жўнатиб, Арслон Исроил ибн Салжуқнинг асир олишган ва Ҳиндистондаги ҳарбий қалъада тутқунликда сақлашган (1032 й. у ҳибсда ўлган). Салжуқийлар ғазнавийларга қарши олиб борган кўплаб муваффақиятли жангларида сўнг Нишопурни эгаллаб, ўз раҳбарлари Туғрулбек султон деб эълон қилдилар (1038). Данданакон жангидаги ғалабадан сўнг у Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинди. Аста-секин салжуқийлар Хуросон, Хоразм, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ (Бағдод билан бирга)ни ўзларига буйсундирдилар. Бағдодда Туғрулбек номига хутба ўқитилган. Аббосийлар халифаси ал-Коим (ҳукмронлик даври: 1031-75) ҳокимиятни Туғрулбекка топшириб, уни султон ҳамда Шарқ ва Ғарб подшоҳи деб тан олишга мажбур бўлган ва қизини унга хотинликка берган. Туғрулбек Райни, унинг укаси Чағрибек Довуд (990—1060) Марвни ўзларига пойтахтқилдилар. 1050 й.да Туғрулбек пойтахтни Райдан Исфохонга кўчирган

Алп Арслон ва Маликшоҳ ҳукмронликлари даврида салжуқийлар Кичик Осиё ва Яқин Шарқда мустаҳкам ўрнашиб олишган. Улар Византия императори Роман IV Диогеннинг 200 минг кишилиқ қўшинини енгиб (1071), бутун Кичик Осиёни (1071—81), кейинчалик Сурия ва Фаластинни ээбт этишган. Армавистон, Грузия, Ширвон ҳам бўйсундурилган. Шу даврда Балх Термиз (1044), Бухоро, Самарқанд (1089), кейинчалик Фарғона водийси салжуқийлар қўл остида бирлашган. Ҳатто Шарқий Туркистондаги

қорахонийлар ҳам уларнииг устунлигини тан олишган. Алп Арслон пойтахтни Исфакхон Марвга кўчирган. Салжукийлар кўшинлари Арабистон я.о.даги Яман ва Бахрайн ерларини ҳам ўз тасарруфларига олишган. Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида С.д. ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Бу вақтда пойтахт яна Исфакхонга кўчирилган. 11-а.охирларида С.д. Шарқий Туркистондан Ўрта ер ва Мармар денгизларигача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган. Бу давлат Хитой билан Византия ўртасида жойлашган. Салибчиларнииг Шарққа қилган юришларини тўхтатишда салжукийларнинг хизмати катта бўлган.

11-а.охирларидан бошлаб С.д. парчалана бошлайди. Чунки 1-салиб юриши натижасида С.д. Грузия, Ширвон ҳамда Кичик Осиёнинг соҳил бўйи ҳудудларидан, Сурия ва Фаластиннинг бир қисмидан ажралган (1096-99). С.д.дан бир неча мустақил султонликлар ажралиб чиққан. Мас. Кермон султонлиги (1041—1187), Шом (Сурия) султонлиги(1074-1117), Кўния султонлиги ва б. салжукий султонлар ўғуз ва б. туркий уруғлар бошлиқлари, жасур жангчиларга иқто инъом қилганлар. Мас. Маликшоҳ салтанатни 12 та вилоят-мулкка ажратиб, уларни амирлар ва лашкарбошиларга иқто тариқасида берган. Катта-катта мулкларга эга бўлган иқтодарлар эса мустақил бўлишга ҳаракат қилганлар. Маликшоҳ вафоти (1092)дан сўнг, унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш авж олди. Ака-ука султонлар Маҳмуд (ҳукмронлик даври 1092-94) Барқийруқ Маликшоҳ II (ҳукмронлик даври: 1104— 25), Ғиёсиддин Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1105—18) айрим ҳокимларнинг исёнларини бостириш билан бирга исмоилийлар ҳаракати, хусусан, ҳашшошийларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлганлар.

Буюк С.д. тахт учун курашлар оқибатида шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган. Ғарбий қисмга кирган Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118—94) иоми билан султон Ғиёсиддин Муҳаммаднинг ўғли султон Маҳмуд (ҳукмронлик даври: 1118-31) бошқаришни бошлаган. У Хамадонни ўзига пойтахт қилган. Шарқий қисм асосан, Хуросон, Сейистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрдан иборат бўлиб, унга султон Маликшоҳнинг кен жа ўхли султон Санжар ҳукмронлик қилган ва пойтахти Марв бўлган. Санжарнинг қудрати авжга чиққан даврларда ғарбий салжукийлар ҳам унинг сиёсий таъсири остида бўлишган, Ғазнавийлар давлати эса унга 1117 й.дан тобе бўлган. Бироқ Шарқдан Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши Самарқанд яқинида бўлган машҳур Қатвон жанги (1141 й. 9 сент.) да улар қарлуқлар билан биргаликда салжукийлар ва қорахонийларнинг бирлашган кўшинини тор-мор қилиши натижасида Санжарнинг куч-қудрати заифлаша бошлаб, у Мовароуннаҳр, кейинчалик Хуросоннинг асосий қисмидан ажралади. Ануштегинийлардан Қудбиддин Муҳаммад, хусусан, Отсиз даврларида Хоразм ҳам С.д.дан ажралиб чиқиб ўз мустақиллигини тиклаган. Отсиз, ҳатто салжукийлар пойтахти Марвни эгаллаб, Нишопурни қамал қилган (1141—42). Санжарнинг вафоти (1157) дан сўнг салжукийларининг Хуросондаги ҳокимлиги тугаган. Хуросон ғузлар (ўғузлар) тасарруфига кирган. 1117 й. салжукийларнинг Шом (Сурия) султонлиги, 1187 й. Кермон султонлиги ҳам тугатилган. Хоразмшоҳлар 12-а. 2-ярмидан бошлаб ғарбий салжукийларнинг Ироқ султонлигига кучли зарбалар беришган. Хоразмшоҳ Такаш Ироқ султонлигини ҳам тор-мор қилиб, ўз давлатига қўшиб олган (1194). Фақат Кичик Осиёдаги Кўния (Анадолу ёхуд Рум) султонлиги 14 а. бошларигача ҳукм сурган.

**Давлатни бошқариш.** С.д. тепасида олий ҳукмдор — султон (султон ул-аъзам) турган. Унинг номидан хутба ўқилиб танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос сифатида ўтган. Мулк, ер-сув тақсимлаш муҳум давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, амалдорлар ишини назорат қилиш ва б. султон ваколатлари доирасига кирган. Салжукийларнииг бошқарув тизими сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийларники сингари иккига: даргоҳ ва деванларга бўлинган. Улуғ хожи, хорис амири (амири хорис), салоҳдор, хос вакил, аломдор, жондор, таштдор, сарҳанг, мирохур даргоҳдаги асосий лавозимлар саналган. Бош вазир девони аъло — марказий

бошқарув тепасида турган. Девони туғро, девони истифо(молия девони), девони ишраф (назорат девони), девони арз (ҳарбий вазирлик) каби расмий девонлар булган. Вилоят бошлиқлари (волийлар) ҳам ўз девонларига эга бўлишган. Волийлар султон томонидан тайинланган бўли улар вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳалар: молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идораларига раҳбарлик қилган. Туман ва шаҳар микёсидаги бошқарув тизими ҳам деярли шундай бўлган.

С.д.да, айниқса Буюк салжуқийлардан Туғрулбек, Алп Арслон, Маликшоҳ, Санжар даврларида иқтисодий ва маданий ҳаётда катта кўтарилиш юз берган. Ҳунармандчилик тараққий қилган: тўқимачилик, кулоллик, заргарлик, ойнасозик, темирчилик, кўнчилик ва гилам тўқиш ривожланган. Буюу ипак йўли улкан салтанатнинг марказий шаҳарлари орқали ўтган. Шарқий Европа, Византия, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари билан савдо алоқалари гуркираб ривожланган. Маликшоҳ Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдони жонлантириш учун Хуросон ва Ироқ савдогарларини бож тўловидан озод қилган. Каспий денгизи орқали Туркистонга нефть маҳсулотлари келтирилган. Ички савдо ҳам ривожланган. Мамлакатда соф олтиндан зарб этилган дино́р (қизил дино́р) жорий этилган. Бундан ташқари, маҳаллий дино́р (рукний) ва мис дирҳамлар ҳам бўлган.

**Маданияти.** С.д.да илм-фан ва маданият ривожланган. Айниқса, Эрон, Ироқ ва Мовароуннаҳрда маданий юксалиш юқори бўлган. Нишопур, Исфаҳон, Басра, Хирот, Марв, Бухоро, Самарқандда мадрасалар бунёд қилинган. Хусусан, буюк вазир Низомулмулк курдирган Бағдоддаги Низомия мадрасаси (1067) бутун жаҳонга машҳур бўлган. Низомулмулк лавлатни бошқариш асослари ҳақида “Сиёсатнома” асарини яратган. Мунажжим ва риёзиётчи олим Умар Хайём лойиҳасига кўра, Исфаҳонда расатхона қурилган. У Маликшоҳ топшириғига кўра, расадхонада кузатув ишларини олиб борган ва сосонийларнинг шамси тақви тақвимини ислоҳ этиб, Янги тақвим (“Маликшоҳ тақвими ёхуд Жалол эраси”) ни тузган (1079). Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Умар Хайём форс шеърятининг сўнмас дурдоналарини яратишган. Муҳамма Ғазолий, Фаридиддин Аттор, Хожа Юсуф Хамадоний каби ислом уламолари ва суфийлар ижод қилишган.

С.д.да риёзиёт ва илми нужум (Баҳовуддин Абубакр Марвазий, Шарафиддин Тусий, Абулҳасан Али Марвазий, Абул Музаффар Исфаҳорий, Заҳриддин Ғазнавий), тиббиёт ва кимё (Исмоил Журжоний, Фаҳриддин Розий), тарих (Заҳриддин Нишопурий, Садриддин Хусайний, Ануширвон Кошоний, Абу Бакр Равондий), адабиёт (адиб Собир Термизий, Носир Хусрав, Анварий, Асириддин Аҳсикатий, Рафъий Марвазий ва б.) соҳаларига оид кўплаб бебаҳо асарлар яратилган. Бу даврда Нишопур, Марв, Исфаҳон, Рай, Хамадон каби пойтахт шаҳарлар шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Термизда кўплаб меъморий ёдгорликлар қурилган. Марв гуллаб яшнаган, у “Марви Шоҳижаҳон” — “Шаҳарлар шоҳи” деб улуғланган. Тарихчи ва сайёҳ Ёқут Хамавий Марвда бўлганида бу ерда 10 та йирик кутубхона борлигини кўрган ва улардан фойдаланган. Термиз яқинидаги Пайғамбар оролида Зулқифл мажмуаси (11—12-а.лар), Султон Саодат меъморий мажмуи (11—18- а.лар), Жарқўрғон минораси (1109), Марвда Султон Санжар мақбараси (12- а.) ва б. меъморий обидалар қурилган. Салжуқийларнинг Куния султонлигида ҳам маданият тараққий этган. Кичик Осиёнинг исломлашиш жараёни кучайиб, тасаввуфнинг мавлавийлик, бектошия каби тариқатлари шаклланган, ахийлик (жавонмардлик) ва қаландарлик кучайган. Жалолиддин Румий, Юнус Эмро (1240—1320), Хожа Бектош Вали (1248—1338), Садриддин Кўнёвий, Шаҳобиддин Сухравардий сингари машҳур мутасаввифлар етишиб чиққан. Кўния (Иконий), Сивас, Қайсария, Никея ш.лари йирик маданий марказлар ҳисобланган. Бу пайтда «Ўғузнома» достонининг ёзма варианты шаклланган, латифада Хўжа Насриддин (Афанди) образи (Туркистон ва Анадолуда) яратилган.

**Хоразмшоҳлар давлати.** Хоразмшоҳлар давлати қадимги даврдан 13 аср ўрталарига қадар Хоразм ҳудудида ҳукмронлик қилган сулолалар (сиёвушийлар,

африғийлар, маъмунийлар, олтинтошлар, ануштигинийлар). Хоразмшоҳлар давлатини хоразмшоҳлар бошқарган. Маркази, асосан, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган булса ҳам, ривожланган даврларида, айниқса, 13 аср бошларида шим.да Каспий денгизининг шим.соҳиллари, жан.да Хиндукуш тоғлари, шарқда Қашқаргача етган. Археологик маълумотлар Кўзалиқир, Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа Кат қалъаларини пойтахт шаҳар бўлган шаҳар деб тахмин қилишга имкон беради. Ёзма манбалар Кат қалъасини африғийлар сулоласи вакиллариининг сўнги қароргоҳи бўлганлигини тасдиқласа, Гурганж (Кухна Урганч) ш. маъмунийлар ва ануштегинийлар сулоласининг пойтахти бўлган.

Абу Райхон Беруний маълумотларига қараганда, хоразмшоҳ унвонини олган дастлабки сулола сиёвушийлар ҳисобланади. Мил. ав. 8-а.да шаклланган Қадимги Хоразм (қ. Хоразм) давлатида ахоманийлар ва ундан кейинги африғийлар сулоласи асосчиси Африғгача (305 й.) бўлган Хоразмшоҳлар давлати ҳақида тўла ва аниқ маълумотлар йўқ.

Беруний бу ҳақда: “Сиёвуш ибн Кайхусравнинг Хоразмга қелишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан тарих олдлар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, Турк подшоҳлари (устидан) ҳукмронлигини юрғузган эди”, деб ёзган.

Кайхусрав билан Африғ даври оралиғида “хоразмшоҳ” унвонига сазовор бўлган шоҳлардан бизга Кайхусрав (тахм. мил. ав. 1200—1140 й.), Саксафар (тахм. мил. ав. 519—517 й.), расман (тахм. мил. ав. 329—320 й.), Хусрав (тахм. Мил. ав. 320 й.) номлари маълум. Бу даврларга оид археологик манбалар Хоразмшоҳлар давлатида суний суғоришга асосланган деҳқончилик, савдо-сотиқ анча ривожланганидан дарак беради. 1938—40, 1954—56 ва 1965—75 й.лардаги археологик-этнографик экспедициялар натижасида ўрганилган ёдгорликлардан топилган моддий-маданий топилмалар Хоразмда илм-фан, санъат, ҳайкалтарошлик юксак даражада ривожланганидан дарак беради. Бу ёдгорликларнинг юқори қатламлари ва ҳозиргача сақланиб қолган қисмларнинг кўпчилиги асосан, африғийлар сулоласи даврида қурилган.

3-а.да Хоразм ҳудудида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган бир нечта ҳокимликлар вужудга келган. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва кўлида бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек, Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, кўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва шу жойда зарб қилинганлиги маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Топилган тангаларда латин алифбосидаги “S” ҳарфига ўхшаш сиёвушийлар тамғасининг борлиги, бу сулола сиёвушийлар авлодидан бўлиши мумкинлигини кзрсатади. Мил. 3- а. ўрталарида Кушон подшолигидагина эмас, балки бутун ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй беради. Кушонлар сулоласи билан бир вақтда аршакийларнинг ҳукмронлиги емирилаи. Хоразмда кушонлар билан кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради. Шундай қилиб, 3-а.да Хоразмда кушонлар билан курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ — африғийлар сулоласига асос солинади.

Хоразм эфталийлар (5-а.нинг 2- ярмида — 6-а.нинг ўрталари) даврида ҳам, турклар (6-а.нинг 2- ярми — 7- а.нинг 1—ярми) даврида ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолди.

Византиялик тарихчи Менандр, Хоразм 6-а.ининг 60-й.ларида Византия ва турклар билан дипломатик алоқалар олиб борилганлиги тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот беради.

Араб манбаларида Хоразмнинг араб лашкарбошилари Салим ибн Зиёд ва Умавия ибн Абдуллоҳ томонидан икки марта буйсундирилганлиги тўғрисида гапирилади. Аслини олганда бу ерларга ҳам Мовароуннаҳр шаҳарларига нисбатан

килинганидек, талон-торож юришлари уюштирилиб турилган. Факат 8-а. Бошидагина Хуросон ноиб Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги қўшинлар Хоразмни узил-кесил босиб олдилар. Кутайба хоразмликларнинг тарихий адабиёти ва маданий меросини яратган ва сақлаб келган олимларни кириб юборади ва қувғин қилади. Шунинг учун ҳам, арабларгача бўлган Хоразмшоҳлар давлати тарихига оид етарли ёзма манбалар учрамайди.

Арабларнинг шафқатсиз зулми ва қувғинига учраган хоразмшоҳнинг укаси Хурзод тарафдорларидан бир гуруҳи Булон бошчилигида 712 й.дан 730 й.гача Хазар хоқонлиги ҳудудларига қўчиб, мустаҳкам ўрнашиб, бу ерда улар армия, давлатни бошқариш ишларини ўз қўлларига олдилар. Улар ҳарбий мавқеларини мустаҳкамлаб Кавказда араблар эгаллаган ерларга хавф сола бошлайдилар.

Бу даврда Урганч волийси ва Хоразмшоҳлар давлати халифаликка тўғридан-тўғри буйсуниб, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида хирож тўлаб туришган. Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдорлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишган. 751 й. хоразмшоҳ Шаушфурнинг элчилари Хитойга келганлиги хақида маълумотлар сақланиб қолган.

Кучли ларзалардан тушкунликка учраган Хоразмшоҳлар давлати 9— 10-а.ларда Араб халифалигининг емирилиши туфайли кетма кет Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда пайдо бўлган йирик мустақил давлатлар тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийлар қўл остида бўлган.

Тарихий ва археологик маълумотларга қараганда 10-а. охирларида Хоразм иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожлана бошлайди. Бунга шаҳарларнинг ўсиши далил бўла олади. Агар, Табарий 712 й.да Хоразмда учта шаҳар бўлганлигини кўрсатиб ўтса, Истаҳрий 10-а. бошларида Хоразмда шаҳарлар сони ўнтага етганлигини кўрсатади. 985 й.ларда эса, Мақдисийнинг ёзишича, Хоразмдаги шаҳарларнинг сони ўттиз иккитага етган. Археолог қазилма вақтида топилган кулолчилик маҳсулотлари бу шаҳарларда хунармандчилик тез ривожланганлигидан дарак беради. Араб манбаларига қараганда 10— 11-а.ларда Хоразм йирик савдо марказига айланган. Хоразм савдогарлари, ҳоз. Қозоғистон ва Туркменистон ўрнидаги даштларда яшовчи аҳоли билан Волга бўйидаги Хазария ва Булғор подшолиги ҳамда Шарқий Европадаги славян олами билан кенг қўламда савдо айирбошлаш ишларини олиб борган. Шар. Европа савдонинг ўсиши натижасида Хоразмшоҳлар давлатининг шимм.-ғарб томонидан энг чекка истехкоми бўлган Урганч Хоразмда бу савдонинг биринчи аҳамиятга эга бўлган марказига айланган. “Худуд ул-олам” муаллифининг тарифича, “Турганч” қад. замонда Хоразм мулклари жумласига кирган шаҳар бўлиб, унинг алоҳида подшоси бор. Шаҳар подшосининг “Турганч мири” деб атайдилар. Унинг алоҳида бўлиб ажралиб чиқишини — мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан гуруллаб ўсиши, Волга бўйи билан бўлган савдо алоқаларининг ривожланиши ҳамда сиёсий тарихий шароит билан боғланган ҳолда тушуниш мумкин.

10-а.га оид ёзма манбаларда қайд қилинишича хоразмликлар қўшнилари ўғузлар билан муваффақиятли жанг қилиб турган. Хоразмликлар Хазар хоқонлигида муҳим роль ўйнаганлар, хоқон қўшинларидаги асосий қисм улардан иборат бўлган. 992 й. сомоний Нух ибн Наср ўз пойтахти Бухородан махрум бўлиб, Амул (Чоржўй) га қочади ва шу ердан туриб истилочиларга қаршй курашни уюштирамоқчи бўлади. Хоразмнинг иккала ҳокими унга ёрдамга келади. Нух уларнинг кўрсатган ёрдами учун Хуросондаги иккита йирик мулкни тақдим қилади: хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммадга Обивардни, Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммадга Нисо ш.ини беради. В. В. Бартольд кўрсатиб ўтганидек, Нух Хуросоннинг итбатсиз ҳокими Абу Алига қарама-қарши шундай иш қилган эди. Шуниси қизиқки Абу Али Нисони ҳеч қандай қаршиликсиз Маъмунга топширади, лекин Абу Абдуллоҳ юборган вакиллари Обивардга киритишдан бош тортади. Гардизийнинг ҳикоя қилишича, исёнкор Абу Али 995 й. баҳорида Нухнинг вассали ва лашкарбошиси сифатида ҳаракат қилган Сабуктегиннинг

лашкарларидан енгилгач, дастлаб Райга қочади, сўнгра Нишопурга қайтишга ҳаракат қилади. Сабуктигининг ўғли Маҳмуднинг қўлига тушади ва унча катта бўлмаган гуруҳ билан Хоразмга Маъмуннинг паноҳига қочади. Лекин уни хоразмшоҳнинг аскарлари ушлаб оладилар ва Катга келтирадилар. Бу воқеани икки Хоразм давлати ўртасидаги курашнинг узил кесил барҳам топишига баҳона бўлади. Маъмуннинг қўшини Катни ишғол қилган ва озод қилинган Абу Алини, Маъмун Урганчда тантана билан кутиб олган. Асир олинган сунгги африғий ҳам шу ерга келтирилган. Маъмун ўзининг азалий душманини қатл қилишга буюради. Хоразмнинг иккала қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштириб, хоразмшоҳ унвонини олади.

Шу тариқа 995 й.да африғийлар сулоласи барҳам топиб, маъмунийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланади. Шу даврдан бошлаб Гурганчж (Кўҳна Урганч) Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлиб келган.

Маъмунийлар сулоласида 3 та шоҳ давлат ҳокимиятини бошқарган. Маъмун ибн Муҳаммад (995—997), Али ибн Маъмун (997—999), Маъмун ибн Маъмун (999—1017). 10-а. охири — 11- а. бошларида Ўрта Осиёдаги оғир сиёсий вазиятга қарамасдан қисқа вақт ҳукмронлик қилган маъмунийлар сулоласи Хоразмшоҳлар давлатини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантирди.

Маъмурий жиҳатдан бу давлат вилоятларга, вилоятлар эса, шаҳар ва қишлоқларга ажратилиб бошқарилган. Улар даврида Хоразмда давлат бошқарувининг анча такомиллашган тизими вужудга келди. Хоразмшоҳ давлатнинг олий ҳукмдори, ҳокими мутлақ ҳисобланган. Гурганчда шоҳ саройи қошида марказий бошқарма — девонхона ташкил этилиб, унинг таркибида зироат, савдо тижорат, молия, солиқ ишлари шаҳар ва қишлоқларда осойишталикни сақлаш ҳарбий ишлар ва бошқа давлат аҳамиятига эга вазифалар билан шуғулланадиган маҳкамалар бўлан. Саройнинг энг юқори лавозимларидан бири вазирлик лавозими бўлиб, у хужайбузрук (бош хўжа) унвонига эга бўлган. У левонхона ишларига жавоб берган, катта сафар пайтида подшо номидан давлатни идора қилган.

Маъмунийлар даврида Хоразмшоҳлар давлатида илм-фан, маданият раванг топиб, Хоразм Маъмун академияси ташкил қилинди. Унда хизмат қилган буюқ қомусий олимлар, алломалар узларининг ажойиб кашфиётлари ва асарлари билан Хоразмшоҳлар давлати нинг мавқеини ўз даври ва кейинги даврлар учун юксак даражага кўтардилар. Вироқ бу маданий юксалиш узоқ давом этмади. 1017 й.да Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан забт этилди. Шу билан маъмунийлар сулоласига чек қўйилди. Маҳмуд Ғазнавий ўз саркардаларидан бири Олтинтошни хоразмшоҳ лавозимига тайинлайди. Олтинтошлар сулоласидан ҳам 3 та хоразмшоҳ ҳукмронлик қилган. Марказий Осиёда пайдо бўлган Салжук турклари билан ғазнавийлар ўртасида низо чиқиб, 1040 й.да Данданакон ш. ёнида улар ўртасида қаттиқ жанглар бўлиб, Салжук турклари ғолиб чиқади. Улар ғазнавийлар мулкини қўлга киритиб, Хоразмни ҳам қарам қиладилар. Олтинтошлар сулоласининг сўнгра вакиллари салжукийлар қўлида турли лавозимларда хизмат қилганлар, лекан уларга хоразмшоҳ унвони бералмаган.

Хоразмни 1040 й.дан Салжук султонлари томонидан тайинланган ҳокимлар бошқарган. Ана шундай турк ҳокимларидан бири ануштегинийлар сулоласи асосчиси Ануштегин Гарчой (1077—97) эди. 1097 й.да Ануштегин вафотидан кейин Хуросон ноиб Додбек Ҳабаший унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127)ни Хоразм ноиб қилиб тайинлаб, унга хоразмшоҳ унвонини беради. Қутбиддин Муҳаммаднинг адолатли ва садоқатли хизмати эвазига Султон Санжар (1118—57) унинг ўғли Отсиз (1127— 56)ни Хоразм тахтига тайинлайди. Дастлаб, Султон Санжарга садоқат билан хизмат қилган Отсиз 1130-й.лар охирларида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, мустақил Хоразмшоҳлар давлатини тузишга ҳаракат қилиб, унинг билан тинимсиз уруш олиб боради. Отсиз вафотидан кейин тахтга ўтирган Эл Арслон (1156— 72) маҳаллий ҳокимлар ва қорахитойларга қарши кураш олиб борди. Унинг ворислари

Султоншоҳ Муҳаммад (1172) ва Алоуддин Такаш (1172—1200) ҳокимият учун 1193 й.га қадар ўзаро кураш олиб бордилар. Такаш ўз вори си Муҳаммад Хоразмшоҳга (1200—20) марказлашган мустақкам давлат ва ташкилий жихатдан қудратли қўшинни мерос қолдирган бўлса, унинг ўз сўзлари билан айтганда, ўғли Жалолиддин Мангуберди (1220—31)га пароканда салтанатни мерос қилиб қолдирди. 1231 й. да Жалолиддин Мангуберди вафоти билан хоразмшоҳ унвони ҳамда салтанатни бошқарган сулолалар ҳам якун топади. Султон Шохрухнинг Хоразмдаги ноиб амир Шохмалик (1413—26) умрининг охиригача Хоразмшоҳ унвонини ўзида сақлаган. Шунингдек, унинг ўғли Насриддин Султон Иброҳимга ҳам мерос тариқасида хоразмшоҳ унвони ўтган. У Абул хайрхон томонидан Хоразмдан қувилганига қадар хоразмшоҳ деб аталган. Бундан кейинги Хоразм ҳукмдорларидан ҳеч бири бу унвонга эга бўлмаган.

12—13-а. бошлари Хоразм давлатчилигининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Бу даврда Хоразмда ануштегинийлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар Отсиз, Такаш ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳлар мамлакатни бошқаришнинг янада мукамал тизими, тартиботи ва услубларини яратганлар. Салтанатнинг энг олий лавозими вазирлик бўлиб, улар Садр, Хўжайибузрук ва Низомулмулк (мулкнинг таянчи) унвонлари билан юритилган. Вазир фақат олий ҳукмдор олдида ҳисобдор бўлган. Салтанатнинг барча амалдорлари ва ҳарбий бошлиқлар ҳам вазирга итоат қилганлар, унинг олдида ҳисобдор бўлганлар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз подшолигининг сўнгида саройда яна бир олий маҳкам а яъни вакиллар Кенгаши номи билан юритилган давлат Кенгаши таъсис этади. Кенгаш ишида олий ҳукмдордан бошқа яна тажрибали, билимли 6 та вакил иштирок этади. Давлат кенгашида энг долзарб масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қўпчилик овоз билан қабул қилинган. Хоразмшоҳлар давлатида улуғ ҳожиб, амир охур, амир шикор, мутасарриф, тоштор, қиссадор, давлатдор, фаррош, амир ул-алам каби юқори лавозимлар ҳам бўлган.

Хоразмшоҳлар давлатида давлат ҳокимияти марказлашган ва такомиллашган бошқарув тизимига эга бўлган. Маҳаллий ва марказий ҳокимиятнинг кенг ваколатли маҳкамалари ёрдамида мамлакат идора қилинган. Давлатнинг маҳаллий ҳокимият органлари марказий ҳокимиятнинг кучли назорати остида бўлган.

Катта ҳудудда марказлашган йирик сиёсий бирлиكنинг вужудга келиши туфайли давлатнинг сиёсий мавқеи ортди, унда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди, шаҳарлар юксалди. Хўжаликнинг турли соҳаларидаги ўсиш умумий иқтисодий ва маданий тараққиёт учун омил бўлди. Пойтахт Гурганч йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланди. Шаҳарлар ривож учун савдо, айниқса, халқаро савдо муҳим ўрин тутган. Хоразм давлатининг савдо қарвонлари нафақат ўз ҳудуди бўйлабгина эмас, балки ундан ташқарига, жан.да Ҳиндистонга ғарбда Арабистон ва Европага қатнаган.

Хоразмшоҳлар давлати тарқибига киритилган ҳудудлардаги бир қанча шаҳарларда илм-маърифат, маданият юксалди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Ироқ ўлкалари ўртасида маданий алоқалар кучайди. Ушбу даврнинг таниқли олимлари жумласига Рашидиддин Вотвот, Исмоил Исфажоний, Тохир Фаробий, Абулфайз Ахсикатий, Сайфуддин Бухорий, Абулмажид Жаъиди, Али Исмоил Журжоний, Али Хоразмий, Абул Ҳасан Хоразмий, Нажиб Бакрон, Маҳмуд ал-Чағминий, Фаридуддин Аттор, шайх Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Ахсикатий, Абдуллоҳ ар-Розий, Маҳмуд Самарақандий, Маъсуд Хўжандий, Маҳмуд Замахшарий, Абдулқарим ас-Самъоний ва б.ни киритиш мумкин. Уларнинг ижодига назар ташлар эканмиз, ўша даврда илм-фан ҳам табиий, ижтимоий соҳалар бўйича ривожланганини кўраемиз.

Хоразмда ҳукмронлик қилган сулолалар даври тарихи Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги ва маданияти тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади.



## **14-15-МАВЗУ: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.**

### **Режа:**

1. Этногенез назарияси.
2. Ўзбек халқининг шаклланишида асосий рол ўйнаган дастлабки қабила ва элатлар.
3. Ўзбек халқининг шаклланиши босқичлари.
4. Ўзбек халқининг шаклланиши ҳақида шарқшунос ва тарихчи олимларнинг фикрлари.

### **Таянч иборалар:**

Этногенез, этник тарих, этнос назарияси, Қанғ, элат, Помир-Фарғона антропологик типи, ўзбек аجدодлари, туркийзабон аҳоли.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Этногенез назарияси деганда нимани тушунаси?
2. Ўзбек халқининг шаклланиши босқичлари ҳақида маълумот беринг.
3. Ўзбек халқининг шаклланишида асосий рол ўйнаган дастлабки қабила ва элатлар ҳақида маълумот беринг?
4. Ўзбек халқининг шаклланиши ҳақида ёзма манбалар қандай маълумотлар беради?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
2. Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент, «Чўлпон», 1992.
3. Заки Валидий. Ўзбек уруғлари. Тошкент, 1992.
4. Иброхимов А. Биз ким ўзбеклар. Тошкент «Шарқ», 1999.
5. Жабборов И, Ўзбек халқининг этнографияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.
6. Шониязов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. 2001.
7. Шаниязов К. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). Ташкент. «Наука», 1964.
8. Шониезов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 6-сон, 1998.
9. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Тошкент, «Чўлпон», 1994.
10. Усмон Турон. Туркий халқлар мафкуриси. Тошкент, «Чўлпон», 1995.

Ўзбек халқининг алоҳида этник жамоа (элат) бўлтиб шаклланиш (этногенез) жараёнининг ўрганиш тарихи фани олдида турган муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала анчадан буён тарихчи ва бошқа турдош фанлар билан шуғулланган олимларнинг диққат марказида бўлтиб келган. Ўзбек халқи ўз мустақиллигига эришгач бу муаммога қизиқиш яна ҳам кучайди.

Кейинги йилларда чиққан илмий монографияларда, мақолаларда ва рисоаларда ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) ҳақида бир қанча теран фикрлар айтилган. Лекин, айрим эълон қилинган ишларда баъзи хатоликларга, ноаниқликларга ҳам йўл қўйилган. Бу хатоликлар кўпинча муаллифларнинг этнос назариясига эътибор бермасликлари туфайли содир бўлган албатта.

Халқнинг (этносининг) келиб чиқишини, унинг илк аجدодларини аниқ бир жамоа (элат) бўлиб шаклланиш жараёнини илмий асосда ўрганиш учун аввало «этногенез» ва «этник тарих» ибораларини тўғри тушуниб, улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Этник тарих — маълум бир халқнинг илк аجدодларидан бошланиб, элат шаклланишини, уни тараққий этиш босқичларини ва элатнинг емирилиш ёки ривожланиб, миллат даражасига етишиш даврини ўз ичига олади.

Этногенез (этнос — юнон тилида халқ, генез — ҳосил бўлиш, келиб чиқиш) бу янгитдан ташкил топган этник жамоа. Бурундан мавжуд бўлган бир неча этник компонентларни ўзаро яқинлашуви, уларнинг бир-бирига қўшилиб, биргаликда тараққий этиб бориши ҳамда шаклланаётган этносга бошқа ердан кўчиб келиб қўшилган компонентларнинг маҳаллий аҳолига қўшилиши, унга араллашиб бориши натижасида вужудга келади. Демак, шаклланадиган янги этносга маълум ҳудудда яшаган халқлар ёки этник гуруҳлар ташқари, бошқа ҳудудлардан келган этник, антропологик ва маданий жиҳатдан бир хилда бўлмаган этносларнинг ёки этник гуруҳларнинг араллашиб, қоришиб кетишидан ҳам элат вужудга келиши мумкин.

Янги этноснинг вужудга келиши бир неча этник гуруҳлар етакчи этнос атрофига жипслашишидан бошланади. Етакчи этнос маҳаллий халқларнинг ёки бошқа ердан келиб ўрнашиб қолган этник гуруҳ ҳам бўлиши мумкин. Етакчи этнос бошқараётган уюшмага кирган этник гуруҳлар маълум вақт ичида тили, моддий маданияти, турмуш тарзи, маънавияти билан бир-бирларига яқинлашиб бориши ижобий натижа берса, янги этнос ўзаги ташкил топади. Шу давр ичида бирлашишга мойилликлари бўлган этник гуруҳлар сиёсий, иқтисодий ва бошқа сабаблар туфайли бир-бирларига яқинлаша олмасалар этник бирлик элат даражасига етмасдан тарқаб кетиши ҳам мумкин.

Дунёда мавжуд бўлган халқларнинг барчаси турли этник гуруҳларнинг қўшилишидан вужудга келган. Бошқача қилиб айтганда дунёда таркибига ўзга этник гуруҳлар қўшилмаган биронта ҳам халқ бўлмаса керак.

Юқорида тилга олинган этник назарияга асосланиб, биз ўзбек халқини элат бўлиб, маълум тарихий даврда, маълум ҳудудда, маҳаллий этнослар асосида, турли даврларда келиб қўшилган этник компонентларнинг араллашиб бориши натижасида шаклланган, деб қараймиз.

Этнос назариясига риоя қилмаган ёки тушунмаган айрим муаллифлар ўзбек халқининг этногенезини қадимлаштиришга интилиб, унинг келиб чиқишини милодий асрнинг бошларидан, қадимги хунлардан ёки VI – VIII асрлардаги турк этноси ва туркий қабилалардан бошлайдилар. Қалам соҳибларининг ичида шундай фикрдагилари ҳам борки, улар ўзбек халқининг шаклланишини Нух пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли Турдан (Туркдан), кейингисининг ўғли — Тутакдан бошлайдилар. Кейинги фикр тарафдорлари ўзбек халқининг келиб чиқишини афсоналаштириб юборганлар. Тарихчи афсоналардан фойдаланади, аммо унинг таъсирида бўлиб тарихий ҳақиқатдан узоқлашмаслик керак.

Маълумки, узоқ ўтмишда Хун ва хун таркибидаги барча қабилалар Шимолий Хитойда, Сибирда, милодий I—II асрларда эса бепоён Қозоғистон чўлларида, Қирғизистонда, Шарқий Туркистонда яшаганлар. Буларнинг айрим гуруҳлари шу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига ҳам келиб жойлашганлар. Турк хоқонлиги Мўғулистон ва Етгисув ҳудудида (VI аср ўрталарида) ташкил топган. VI аср охири VII аср бошларида Турк хоқонликлари Мовароуннаҳрда, Хоразмда ва ғарбда — Орол — Каспий денгизи атрофидаги минтақаларда ўз ҳукмронликларини ўрнатган эдилар.

Турк хоқонликлари даврида ҳам икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғига, Хоразм ўлкасига ва уларга туташ минтақаларга туркий халқлар, қабилалар келиб ўрнашган эдилар. Демак, Мовароуннаҳр ва Хоразм учун хунлар, турк хоқонликлари даврларида келган этнослар бўлиб булардан ўзбек халқи келиб чиққан деган фикр туғилади. Шундай бўлиши мумкин эди, қачонки хунлар ёки турк хоқонликлари Мовароуннаҳр ва Хоразмни эгаллаганда, бу ҳудудларда, улар келмасидан олдин, аҳоли яшамаган бўлса, ёки уларнинг зарбасидан бу ерларда яшаб келган халқлар батамом қириб юборилган бўлса. Тарихдан маълумки униси ҳам, буниси ҳам бўлмаган.

Хун қабилалари қириб келган кездарда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида хоразмликлар, сўғдийлар, кушонлар, қанғлар ва бир қанча бошқа халқлар яшаганлар. Бу ҳудудларни Турк хоқонлиги эгаллаганда (VI асрнинг иккинчи ярми) хоразмликлар

ва сўғдийлар қаторида кидаритлар, хионитлар, эфталитлар ва бошқа халқлар ҳам бўлган.

Турк хоқонлиги хукмронлигини ўрнатганида Мовароуннаҳр ва Хоразм худудидан, хоқонликка итоат қилмаган этник гуруҳларгина чиқиб кетган холос. Аҳолининг кўпчилиги ўз ўринларда қолиб бу ерларга янгитдан келиб жойлашган туркий халқлар билан бирга бўлган демак, икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразм ўлкаси қадимдан нуфузли ўлкалар бўлиб бу худудлар ҳеч вақт аҳолисиз қолмаган.

Айрим қаламкашларнинг айтганига риоя қилиб, ўзбек халқининг келиб чиқишини фақат хунлардан ёки VI—VII асрларда келиб ўрнашган туркий халқлардан бошласак, унда ўзбек халқи туб ерли аҳоли асосида эмас, келгинди этник гуруҳлардан шаклланиб бўлиб чиқади. Масалага бу йўсинда қаралса халқимизнинг тарихи ва маданият илдизлари анча саёзлашиб қолади. Ҳозирги Ўзбекистон худудида қадим-қадимдан яшаб келган, бой тарих ва маданият яратган бизнинг аجدдаларимиз бўлмай, улар яратган моддий маданият ва маънавиятдан четланиб қолган бўламиз. Бу эса айрим мунофшиқларга қўл келиши турган гап.

Биз бу ерда хун ёки бошқа турк этносларининг келиб чиқишини ўрганишдан четлашиб ўтиш керак демоқчи эмасмиз. Аксинча уларга аҳамият бериш керак, чунки уларнинг ўзбек ва бошқа Марказий Осиё халқларикинг этник тарихига, умум туркий дунёсининг вужудга келишида роли бениҳоят катга.

Агар биз ўзбек аجدдаларининг алоҳида халқ (элат) бўлиб шаклланиш санасини IX—X асрлардан деб олсак, унда қадимги элатларни (хун, турк ва бошқа) ўзи эмас, уларнинг энг кейинги авлодлари ўзбек элатининг ташкил топишида қатнашган компонентлар деб қараш тўғри бўлади. Бошқача қилиб айтганда қадимги элатлар тарқалиб унинг қолдиқлари, алоҳида компонентлар бўлиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида қатнашган. Демак, ўзбек элати келиб қўшилган этник элементлардан эмас, маҳаллий этнослар асосида вужудга келади.

Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек аجدдалари Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларда жуда қадим даврлардан буён яшаб келганлар, улар ўзбек элатининг асосини, рамзий маънода, Ўқ илдизини ташкил қилган. Ён илдизлари Ўқ илдизига бириктириб бориши жараёнида ўзбек элати вужудга келган. Мазкур элат маҳаллий аҳоли аجدдалари қолдирган бой тарихий меросни, маънавиятни авайлаб сақлайдилар уни тўлдирадилар ва барча анъаналари билан бирга кейинги авлодга мерос қолдирадилар.

Элат — синфий жамиятга хос этник уюшма. Антик ва феодализм босқичларида Марказий Осиёда бир қанча элатлар ташкил топган: бактрияликлар, сўғдийлар, хоразмийлар, қанғлар, хунлар ва бошқа элатлар. Илк ўрта асрларда турк элати туркий хоқонликлар таназзулидан кейин ўғуз элати, кемак-қипчоқ элати ва бошқалар. Бу элатларнинг биронтасидан ўзбек элати унуб чиққан эмас. Бошқача қилиб айтганда, тилга олинган элатларнинг биронтаси ҳам ўзбек элатининг асосий ўзагини ташкил қилган эмас. Лекин буларнинг парчаланиб кетгандан кейинги, этник жиҳатдан бир мунча ўзгарган авлодлари ўзбек элатининг этногенетик жараёнида қатнашганлар.

Элат алоҳида жамоа бўлиб шаклланишида тараққий этади ва охири таназзулга учраб тарқалиб йўқолиб кетиши ҳам табиий ҳолат. Масалан, юқорида эслатилган бактрияликлар, хоразмийлар, сўғдийлар, қанғлар, хун элати ва бошқалар. Бу элатларнинг биронтаси ривожланиб миллат даражасигача етиб келган эмас. Фақат илк ўрта асрларда вужудга келган айрим янги элатлар, жумладан ўзбек элати ўрта асрларнинг кейинги босқичларида юз берган барча сиёсий ўзгаришларни кечиб, миллат даражасигача етиб келди.

Хар қандай халқ алоҳида жамоа (элат) бўлиб маълум бир худудда маълум тарихий даврда, шароитда шаклланиди. Ўзбек халқининг аждодалари ҳам элат бўлиб Мовароуинаҳр ва Хоразм худудида ҳамда уларга туташ минтақаларда шаклланиб. Бу худудларда антик даврларда суғорма деҳқончилик ва хунармандчилик билан

шуғулланиб келган, бактрияликлар, хоразмликлар, суғдийлар, фарғоналиклар, шошликлар яшаб келган эдилар. Чўл зоналарида сақлар, массагетлар ва бошқа кўчманчи қабилалар жойлашиб, асосан чорвачилик билан шуғулланганлар.

Тарихчи, шарқшунос ва тилшунос мутахассис олимлар (С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, К. В. Тревер, А. А. Фрейман, В. А. Лившид ва бошқалар.) тилга олган халқлар шарқий эрон тилига мансуб этнослар бўлганини таъкидлаб ўтган эдилар. Балки шундоқдир. Антик даврларда, унинг биринчи яримларида Марказий Осиё минтақаларида туркийзабон этнослар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмаса керак. Қадимги юнон ва эрон манбаларида буларни ҳам эрон тилли қабилалари қаторига қўшиб сак-массагетлар деб қайд қилинган бўлиши мумкин. Сўзсиз бу масалалар чуқур ўрганишни талаб қилади.

Мовароуннаҳр ва Хоразм минтақаларига туркий қабилалар милoddан олдинги II—I милodий I асрларда келиб ўрнашганлиги ҳақида аниқ маълумот Хитой воқеанависларининг ахборотларида учрайди.

Милoddан олдинги III асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимида йирик Қанғ давлати ташкил топади. Бу давлат то V аср ўрталаригача ўз ҳукмронлигини сақлаб келади. Милoddан олдинги V—IV асрларда Тангритоғ (Тянь-Шан тоғлари)нинг шимоли-шарқида яшовчи усунларнинг айрим қисмлари ва Шимолий Хитойда, жанубий Сибирда ва Жунғорияда жойлашган хун этник гуруҳлари кўчиб келиб Қанғ давлати ҳудудларига ўрнашадилар. Сирдарё соҳилларида икки тилга (эрон ва турк) мансуб этнослар учрашадилар ва улар бир

бирлари билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келадилар. Бу алоқаларнинг тобора ривожланиб, чуқурлашиб бориши натиқасида туркийзабон этнослар устиворлик қилиб, янги туркий этнос — қанғар элати вужудга келади. Шундай қилиб, эрон тилли халқлар (суғдиёнлар, ассианлар, ослар, саклар ва бошқа) билан Сирдарё соҳилларига ва Мовароуннаҳрнинг бошқа минтақаларига Хоразм ўлкасига келиб ўрнашган туркий этнослар билан қўшилиб, қоришиб кетишлари натиқасида қанғар элати шаклланади.

Милoddан олдинги II—I милodий I—II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимада, Зарафшон воҳасида деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган аҳоли (суғдийлар, ўтроқлашиб қолган саклар ва бошқ.) маданияти (яъни туб ерли аҳоли маданияти) шу ҳудудларга келиб ўрнашган кўчманчи чорвадор туркий этнослар маданияти (кўчманчи халқлар маданияти) аралашиб боради. Натижада бир-бирлари билан аралашган қўшма маданият ҳосил бўлади. Туб ерли аҳоли билан кўчманчи қабилалар маданиятининг қўшилиши археологик ашёлар билан ҳам тасдиқланган; археологлар бу маданиятни қанғуй маданияти ёки қавунчи маданияти, деб номлаганлар.

Милodий I—II асрларда Қанғ давлати жуда катта ҳудудга (Зарафшон воҳаси, Қашқадарё, Хоразм, Орол денгизининг жаауби-шартқий ва шимолий чўлларидан то Урол тоғ олди минтақаларига эгалик қилар эди. Аммо Қанғ давлатининг асосий ери Сирдарёнинг ўрта оқимларига тугашгая ҳудудлар (Шош воҳаси, ҳозирги Қозоғистон республикасининг Чимкен ва қисман Жамбул вилоятлари) бўлган. Қанғ давлатининг асосий халқи-қанғарлар шу даврларда Мовароуннаҳр ва Хоразм ерларига бориб ўрнашган ҳам эдидар.

Сирдарё ўрта оқимида вужудга келган туркийзабон қанғар этноси Марказий Осиёда, жумладан Мовароунаҳрда илк антик даврларда яшаган (бактрияликлар, саклар, тохарлар, суғдиёналиклар ва бошқ.) Халқлар яратган моддий ва маънавий маданиятнинг ворислари бўлганлар. Шунинг учун бўлса керак, қанғарлар маданиятининг кўп томонлари Мовароунаҳр аҳолисининг антик даврдаги маданиятига ўхшаб кетган. Айни шу даврларда Ўрта Осиё водий ва воҳаларида яшовчи суғдиёналиклар ва қанғарларнинг ташқи қиёфаларида Помир—Фарғона антропологик типи тўлиқ шаклланган бўлиши керак.

Милодий III—V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан айрим қабилалар келиб жойлашган. Хионлар (хионийлар), кидарий ва эфталлий (абдал) этнослари шулар жумласидандир. Бу этник гуруҳларнинг келиб чиқиши ҳалигача тўлиқ ойдинлашмаган. Кедарийлар, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича эрон тилли халқлар бўлган. Аммо бизда мавжуд тарихий манбалар асосида ишонч билан айтиш мумкинки, хионийлар ва эфталлийлар турк тилли халқлар эдилар.

Хитой воқеанависларнинг (шахсан Бейшида) ахборотларида «Бир вақтлар Суда (Сўғд — К. Ш.) ҳокимини ўлдириб Судани эгаллаган эдилар» дейилган. Вейшида қайд этилган бу воқеа милодий IV аср ўрталарига тўғри келади. В. В. Бартольд ва Л. Н. Гумилев Сўғдиёни ва унинг маркази Самарқандни эгаллаган хунлар бўлганлигини таъкидлайдилар. Айни шу вақтларда хионийлар сиёсий майдонга чиқиб, Эрон сосонийлари билан Хуросон чегараларида қаттиқ жанг олиб борадилар.

IV асрда Мовароуннаҳрда яшовчи йирик туркий этнослардан яна бири эфталлийлар (хептал, эптал, абдал) бўлган.

Эфталлийлар ҳам хунлардан ажралиб чиққан йирик этнослардан бири. Буларнинг илк аجدодлари Олтой ва Саён тоғ олди минтақаларида яшаганлар. Милодий II-III асрларда уларнинг катта бир қисми ғарбга силжиб III аср охири — IV асрда Волга дарё бўйлариغا Қора денгиз яқинидаги чўлларга ва Шимолий Кавказ минтақаларига бориб ўрнашган. Ғарбга силжиб кетган хунлар таркибида абдал, эфтал (эфталлий) этнонимлари мавжуд эди.

Хунларнинг ғарбга кўчиш вақтида уларнинг йирик бир гуруҳи, милодий III асрда жанубга, Мовароуннаҳр ҳудудига келиб ўрнашган бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаса керак. Кейинги асрларда (IV—V булар икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги аҳолининг катта қисмини ташкил қилган. Араб географлари Муқаддасий Йоқуд ва Маъсудий, ўзларидан анча олдин ўтган муаллифларнинг маълумотларига асосланиб, Мовароуннаҳрнинг қишлоқ ва шаҳарларида яшовчи аҳолининг кўпчилигини эфталлийлар ташкил қилганлигини қайд қилган эдилар. Демак, V—VI асрларда эфталлий ва хионийларнинг асосий қисми турғун яшаган; уларнинг жанговар қисмлари ва ярим ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

Мовароуннаҳрнинг сиёсий бошқаруви аввал хионийлар қўлида бўлиб, V асрнинг ярмида эса кучайиб қолган эфталлийлар қўлига ўтади. Шу аср давомида эфталлийлар Сўғдиёни, Тоҳаристонни, Шарқий Туркистонни ва Сирдарёнинг ўрта оқимларини эгаллайдилар. Марказий Осиёда йирик эфталлий давлати вужудга келади. Аммо унинг ҳукмронлиги узокка бормади. VI асрнинг 60-йилларида турк хоқонлиги зарбидан эфталлий давлати емирилади.

Ўрни келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бир қанча тадқиқотчилар эфталлийларни туркий халқ эканлигини тан олмасдан келганлар. Бундан мақсад Мовароуннаҳрни асосий халқи ўтмишда эрон тилли бўлганлигини уқдириш эди. Аммо тарихий манбаларни синчиклаб ўрганган киши масалага бу йўсинда бир томонлама ёндошиш хато эканлигини тушуниб олиши қийин бўлмаса керак.

Эфталлийлар мағлубиятга учрагандан кейин, уларнинг асосий қисми Мовароуннаҳр ва унга яқин минтақаларда яшаб қолган эдилар. Уларнинг фақат айрим гуруҳлари (асосан ярим кўчманчи гуруҳлари) Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудига кўчиб ўтган эдилар. Эфталлийларнинг баъзи гуруҳлари тарихчи-географ Гардизийнинг ёзишича Хуросонда ҳам яшаган. Мовароуннаҳрда қолган эфталлийлар шу ҳудудда яшаётганган қанғлар билан қўшилиб туб ерли туркийзабон этник катламга сингиб кетган. Буларнинг авлодлари ўз этник номларини бизгача сақлаб қолганлар. Ўзбек ва туркман халқининг таркибида XX аср бошларигача абдал этноними мавжудлиги бунинг далили бўла олади. Абдал этник гуруҳи бошқирд халқининг ичида ҳам мавжуд бўлган. Бошқирдлар таркибидаги абдал

милодий II—IV асрларда ғарбга силжиб кетган эфталийларнинг (абдал) энг кейинги авлодлари бўлиши керак.

Маълумки, VI аср ўрталарида Олтойда, жанубий Сибирда, Еттисувда, Шарқий Турккстонда жойлашган бир неча қабилалар бирлашиши натижасида Турк хоқонлиги ташкил топади. Қисқа вақт ичида Турк хоқонлиги кучайиб Марказий Осиёнинг катта қисмини, жумладан Мовароуннахрни эгаллайдилар. VI асрнинг 80-йилларида Эрон Сосонийлари устидан ғалаба қозониб турк хоқонлари Хуросон вилоятларининг бир қанча ҳудудларини забт этадилар. Аммо, бу вақтинчалик эди. Эрон билан Турк хоқонликлари орасидаги асосий чегара Амударё бўлиб қолган эди. Ғарбда эса турк хоқонлари Волга ва Қораденгиз сохилларига қўшин тортиб бориб, 576 й. Карчы шаҳрини, 581 йили эса Херсонни ва бошқа бир қанча шаҳарларни қўлга киритиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Турк хоқонликлари даврида (VI—VIII) Ўрта Осиёнинг марказий минтақаларига (Тошкент воҳаси, Зарафшон, Қашқадарё воҳалари Сурхандарё, Фарғона водийлари) ва Хоразм заминига туркий қабилалар кўплаб келишади; уларнинг аксарий кўпчилиги шу ҳудудларда турғунлашиб қолганди.

VI—VIII асрларда Мовароуннахр ва Хоразм аҳолисини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: а) қадимдан деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келаётган форс-эрон тилли сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқалар; б) деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан кун кечириб келаётган туркийзабон аҳолии. Бу аҳоли юқорида қайд қилганимиздек, ўтроқлашиб қолган қанғарлар, хионийлар, эфталийлар ва Турк хоқонликлари даврида келиб турғунлашиб қолган, бир қанча бошқа қабилалар; в) ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи бўлиб яшаётган туркий тилли ва форс-эрон тилли этник гуруҳлар. Бу гуруҳлар асосан воҳа атрофларида, тоғ олди қирларда яшаб деҳқончилик билан бир вақтда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар; г) кўчманчи, туркий тилли қабилалар. Булар чўлларда ва тоғ олди районларда яшаб асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган.

Юқорида келтирилган Мовароуннахр ва Хоразм аҳолиси таркибидан кўриниб турибдики, бу ҳудудларда қадим-қадимдан буён икки тил туркумидаги форс-эрон ва туркий халқлар ёнма-ён аралаш яшаб келганлар. Булар, асрлар давомида биргаликда шаҳарлар барпо қилганлар, каналлар қазиб сув чиқарганлар, деҳқончилик қилганлар, бой маданият яратиб авлодларга авлодларга қолдирганлар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу икки тил вакиллари асрлар давомида бирга яшаб келшлари натижасида форс-эрон тилли аҳолининг айрим гуруҳлари эрон-форс тилини қабул қилиб сўғдийларга, хоразмийларга ва бошқаларга аралашиб кетганлар. Демак, этносларнинг ўзаро яқинлашиши, аралашшиши ва қоришиб бориш жараёни ҳар икки тил вакиллари орасида ҳам кечган. VIII аср бошларида араблар Мовароуннахр ва Хоразм ҳудудларига бостириб кирган вақтларда бу ҳудудлардан фақат айрим кўчманчи қабилалар чекиниб кетган бўлиши мумкин. Турғун ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли сўғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида қолиб, араблар, кейинчалик (IX) самонийлар ҳукмронлиги остида яшаганлар.

VII аср охири — VIII аср бошларида Туркеш хоқонлиги ташкил топади. Турк ва Туркеш хоқонлиги давларида Еттисувнинг (ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий минтақалари Қирғизистон ҳудуди) этник таркиби ҳам бир хилда бўлмаган. Бу ҳудудларда асосан нушиби, туркеш қабила иттифоқлари жойлашган. Буларнинг аксарий кўпчилиги кўчманчи қабилалар бўлиб, чорвачилик билан кун кечирганлар. Еттисувда, Буюк Ипак йўлидаги шаҳар қўрғонларда деҳқончилик хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келган турғун туркийзабон аҳоли ва қисман сўғдийлар ва ҳар ердан келиб ўрнашиб қолган (кўпинча Хитойдан, Мўғилистондан) халқлар яшаганлар.

Туркеш хоқонлиги даврида Еттисув аҳолиси билан Мовароуннахр аҳолиси ўртасидаги этник, иқтисодий ва маданий алоқаларда маълум ўзгаришлар бўлган.

Айрим жабҳаларда (тижорат, маданият ва маънавиятда) ўзаро яқинлашиш бир мунча ривожланган. Мовароуннаҳрда қатъийлашиб бораётган ислом дини Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги шаҳар ва қишлоқларга ҳам бир мунча таъсир қилган, аммо айрим ноиблар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб Мовароуннаҳр билан бўлшган алоқалар баъзан узилиб ҳам қолган.

766 й. қарлуқ қабиласи итиифоқи туркешлар устидан ғалаба қозониб Етгисувни батамом эгаллайдилар. 840 й. Қарлуқ давлати ташкил топади. Етгисув, Исфижоб (ҳозирги Чимкент) виялоят, Шош (Тошкент воҳаси), Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми, Фарғонанинг шимолий (тоғли) минтақалари Қарлуқ давлати доирасида бўлган. IX асрнинг иккинчи ярми — X аср давомида Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳукмронлик қилар эдилар. Ана шу икки давлат (Қарлуқ ва Сомонийлар давлати) ҳудудида ўзбек ва тожик авлодлари алоҳида жамоа-элат бўлиб шаклланадилар.

Ўзбек элатининг шаклланишида Қарлуқ давлатининг роли бениҳоят катта. X аср ўрталаридан бошлаб бу давлат тарихий манбаларда қорахонийлар давлати билан тилга олинади. Қарлуқ хоқонларининг унвонларида Қора (улуғ, буюк маъносида) атамаси мавжуд бўлганлиги шарқшунос олим В. В. Григорьев қарлуқ томонидан ташкил этилган давлатни Қорахонийлар давлати деб илмий адабиётларга кирғизган. Ҳақиқатда эса Қорахонийлар давлати Қарлуқ давлатининг ўзи унинг давоми бўлган.

Қарлуқларнинг IX-X асрларда эгаллаб турган ҳудудда 20 дан ошиқ катта шаҳар, жуда кўп қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар, “Худуд ал-олам” қўлёзма асарида (X асрда) қайд этилишича кўп сонли, нуфузли халқ бўлиб бир қисми чорвачилик, бир қисми овчилик ва яна бошқа бир қисми эса ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Катта ҳудудда қарлуқларнинг фақат бир ўаларигана яшамай, улар билан бирга бир қанча бошқа туркий қабилалар ҳам аралаш ҳолда яшаб келган. Этносларнинг ичида энг йириги чигил, халач ва лабан бўлиб, булар аслида қарлуқ қабилаларидан ҳисобланади. Йирик қабилалардан яна бири — яғмо бўлиб, булар VIII асрларда Телес қабиласи итиифоқидан ажралиб чиқиб, қарлуқларга қўшилган. Қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудда яна турк ва туркеш хоқонликлари таназулидан кейин шу ерларда қолиб яшаган нушуби, дилу, арғу, тухси, аз, уз, сариқ ва бошқа гуруҳлар ҳам мавжуд бўлган.

Қарлуқлар ҳудуддаги шаҳар ва қишлоқларда деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган турғун аҳоли ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Бу аҳолининг асосий қисмини асрлар давомида ўтроқлашиб қолган туркийзабон аҳоли ташкил этган. Буюк Илак йўлидаги шаҳар ва қўрғонларда (Исфижоб, Тароз, Боласағун, Суёб, Қошғар, Хўтан ва бошқ.) Туркийзабон аҳоли билан биргаликда Сўғдийлар (сўғдак) ва бошақа элат кишилари ҳам яшаган. Буларнинг кўпчилиги асосан хунармандчилик ва тижорат ишлари билан шуғулланиб, айрим шаҳар ва қишлоқларда алоҳида жамоа бўлиб яшаганлар.

Юқорида тилга олинган минтақаларда яшовчи барча аҳоли VIII аср охирларида (Қарлуқлар Етгисувни эгаллаган санадан бошлаб) то X аср ўрталаригача қарлуқ хоқонлари ҳукмронлиги остида бўлган.

Ўзбек аждодлари элат бўлиб шаклланаётган даврларда, унда иштирок этган этносларнинг аксарий қисми Талас, Чу дарё ҳавзаларида, Сирдарё бўйларида Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Шимолий Фарғонада яшар эдилар. Ўзбек элатини асосий ўзаги айна шу ҳудудда шакллана бошлаган. Шу ўринда қайд қилиб жоизки, ўзбек элатининг шаклланишида бу минтақаларда яшовчи этносларнинг барчаси бир хилда иштирок этмаганлар.

Қарлуқ давлати ҳудудида яшовчи айрим этник гуруҳлар, масалан, ёбаку, ёрик (жорик) ва бошқалар ўзбек элатининг шаклланишида қатнашмаган бўлиши ҳам мумкин. Арғу, тухси, бижанак (печенег), туркеш қабилаларнинг бир қисми ёки айрим гуруҳлари қарлуқ хоқонларининг итоатида бўлсалар ҳамки, ўз қабиласи тузумини сақлаб шаклланаётган элатга қўшилмай келар эдилар. Демак, ўзбек элатининг шаклланиб боришида бу ҳудудда жойлашган этносларнинг барчаси ҳам бир маромда иштирок эта

олмаганлар; элатга аниқ бир ҳудудда асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган (олдинлари бошқа тилда сўзлашган бўлсалар ҳам), турмуш тарзи, ан-аналари маданиятлари билан бир-бирларига яқин бўлган этнослар ёки уларнинг маълум қисми қатнашиши мумкин бўлган.

Этносни шаклланиш жараёни маълум бир давлат ҳудудида ўтиши этногенетик шартлардан бири ҳисобланади. Албатта назарий томондан қараганда шундай бўлиши керак. Аммо илк ўрта асрларда Марказий Осиё шаҳарлари шароитида қатнашган этник элементлар кўшни давлатлар ҳудудида ҳам яшаб, маълум даражада этногенетик жараёнда иштирок этганлар. Масалан, шаклланаётган тожик этноси нафақат Сомонийлар ҳукмронлик қилаётган ерларда, балки қарлуқ ва уйғур давлатлари ҳудудида ҳам яшар эдалар; буларнинг маълум қисми тожик халқининг этногенезида қатнашганлар, айрим қисмлари эса қарлуқ ва уйғур давлати ичида қолиб, бу ердаги аҳолига аралашиб кетган эдилар.

IX—X асрларда мавжуд бўлган Сомонийлар давлати, гарчи тожиклар давлати ҳисобланса ҳамки, унинг ҳудудида турғун яшовчи туркий тилли аҳоли ҳам юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Мовароуннаҳрда қадим даврларданок ҳосил бўлган туркий қатлам мавжуд эди. VIII—X асрлар давомида бу ҳудудга Сирдарё соҳилларидан ва унинг шимолида яшовчи қабилалар вақти вақти билан келиб ўрнашиши, уларнинг ўтроқлашиши ҳисобига турғун аҳоли сон жиҳатидан яна ҳам кўпайиб борган. Воҳа атрофларида, тоғ олди қирларда ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи туркий қабилалар ҳам жойлашган эди.

Сомонийлар ҳудудида жойлашган туркийзабон аҳоли Сирдарёдан шимолдаги қардошлари билан доимо иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Буларнинг ўзаро алоқаларини давом эттиришда қарлуқ ва Сомонийлар давлатининг чегаралари қатъий тўсиқ бўла олмаган. Сомонийлар аввалига кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон қабилаларни ўз ҳудудига киргизмаслик учун, воҳалар атрофини (Шош, Самарқанд, Бухоро) баланд деворлар билан ўраб (бу деворлар халқ орасида “кампир” девор деб аталган), чегараларда ҳарбий соқчилар қўйганлар. Аммо бу тўсиқлар вақтинчалик тадбир эди холос. Исмоил Сомоний даврида бу тўсиқларни аҳамияти қолмаган эди.

Шуни ҳам ўқтириб ўтиб жоизки, Сомонийлар ҳудудига келиб ўрнашган туркийзабон этнослар ва айрим кишилар, хўжаликлар, ислом динини қабул қилишлари керак эди; бу Мовароуннаҳрга келиб ўрнашишини асосий шарти эди. Сомонийлар эз ҳудудларини ёмон ният билан, ёвузлик қилиб бостириб кирувчи кўчманчи қабилалардан ҳимоя қилганлар. Исломи динини қабул қилиб, нажот сўраб утлоқ, яйлов, ер сўраб келганлар ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қилинган.

Тожикларнинг айрим гуруҳлари, юқорида қайд этганимиздек, қарлуқлар ерида ҳам яшар эдилар. X асрда буларнинг Тароз, Чу ҳавзаларидаги шаҳар ва қишлоқларга, Шарқий Туркистонга кўчиб боришлари яна ҳам жадаллашган эди. Чунки бу даврда қарлуқ ҳудудида яшовчи туркийзабон аҳолининг аксарий қисми мусулмон динини қабул қилиб бўлган эди. Дин пешволарига, маълумотли кишиларга кенг йўл очилган. Талас, Чу ва Ила водийларига бориб ўрнашган тожикларнинг кўпчилиги эса хунармандчилик, савдо-сотяқ ва айрим гуруҳлари деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келганлар.

Келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, тожи ва ўзбек аجدодлари қадимда, илк ўрта асрларда ва кейин ҳам доимо бирга бир ҳудудда аралаш, ёнма—ён яшаб келганлар. Буларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмаган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий, “тотсиз турк бўлмас, бошсиз бурк бўлмас”, яъни тожиксиз турк бўлмагандек бош қалпоқсиз (бош кийимсиз) бўлмас деган мақолни келтирган эди. Тот атамасини бу ерда Маҳмуд Қошғарий форс-тожияк тилли аҳолига нисбатан қўллаган.

Тожик ва ўзбек аجدодларнинг илк ўрта асрларда элат бўлиб шаклланиши икки давлат — Қарлуқ ва Сомонийлар ҳудуди ўтганлиги табиий ҳолат эди албатта. Бу яқки



халқнинг бу ҳудудда шаклланиши туфайли уларнинг этногенетик тарихининг кўп қирраларида умумийлик ҳосил бўлган.

Маълумки, ўзбек ва тожик элатлари қадимги этнослардан (сак, массагетлар, бактрияликлар, юечжи тохарлар, сўғдийлар, қанғарлар ва бошқа халқлардан) томир олганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг маданият ва турмуш тарзларида, урф-одатларида ўхшашликлари кўп бўлган. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бирига хос (бир элатни иккинчисидан фарқини билдирувчи) хусусиятлари—тили, ўзлигини англаши, руҳияти ва бошқа ҳам мавжуд эди. Бу хусусиятлари билан бир элат иккинчи элатдан ажралиб турган.

Хоразм IX асрнинг иккинчи ярми — X асрда Сомонийлар давлати тасарруфида бўлган. Лекин Хоразмшоҳлар давлатида хоразмликларни ўзларида чикқан шоҳлар (хоразмшоҳлар) ҳукмронлик қилиб келганлар.

Хоразм ярим мустақил давлат бўлса ҳам, ўша даврда иқтисодий ва маданий жиҳатидан тараққий этган ўлка ҳисобланган. Хоразмнинг турғун аҳолиси ўз этник номига (Хоразм — нафафат сиёсий, географик ном, аҳолисининг номи ҳам эди) ва тилига эга эди. Уларнинг қадимги тили Эрон тил гуруҳида бўлса ҳам, лекин у тилдан катта фарқ қилган. Қўшни эрон ва туркийзабон аҳолидан хоразмликлар моддий маданиятлари (уй-жойлари, кийим-бошлари) санъатлари ва бошқа томонлари билан ҳам фарқ қилганлар.

IX—X асрларда Хоразм ўлкасида турғуя яшовчи туркийзабон аоли (қанғли, бежанак, ўғуз) ҳам мавжуд бўлган. Аммо булар сон жиҳатидан туб ерли, Хоразм аҳолисидан ҳам эди. Сўзсиз туркийзабон этносларнинг таъсирида Хоразм аҳолисининг талай қисми (шахсан аланлар) туркийлашиб қолгая эдилар. Лекин Хоразм ҳудудида яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий забон аҳоли Хоразмнинг турғун аҳолисига иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан таъсир этишга ожизлик қилар эдилар. Хоразмликларнинг иқтисодий ва маданий даражаси, онг сезими уларга нисбатан юқои бўлган. Бу ўлкани таряхига оид барча томонларини ҳиясобга олиб, Хоразм аҳолиси XII асрлар бошларигача (мўғуллар истилосигача) алоҳида элат (Хоразм элати) бўлган десак хато бўлмас.

Онг сезими, ўзлигини англаш (албатта ўз даври даражасида) туркийлик (тил жиҳатидан) тушунчаси IX—X асрларда ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланган қисмида қаттиyllашиб қолган эди десак хато бўлмас, аммо иқтисодий ва маданий тараққиёт (ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланган қисмида) ҳали ниҳоясига етмаган эди. Шу даврларда (IX—X) этногенетик жараёнда қатнашган этник гуруҳларнинг айрмлари кўчманчиликда ва ярим ўтроқликда кун кечириб, чорвачилик билан бирга деҳқончилик қилиб ҳам келганлар; учинчи гуруҳлари деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат ишлари билан шутғлланиб келганлар. Бу гуруҳлар ўртасида ҳали иқтисдий алоқалар етарли даражада эмас эди. Буларнинг маданий даражасида ҳам тафовут катта эди. Қарлуқ давлати ҳудудида турли диний эътқодлар (тангрига сиғиниш бурхонлик, будда, христиан ва бошқ.) мавжуд эди. Илм-фан тараққиёти ҳам етарли даражада ривож топмаган. Қарлуқ-чигил лаҳжаси устиворлик қилиб келаётган бўлса ҳам, аммо бу лаҳжа ўзбек элати таркибига кирган барча этник гуруҳларга сингиб, умум элат тили даражасига кўтарилиш жараёни ниҳоясига етмаган эди.

Этник жараён охирлаши учун элатни шаклланиш даражасини аниқловчи кўрсаткичлар шу давлат ҳудуди ривожлавиб элат ва ҳудуд ичида қатъийлашиб қолиши лозим эди. Бунинг учун маълум вақт керак бўлган.

X аср ўрталарида Фарғонанинг шимолидаги ҳудудларда, Қошғар яқинида яшовчи қарлуқлар кучайиб, ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар. Буларнинг даврида Қорахонлилар (улуғ хонлар) ва фуқоролар ислом динини қабул қиладилар. Бу ислом дини тез вақт ичида Етгисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларига тарқалади. Ислон дини бу ҳудудларга кириб бориши Қорахонлилар бошқараётган

худуд билан Мовароуннахр мусулмонлари ўртасида алоқалар кучаяди, илму фан Карлук-Қорахонлилар давлати худуди ҳам кенг ривожлана боради.

X асрнинг охирларида ички зиддиятлар кучайиб Сомонийлар давлати кучсизланади. Бундан Қорахонлилар фойдаланадилар; ҳарбий юришлар қилиб, улар 998— 1011 йиллар давомида Мовароуннахрни катта қисмини эгаллаб ўз хукмронликларини ўрнатадилар.

XI аср бошларида Қорахонлилар давлати Амударёдан то Торим дарёсигача бўлган катта худудга эгалик қиладилар Амударё Қоранонлилар билан Ғазнавийлар ўртасида чегара бўлиб қоладилар. Шу вақтдан ўзбек аجدодларининг этногенетик жараёни тараққиёти иккинчи босқичга ўтади.

Қорахонлилар Мовароуннахрни эгаллагандан кейин бу худудга Еттисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларидан, Сирдарё бўйларида қабилалар, айрим этник гуруҳларнинг кўчиб келиши жадаллашади. XI аср бошларидан то шу асрнинг 40-йилларигача Мовароуннахр худудида қарлук, чигил, халач, арғу, тухси, туркеш ва бошқа қабилаларнинг салмоғия қисми кўчиб ўтади. Буларнинг маълум қисми ўз юртларида қолиб Еттисувда ва Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган сиёсий ва этник уюшмалар таркибида бўладилар. Сирдарё сохилларида яшовчи қанғли ва қипчоқ қабилаларининг қисмлари ҳам Мовароуннахрга ва Хоразм воҳасига келиб ўрнашадилар. Шундай қилиб, XI асрнинг биринчи ярмидаёқ бу ўлкаларнинг этник таркиби бирмунча ўзгаради: туб ерли туркий ва форс-тожик, хоразмий тилида сўзлашадиган аҳоли таркибига туркийзабон қабилаларининг янги гуруҳлари кириб келади.

Мовароуннахр Сомонийлар даврида, шарқда иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг тараққий этган худуд эди. Бу худуднинг шаҳар ва қишлоқлари обод бўлган. Жамиятнинг ҳамма томонларида ислом дини ва шариат қоидалари ҳукм сурган. Мовароуннахрга кириб келган қорахонлилар шу етук маданиятга эгалик қилиб, уни давом эттирадилар. Кўчиб келган қабилалар ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ этник гуруҳлар бўлиб, улар чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланадилар. Кейинчалик буларнинг кўпчилиги ўтроқлалашиб, шаҳар ва қишлоқларда турғун аҳоли ҳаётига мослашиб борадилар.

XI асрнинг биринчи ярмида қорахонлилар давлатида ички курашлар кучая боради. Хокимият учун кураш охир-оқибат давлатни инқирозга олиб келади. XI асрнинг иккинчи ярмида Қорахонлилар давлатида икки мустақил давлатга бўлиниб кетади. Шарқий қисмининг маркази Баласағун бўлиб қолади, ғарбий қисмининг маркази Самарқанд бўлади. Шу санадан Қорахонлилар давлати тарихининг учинчи босқичи бошланади.

Ғарбий Қорахонлилар давлати XI—XII асрлар давомида иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган; марказлашган давлат даражасига кўтарилган эди. Бу давлат XI аср охирларида Салжукийлар XII аср ўрталарида эса Қорахонийларга қарам бўлган бўлсалар ҳамки ўз давлат тузумининг бутунлигини сақлаб қолган эдилар.

Ғарбий Қорахонлилар давлати ичида ўзбек аجدодларининг этногенетик жараёни давом этади. Мовароуннахрга келиб ўрнашган этник гуруҳлар асрлар давомида бу худудда яшовчи қардошлари билан бирлашиб, улар билан аралашиб борадилар. Туб ерли аҳоли таъсирида ярим кўчманчи ва ярим ўтрқликда яшаб келган этник гуруҳлар ўтроқлашиб деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланадилар. Уларнинг фақат оз қисми деҳқончилик билан бир вақтда анъанавий чорвачиликларини давом қилиб келганлар.

Мовароуннахр худудидаги туркий халқларнинг ўзаро яқинлашиб, қоришиб бориши натижасида худуд аҳолиси ўртасида иқтисодий ва маданий умумийлик қатийлашади. Умум элат тили ва эдабий тил шаклланади. Мовароуннахр ва унга туташган минтақаларда яшовчи барча туркийзабон аҳоли бир халқ (элат) бўлганлиги онг сезимида буткул ўрнашиб қолади. Бошқача қилиб айтганда элат шаклланишидаги

барча этник аломатлар ўз маромига етиб, ўзбек аجدодларининг элат бўлиб шаклланиш жараёни охирлашади. Аммо бу билан этногенетик жараён тўхтаб қолмайди. Кейинги босқичларда у яна ҳам такомиллашиб боради. Бу масала алоҳида мавзу бўлганлиги учун тўхтаб ўтирмаймиз.

Юқорида айтганларимиздан хулоса қилиб айтмоқчимизки, ўзбекларнинг илк аجدодлари Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда маданиятлари бир-бирларига яқин, икки тилда сўзлашувчи қардош ўзбек ва тожик халқлари элат бўлиб шаклланган. Уларнинг илк аجدодлари Мовароуннаҳрда ва унга чегарадош ҳудудларда қадим замонларда яшаган сўғдийлар, хоразмийликлар, бактрийлар, саклар, тохарлар, қанғарлар ва бошқа халқлар бўлган. Шимолий Хитойда, Сибирь, Еттисув, Шарқий Туркистон, Сирдарё соҳилларида антик даврларда ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган туркий қабилалар (хун, усун, дулу, туркаш, қарлуқ, чиғил, халач, яғмо ва бошқ.) ҳам ўзбек аجدодларининг этногенетик жараёнида муҳим ўрин эгаллаган. Тилга олинган халқлар ва қабилаларнинг кўпчилиги ўрта асрлар давомида элат бўлиб шаклланган туркман, қозоқ, қирғиз ва қорқалпоқ халқларнинг ҳам этник тарихида жуда катта роль ўйнаган. Демак, Марказий Осиёда яшовчи барча халқлар асрлар давомида этник жихатдан бир-бирлари билан яқин алоқада, қавм қариндош бўлиб келгандар.

Шундай қилиб, IX—X асрлар давомида шаклланган ўзбек элатининг ўзаги туркий этносларнинг форс тожик тилли аҳоли билан асрлар давомида аралашиб, қоришиб кетишидан ҳосил бўлган. XI—XII асрларда ўзбек элатининг таркибида туркий компонентлар кўпаяди ва унинг ривожланиши асосан туркий компонентлар асосида ўтади. Шу асрлар давомида барча этник кўрсаткичлар мужассамлашади, ўзбек аجدодларнинг алоҳида жамоа (элат) бўлиб шакллашиши ниҳоясига етади. Шаклланган ўзбек элатининг тараққёти кейинги асрларда ҳам давом этади.

Ҳар бир халқнинг ўз келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи бор. Ўзбек халқининг ҳам узоқ ва воқеликларга бой тарихи мавжуд бўлиб, у халқ бўлиб шакллангунга қадар узоқ ва мураккаб этник жараёнларни бошидан кечирди. Умуман олганда, ҳозирги кунда халқларнинг келиб чиқиши-этногенезига эътибор айниқса кучайганки, бу ҳолат миллатлар ичида ўз-ўзини англаш жараёнини ўсганлиги, ўз тарихи, ўтмишига қизиқишнинг ошганлиги, янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан ўз ифодасини топади.

Мустақиллик шарофати ила ўтмишимиз, тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихимизни, бой ўтмишимизни илмий, холисона тарзда баён қилиш замон талабига айланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил июн ойида бир, гуруҳ олимлар билан ўтказган учрашувида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 июл қарорида ва Президентимизнинг тарихий ўтмишимизни ўрганиш муаммоларига бағишланган. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ҳамда сўнги пайтлардаги кўпгина чиқишларида ўзбек халқининг тарихини илмий, ҳаққоний тарзда баён қилиш, тарихий тадқиқотларга кенг қўламда йўл очиб бериш, маданий меросимизни асраб-авайлаш, миллий мафкура ғояларини ривожлантириб тарғиб этиш ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз жумладан шундай дегаи эди: «Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши бўлса, бундай одамларни йўлдан уруш, ҳар хил ақидалар таъсирига тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Дарҳақиқат, жамият тараққиётида тарихнинг ўрни ва роли ниҳоятда катта бўлиб, бу жараённинг ҳозирги кунда давлатимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни бекиёсдир.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ҳозирги кунда тарихимизда кам ёритилган ва илмий асосда тамомила янгитдан кўриб чиқишга мансуб бўлган

масалалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихни таг-томиригача назар ташлаймиз». Дарҳақиқат, уч минг йилликдак зиёд давлатчилик тарихига эга бўлган халқимизнинг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади.

Маълумки, «Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда катта даври ёзма манбаларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таянган ҳолда ўрганилади. Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон) маълумки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва охирлари (бронза даври) Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи-ҳинд-эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлган. Ҳинд-эрон қабилалари дастлаб жуда кенг ҳудудларда — Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралиғидаги ерларда яшаганлар».

Тақиқотчи Т.Ходжайов фикрига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, боши чўзинчоқ, юзи тор ирқнинг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса, жануб аҳолисидаи фарқ қилган боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаган. Фанда жанубий қиёфали одамлар Ўрта ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А. Сағдуллаев тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги одамлар вакиллариининг қўшилиш жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврга келиб ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари Ўрта Осиёнинг қадимги халқлирига асос солганлар. Тадқиқотлар натижаларига қараганда мил.авв. II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошлари Ўрта Осиё ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳдончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар авж олди.

Этногенез жараёни турли халқларнинг аجدодлари тарихидан бошланади. Ўзбек халқи аجدодларининг тарихи жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Узок тарихий тараққиёт йўлида аجدодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар ва бошқа қабилаларнинг аралашиб кетиши, маданий анъаналарнинг қўшилиб янги аралашиб ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган.

Ўзбекистон ўрта Осиёнинг қадимдан ўтроқ деҳқончилик маданияти ўчоқлари таркиб топган ҳудудда жойлашган. Диёримиз шу боис археологик ва меъморчилик ёдгорлигига бой Фарғона водийсининг Селунгур ғоридан топилган қадимги то даврига оид топилмалар ва Тешиктошдан топилган ўрта неолит даврига оид одамзод қолдиқлари, бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё билан бир қаторда инсоният пайдо бўлган ҳудудлар таркибига кирганлиги ҳозирги кунда узил-кесил исботланди. Шунингдек, мезолит даврига (Ўрта тош даври) оид, Мачай ғоридан топилган ёдгорликлар, неолит (янги тош) даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида жам қилган Калтаминор, жанубдаги илк деҳқончилик маданиятига оид бўлган Жойтун, Ҳисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилма-хил Замонбобо, Сополлитепа, Саразм, Далвар зинтепа, Чуст маданиятлари ўлкамизда қадимги аجدодларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исботлайди.

Ўлкамиз қадимги аҳолиси тош ва бронза даврларида қандай ном билан аталганликлари бизга номаълум. Илк бора Ўрта Осиё аҳолиси хусусидаги маълумотлар Шарқ ва антик давр юнон рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Евросиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қабилалар умумий «скифлар» номи билан аталади. Юнон тарихчиси Геродот, «бу халқлар қадимийликда

мисрликлардан қолишмайди», деб юқори баҳо берган эди. Плиний Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин қабилалар борлиги ҳусусида асарида эслаб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар ҳусусида кўпроқ гап боради. Аҳмоний миллат ёзувларида саклар учта қисмга бўлиб кўрсатилади (хаумаварка, тиграхауда, тий-тара-дарайя). Массагетлар ҳусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд бўлиб, улар кўчманчи чорвадор-ҳарбий қабилалар бўлганлига таъкидланади.

Илк темир давридан бошлаб (мил. авв. IX-VII асрлар) қадимги деҳқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ўзлар жойлашган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Булар Сўғдиёнадаги - сўғдийлар, қадимги Хоразмдаги - хоразмийлар қадимга Бактриядаги - бактрийлар, қадимги Чочдаги - чочликлар, Фарғонадаги - парканаликлар шулар жумласидандир. Бу тарихий номларнинг кўпларини биз илк ёзма манбаларда, ҳусусан зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, Аҳмон ҳукмдорларнинг миллат асарларида учратамиз.

Шунингдек, Қозоғистон ҳудудларида яшаган чорвадор қабилалар бронза давридаёқ («Андроново маданияти») туркий тилда сўзлашганлар деган асосли фикрлар ҳам мавжуддир. 1969 йили Олмаота яқиндаги Иссиққўрғон маконидан топилган ёзув-мил.авв. IV-III асрларга оид бўлиб, ҳозирги кунда илк туркий тили ёзуви деган фикрлар ҳам бор. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, демакки, мил. авв. IV-III асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқида туркий тили аҳоли-қабилалар мавжуд бўлиб, уларнинг хоразм, сўғд, бактрия каби ёзувлари ўша жой аҳолиси ичида ишлатилган. Еттисувдаги сакларнинг бир қисми ҳам туркий тилда сўзлашган.

Тадқиқотчилар фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда қадимданок 2 хил: туркий ва шарқий эроний тилда сўзлашувчи аҳоли мавжуд бўлган. Ўзбек халқининг қадимги аҳолисини худди шу икки бўлак ташкил этган. Мил. авв. II-I асрларда ва эрамизнинг бошларида эса, узоқ давом этган этник жараён натижасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос бўлган «икки дарё оралиғи типи» (Амударё, Сирдарё) даги ирқ кишилари Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларида яшардилар.

Милоднинг IV асрларига келиб бу тип кишилари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмида учрай бошладилар. Эрон аҳмонийларининг Ўрта Осиёни босиб олишлари, сўнгра македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари маҳаллий аҳоли этногенезига сезиларли таъсир этмади. Мил. авв. I аср ва эрамизнинг IV асрига қадар Ўрта Осиёга кўчманчи юечжилар, хионитлар, эфталит қабилаларининг кириб келиши даври бўлди. Худди шу давр янги ер эгалига муносабатларининг ҳам шаклланиш даври бўлди. Юқоридаги қабилалар туркий тилдаги қабилалар бўлиб, уларнинг кириб келиши туркийлашув жараёнини янада кучайтирди.

**«Ўзбек» атамаси ҳусусида.** Ўзбек халқи шаклланишининг кейинги, яна бир муҳим даври IX-XII асрлар ҳисобланади. X асрнинг охирларида туркий этник қатламнинг Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида устунлигини таъминловчи тарихий воқеалар содир бўлди. Арғу, тухси, карлуқ, чиғил ва яғмо қабилалари иттифоқидаги қорахонийлар давлати юзага келиб, бу давлат 999 йили Мовароуннахрни ўз илқига киритди. Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чиғил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Махмуд Қошғарий «энг очик ва равон тил» деб атаган. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир катор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Югнакийнинг (775-869) «Хибатул-хақойиқ» (Ҳақиқатлар тухфаси) достони, Юсуф Хос Хожибнинг (XI аср, «Қутадғу билиг» (Саодатга йўлловчи билим) асари, Махмуд Қошғарийнинг машхур «Девону луғатит-турк» асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041-1167) «Ҳикматлар ҳамда «Ўғизнома», «Алпомиш», «Гўрўғли» каби дostonлар шулар жумласидандир.

Мовароуннахр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилида сўзлашувчи аҳолиси X асрдан бошлаб ўзини «тозик» - яъни «тожик» деб юрита бошлайди. Сомонийлар ва Қорахонийлар (IX аср ўрталаридан 1213 йилгача) дан ташқари ҳукмронлик қилган

кейинги сулолалар, Ғазнавийлар (997-1187), Салжўқийлар (1040-1157), Хоразмшоҳ-ануштегинийлар (1097-1231) нинг барчаси туркий кавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам хукмронлик мавқеига эга бўлганлар. Мўғиллар истилоси гарчи аҳоли бошида нихоятда оғир кулфатлар ва йўқотишлар олиб келган бўлсада, тадқиқотчилар фикрича, ўзбек халқи этногенези ва иркига деярли таъсири бўлмади.

Мовароуннаҳр ва Хоразмдан шимолда жойлашган вилоятларни, мусулмон муаллифлари Дашти Қипчоқ - Қипчоқ чўли деб аташган. Қадимданок бу ерларда асосан туркий халқлар ва турклашган мўғуллар истиқомат қилар эдилар. Чингизхон босқинидан сўнг бу ерлар катта ўғил Жўчининг илкига тушган эди. Кейинчалик бу ҳудуд икки қисмга бўлиниб кетди. Ўғли бўлмиш Шайбоннинг авлодидан бўлган Султон Муҳаммад 13 ёшида (1312-1341) Оқ Ўрдага хукмдор бўлади. Султон Муҳаммадга Ўзбекхон деб тахаллус берилган.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда ўлкамиз энг қадимги даврларда яшаган ўтроқ маҳаллий сўғдийлар, хоразмийлар, бактрийлар, саклар, массагетлар, ҳозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этади. Тарихнинг қадимги даврларида аҳоли кўп ҳолларда ўзлари яшаган жой номи билан аталган бўлиб, ўрта асрларга келиб бу номлар ўзгаради. Хусусан, Дашти Қипчоқ ҳудудларидан яшаган туркий аҳоли Мовароуннаҳр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ аҳоли билан уйғунлашиб кетган ва аҳоли ўз номини ўзбек деб атаган. Ўрта асрлар тарихий адабиётларида ҳам бу ном «Ўзбек», «Ўзбеклар» сифатида тилга олинади. Аммо, шу нарса аниқки, Дашти Қипчоқ ҳудудларидан келган туркий қабилалар маҳаллий аҳоли этногенезига, урф-одат ва анъаналарига сезиларли даражада таъсир этмадилар, аксинча унинг орасига сингиб кетиб юқори даражадаги маданият таъсирида бўлдилар.

Тадқиқотчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ёзишича, ўзбек халқи асосан икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) дарёси бўйларида тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларда шаклланган, бу макон ўтмишда турли номлар билан, чунончи Қипчоқ дашти, Олтин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакатлари, ўзбек улуси деб аталган. Халқимизнинг бу қатламини жуғрофий ўрин жихатидан шартли равишда шимолий қатлам деб аташ ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг этник шаклланиши узок давом этган мураккаб жараёндир. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сўғдийлар, қанғлар бактрийлар, хоразмийлар, доволликлар, саклар ва массагетлар ташкил этади. Турли даврларда бу ҳудудларга кириб келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли четдан келган (келгинди) аҳолига нисбатан устун бўлган.

Бу фикримизни исботловчи далиллардан бири, кейинги икки минг йил давомида Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди. Хусусан, шарқий эроний тиллар ўрнига ғарбий эроний тиллари (форс тили) ва эрамизнинг бошларидан бошлаб туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Аммо маҳаллий халқнинг «қони», яъни генетикаси айтарли ўзгармади ва қадимий халқларга хос кўпгина антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда.

Ўзбек халқи келиб чиқишининг асосини энг қадимги даврлардан бошлаб ўлкамиз ҳудудларида яшаб келган халқлар ва элатлар ташкил этган. Икки минг йил давомида маҳаллий аҳолига қўшилган туркий тилли элат ва халқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашган.

## **16-17-МАВЗУ: МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ. МОВАРОУННАҲР МУҒУЛЛАР ИСТИБДОДИ ДАВРИДА.**

### **Режа:**

1. Муғул давлатининг ташкил топиши.
2. Муғул босқини ва унинг оқибатлари.
3. Муғулларнинг Мовароуннаҳрдаги давлат бошқаруви.
4. Муғул истилосига қарши озодлик курашлари.

### **Таянч тушунчалар:**

Муғул давлати, Темучин, Чингизхон, Ўттор, давлат бошқаруви, доруға, шулен, копчур, Ясоқ, муғул истилоси, Чигатой улуси.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Муғул давлати қачон ташкил топган.
2. Муғулларнинг ҳарбий босқинчилик юришлари ҳақида маълумот Беринг.
3. Муғуллар Мовароуннаҳрда қандай давлат бошқаруви сиёсатини олиб борганлар
4. Муғулларнинг солиқ сиёсати ҳақида маълумот беринг.
5. Чигатой улуси ҳудудини аниқланг.
6. Мовароуннаҳрда муғулларга қарши озодлик курашлари ҳақида маълумот беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар, Т, Ўқитувчи, 1994.
2. Бартольд В.В. Туркистон муғул истилоси даврида, Асарлар, I жилд, М., 1963.
3. Мирзо Улуғбек . Тўрт улус тарихи. – “Чўлпон”, 1994.
4. Миркарим Осим. Аждодларимиз фожеаси. Тарихий қиссалар. Т, 1983.
5. Мирмуҳсин. Хўжанд қалъаси. Роман. Т, 1991.
6. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
8. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.

**Мўғуллар давлати.** XIII а.нинг 1-ярмида Чингизхон ва унинг ворисларининг истилочилик урушлари натижасида барпо этилган давлат. 1206 й. баҳорда Мўғулистондаги турли тоифа қабилалар сардорларининг қурултойида Темучин хон этиб тайинланган ва унга “Чингизхон” (“Улуғ хон”) деб ном берилган, ташкил этилган давлат “Якка монгол улус” деб аталган. Чингизхон ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида бир қанча ислохотлар ўтказган. Жумладан, минг оилани бир маъмурий бирликка бўлишга асосланган ва ҳарбий тус берилган янги маъмурий тузум жорий этилган. Унга кўра, Чингизхонга тобе бўлганлар жами ў5 та “минг оила” бирлигига бўлиб чиқилган ва буларнинг ҳар бирига уруш даврида Чингизхонга садоқат билан хизмат курсатган кишилар бошлиқ қилиб тайинланган. Лекин амалда айрим мингликлар бир неча минг оиладан иборат ҳам бўлган. Мингликларни ташкил этишда имкон борича бир тоифадаги қардош авлодларни ва қабилаларни бир-биридан ажратмасликка эътибор берилган. Мазкур “минг оила” лар, ўз навбатида, ғарбий “ўнг қанот” ва шарқий “сўл қанот” марказий ва тоқликлар каби 4 қисмга бўлинган. Ҳар бир минг оила юзликка ва ўнликка бўлинган. Аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилган. 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркеклар ҳарбий хизматга яроқли деб топилган. Қўшинда қаттиқ тартиб ўрнатилган, қонунбузарлар учун қаттиқ жазо, қонун устуворлигини ҳимоя қилганларга эса ҳурмат билдирилиб, мукофот белгиланган. Савдо йўллари авваламбор *Буюк улук йўли*нинг ханфсизлигини таъминлаб, ундан тўла фойдаланишга эътибор берилган. БВу тадбирлар Чингизхон ҳокимиятини мустаҳкамлашда ижобий самара берган.

Чингизхон мўғуллардан кўп сонли яхши курулланган, қаттиқ интизомга асосланган ва уюшган кўшин тузади. 13- а. муаллифи Жувайнийнинг ёзишича, осойиштилик даврида чорвачилик билан машғул бўлган барча мўғул аҳолиси муҳораба эълон қилиниши билан тезда ўн, юз, минг, ўн минг жангчи-туман бўлинмаларидан иборат мунтазам кўшинга айлантирилди. Ҳар бир жангчи ҳарбий юриш вақтида ўзига зарур бўладиган курул-яроғ, турли анжомлар ва от-уловларини олдиндан тайёрлаб қўйишга мажбур бўлган. Кўшин юзбоши, мингбоши, туманбошилар томонидан бошқарилган. Туман бўлинмаларига, одатда, шаҳзодалар кўмондонлик қилган. Асосий кўшиндан ташқари, Чингизхон ихтиёрида ҳарбий зодагонлардан тузилган махсус гвардия (“кешик”) ҳам ташкил этилади. Бу гвардия фақат фавкулотда содир бўладиган хавф-хатарга қарши ташланарди. Давлат маъмуриятини марказлаштириш мақсадида Чингизхон Қорақурум қалъасини ўз империясининг пойтахтига айлантиради. Хат-саводга мутлақо эга бўлмаган, маданиятини ниҳоятда тубан мўғуллар давлат бошқарув ишларида уйғурлардан ҳамда мусулмон савдогарларидан фойдаландилар. Чингизхон ва нўёнларининг маслахатчилари, мирзолари ва баъзи бир мулк маъмурлари, асосан, уйғурлардан бўлган. Мас., Шарқий уйғурлар хони Идикут (Саодатбек) хоннинг яқин дўсти ва маслахатчиси эди. Ташатун исмли уйғур эса давлат Мухрдори лавозимини ҳамда шаҳзодаларни хат-саводга ўргатувчи устод вазифасини бажарган. Чингизхон тарқоқ жангари муғул уруғларини бирлаштиргач, тажовузорлик сиёсатини юргизди (муғуллар истилоси). Забт этилган улка ва вилоятларни Чингизхон 1224 й.да ўғиллари ва набираларига тақсимлаб берди. Жан. Сибирь, дашти Кипчоқ Волга буйи, Хоразм ва дарбандгача бўлган ўлка Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжиги (унинг вафотидан кейин аса, набираси Ботуга мерос бўлган) топширилди, Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳрга унинг 2-ўғли Чигатой эга бўлди. Чингизхон ўз ватани Мўғилистонни, шумингдек, Хитойни 3-ўғли ва вориси Ўқтойга берди. Кенжа ўғли Тулуга аза Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тегди. Шундай қилиб, мўғуллар босиб олинган вилоятларни улусларга тақсимлаб бошқаришга киришади.

Чингизхоннинг набираси Мункэ ҳукмронлиги даврида (1251—59) М.д. таркибига Мўғулистон, Шим. Хитой, Корея, тангутларнинг Си-Ся подшолиги, Марказий ва Ўрта Осиё, Закавказье, Эрон, Афғонистон ва Русь ерларининг аксарияти кирган. Бироқ М.д.да ички бирлик йўқ эди, у турли тилларда сўзлашувчи кўплаб халқларни зўрлик билан бирлаштирган эди, бу халқ турли ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт босқичида бўлиб уларнинг кўпчилиги тараққиёт даражасига кўра мўғуллардан анча устун эдилар. Мункэ ўлиmidан сўнг М.д. парчаланиб кета бошлаган. Ундан дастлаб Боту (1236—55 й.лар ҳукмронлик қилган) ва Хулоку (1256—65 й.лар ҳукмронлик қилган) улуслари ажралиб чиқиб, мўғуллар сулоласи ҳукмронлиги остида мустақил давлатлар тузганлар (Олтин Ўрда, Хулокуийлар давлати). Бу давлатлар М.д. ишларига аралашмаганла ва ўз навбатида, бошқаларнинг ҳам уларнинг ишларига аралашшига йўл қўймаганлар. Мункэнинг ўрнига тахтга чиққан укаси Хубилай (1260—94 й.лар ҳукмронлик қилган) даврида мўғуллар Хитойнинг бутун ҳудудини босиб олишган. Хубилай ва унинг ворисдари салтанати Юань деб атала бошлаган. 1368 й. Хитойдаги халқ қўзғолони натижасида мўғуллар у ердан қувилганлар. Кўликово Жангидан сўнг мўғилларнинг Русдаги ҳукмронлигига дарз кетган. 14-а.нинг 2-ярмида Эрон, Закавказье ва Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилган. 14-а.нинг сўнгги чорагида М.д. барҳам топган. 15-а.да Эсенхон (1440—55 й.ларда хонлик қилган) ва Даянхон (1479—1543 й.ларда хонлик қилган) каби ҳукмдорлар бирлашиб М.д.ни тиклашга ҳаракат қилди. Аммо бу ҳаракатлар натижа бермади. Даянхоннинг ўлиmidан кейин мамлакат Жан. Монголия ва Шимолий Монголияга бўлиниб кетди. Шим. Монголия ҳам, ўз навбатида, Ғарбий ва Шарқий қисмларга ажралди. 16-а.да Монголиянинг 3 қисмида жами 200 ҳокимлик (князлик) мавжуд эди..

Мўғуллар истилоси — Чингизхон бошчилигидаги мўғилларнинг Осиё ва Шарқий Европага қилган босқинчилик юришлари (13-а.). Мўғул нўёнлари ҳарбий



ташкilot тузиб, кўп халқларни босқинчилик урушига тортдилар. Улар кўшиннинг асосий кучи — кўчманчилардан иборат кўп сонли ва жуда ҳаракатчан отлик аскарлар эди. Улар босқинчилик урушларида босиб олган мамлакатларининг ҳарбий кучи ва техника ютуқларидан ҳам фойдаланганлар. Кўшин бирлашган қўмондонликка эга бўлиб, қаттиқ интизом ва яхши қуролланганлиги ҳамда ўзининг жанговар сифатлари билан кўшни мамлакат кўшинларидан устун турар эди. Осиё ва Шарқий Европанинг жуда кўп мамлакатларидаги ички низолар ва раҳбар табақанинг хоинлиги Мўғулларнинг осонлик билан галабага эришишига кўл келди.

М.и. Чингизхон бошлиқ мўғуллар давлатининг ташкил топишидан бошланиб, 13-а. охирига қадар давом этган. 1207—11 й.ларда Сибирь ва Шарфий Туркистон халқлари (бурят, ёкут, ойрот, қирғиз ва уйғурлар) бўйсундирилди. Тангут давлати (Си-Ся)га қарши бир қанча юришлар қилинди (1227 й. бутунлай вайрон қилинди). 1211 й. Чжурчжэн давлати (Шим. Хитой)га ҳужум бошланди, 90 га яқин шаҳарни вайрон қилиб, 1215 й. Пекинни босиб олдилар. 1217 й. Хуанхе дарёсининг шим. даги ерларнинг ҳаммаси мўғуллар қўлига ўтди.

**Мўғулларнинг Мовароуннахрни истило қилиши.** Ўтрор воқеаси ва ундан кейин Чингизхон элчиси Ибн Кафрoж Бугронинг ўлдирилиши, Мовароуннахрга Чингизхоннинг бостириб кириши учун баҳона бўлди. Бу юришда Чингизхон дастдаб Шарқий Туркистон ва Еттисувни забт этди. Чингизхоннинг Мовароуннахррга босқини аввалдан пухта тайёргарлик кўриб режалаштирилган эди. Чингизхон Ғарбга ҳарбий юришини бошламасданок ўз душманининг куч-қудрати ва урушга тайёргарлиги тўғрисида савдогарлар орқали тўплаган маълумотларини синчиклаб ўрганиб, Хоразмшоҳларнинг давлатининг ички аҳволдан тўла воқиф эди. Хоразмшоҳлар давлати кўп сонли туркий кўшин ва яхши қуролланган кўнгиллилар лашкари ҳамда етарли озиқ-овқати заҳирасига эга эди. Афсуски, хоразмшоҳ билан саркардалар хртасида мавжуд ихтилофлар аввал бошданок бундай устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Кенгашда фикрлар бўлиниб кетди. Хоразмнинг машхур фақиҳи, муфтий Шаҳобиддин Хивакий барча кўшин (400 минг аскар)ни Сирдарё бўйига тўплаб узоқ йўл сафарида толиқиб келаётган мўғулларни қарши олиш, душманга ҳали ўзини ўнглаб олмасидан туриб, бор куч билан катта жангда тўсатдан зарба бериш тўғрисида бирдан-бир тўғри фикр баён қилади. Бироқ Муҳаммад хоразмшоҳга бундай фикр маъқул бўлмайди. Чунки, уўзининг олийлашкарбошилардан бўлган қипчоқ дашкарбошиларга тамоман ишончсизлик билан қарар эди. Шунинг учун ҳам у катта қушинни бир жойга тўплашдан ва улар фурсатдан фойдаланиб уни тахтдан ағдариб ташлашларидан кўрқар эди. Аскарий кучини қалъа ва истехкомларга бўлиб юбориб, айрим шаҳарларни мўғулларга қарши қўйиш билан душманга зарба бермоқчи бўлди. Хоразмшоҳ мўғулларнинг асосий зарбаси Мовароуннахрнинг Зарафшон Водийсига қаратилса керак деган фикр билан Самарқанд ва Вухоро шаҳарларини мустаҳкамлашни буюрди. Самарқанднинг ташқи деворини қайта қуриш мақсадида шаҳар аҳолисидан ҳатто бир йил ичида 3 марта хирож ҳам йиғиб олинади. Барча қурилган чоратдбирларга қарамасдан хоразмшоҳ ҳужумга тайёр эмас эди. 1219 й.нинг кузида Чингизхон хоразмшоҳ салтанатига қарши юриш бошлади. Жами аскарлари 200 мингга яқин бўлган мўғулларга уйғур хони Идиқут ва Олмалиқ ҳукмдори Сигмоқ тегинлар ҳам ўзларининг ҳарбий кучлари билан қушилган эди. Чингизхон Ўтрор ш. яқинида, Мовароуннахр ва Хоразмни қисқа муддат ичида забт этиш учун кўшинни 4 қисмга булади. Унинг бир қисмини ўғиллари Чигатой ва Ўқтой бошчилигида Ўтрорни камал қилиш ва уни эгаллаш учун қолдирди. Иккинчи қисмга Жўжи бошлиқ этилиб, Сирдарё этаги томон юборилади ва унга Сигноқ, Ўзган, Барчинлиқкент, Жанд, Янгикент ва б. шаҳарларни босиб олишни буюради. 5 минг кишилиқ учинчи кўшинни Олоқ нуён ҳамда Сукету-чэрби қўмондонлигида Банокат ва Хўжанд ш.лари томон юборади. Чингизхоннинг ўзи асосий кучлари билан Қизилқум орқали Бухоро томон лашкар тортади. Инолчиқ раҳбарлигида Ўтрорликлар шаҳарни мудофаа қилиб 5 ой давомида ўз

қўлларида ушлаб турадилар. Ниҳоят мўғуллар шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлиди. Аҳолини шаҳардан ташқарига ҳайлаб чиқарадилар ва қатл этадилар, шаҳарни эса талайдилар (яна.қ Ўттор мудофааси). Шу аснода Бухорога йўналган Чингизхоннинг асосий кучлари йўлда Зарнук ва Нур қалаларни ишғол қиладилар. 1220 й. фев.да Чингизхон Бухорога етиб боради (қ.Бухоро мудофааси). Мўғуллар Вухорони вайрон қилгандан кейин Самарқандга йўл олди. Чингизхон Бухородан ҳайдаб келтирган асирлардан ташқари ўғиллари Чигатой ва Ўқтойларнинг Ўттордан олиб келган бандиларини ҳам Самарқанд қамалига сафарбар этади (қ. Самарқанд мудофааси), Муҳаммад хоразмшоҳ Субутой баҳодир ва Жебе нуён бош бўлган мўғул қўшинининг таъқибидан қочиб, Каспий денгизининг жан.даги ороллардан бирида паноҳ топади ва сал вақт ўтмай ғарибликда зотилжам касали билан вафот этади. Бу даврда мўғулларнинг Жўжи бошлиқ аскарый исмлари Сирдарё этакларида босқинчилик қилмоқда эли. Жўжи шаҳарни жангсиз таслим бўлишини талаб қилиб, Сигноққа элчи сифатида юборган Ҳасанхожа исмли Савдогарни сигноқликлар ўдирадилар. Бундан дарғазаб бўлган Жўжи шаҳарга ҳужум бошлайди. Босқинчилар шаҳарни талаб, аҳолисини битта қолдирмай қиради. Бу воқеадан дахшатга тушган Ўзган ш. аҳолиси мўғулларга жангсиз таслим бўлади аммо, Барчинлиқкентни олишда яна куч ишлатадилар. 1220 й. Жандга ҳужум бошлайди. Жанд ноиб Қулугхон шаҳарни ташлаб Хоразмга қочади. Босқинчилар Жандни қаршиликсиз эгаллаб, уни талайдилар. Аҳолисининг қуролланган қисми қатл этилиб, шаҳар вайрон қилинади. Бу вақтда Олоқ нуён, Сукету чэрби ва Тўғай каби мўғул сарханглари 5 минг қўшин билан Банокат ва Хўжанд кишилари устига юради. Банокат ҳимоячилари қиличдан ўтказилиб, қолганлари қулликка маҳкум этилади. Шаҳар забт этилгач, навбат Хўжандга келади. Асли насаби турк бўлган Темур Маликнинг шахсий қахрамонлиги билан хўжандликлар мўғилларга кутилиган қаршилик кўрсатадилар. Жувайний ва Рашидуддинларнинг асарларида Хўжанд қамалида 20 миң мўғул ва 50 минг асир қатнашганлиги айtilган. Бироқ ҳиноячиларнинг кучи тенг бўлматанлигидан Темур Малик шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1220 й.нинг ёзида Мовароуннахр жан.да шу вақтгача босиб олинмаган шаҳарларни забт этишга Чингизхоннинг шахсан ўзи киришади. Аввал у Насафга бостириб қиради. Шаҳарликлар дахшатга тушиб шаҳар дарвозаларини очиб берадилар. У Термизга аскар тортади. Термизнинг ноиб Фахриддин Хабаш қаттиқ қаршилик кўрсатади. Термиз ш. ва аҳолиси ҳам мўғулларга қаршилик кўрсатган бошқа шаҳарлар фожиасини бошидан кечирди. Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари, Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳили вилоятлари забт этилгач, Чингизхон асосий кучни хоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганчга ташайди. Бу ҳарбий кучни Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтойдар бошқаради (қ. Урганч мудофааси). Хоразмшоҳлар давлати босиб олингач, мўғул жангарилари ўз кучини йирик савдо ва маданият марказлари бўлмиш Балх, Хирот, Марв ва Ғазна каби шаҳарларга йўналтиради. Аммо бу ерда улар Жалолиддин Мангубердиннинг қаттиқ қаршичилигига учрайди. Мўғул қўшинининг атоқли жангчилари Жалолиддинга қарши тура олмайдилар. Мўғулларнинг Парвон даштидаги мағлубиятидан кейин (қ. Парвон жанги) Чингизхон ҳарбий ҳаракатларни шахсан ўзи бошқарали. Чингизхон Ғазнага лашкар тортади, Жал лиддин эса урушсиз Синд (Ҳинд) дарёси соҳилларига чекинади. Дарё бўйида 1221 й.нинг нояб.да икки ўртада қаттиқ жанг бўлади. Мўғулларнинг пистирмага қўйган 10 миң нафарли сараланган лашкари жанг оқибатини қал қилади (қ. Синд дарёси бўйидаги жанг). Рақибининг жасоратига қойил қолган Чингизхон уни таъқид қилиш фикридан қайтади. 1225 й.га келиб, мўғул қўшинларининг асосий қисми Мўғулистонга қайтиб кетди. Жебе нуён ва Субутой баҳодир қўмондонлигидаги мўғул қўшини ғарбда урушни давом эттиради ва Шим. Эрон орқали Закавказьега бостириб кирди. Грузия ва Озарбайжоннинг бир висмини вайрон қилди. Каспий денгизи соҳили бўйлаб ҳаракат қилиб, аланлар ерига бостириб кирди ва уларни тор-мор келтирди (1222). 1223 й. 31 майда Калка жангида мўғуллар бирлашган рускипчоқ қўшинини

енгиб, уни Днепр дарёси этагигача қувиб, кейин ўрта Волгага чекинди. Бироқ *Волга-Кама* Булғор мағлубиятга учраб, Мўғулистонга қайтиб кетди (1224). Бу мўғул отлик аскарларининг келгусида ғарбга қилинадиган юришлари олдиан олиб борган разведкаси эди.

Чингизхон вафот этгач (1227), Ўктойни улугхон (қоон) деб кўтарган курултой (1229) дан сўнг М.и. 2 йўналишда олиб борилди. Шарқда Шим. Хитой тўла босиб олинди (1231-34) Ва Корея билан уруш бошланди (1231-34). Мўғуллар бир қанча йирик юришлар (1236, 1254, 1255, 1259) дан сўнг 1273 й. Кореянинг каттагина қисмини босиб олишга муваффақ бўлган. 1229 й. Субутой баҳодир 30 минг кишилик қўшини билан Ёйиқ дарёси бўйига чиқди. Жўжи улусининг ҳукмдори Ботухон қўшини билан биргаликда Каспий бўйи даштларидан саксин ва қипчоқларни сиқиб чиқишга эришди. 1232 й. мўғул қўшинларининг Волга-Кама Булғориясига ёриб киришга уринишлари бекор кетди. Жўжи улусининг кучлари билан ғарбга қилинган ҳужум ҳам натижа бермади. 1235 й. курултой чақирилиб, унда бошқа улуслар ҳарбий кучларини Ботуга ёрдамга юборишга қарор қилинди. 14 мўғулхони иштирок этиб қўшиннинг умумий сони умумий сони 150 мингга етди. 1236 кузида мўғул қўшинлари яна Волга-Кама Булғориясига ҳужум қилиб, уни вайрон қилди. Улар 1237 й.нинг баҳори ва ёзида аланлар, қипчоқлар ва Ўрта Волгабўйи халқлари билан урушни давом аттириб, кузда Шим.-Шаркий Русга юриш қилиш мақсадида ҳоз. Воронеж атрофига тўпланди. 1237 й. қишнинг бошларида Боту Рязань князлигига ҳужум қилли, 6 кунлик қамалдан сўнг Рязань таслим бўлди. 1238 й. Коломна остонасида Владимир князлиги аскарларини тор-мар қилди. Мўғул қўшинлари Коломна ва Москвани вайрон қилиш билан бирга 1238 й. фев. ойи мобайнида 14 рус шаҳрини (Ростов, Углич, Ярославль, Кострома, Кашин, Кснятин, Городец, Галич-Мерский, Переяславль-Залесский, Юрьев, Дмитров, Волок-Ламский, Тверь, Тор жок)ни босиб олди. 1240 й. кузида Жан. Русга юриш бошланди. Декабрнинг охирларида Киев, Владимир-Волинский, Галич ва б. шаҳарлар босиб олинди

1241 й. баҳорида мўғул қўшинлари рус ҳамда Шаркий Европанинг бошқа халқлари кўрсатган қаҳрамонона қаршилигига қарамай, Ғарбга томон илгарилади. Боту қўшинининг асосий қисми Карпат доволари орқали Венгрияга кириб борди ва қирол Бела IV нинг 60 миинг лик қўшини тор-мор келтирди. Венгрия пойтахти — Пешт. ш. ишғол этилиб, вайрон қилинди, мамлакатнинг кўп қисми харобага айлантирилди. Баъзи мўғул отрядлар Шаркий Чехиягача кириб борди, бироқ қирол Вацлав I томонидан қаттиқ қаршиликка учраб орқага қайтди. 1241 й. охирларида Боту ўз қўшинининг Австрия ва Хорватия орқали Адриатика денгизи томон бошлади. 1242 й. соҳилда жойлашган қалъаларни забт эта олмаган Боту Босния, Сербия ва Болгария бўйлаб орқага қайтган. Шундай қилиб мўғулларнинг Марказий Европага қилган ҳужуми тугади.

М.и. Ғарбда — Кичик Осиё ва Яқин Шарқда узок муддатга чўзилган. Мўғуллар Закавказьени босиб олгач, Қшния султонлигини тор-мор келтирди. 1256 й. да Хулоку Эрон ва Месопотамияни, 1258 эса Араб халифалигининг пойтахти, Бағдодни бўйсундирди. Мўғуллар Сурияни ишғол қилиб, Мисрга қарши ҳужумга тайёрлана бошладилар. Бироқж 1260 й. Миср султони қўшинлари билан бўлган жангда мағлубиятга учраганлар. М.и. Ғарбда шунинг билан тугади.

13-а.нинг 2-ярмида мўғуллар Шарқ ва Жан. Шарқ мамлакатларини забт қилишга киришди. Мўғул қўшинлари Жан. Сун империясига чегарадош Дали давлати (1252—53) ва Тибет (1253)ни босиб олди. 1258 й. мўғул қўшинлари ҳар томондан Жан. Хитойга бостириб кирди, бироқ Мункэнинг тўсатдан вафот этганлиги туфайли Жан. Сун периясини забт этиш кечикди. 1267-79 й.дагина Жан. Хитой янги Улуғ хон Хубилай томонидан ишғол қилинди.

1281 й. Японияни босиб олиш мақсадида 1000 кема, 100 минг кишилик қўшин жўнатилган. Аммо, мазкур флот тўфонда қолиб ғарқ бўлган. Мўғуллар ўзларининг Жан.-

Осиёга қилган юришларида Хитой армияси ва флотидан фойдаланган булсалар-да, муваффақиятга эриша олимаганлар. Мўғул-Хитой қўшинлари бир неча юришалар (1277 й. 2 марта ва 1282, 1287 й.ларда) дан сўнг Бирмани ишғол қилди, бироқ тезда (1291) у ердан ҳайдаб чиқарилди. Мўғул-Хитой қўшинлар ва флоти бир неча марта Вьетнамга ҳужум қили (1257, 1258, 1284, 1285, 1287—88), уни бўйсундира олмади. Тъямпү давлати (Ҳиндихитойнинг жан.-шарқида ҳам ўз мустақиллигини мўғуллардан ҳимоя қила олди. М.и. 1300 й. Бирмага қилинган янги юришдан сўнг тугади.

М.и. даврида тарихий ва маданий ёдгордиклар ваҳшийларча яқсон қилинди. М.и ва ҳукмронлиги даврида мағлуб ва мазлум бўлган халқларнинг ягона ҳалокати шу бўлдики, улар душманга қарши барча низоларни четга суриб, биргаликда курашини зарурлигини англаб етмадилар.

Мўғуллар қабилалари ва элатларининг қудратли давлатга бирлашув жарёни мўғул хони Темучин (1155-1227 йй) номи билан боғлиқ.

1205 йилдаёқ Қорақурумда мўғуллар билан ёнма-ён яшаб келган ва уларнинг ҳукмронлиги остида бўлган жалойир, ўйрот, кейройит, найман, қорахитой, қирғиз, уйғур, қорлиқ каби туркий қабилалар ҳам иштирок этган қурултой бўлди ва унда Темучин Чингизхон номи билан мўғул хони этиб сайланди. Ўша давр шарқида энг қудратли давлат ҳисобланган Хоразмшоҳлар давлати дастлаб мўғуллар билан бир қанча элчилик ва савдо алоқалари олиб борган бўлсада, кейинчалик бу муносабатлар душманликка айланди ва 1219 йилда мўғуллар Хоразмшоҳлар давлатига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбордилар. 1219 йил кузида Ўтторга дастлабки зарба берилди ва 5 ойлик қамалдан сўнг қалъа босиб олинди.

1220 йилнинг илк баҳорида Чингизхон мусулмон Шарқининг йирик маданий маркази бўлган Бухоро устига қўшин тортди ва шаҳар қамал қилинди. Қамалнинг 12 кунда шаҳар таслим бўлди ва аҳоли қирғин қилинди.

Кейинги ҳужум Самарқандга қаратилди. Гарчи Самарқандда Хоразмшоҳнинг 100 минг кишилиқ қўшини турган бўлсада, ҳимоячилар етарли қаршилиқ кўрсата олмадилар. Қўшин уч кун қаршилиқ кўрсатгач, Чингизхоннинг ёлғон ваъдасига учган қанғликларнинг 30 минг кишилиқ қўшини таслим бўлди. Бироқ, шаҳар эгаллангач, аҳолининг катта қисми билан биргаликда қанғликлар ҳам қириб ташланди. Уларнинг йўлбошчилари Борушмас, боғон, Сарзқхон ва яна 20 нафар саркарда қатл этилди.

Узоқ ва қаттиқ қаршилиқдан сўнг Хўжанд шаҳри ҳам мўғуллар томонидан босиб олинди. Хўжанд ҳимоясига шаҳар қалъаси қўмондони Темур Малик катта жонбозлик кўрсатади.

Мамлакатдаги энг буюк шаҳарларнинг қўлдан кетиши Аловуддин Мухаммад Хоразмшоҳни қаттиқ ларзага солади. Саройда фитна ва хиёнат кучаяди. Қундуз, Бадахшон ҳокимлари ундан юз ўғирлиқди. 1220 йил апрелда Мухаммад Хоразмшоҳ Нишопурга келди. Аммо Субутой нўённинг уни таъқиб этиб келаётгани сабабли ҳеч ким Мухаммад Хоразмшоҳни кутиб олмади ва Каспий денгиздаги Ашура оролида қўним топди. У 1220 йил декабрда Жалолиддин тахт вориси этиб тайинлаб, бир оз ўтмай вафот этди. Хоразмшоҳнинг Ўзлокшоҳ ва Ўқшоҳ исмли ўғиллари мўғуллар томонидан ўлдирилади. Мўғулларнинг Урганчга ҳужуми чоғида шаҳарда 110000 қўшин бор эди. Шаҳар ҳимоясида Жалолиддин, Темур Малик, Ахмад ибн Умар Хивакӣ-Шайх Нажмиддин Кубро каби саркарда ва уламолар мислсизқаҳрамонликлар кўрсатдилар. Урганч қамал етти ой давом этди. Мўғуллар бу ерда бир неча ўн минглаб одамларни қирғин қилдилар. Гарчи Хоразмшоҳ амирларидан Фаридун Удий бошчилигидаги сарбозлар мўғулларни шаҳардан ҳайдаб чиқарган бўлсада, шаҳар мўғуллар томонидан қайтадан босиб олинди ва манбаларга кўра Урганч аҳолисидан миллион киши ўлдирилган.

Жалолиддин ва Темур Маликлар умрларининг охиригача мўғулларга қарши курашларга раҳбарлик қилдилар. Жалолиддин Мангуберди 1231 йил августда хинона ўлдирилди. Мўғуллар томонидан босиб олинган ҳудудларда эса кейинчалик улус

вужудга келди. Чингизхон халқи хаётлик вақтидаёқ босиб олинган ҳудудларни тўрт ўғлига бошқариш учун тақсимлаб берган эди. Иртиш дарёсининг нариги томонидан то «мўғуллар отининг туёғи етган жой» гача бўлган ерлар, Сирдарёнинг қуйи оқими (Сигноқ, Барчинлиқкент, Жаникент, Ашнас шаҳарлари) ва Хоразмнинг шимолий-ғарбий ҳудудлари тўнғич ўғли Жўчига берилди. Жўчининг яйловлари Иртишда, кишлоқ жойи Сирдарёнинг қуйи оқими эди.

Қошғар, Еттисув, Мовароуннахр иккинчи ўғли Чигатойга берилди. Чигатойнинг қўши Или дарёси бўйида эди. Учинчи ўғли Ўғадойхонга Ғарбий Мўғулистон ва Тарбағатой ўлкаси ажратилди. Унинг қўши Чугучакда эди. Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуйга эса отасидан Халха Мўғулистон, яъни, Шимолий Мўғулистон мерос қолди. Унинг қўши Керулен дарёси бўйида эди. Жўчининг ўғли Ботухон (1227-1255), Ўғадой (1227-1241) ва Тулуйнинг ўғли Мунқа(1251-1260) замонида мўғуллар салтанати ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар бўлди ва Олтин Ўрдага асос солинди.

Чигатой (1227-1241) ўз ерларига инжу тарзида эгалик қилган. Олғуйгача (1261-1266) бу ерларда ҳоконнинг ҳокимияти жорий этилган. Ҳокон номидан Чигатой улусини Махмуд Ялавоч бошқарган. 1239 йилда у Хитойда Пекинга ҳоким этиб тайинлангач, ўрнига ўғли Маъсудбек (1239-1289) ўтказилган. Ҳарбий ҳокимят, аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш ишлари дорухачи ва танмачи деб аталган мўғул амирлари қўлида бўлган.

Махмуд Ялавоч Хитойга жўнатишган, Маъсудбекка Уйғуристонга қарашли Хўтан, Қошғар, олмалиқ, Қояликдан то Самарқанд ва Жайхун дарёси соҳилларигача, Бешбалиқ ва Қорахўжа ерлари инъом этилган. Чигатой улусида Кепакхон ҳукмронлиги давригача (1309, 1318-1326) сиёсий барқарорлик бўлмади ва бир қанча сиёсий курашлардан сўнг, 1251 йил Қорақумда бўлган қурултой қарорига кўра Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетди: Шарқий Туркистон, Ғулжа ўлкаси, Еттисув, Фарғонанинг шимолий-шарқий қисми қоон ихтиёрида қолган бўлса, мовароуннахр, Фарғонанинг ғарбий қисми Олтин Ўрда кўл остига ўтди.

Олғуй ибн Бойдар ибн Чигатой (1261-1266) Чигатой улусини Олтин Ўрда таъсиридан қутқариш чораларини кўрган бўлса, Бароқ ибн Йисонқур ибн Комкор ибн Чигатой (1266-1271) Чигатой улусини анча кучайишига эришди. Бироқ, кўп ўтмай Чигатой улуси Ўғдайнинг набираси Кайду ва Олтин Ўрда хони Мангу Темур (1267-1280) таъсирига тушиб қолди. Кайду Чигатой улуси тахтига Бароқхоннинг ўғли Дувахонни (1291-1306) ўтказди. Андижоннинг тикланиши, Ўзганнинг Фарғона ўлкаси пойтахтига айлантирилиши унинг номи билан боғлиқ. Дувахон Кайду билан ҳамкорликда катта эътиборга эришди. Дувахон вафотидан сўнг унинг ўғиллари Кунжакхон ва толғу ибн Кудуғай ибн Бўри мутуган ибн Чигатойлар хонлиги узокка чўзилмади.

Кепакхон уруғдошларининг барча низоларига барҳам берди ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Чигатой давлатининг ривожини, шаҳарлар қурилишига омил бўлган пул ва маъмурий ислохотлар Кепакхон номи билан боғлиқ. Насафдан икки фарсах масофада қурилган Қарши шаҳри унинг номи билан боғлиқ. Маъмурий ислохотларга кўра мамлакат Бухоро ва Самарқанд виоятларида туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистонда орчинга (пойтахт атрофи ноҳиялари) бўлинди. Янги пул бирлиги «кепакий» деб юритилган ва бир динор кепаккий икки мисқол, бир дирҳам кепаккий учдан бир мисқолга тенг бўлган.

1326 йил Дувахоннинг ўғиллари Элчигидой ва Дурра Темур ўртасида тахт учун курашлар бошланди. Кейинчалик тахтни эгаллаган Аловуддин лақабли Тармаширин (1326-1334) мустаҳкам мавқега эга бўлди. Дувахоннинг набиралари Бузан, Чанқши, Есун Темур 1334-1338 йилларда номигагина хон бўлиб турдилар. XIV аср 40-йилларида Чигатой улуси иккига-Еттисув, Фарғонанинг Шарқий қисми, Шарқий Туркистонда иборат Мўғулистонга бўлиниб, сиёсий жиҳатдан парчаланди.

Мўғуллар давлати ярим кўчманчи, харбий тартибларга эга сиёсий ташкилот эди. Чингизхон ва унинг авлодлари хон унвонида бўлиб, уларнинг қўл остида харбийлашган амалдорлар поғонаси турарди. Чигатой улуси даврида Мовароуннахрни бошқариш маҳаллий ҳукмдорларга топширилган. Бухорода эса маҳаллий зодагонлар ва рухонийлар ҳокимиятини ўз қўлларига олган бўлиб, амирлар ва садрлар деб юритилган.

Чигатой улуси хонлари ўз ерларини инжу тарзида бошқариб, фақатгина даромаддан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ер солиғи мол (хирож) ўн фоизни ташкил этган. Кўчманчилар тўлайдиган қўпчур юз бошдан бир бош ҳисобида бўлган. Савдодан тарғу жаримаси олинган. Мунқа номидан пул зарб этилган, 1270 йилдан бошлаб, солиқлар пул кўринишида олинган. Пул улуснинг энг йирик шаҳарларидан зарб этилган. 1271 йил Маъсудбек пул ислохоти ўтказди ва улуснинг барча ҳудудлари учун бир хил вазндаги кумуш тангалар муомилага киритилди. Ислохот иқтисодий муносабатларнинг жонланишига олиб келди ва XIII асрнинг 80-90 йилларида улуснинг 16 шахрида шундай зарбхоналар очилди.

Юқорида айтилган солиқлардан ташқари чорвадорлардан шулен солиғи олинган: хар сурувдан бир қўй ва минг бош отдан бир бош бия. Хунарманд, савдогарлардан олинадиган ярғу солиғи ўттиздан бир улуш миқдорида бўлган. Бундан ташқари халқ турли йиғимлар ва тўловларга, мажбурий ишларга ҳам жалб этилган. Улуғ қоонлар Гуякхон (1246-1248), Мунқохон (1251-1260), Чигатой хони Олғуй (1261-1266) ҳукмронлиги вақтида бошқа мўғул шахзодаларининг Мовароуннахр ички ҳаётига аралашувига чек қўйилган, бу эса аста-секин иқтисодий ҳаётнинг жонланишига таъсир кўрсатган. XIII аср ўрталаридан бошлаб, ўзбек қабилаларининг ўзаро уюшуви кучаяди. Жумладан барлослар Қашқадарёда, жалойирлар Охангарон водийсида, арлотлар Афғонистоннинг шимолида, қовчинлар Фарғона водийсида мустахкам ўрнаша борадилар. Бу ҳол ўзбек халқининг ташкил топишида муҳим омиллардан бири бўлган.

XIII асрнинг бошларига келиб (1206-1215) Мўғулистонда Чингизхон ҳукмронлигида кучманчи мўтулларнинг улкан давлати пайдо бўлди. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида хоразмшоҳлар давлати мавжуд бўлиб, ўзаро урушлар ва бошбошдоқлик оқибатида бу қудратли салтанат инқирозга юз туга бошлаган давр эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида қисқа муддат (1215-1218) элчилик муносабатлари давом этган бўлишига қарамай бу муносабатлар охир-оқибат фожиали тугади. Харбий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул кўшинлари хоразмшоҳлар давлатидаги иқтисодий, сиёсий ва иштимой тушқунлик вазиятидан фойдаланиб, қисқа муддатда (1218-1221) Ўрта Осиё ерларини босиб оладилар.

Асрлар давомида моддий ва маънавий маданияти ривожланиб келган Ўрта Осиёдаги қўпгина шаҳарлар- Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Термиз, Ўтрор, Ўзган, Урганч, Кеш қабилар вайронага айлантирилди. Деҳқончилик воҳалари харобаларга айланди. Мўғул босқинчилари маҳаллий аҳолига ҳамда уларнинг маданиятига ҳеч бир шафқат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1214) Ўрта Осиёдаги мўғул босқини ҳақида шундай ёзади: «...Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб, Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун қаби вилоятларни, Мовароуннахрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-торож қилиб эгаллади. Татарлар (мўғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётиб вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, узларига ёкмаган нарсаларга ўт қўйдилар».

Ўрта Осиё халқлари мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Хусусан, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро мулофачилари Ихтиёриддин Қушлу, Ҳамид Пура Қорахиной, Суяюнчихон, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмиддин Кубро, шахзода Жалолиддин қабилар Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қон тукиб курашдилар. Аммо улар она-юрт озодлигини сақлаб қолиша олмади. Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннахр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди.

Зарафшон, Марв, Хоразм воҳаларида суғориш тармоқлари бузиб ташланиши натижасида ям-яшил далалар, боғ-роклар харобазорга айланди. Бу даврда илм-фан ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади.

Босқинчилар тўс-тўполони вақтида Бухорода, Самарқандда, Урганчда бир нечта кутубхоналар ёниб кетди. Мисол учун Бухорода «Масъудия» мадрасаси ва катта кутубхона ёниб кетди. Фақат XIII асрнинг 70-80- йилларига келиб Ўрта Осиёда аста-секинлик билан бўлса-да, шаҳар ҳасти, ҳунармандчилик жонлана бошланди. Мўғул босқини даврида инқирозга юз тутган в фан-адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари ҳам тиклана боғлайди. XIII асрда Бухорода «Масъудия» ва «Хония» мадрасалари қурилди. Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий кабилар адабиёт соҳасида ижод этдилар. Ундан ташқари Абу Умар Мирхониддин Жусхонийнинг «Табақоти Носирӣ», Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳон гушай» («Жаҳон фотиҳлари тарахи»), Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жомс ат-чаворих» («Тарихлар тўплами») каби тарихий асарлари яратилди.

## **18-МАВЗУ: XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МОВАРОУННАХРДА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ. ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.**

### **Режа:**

1. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрда сиёсий вазият.
2. Темур давлатининг ташкил топиши.
3. Амрир Темур томонидан Мовароуннахрнинг бирлаштирилиши.

### **Таянч тушунчалар:**

Марказлашган давлат, Амир Темур, «Лой жанги», Иёсхўжа, Сарбадорлар, Темур давлати, Мовароуннахрнинг бирлаштирилиши.

### **Назорат учун саволлар:**

1. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрда сиёсий вазият қандай эди.
2. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши.
3. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши.
4. Самарқанд – Амир Темур давлатининг пойтахти.
5. Амир Темур томонидан Мовароуннахрнинг бирлаштирилиши.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар. 4-жилд. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
3. Темур тузуклари. Тошкент. Ғафур Ғулом номли нашриёт, 1991.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
5. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент. Камалак, 1994.
6. Аҳмедов Б. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
7. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
8. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи. I-Ўж. Тошкент. Меҳнат, 1991.
9. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Тошкент, 1990.
10. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994.
11. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Тошкент. Ғафур Ғулом номли нашриёт, 1996.
12. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутганурни ва роли. Тошкент. Фан, 1993.
13. Ўзбекистон тарихи, 1-қисм. Тошкент. Университет, 1997, II-нашри, 1999.

XIV аср ўрталарида Чингизхон эгаллаб олган ерлар унинг меросхўрлари кул остида бўлса ҳам, бу ерлар майда бўлақларга бўлиниб кетиб, уларда тожу тахт, ҳокимият учун ўзаро низолар кучайиб кетган эди. 1348 йилга келиб Шарқий Туркистон ерларида Мўғулистон феодал давлати ташкил топди, унинг хони этиб Чигатой авлодидан Туғлуқ Темур кўтарилди. Туғлуқ Темур дастлабки даврларданоқ ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Мовароуннахр ерларига бир неча ҳарбий ҳаракатлар уюштирди. XIV аср ўрталарига келиб, чигатой улусидаги барқарорлик Қозонхон вафотидан сўнг (1336-1347) барҳам топди. Сиёсий ва иқтисодий инкироз Амир Қозағон (1347-1357) даврида янада авж олди. Амир Қозағон фитна натижасида ўлдирилгач, Чигатой улуси беклари ўзларини мустақил деб эълон қилдилар: Кешда Амир Хожи Барлос, Хўжандда Боязди жалоийр, Балхда Ўлжой Буго Сулдус, Шибиргонда Мухаммад Хожа Аперди найман, Хутталонда Амир Кайхусрав ва Ўлжой Аперди, Тотканд ва Сарипулда Хизр Ясовурий, Кўхистонда Амир Сотилмиш ҳукмронликни қўлга киритдилар. 1348 бил тахтни эгаллаган Туғлуқ Темур Мовароуннахрда ўз



мавқеини тиклаш учун икки марта (1360-1361) юриш қилди. Шу вақтда Туғлуқ Темур хизматига кирган Амир Темур Шахрисабз хоками этиб тайинланди. 1362 йилда у Балх хоками Амир Хусайн ибн Мусаллаб билан яқинлашиб, мўғулларга қарши иттифок туздилар. Бироқ 1365 бил Илёсхўжага қарши бўлган «Лой жанги» даги мағлубият уларнинг иттифокига рахна солади. Самарқандни ишғол қилмоқчи бўлган Илёсхўжа эса сарбадорлардан мағлубиятга учраб, чекинади. Икки амир келиб, Самарқандни эгаллайди. Сарбадорлар бошлиқларининг Амир Хусайн томонидан қатл этилиши ўртадаги иттифокнинг барҳам топишига сабаб бўлади. 1370 йил Амир Темур қўшинлари Балхда Амир Хусайнни мағлубиятга учратди ва шу ерда амирлар курултойида Амир Темур Мовароуннахр хукмдори этиб сайланди. Амир Темур хукмронлиги йилларида Чингизхон наслидан Суюргатмиш (1370-1388) ва унинг ўғли Султон Махмуд (1388-1402) расмий равишда тахтни бошқардилар.

Амир Темур Мовароуннахрнинг қонуний хукмдори бўлиб олгач, мамлакат ҳудудларини бирлаштиришга киришди. Хоразм устига беш маротаба (1371, 1373, 1375, 1379, 1388) юриш қилди. Шош, термиз, Хисор, Бадахшон, Қундуз хукмдорлари тобелик билдирдилар. Мўғулистон устига тўрт марта юриш қилиб, шаркий ҳудудлар дахлсизлигини таъминлайди (1371, 1374, 1375, 1376, 1377). Уч бор Манғишлоқ хоками Тўйхожа ўғлон фарзанди, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриш қилиб, (1389, 1391, 1394, 1395) Олтин Ўрдани мағлубиятга учратди.

Амир Темур 1380 йилдан бошлаб Хуросон юришларини бошлайди. Тус, Нишопур, Сабзавор жангсиз таслим бўлди. Шундан сўнг Амир Темурнинг Эронга қарши уч йиллик (1386), беш йиллик (1392), етти йиллик (1399) амалга оширилади. 1398-1399 (сентябр-март) йилларда Хиндистон юриши, 1401 бил Шомга, 1402 йили Боязидга қарши юришлари муваффақиятли якунланди. Энг асосий юришлардан бири Хитойга қарши мўлжалланган эди. Бу юришга 1404 йил кузидан тайёргарлик бошланди, бироқ Амир Темурнинг 1405 йил 18 февралда вафот этиши Хитой сафарининг амалга ошмай қолишига сабаб бўлди.

Амир Темурнинг давлат бошқарув тизими бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган эди. Давлат ўз таркибий тузилишига кўра харбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилади:

- давлат сиёсий жихатдан мустақил бўлиши.
- Давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги.
- Давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши.
- Бошқарув тизими мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шакилланган бўлиши.
- Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ахволи давлат эътиборида бўлиши.
- Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш.
- Хар бир давлат шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши.
- Давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам ийон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни, жамият ривожини ва барча ижтимоий табақалар, манфаатларини таъминлашини қўшди. Бошқарув икки идордан: даргоҳ ва вазирлик (девон) дан иборат бўлган. Даргоҳни Олий хукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишларини Олий девон юритган.

Олий девонда-ижроия ҳокимиятида бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири турган. Сарҳадлар ва тобех мамлакатлар бошқаруви билан шуғулланувчи уч вазир девонбегига ҳисобот бериб турган. Марказий ҳокимият тизимида шайхуислом, қозикалон, қозий аҳдос (одат бўйича ҳкум чиқарувчи қози), қози аскар, садри аҳзам (вақф ерлари, мулклари мусасаддис), додхоҳ (шикоятларни қирувчи), эшиқоға, сарой вазири, ясовул ва бошқалар бўлган.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Амир Темурнинг хизмати шундаки. У давлатчилиكنинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатининг тартиб қоидалар, ҳуқуқий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштирди. Ташқи ва ички ғавқулодда воқеалардан воқиф турувчи минг нафар пиёда, минг нафар туя минган, минг нафар от минг чопарлар бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир кунлик йўл оралиғида емхоналар ташкил этилган. Ҳар бир емда 20-200 бошдан от – улов тутилган. Амир Темур мамлакатни бошқаришда ўз яқинларига суянган. Давлат бошқарув ишларида Соҳибқирон ислом қонун-қоидаларига асосланган.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, барча соҳада мўғуллардан қолган вайронагарчиликни тугатиш ва ободонлаштириши, қишлоқ хўжалиги ва суғориш тармоқларини таъмирлаш ишларига асосий эътибор қратди. Давлат турли тоифага мансул мулк соҳиблари бирлаштирилди. Қаттиқ интизом ўрганилди. Мамлакатда аҳвол яхшиланиб, ҳунарманд аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди. Темур давлатидаги ижтимоий тузум давлат таркибига кирган халқларнинг турли туманлиги, уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, инобати билан боғлиқ эди. Амир Темур мамлакатни бошқаришда аҳолининг ўн иккита ижтимоий гуруҳга бўлганлиги манбаларида қайд этилган. Улар қуйдаги ижтимоий тоифалардир: -саййидлар, олимлар ва шайхлар.

- катта тажрибага эга илмли кишилар.
- Дуо қилувчи тақводорлар.
- Лашкарнинг сипоҳлари, сарҳанг ва амирлар.
- Аскарлар ва халқ оммаси.
- Давлат бошқарув ишларини аъло даражада биладиган маслаҳатгўй доно ва ақлли кишилар.
- Вазирлар, котиблар, девон бошлиғи.
- Тиббиёт аҳли, мунажжим ва муҳандислар.
- Муҳаддислар ва муаррихлар.
- Тасаввуф вакиллари ва орифлар.
- Ҳунармандлар ва санъаткорлар.
- Ажнабий сайёҳлар ва савдогарлар.

Бу ижтимоий тоифалар ёки қатламлар Амир Темур давлатининг маъмурий-бошқарув тизимидаги тартиблар билан алоқадор ҳолда унинг ҳарбий сиёсий характерда бўлганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

XV асрда зироатчилик билан шуғулланувчи қишлоқ аҳли орасида бир қисми имтиёзларига эга бўлган ва улар солиқларнинг оз миқдорини тўлашган. Аҳолининг жуда катта қисмини ижарачи-чорикорлар ва жамоа дехқонлари ташкил этган. Қишлоқлар жамоа ёки қарийа деб юритилган. Унинг мулки бутун жамоа аҳлига қарашли бўлган.

Ҳунармандчилик соҳасида асосий ишлаб чиқарувчи ижтимоий тоифа эркин ҳунармандлар бўлган. Улар шаҳарда яшовчи савдогарлар билан бир қаторда маданий марказнинг ўрта ҳол вакиллари саналганлар. Темурийлар даврида солиқнинг асосий тури-хирож бўлган. Ер солиғи ҳосилнинг уч бир қисмигача бўлган. Боғлардан танобона солиғи олинган. Шунингдек, жон солиғи, улоғ, бегар ҳам мавжуд эди.

Ерга эғаликнинг кенг тарқалган туриҳусусий ер эғалиги бўлган суюрғол эди. XV асрда зироатчилар қандай ер мулкларида яшаб, экин экишларига қараб хирож тўлаганлар. Улар асосан тўрт турга

1. давлат ерларида ишловчи зироаткорлар.
2. Хусусий мулк ерларида ишлайдиган зироатчилар.
3. Ўз ерида ишловчи зироатчилар.
4. Вақф ерларида ишловчи зироатчиларга бўлинган.

Хирож асосан махсулот ёки пул билан олинган. Мағлуб шахар аҳолисида сари шумор (жизья) олинган. Мамлакат хавф остида қолган вақтда фавқулдда солиқ - аворизот йиғиб олинган. Дўкондор ҳунармандлардан тамға солиғи олинган. Халқ кўплаб ҳашар ишлари (бегар)га жалб этиб турилган. Шунингдек мулкдорлар ўз мулкларининг қирқдан бир қисми миқдорида закот тўлаб турганлар. Чегарадаги божхоналарда четдан келган савдогарлардан бож ундирилган, маҳаллий савдогарлар эса тагжой солиғи, боғдорлар танобона тўлаганлар.

Амир Темур давлатида ҳукукий муносабатлар бошқа Шарқ давлатларида бўлгани каби Қуръони Карим, ҳадисларда баён этилган тартиб - қоидаларга асосланган эди.

Амир Темурнинг ҳуқуқ ва қонун унсурлари «Темур тузуклари»да ўз аксини топган. Бу асарда давлат юмушлари, ҳарбий соҳа, раият ва ижтимоий тузумнинг барча қатламлари ҳақида сўз юритилади. Унда таъкидланишича, дунёвий жихатларни ҳукмдорнинг ўзи, яъни, Амир Темур назорат қилган ва керакли жазони шам ўзи берган. Шариат ишлари билан эса шариат қозиси шуғулланган. Шунингдек, давлат девонининг турли бўғинларида ҳам турлича қозилар фаолият юритган, масалан, лашкар учун махсус қози, раият учун алоҳида қози тайинланган. Амир Темур давлатида ҳуқуқ тизими қуйдагича бўлган:

Шайхулислом-мамлакатда мусулмонларни ножўя ишлардан сақлаш ва савоб ишларга ундаш бўйича масхул шахс. Садрлар-ахли исломга бошчилик қилган. Асосий вазифалари вақфларни назорат қилиш бўлган: шунингдек улар суюрғолни ҳам белгилаб турганлар.

Мутаваллий-садрлар томонидан вақфларни бошқариш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи шахс.

Қози-хар бир шахар ва вилоятла, девоннинг турли бўғинларида қонунни назорат қилган. Қозилар мартабаси ва даражасига кўра бир-биридан фарқ қилган.

Мударрис-диний масалалар, шариат, тафсир, ҳадис ва фикҳдан дарс берувчи шахс.

Мухтасиб-бозорларда тарози, нарх-навони назорат қилувчи махсул.

Булар орасида қози ва садрлар ўз ишлар юзасидан шахсан Амир Темурнинг ўзига ҳисобот бериб турганлар. Амир Темур қатъий қонунлар ва тартибларни ўз тузукларида ёзиб қолдирган:-ҳазинабон молия ишларига хиёнат қилса, ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маоши ҳисобидан ушлаб қолинган:

- агарда сипохий бирор-бир кимсага зулм қилса, уни ўша жабрланган кишига топширганлар ва жабрланувчи ўзи хоҳлаганча жазолаган:
- кишлоқ ёки шахар амалдорлари пастроқ тоифадаги кишиларга зулм етказсалар, катта миқдорда жаримага ҳукм этилганлар:
- халққа жабр зулм қилган киши жарима билан ёки дарра билан жазоланган:
- кимда-ким ўғирлик қилса, ўғирланган нарсани қайтариши шарт бўлган ёки қаттиқ жазоланган.

Кишиларга етказилган ҳар қандай зарар учун, жисмоний зарар учун ҳамда шароб ичиш, зино ишлар билан машғул бўлиши каби жиноятлар шариат қозиси чиқарган ҳукмга биноан жазоланган.

Ватан ҳақида қайғуриш, Ватан мустақиллигини тиклаш ҳақидаги фикрлар шу йиллар юзага чиқиб, Амир Темур Балх шаҳрида чақирилган қурултойда Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинади. Темур ўз тасарруфида марказлашган

давлатни юзага келтириш мақсадида Кеш шахридан Самарқандга кўчиб угиб, уни Мовароуннахрнинг пойтахтига айлантиради. Соҳибқирон аниқ мулоҳазалари билан халқни зулмдан озод қилиш ва узоқ йиллик бошбошдоклик ҳукмрон бўлган ерда марказлашган давлат тузиш мушкуллигини сезганлиги сабабли дастлаб мамлакатни ташқи хавфдан сақлаш мақсадида асоссини барлос уруғлари ташкил этган энгилмас ва жанговор миллий қўшин тузади, уларга катта имтиёзлар беради.

Темур давлат бошқарувида, ички ва ташқи сиссатда асосан ўз қўшинларига суянганлиги сабабли ҳарбий ислохотга, яъни қўшин бошлиқларини танлаш, лашкар қисмлар, уларнинг жойлашиши, аскарларнинг қуролланиши ва ҳарбий интизом масалаларита кенг эътибор берган. У қўшинларини ўнлик, юзлик, минглик каби аскарий бирикмаларга бўлган. Унинг учун ҳар бир аскар жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз ҳисоблаган. Амир Темур лашкарларга ҳам катта эътибор бериб, улар низомни қатъий бажаришга, жангда аёвсиз ва довюрар бўлишга, душманга юмшоқ муомалали ва адолатли бўлиш лозим деб ҳисобларди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур аскарлари ичида тақводор, саховатли, ҳудожуй кшиилар кўп бўлган. Улар бечораларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошига оғир кунлар тушганда ёрдам қўлини чўзиш, асирларга юмшоқ муомалада бўлиш ва уларни озод этишга одатланганлар. Амир Темур доим жангда жасорат кўрсатган амирлар ва аскарларга алоҳида эътибор билан қарарди. Натижада Соҳибқирон уюшқоқлик ҳукм сурган юз минглик қўшинлари ичида интизомни мустаҳкамлаш билан ўз давлатининг пойдевори бўлган қўшин тузишга муваффақ бўлди.

Темур Мовароуннахр тахтини эталлаган вақтдан бошлаб, ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришга киришади. Шу мақсадда у Амударё ва Сирдарё оралигидаги ерларни ўз тасарруфига олади. Хоразмга беш маротаба юриш қилиб, 1388 йилда уни бутунлай бўйсундиради, бу ерда ҳукмронлик қилаётган сўфийлар, сулоласини тугатади. Темур ўзининг уч йиллик (1386-1388), беш йиллик (1392-1398), етти йиллик (1399-1405) юришлари давомида Озарбайжонда жалойирлар, Сабзаворда сарбадорлар давлатини, Ҳиротда курдлар давлатини тугатиб, Эрон ва Хуросонни ўз тасарруфига олади. 1394-1395 йилларда Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриш қилиб, унинг кўп сонли қўшинини мағлубиятга учратади ва Олтин Ўрда ҳудудини эгаллайди. Темурнинг бу ғалабаси; Олтин Ўрдага жуда катта зарба бериш билан бирга Темур қўшинларининг Волга дарёси бўйларида бемалол юришларига ҳам кенг йўл очди. Таъкидлаш жоизки, Темуриинг бу ғалабалари тарих саҳифасида улкан аҳамият касб этди.

Амир Темур 1398 йилда Ҳиндистонга қилгаи юришида Дехли шахрини, 1400 йилда Сурияга қилган юришида Ҳалаб ва Байрут шаҳарларини, 1401 йилда Дамашк шахрини эгаллайди.

1402 йилда усмонли турклар империясининг султони Йилдирим Боязидга қарш юришида уни машубиятга учратди. Бу ғалаба билан Темур Европани усмонийлар асоратига тушишини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборди.

Темур 1404 йилда Кичик Осиёдан Самарқандга кслади ва Хитойга юршп учун ҳарбий тараддуд кўради. Шубҳасиз, Темур бу юриш учун узоқ йиллар тайёрлаиб, жанг учун керакли бўлган маълумотларни йиллар давомида тўплаган эди. 1404 йилда Темур 200 минглик қўшин билан Хитой сафарига отланди. Аммо Темурнинг қаттиқ бетоблиги туфайли унинг қўшинлари 1405 йилининг январ ойида Хитойга яқин бўлган чегара шаҳар Ўтрор шаҳрида тўхтадилар ва шу ерда 1405 йилнинг 18 феввалида буюк соҳибқирон Амир Темур вафот этади

## **19-МАВЗУ. ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИ. ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ.**

### **Режа:**

1. Темур давлатининг ички сиёсати.
2. Темур давлатида ободончилик ишлари.
3. Темур давлатининг ташқи сиёсати.
4. Темур тузуклари.

### **Таянч тушунчалар:**

Темур давлати, ҳарбий юришлар, Анқара жанги, суюрғол, девонбеги, аркбеги, тархон, «Куч адолатдадир», «Темур тузуклари», Темур даври маънавияти.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Темур давлатининг ички сиёсати ҳақида маълумот беринг.
2. Темур давлатида ободончилик ишлари ҳақида маълумот беринг.
3. Темур давлатининг ташқи сиёсати ҳақида маълумот беринг.
4. Темур тузуклари ҳақида маълумот беринг.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар. 4-жилд. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
3. Темур тузуклари. Тошкент. Ғафур Ғулом номли нашриёт, 1991.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
5. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент. Камалак, 1994.
6. Аҳмедов Б. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
7. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
8. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи. I-II ж. Тошкент. Меҳнат, 1991.
9. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, 1990.
10. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994.
11. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Тошкент. Ғафур Ғулом номли нашриёт, 1996.
12. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутганурни ва роли. Тошкент. Фан, 1993.
13. Ўзбекистон тарихи, 1-қисм. Тошкент. Университет, 1997, II-нашри, 1999.

Темур ўзининг ҳаёти давомида ҳарбий истеъдоди, моҳир саркардалига, дипломатлиги ва етук давлат арбоби бўлганлиги туфайли юксалиш ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган улкан марказлашган даатат тузишга муваффақ бўлди. Соҳибқирон турк-мўғул анъаналарига амал қилган ҳолда ўз давлати ҳудудларини суюрғол (улус) тариқасида ином қилиш йўли билан бошқарган. Темур Мовароуннаҳрдан ташқаридаги ерларини улусга бўлиб, фарзандларига инъом этди. Бу масаланинг эътиборли томони шундаки, гарчи соҳибқирон томонидан бўлиб берилган ерлар ички мустақилликка эга бўлсалар-да, лекин амалда батамом марказий ҳокимиятга бўйсундилар. Темурнинг ўта даражадаги зукколигини шундан билса бўладики, у улуслар ўртасида низолар келиб чиқмаслиги учун уларнинг фаолиятини доимо назорат қилиб туради.

Темур давлатининг энг кўзга кўринган ва муаммоли томони соҳибқирон кичик бир вилоят доирасида тарбия топган давлат мафкурасининг бошқарув таянчи кучли ҳокимият тушунди ва давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл

қўймайдиган вазирларни танлашга ҳаракат қилди. Амир Темур вазир тўртта сифатга эга бўлиши лозим ҳисоблаган: биринчиси-асллик, тоза наслилик, иккинчиси-ақл-фаросатлилик, учинчиси-сипоҳу раият ахдидан хабардорлик тўртинчиси-сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Амир Темур ҳукмронлик қилган даврларда давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги, аркбеги ва тўрт вазир турган. Вазирлар солиқлар йиғиш, мерос ишлари, аскарлар маоши ва уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, сарой харажатлари билан боғлиқ бўлган ишларни бажарганлар.

Бу даврларда ерга эгаликнинг баъзи турлари мавжуд бўлиб, улар суюрғол ерлар, вақф ерлар, жамоа ерлари эди. Хусусий эгалари тархон унвонини олганлар, давлатга солиқ тўлашда баъзи имкониятларга эга бўлганлар, вақф ерлар масжид ва мадрасаларга қарашли ерлар бўлиб, улар солиқ тўлашдан озод қилганлар. Амир Темур даврида асосий солиқ даромад солиғи хирож бўлиб, у олинадиган даромаднинг учдан бир қисмига тенг бўлган. Темур тузукларида ёзилишича, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки ер ости сувларини тортиб оладиган иншоот курса, ё, бирон боғ қўқартирса, ёхуд бирон ташландиқ ерни обод қилса, фақат ерни ўзлаштирганининг учинчи йили (биринчи, иккинчи йил умуман тўламаган) қонун доирасда хирож солиғи олинган. Ундан ташқари ушр, мол, сувлоқ солиқ турлари мавжуд бўлиб, улар йиллар давомида амал қилинган тартиб-қоидаларга биноан тўпланган. Солиқ тўловчи солиқ йиғиш жараёнида солиқни яхши сўзлар билан тўплаши, аҳолини калтаклаш ҳоллари, занжирбанд этиш ҳоллари келиб чиқмаслигини назорат қилиши шарт эди.

Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда қонун-қоидаларнинг тутган ўрнига кенг эътибор берди. Француз олими Алфонс де Ламартин Амир Темур давлати ҳақида шундай деган эди: «Европа Искандарда, на Атиллада ва на Московия зафарини кучган фотиҳ Наполеонда адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас». «Давлат ишларини, - деб эди Амир Темур, - салтанат қонун-қоидаларига асослаган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим».

Соҳибқирон мамлакат ободончилигига ҳам жуда катта эътибор берди. Дастлаб, Самарқандни пойтахт қилиб олгач, у катта имтиёзларга эга бўлган шаҳарга айланади. Соҳибқирон ҳаракати билан Самарқандда дунёнинг йирик шаҳарларидан келтирилган бинокорлар, меъморлар томонидан масжидлар, мадрасалар, мақбаралар барпо этилди. Ҳатто ғарибларга озиқ-овқат берадиган ғарибхоналар, йўловчилар қўниб ўтадиган сус жойлар ҳам қурилган. Шаҳар атрофи мустаҳкам деволар билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан дарвозалар қурилади. Темурнинг қароргоҳи сифатида ноёб маъмурий бино Кўксарой ва Бўстонсаройлар ҳам айнан шу ерда қурилади. Темур ноёб қурилишлардан ташқари Самарқанд атрофида ўзининг хешу ақраболарига атаб турли гўзал боғлар қурдиради.

Темур улкан соҳибқирон сифатида ўзининг она юрти Кешга катта диққат-эътибор билан қаради. Ёзма манбалардаги маълумотларига қараганда, Амир Темур Шаҳрисабзда Оқсарой, жомеъ масжид, мадрасалар барпо эттиради. Соҳибқирондаги улуғ саҳоватнинг яна бир томони шунда эдики, у бепоён даштлар билан қамраб олинган Туркистон шаҳрини ҳам ободончилигига кенг эътибор берди. Жумладан, Хожа Ахмад Яссавий мақбарасини қуриш билан бу ерда нафақат ободончилик, балки кўчманчи ва ўтроқ аҳоли орасидаги муносабатни яхши йўлга қўйиш, уруғлар ўртасида тинчлик сақлаш мақсади ётгани маълум.

Амир Темур даврида янги шаҳарлар, савдо ва хунармандчилик кенг ривожланганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Темурнинг саъйи ҳаракатлари билан Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлар савдо ва хунармандчилик марказлари сифатида ривожланиб борди. Айниқса, бу даврларда хунармандчиликнинг кенг ривожланиши шаҳарларда хунармандчилик маҳаллалари, савдо расталари сони ортиб борганида катта аҳамиятга эга бўлди. Соҳибқирон савдо йўллари ривожига, унинг тинчлигига кенг

эътибор бериб борди. Шахсан ўзининг назорати остида савдо йўллари назорат қилиб борилиши савдо карвонларининг хавфсизлигини таъминлади.

Амир Темури давлатининг мафкураси ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изга солиб йўналтиришдан ташқари сиёсий ҳаётда ҳам куч кенг йўлга қўйди. Соҳибқирон чет давлатлар билан алоқани кенг йўлга қўйди. У давр шарт-шароитларига кўра ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳаракат қилиб, ўз салтанати довуғини жаҳон миқёсига чиқара олди. Соҳибқироннинг Йилдирим Боязид устидан бўлган ғалабаларидан сўнг Франция, Англия, Генуя ва Византия эркин алоқаларни, савдогарлар ва мол алмашишини таклиф этган. Шундай қилиб у Европа давлатлари билан яқин қўшничилик қилиш, савдо карвон йўлларини ривожлантириш нияти борлигини курсатиб ўз давлати шуҳратини Европага тарқата олди. Унинг салтанатини довуғи бу мамлакатларга етиб бориши билан Франция, Англия, Генуя, Византия, Испания каби давлатларнинг қироллари соҳибқирон билан сиёсий, иқтисодий, савдо алоқалари ўрнатшга интиланлар, шу боис улар соҳибқирон ҳузурига мунтазам элчилар юбориб турганлар. Темурнинг чет давлатлар билан олиб борган дипломатик алоқаларида унинг ўғли Мироншоҳ кўп ёрдам берган.

Амир Темури даврида диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор бўлган. Соҳибқирон ўз даврининг фан ва маданиятли жонкуяри сифатида шуҳрат қозонди. Темур тақводор руҳонийларга чуқур ҳурмат билан қаради. Уларнинг дуоларини олди, доимо камситилган мазҳаб тарафдорларини ўз ҳимоясига олди. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутиб, уларни ранжитмаслик учун барча талабларини бажарди.

Ўрта Осиё халқларининг маънавий тараққиётида Темур диний ва дунёвий билимларига эътибор бериши аҳамиятга эга эди. Соҳибқирон доимо илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, қалби тоза кишиларга талпинган. Темур даврдаги илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ўз даврига нисбатан ўта даражада ривожланиб, юксак маънавий бойлик даражасига кўтарилди. Темур даврининг нодир қўлёзмалари тарихий мўжизасига айланиб қолди.

Дин жамиятда мафкуранинг устунларидан бири бўлган сабабли соҳибқирон динга кенг эътибор берди. У нафақат аскарларини, балки барча фуқароларини мусулмончилик тарбиялашга ҳаракат қилган, Унинг доимо амал қилиб келган «Куч адолатдадир» деган сўзлари унинг давлат бошқаришдаги юксак қобилиятидан далолат беради.

Машҳур муаррихлардан бири Низомиддин Шомий ўзиш «Зафарнома» асарида шундай ёзади: «...униинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойлардагина эмас, балки Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофигача, Бобил Абвобдан то Миср ва Рум худудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ерда турсин, болалару, бева хотин ҳам ипакли матрлар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат моллари келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимсанинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир».

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Темурнинг ҳаёти жангнома, у кўплаб мамлакатларни ўз тасарруфига олди. Лекин бу ердага асосий масала - Темур шахсининг устунлигини ва ирода қилиш қудратининг сирларини, моҳир саркарда ва тинлик посбони, фуқаро фаровонлиги раҳнамоси сифатидаги эканлиги, унинг юксак меъморий иншоотлар қуришдаги ўрнини изоҳлаш, унинг ечимини топишдир.

**«Темур тузуклари» - адолатли ҳамда кучли давлат барпо этишдаги муҳим қонун - қоидалар сифатида.** Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарлар анчагина бўлиб, улар орасида «Темур тузуклари» буюк жаҳонгир ва фаолиятига бағшиланган асарлар ичида шубҳасиз аҳамият касб этади. «Темур тузуклари» жаҳоннинг машҳур кутубхоналаридан жой олган қимматли асардир.

«Темур тузуклари» икки қисм, 56 та банддан иборат тарихий ҳуқуқий асар бўлиб, унда соҳибқироннинг давлат тузилиш мамлакатларни бошқариш хусусидаги

нуктаи назари баён қилинади. Бу асардан кўплаб шарқ ҳукмдорлари ўзларининг фаолиятлари давомида фойдаланганлар ва унга юқори баҳо берганлар. Жумладан, Шох Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдуллаҳадхон (1885-1910) «Тузуқот» дан парчалар кўчиртириб, улардан ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

«Тузуқлар»нинг биринчи қисмида Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 йил 18 феврал) кечган ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, ижтимоий тарқоқликка бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан Эрон ва Афғонистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон устихон, ниҳоят, буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Туркия ва Ҳиндистонга қилган юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисми Соҳибқироннинг номидаи айтилган ва унинг тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панду насиҳатлардан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларииинг бурчи ва вазифалари, вазир қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бой мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради.

Амир Темур ўз олдида улуғ давлатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини қадимий тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда тузиш, ҳарбий сиёсатни замон талаби асосида бора такомиллаштириб, мўғул истилоси асоратларини тезда бартараф этиб, хўжаликни оёққа турғизиш, савдо-сотиқ ҳунармандчиликни бир меъёрга тушириш ва ривожлантириш аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ислом динига ривож бериш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг қўламда жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни қўйган эди. Унинг бундай саъйи ҳаракатлари катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тадбирларни талаб этар эди. Темур етук сиёсатдон ва моҳир давлат арбоби бўлиб, у ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқли равишда, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ёки икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянган.

**Амир Темур даври маънавияти ва ҳозирги замон.** Маънавий илдиэларимиздан бири бу Темур маънавиятидир. Бу қудратли манба инсоният тарихида тенги йўқ марказлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларида ўрганилиб, ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз фақат ҳозирги кунга келгандагина бу маънавиятни нақадар зарур эканлигани ва буюк келажак сари қадам ташлаётган халқимиз учун ниҳоятда қадрли эканлигини англамоқдамиз.

Амир Темур инсонни қадрлай оладиган ва уни фарқлай оладиган улкан арбоб эди. Мусулмончиликда, «энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан ҳам яхшилик қилади», деган ҳикматли ибора бор. Амир Темур дўстига ҳам, душманига ҳам ана шундай икки қўли билан яхшилик қилди. Қолганларни ҳам шунга ундади. «Тузуқот» да ҳам, тарихий асарларнинг муаллифлари ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий асаларида ҳам, де Клавихо кундалигида ҳам бунга яққол қўриш мумкин.

Темур ўз фаолияти давомида Оллоҳ буюрган олий инсоний фазилатларга астойдил амал қилди. Темур ўз фарзандларига қилган васиятда шундай дейди: «... Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни қўринг, йўқсилларни (бойлар) зулмига ташламанг. Адолат ва йиллик (яхшилик) қилмоқ дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин». Адолатни қадрлаган ҳукмдор албатта халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлиши табиий ҳол эди.

Темурнинг «Куч-адолатда» деган сўзи ҳақиқатда шиорга айланиб, ҳамма даврлар учун жаранглаб турувчи ибора тусини олганлиги шохиди бўлишимиз мумкин.



Темур халқнинг шикоятлари ва арзларини ўрганувчи махсус арзбеги лавозимини жорий қилган. Арзбеги шикоят, аризаларни кўриб чиқар, уларда кимлар айбдорлигини аниқлар ва бу хусусда кенгашга хабар қилар. Айбдорлар ким бўлишидаи қатъи назар қаттақ жазоланган. Солиқлар, молиявий масалаларда қатъий тартиб-қоида ўрнатилган Рус шарқшуноси Д.Н.Логофет бу хусусда шундай деб ёзади: биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган унинг (Темурнинг) ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди».

Темур маънавияти улкан манба ва туганмас бир булоқдир. Ҳозирги мустақилликка эришган давримизда, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, миллий мафкура гоёларини фуқароларимиз онгига сингдиришда бу манбанинг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари ва кейинги вақтдаги қатор чиқишларида бу манбанинг аҳамияти такрор ва такрор қайд этилмоқда. Темур маънавиятининг бизга ўргатувчи, сабоқ бўлгувчи жойлари жуда кўпдир. Зеро, бу маънавият бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий бойлигининг бўлаги бўлиб, юртимиз равнақи ва порлоқ келажаги ҳамиша хизмат қилажакдир.

Ҳурматли юртбошимиз Ислоҳ Каримов. Амир Темур даври маънавияти, соҳибқирон шахсияти ва у қолдирган улкан мерос нима учун зарурлиги масалаларига тўхталиб, буни қуйидагича шарҳлаб бердилар: «Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг бугунга озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади. Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг «Давлат иишарининг тўккиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим» деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир».

## **20-МАВЗУ. МОВАРОУННАХР ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА.**

### **Режа:**

1. Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда сиёсий ҳаёт.
2. Темурийлар давлатининг заифлашуви сабаблари.
3. Мовароуннахрнинг Шайбонийхон томонидан босиб олинishi.

### **Таянч тушунчалар:**

Темурийлар даври, сиёсий ҳаёт, давлатнинг заифлашуви, Пирмуҳаммад, Халил Султон, Шайбонийхон.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда сиёсий ҳаёт қандай эди.
2. Шохрухнинг давлат бошқаруви ҳақида маълумот Беринг.
3. Улуғбекнинг давлат бошқаруви ва маърифий ишлари ҳақида маълумот беринг
4. Темурийлар давлатининг заифлашуви сабабларини аниқланг.
5. Мовароуннахрнинг Шайбонийхон томонидан босиб олинishi ҳақида маълумот беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Аҳмедов Б. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
2. Аҳмедов Б. Улуғбек. Тошкент. Ёш гвардия, 1989.
3. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Тошкент, Ўқитувчи, 1991.
4. Бартольд В.В. Улуғбек ва унинг даври, Асарлар, II жилд, 2-китоб, М., 1964. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи. I-Шж. Тошкент. Меҳнат, 1991.
5. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Тошкент, 1990.
6. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Тошкент. Ғафур Ғулом номли нашриёт, 1996.
7. Ўзбекистон тарихи, 1-қисм. Тошкент. Университет, 1997, II-нашри, 1999.

1405 йилда Амир Темур вафотидан сўнг унинг йирик давлати парчалана бошлади. Темурий шаҳзодаларнинг тахт учун ўз курашлари қудратли давлатнинг бўлинишига асосий сабаблардан бири бўлди. Соҳибқирон тахтига валиаҳд қилиб набираси Пирмуҳаммадни қолдирган бўлсада, кўпгина амирлар ва амалдорлар унинг ҳукмронлигини тан олмадилар. 1405 йил март ойида Темурнинг бошқа бир набираси Халил Султон Самарқанд тахтини эгаллади. Ундан ташқари, Хуросонда Шохрух; Балх, Ғазна ва Кандаҳорда Пирмуҳаммад; ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мирзо Умар ва Абу Бакр Мирзо; Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек; Ўратепа ва Фарғонада амир Худойдод, Хоразмда амир Идику ўзларини ҳукмдор деб эълон қилдилар.

Мамлакатдаги парокандалик ва ўзаро урушларга барҳам бериш учун Шохрух Мирзо кўп саъйи-ҳаракатлар қилди, XV асрнинг 20-йилларига келиб Амир Темур мулкларининг қарийб ҳаммаси Шохрух ва унинг оила аъзолари қўл остида эди. соҳибқирон Мовароуннахр ерларини 1409 йилдан бошлаб Шохрухнинг ўғли Мирзо Улуғбек бошқара бошлади. Улуғбек ҳукмронлик даври (1409-1449 йй.) асосан, Мовароуннахр ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва маданиятнинг ривожланиши билан изоҳланади.

Улуғбек бобоси Амир Темур каби ҳарбий истеъдодли эмас эди. У мамлакат ичидаги ва атрофидаги осойишта сақлаб туриш мақсадида айрим ҳарбий юришлар қилиб турди холос. 1447 йилда Шохрух Мирзо вафотидан сўнг Темурийзодалар

ўртасида кураш бошланиб кетди. Оқил ва доно ҳукмдор Улуғбек бу курашларга барҳам беришга ҳарчанд ҳаракат қилмасин бунинг уддасидан чиқолмади, Аксинча, ўғли Абдулатифнинг бевосита иштироки туфайли ўзи бу курашларининг қурбони бўлди. Хуллас, XV асрнинг ўрталарига келиб, Мирзо Улуғбек вафотидан кейин (1449 й.) Темурий шахзодалар ўртасида тож-тахт учун кураш яна авж олди. Абдуқосим (1452-1457) ва Абдусайд Мирзоларнинг (1458-1468) фаолияти ҳам ўзаро урушларга барҳам бера олмади. 1469 йилга келганда Хуросонда Хусайн Бойқаро ҳокимиятни эгаллаб, бу ҳудудларда тинчлик ўрнатди. Унинг дўсти - буюк шоир Алишер Навоий (1441-1501) мухрдор, вазир, Астробод ҳокими лавозимларида ишлаб, Хуросон ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнайди. Навоийнинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳиротда илм-фан, маданият гуркираб ривожланди. Ўзаро урушларга нисбатан барҳам берилди.

Мовароуннаҳрда эса бу даврга келиб сиёсий тарқоқлик авжига чиқди. Ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳарларда темурий шахзодалар ўзларининг мустақил ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳокимият учун ўзаро курашларда Дашти Қипчоқ қабиалари кучларидан фойдаланишар эдилар. Масалан: 1451 йилда Урусхоннинг набиралари Абдусайдга ҳокимиятни эгаллаш учун ёрдам берган бўлса, орадан уч йил ўтгач Абулхайрон Муҳаммад Жуқийга ҳокимиятни эгаллашга кўмаклашди. Бу ўзаро курашлар Мовароуннаҳр аҳлининг аҳволини ёмонлашишига олиб келди.

XV аср охириларига келиб, Мовароуннаҳрда Темурийларнинг бир-биридан ўзаро мустақил бўлган учта ҳокимият вужудга келди. 1. Самарқандда Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлига (1468-1503); 2. Тошкентда Султон Маҳмуд Мирзо ҳукмронлиги (1468-1498); 3. Андижонда Умаршайх I Мирзо ҳукмронлиги (1468-1494).

Бу учала давлатнинг ўзаро урушлари Мовароуннаҳр аҳлининг темурийлардан норозилигини янада авж олдирди. Айниқса, юқори табақа вакиллари марказлашган давлат тарафида турдилар. Бу темурийзодаларнинг давлат бошқарувида мустаҳкам таянчга эга эмаслигидан далолат берарди. Бу вақтда темурийлар ҳузурида таълим олган Абулхайроннинг невараси Муҳаммад Шохбахт Дашти Қипчоқда дашт уруғларини бирлаштириб ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқда эди.

Шайбонийхон ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб марказлашган давлат тузиш мақсадида гоҳ темурийлар, гоҳ шимолдан мўғуллар билан иттифок тузди. У 1487-88 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон), Сигноқ шаҳарларини босиб олиб, 1499 йилда Мовароуннаҳр ҳудудларида жиддий ҳарбий ҳаракатлар бошлади.

Маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашлар авж олган Самарқанд шаҳрини Шайбонийхон 1500 йилнинг бошларида эгаллади. Дашт улуғлари бир неча ой шаҳарни шафқатсиз талон-тарож қилдилар. Бу эса маҳаллий феодаллар норозилигига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган Темурий шахзода Захириддин Муҳаммад Бобур ўша йили (1500 йил) Самарқанд тахтини иккинчи марта эгаллади. Аммо маҳаллий зодагонлар кўпчилиги Бобурни қўллаб-қувватламадилар. 1501 йилнинг баҳорида Бобур Шайбонийхон билан бўлган жангда енгилди ва Самарқандни унга тошпиради.

Дашти Қипчоқликлар қисқа муддат ичида Бухоро (1500), Самарқанд (1501), Тошкент (1503), Ҳисор (1504), Урганч (1505), Ҳирот (1507) каби шаҳар ва вилоятларни эгаллаб, Шарқий Туркистон чегараларидан Марказий Афғонистон ҳудудларигача чўзилган ерларда марказлашган шайбонийлар давлатига асос солдилар. Темурийлар давлатидаги сиёсий тарқоқлик, айрим ҳукмдорларнинг ажралиб мустақилликка интилиши бу давлат емирилишига олиб келган бўлса, Шайбонийхон бундай тарқоқликка чек қўйиб мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлай олди.

Шайбонийхоннинг жанубга томон юришлари Эрон шоҳи Исмоил I томонидан тўхтатилди. 1510 йил Марв атрофларида бўлган жангда дашт қўшинлари тор-мор этилди ва Шайбонийхон ҳалок бўлди. Эронийлар томонидан қўллаб-қувватланган Бобур 1511 йилда Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон ва Самарқандни эгаллади. Аммо 1512 йилда шайбонийлардан бўлган Убайдулла Султон қўшинлари Ғиждувон яқинида Бобур ва

шоҳ Исмоилнинг бирлашган кучларини мағлубиятга учратди. Шундан сўнг Бобур аввал Қобулда, кейин эса Ҳиндистонда ҳокимиятини ўрнатди. Дашти қипчоқ қабилалари эса Мовароуннаҳрда ўрнашиб қолдилар.

XV аср охири XVI аср бошларидаги Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тўғрисида ёзилган муаллифи номаълум «Тарихи гузидаи Нусратнома» Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Бобурнинг «Бобурнома» асарлари муҳим манбалар ҳисобланади.

Темурийзодалар ўртасидаги ўзаро урушлар, биродаркушликлар нафақат қуйи табақа аҳлининг, балки йирик зодагонларнинг ҳам норозликларига сабаб бўлди. Натижада Амир Темур асос солган улкан салтанат таназзулга юз тутди ва тугатилди. Темурийлардан кейин ҳокимият тепасига келган шайбонийлар сулоласи даврида ҳам марказий ҳокимият унчалик мустаҳкам эмас эди (бу ўринда Абдуллахон II ҳукмронлиги даври (1583-1598) бирмунча диққатга сазовордир). Бу ҳолат ўша давр Ватанимиз ҳудудларининг парчаланиб, алоҳида давлатларга бўлиниб кетиши ва заифлашуви учун замин яратди.